ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти

БОЛТА ЖЎРАЕВ

# ЮҚОРИ ҚАШҚАДАРЁ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИ

(Тасниф, текстлар ва луғат)

ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ
Тошкент·1969

www.ziyouz.com kutubxonasi

*Асарда юқори Қашқадарё ўзбек шевалари 3 группага (шаҳар, қипчоқ ва оралиқ) тасниф этилади ва уларнинг фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари келтирилади. Шу территорияда яшовчи ва тил хусусиятларига кўра қипчоқ группа шеваларига кирувчи турли-туман уруғ-қабила вакиллари (қўнғирот, қутчи, сарой, минжир, ачамайли, тарахли, чуют, манғит, барлос ва бошқалар) оғзидан ёзиб олинган текст намуналари келтирилиб изоҳ этилган ҳамда ўрганилаётган ўзбек шеваларининг лексик хусусиятларини характерловчи, адабий тилда қўлланилмайдиган сўз ва сўз бирикмаларининг луғати берилган,*

*Китоб тилшунослар, тарихчилар, этнографлар ва филология факультетларининг аспирантлари, студентлари ҳамда ўзбек тили ўқитувчиларига мўлжалланган.*

*Масъул муҳаррир*

ЎзССР ФА мухбир аъзоси
филология фанлари доктори
Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ

7-1-3

www.ziyouz.com kutubxonasi

# КИРИШ

Юқори Қашқадарё территория жиҳатдан шимол томондан Самарқанд области, Шарқдан Тожикистон ССР, шарқий жануб томондан Сурхондарё области, жанубий ғарбдан Қашқадарё областининг Ғузор райони ва жануб томондан шу областнинг Косон райони билан чегарадошдир. Бу территорияда тўртта маъмурий район жойлашган[1]. Аҳолиси эса этник нуқтаи назардан бир хил эмас.

Шаҳрисабз ва Китоб посёлкасида, шунингдек буларга яқин қишлоқларда яшовчи аҳоли ўзининг кенагас уруғига мансублигини таъкидлайди. Шу билан бирга, Шаҳрисабз районида кўпгина аҳоли пунктлари ва қишлоқлар ҳам борки, уларнинг халқлари ўзларининг қайси уруққа мансуб эканликларини аниқ айта олмайдилар.

Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ районларида ва Шаҳрисабз районининг шарқи жануб, ғарб ва ғарби шимол томонларида яшовчи аҳолининг деярли ҳаммаси ўзи мансуб бўлган уруғни жуда яхши билади. Чунончи, шу территорияда қипчоқ сарой (бўлимлари: қазайағли, қулчан, мирзатўп, қарғаяқ, қирқаяқ, қанжиғали, найман сарой, шагарак, абахли, ғўчқарбулақ, чаркўса ва ҳ.), қутчи, уз (бўлимлари: мирза, олатўн, чибат, сўпи), чуют, қўнғирот, чилжугут//чилжигит, қулас, қияқи, уймаут, қангли, минжир, қия(н)ни, қовчин, қатаған, ачамайли, месит, боташ, нўғайли, манғит, қўштомғали, тарахли, чиғатай//чағатай, нудучи, мусо//мусобозор, барлос, ховоти, хўжа//гўжа, қорағасмоқ сингари турли хил уруғ-аймоқ вакиллари мавжудлиги қайд этилди. Булардан айримлари бутун территория бўйича анча кенг тарқалган ва сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилади. Масалан, қипчоқ сарой, қўнғирот, уз, чуют, қутчи, минжир, қовчин,

---

[1] Булар Шаҳрисабз, Чироқчи, Яккабоғ ва Қамаши районлари бўлиб, собиқ Китоб, Мироқи, Кўкбулоқ районлари территорияси ҳам шуларга қўшилиб йириклаштирилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

барлос, хўжа кабилар анча кўп. Айримлари эса жуда озчиликни ташкил қилади. Бунга мисол қилиб қангли, нудучи, ховоти, қорағасмоқ, болғали кабиларни кўрсатиш мумкин. Чироқчи райони аҳолисининг кўпчилигини қипчоқ саройлилар ташкил қилса, Қамаши райони аҳолисининг аксарияти қўнғиротлилардан иборат. Шунингдек барлослар, асосан, собиқ Китоб районининг тоғли қишлоқларида, қовчин, месит уруғларига мансуб аҳолининг деярли ҳаммаси Яккабоғ район территориясида ва тарахли, ачамайли уруғларига қарашли аҳолининг аксарияти собиқ Мироқи райони қишлоқларида яшайди.

Юқори Қашқадарёда қайд этилган айрим уруғларнинг вакиллари бундан ташқари Қуйи Қашқадарё территориясида, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро областларида ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа районларида ва шунингдек, Тожикистон, Қорақалпоғистон сингари республикамизнинг ташқарисида ҳам маълум даражада учрайди.

Бу территория аҳолисининг машғулотига келганда, Шаҳрисабз ва Яккабоғ районлари аҳолиси асосан пахтачилик ва шу билан бирга чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик ва полизчилик билан, Қамаши, Чироқчи районлари аҳолиси асосан ғаллачилик ва чорвачилик, шунингдек пахтачилик ва қисман боғдорчилик билан шуғулланади. Китоб ва Шаҳрисабз марказида яшовчи аҳоли каштачиликда машҳур. Бундан ташқари бу ерда кулолчилик, тўқимачилик, дурадгорлик, новвойлик, шираворчилик ҳунарлари билан ҳам қадимдан шуғулланиб келинган. Қамаши, Чироқчи, Яккабоғ районлари аҳолиси ўртасида қўлда (оддий дастгоҳда) гилам тўқиш анча кенг тарқалган. Моҳир чорвачи барлосларнинг эса кигиз босиш ҳунари ҳам бор.

Ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан ҳам Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари бир хил эмас.

* *
*

Қўлингиздаги бу китоб Юқори Қашқадарё ўзбек шеваларининг тил хусусиятларини ёритишга, уларнинг умумўзбек тили тараққиётида тутган ўзига хос ролини кўрсатишга бағишланган бўлиб, мазкур территориядаги барча шевалар ҳақида яхлитлигича ва тўлиқроқ маълумот берадиган биринчи ишдир.

Бунга қадар ўзбек шева ва диалектларининг таснифи, уларнинг бирини иккинчиси билан қиёслаш, группалаштириш каби муносабатлар билан тилшунос—диалектологлардан



www.ziyouz.com kutubxonasi

проф. Ғози Олим[2], Е. Д. Поливанов[3], В. В. Решетов ва Ш. Шоабдураҳмоновлар[4] Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ районлари ва барлос, сарой, кенагас сингари уруғ-аймоғ номларини тилга олиб ўтганлар. Шунингдек, проф. Собиржон Иброҳимов Шаҳрисабзнинг кулол, каштачи ва бошқа ҳунармандлари тилидан касб-ҳунар терминлари ҳамда Чироқчи районидаги қипчоқларнинг тил хусусиятларига оид айрим материаллар тўплаган[5]. Ниҳоят, Юқори Қашқадарё территориясидаги, асосан шаҳар тип шеваларнинг тил хусусиятлари ҳақида бизнинг бир қатор монография ва мақолаларимиз босилиб чиқди[6].

Бу территориядаги қипчоқ группа шевалар ҳамда оралиқ группа деб номланган шевалар вакиллари ўзининг этник составига кўра, ўзбекнинг хилма-хил (етмишдан ортиқ)[7] уруғ-аймоғидан ташкил топганлиги ва ҳозирга қадар бу шевалар ҳақида тўлароқ маълумот йўқлиги ҳисобга олиниб, уларнинг тил хусусиятларини ёритадиган тадқиқот ва материалларга (текстлар ва луғатга) китобдан кўпроқ ўрин берилди. Шунингдек, Юқори Қашқадарё шевалари бўйича бир бутун тасаввур ҳосил қилиш мақсадида бу ердаги шаҳар тип шевалар тўғрисида ҳам қисқача маълумот бериб ўтилди.

Бу территориядаги аҳолининг тарихи ва тараққиёти, бошқа халқлар билан сиёсий, иқтисодий муносабатлари ва аралашуви; уларнинг тилидаги ўсиш, ўзгариш процесслари; бошқа ўзбек шевалари билан алоқаси, улар билан муштарак бўлган ва ажралиб турадиган тил хусусиятлари; шу ернинг ўзидаги турли группа шеваларнинг ўзаро бир-бирига таъсири, яқинлашуви, мослашуви, ассимиляциялашуви

---

[2] Қаранг: проф. Ғози Олим. Ўзбек лаҳжаларининг таснифида бир тажриба, Тошкент, 1936.

[3] Доклады АН СССР, 5, 1928; Е. Д. Поливанов. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык, Ташкент, 1933.

[4] В. Решетов, Ш. Шоабдураҳмонов. Ўзбек диалектологияси, Тошкент, 1962. Бу асарда Китоб шевасидан намуна ҳам келтирилган.

[5] Қипчоқ шевасига оид бу материаллар матбуотда эълон қилинмаган.

[6] Қаранг: Б. Джураев. Шахрисябзский говор узбекского языка, Ташкент, 1964: Б. Жўраев, Китоб-Шаҳрисабз шевасида унлиларнинг чўзилиш ҳодисаси, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари" ж. № 1, 1962; Б. Жўраев, Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари, ўша журнал, № 5, 1965; Б. Жўраев, Юқори Қашқадарё шеваларида „сувуты"нинг маъноси, ўша журнал, № 4, 1966; Б. Жўраев, Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси, „Ўзбек шевалари лексикаси" тўплами, Тошкент, 1966 (160 — 292-бетлар) ва бошқалар.

[7] Ахборотчилар тилидан диалектологик экспедициялар давомида ёзиб олинган уруғ-аймоғлар рўйхати ишнинг охирида илова қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

қаби масалаларни ёритиш мазкур ишимизнинг вазифасига кирмаганлиги учун бу ҳақда китобда батафсил тўхтамадик. Бу хил муҳим масалалар устида чуқур ва ҳар томонлама илмий-тадқиқот ишлари олиб бориб, катта монографик асар яратишни ўзимизнинг галдаги вазифамиз деб биламиз.

Китоб икки катта қисмдан иборат. Биринчи қисм уч бобга бўлиниб, унинг ҳар боби уч группадан ташкил топган Юқори Қашқадарё шеваларининг ҳар қайси группасини ёритишга бағишланади. Таснифга кўра, аввал ҳар бир группадаги шеваларнинг тарқалиш доираси ва ўзига хос фонетик, грамматик, лексик хусусиятларидан энг муҳимлари санаб ўтилади ва сўнг текстлар келтирилади. Текстлар бошқа тилга таржима қилинмай, фақат ўзбек диалектологлари ўртасида қабул қилинган транскрипцияда ёзилганлиги сабабли ва кенгроқ масштабда тилшунос ва туркологлар учун ҳам унинг тўғри ўқилиши ва тушунилишини таъминлаш мақсадида текстлар остига тегишли изоҳлар берилди.

Бу территориядаги қипчоқ шеваларининг шаҳар шеваларига қараб ўзгара бориш даражаси аниқ тасаввур қилинсин деб текстлар биринчи группадаги шевалар учун юқори даражада характерли бўлганидан бошланиб, ўз хусусиятлари билан иккинчи группа шеваларга яқинроқ турган текстлар билан тугади. Иккинчи группадаги оралиқ шевалар бўйича келтирилган текстлар ҳам худди шу принципда берилди. Ишнинг иккинчи қисми луғатдан иборат. Бунда „Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси“[8] деган ишимизга киритилмаган ва кейинги экспедициялар давомида тўпланган сўз—терминлар берилди, холос. Олдинги луғатдан бунинг фарқи шундаки, кейингисида ҳар бир сўзнинг шевалараро учрайдиган синонимлари, иложи борича, шу сўзнинг ёнида берилди. Бу луғат бутун Юқори Қашқадарё шевалари лексикаси ҳақида умумий тасаввур қолдириш учун намуна тарзидагина келтирилди. Бу шеваларнинг фақат ўзига хос сўз бойлигини бирмунча қамраб оладиган қилиб яхлит луғат тузиш ишини кейинроқ амалга оширмоқчимиз.

Ҳар қандай илмий асар шу соҳадаги фан арбобларининг бевосита ёки билвосита иштирокисиз вужудга келмаганидек, бу ишнинг ҳам юзага чиқишида турколог ва диалектолог олимларимизнинг хизматлари катта бўлди. Юқори Қашқадарё ўзбек шеваларини ўрганиш бўйича ҳал қилиниши лозим бўлган қатор проблематик масалалар ва

---

[8] Қаранг: „Ўзбек шевалари лексикаси“ тўплами, Тошкент, 1966.



www.ziyouz.com kutubxonasi

уларни илмий жиҳатдан ёритиш йўллари ҳақида профессорлар: Э. В. Севортян, Н. А. Баскаков, В. В. Решетов, филология фанлари кандидати А. А. Кокляновалар жуда фойдали маслаҳатлар бердилар. Ўзбек диалектологияси секторининг бошлиғи филология фанлари доктори Шоназар Шоабдураҳмонов мазкур ишимизнинг қўлёзмасини кўриб чиқиб, қимматли фикрлар айтди ва муҳаррир сифатида вақт ва меҳнатини аямай нашрга тайёрлади, унинг китоб бўлиб чиқишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Буниаг учун уларга самимий миннатдорчилик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Фаннинг бир неча тармоқлари борки, ундаги проблемаларнинг ҳал қилиниши, унинг ютуғи кенг жамоатчиликнииг актив иштироки ва яқиндан берган ёрдами билангина белгиланади. Диалектология ҳам фаннинг мана шундай тармоқларидандир.

Мингдан ортиқ қишлоқ ва аҳоли пунктлари бўлган, бўйи 140—150 *км* ва эни 100 *км* дан ортиқ келадиган территория бўйлаб диалектологик материал тўплашда партия ва совет ходимлари, ўқитувчилар, врачлар сингари маҳаллий интеллигенция, қишлоқ хўжалик активлари, барча колхозчилар ва совхоз ишчилари ҳар томонлама ёрдам бермаганларида эди нисбатан қисқа муддат ичида бутун территорияни айланиб чиқиб, бу ердаги шевалар ҳақида етарли материал тўплаш (шунингдек, магнитофонда ҳам ўн минг метрга яқин магнит лентаси ёзиб олинган) мутлақо мумкин бўлмас эди ёки бунинг учун бир неча ўн йиллар талаб қилинар эди.

Юқори Қашқадарё районларига расмий равишда бир неча бор (1957, 1960, 1962, 1964, 1965 йиллар) уюштирилган диалектологик экспедициялар ниҳоятда самарали бўлди. Бундан ташқари 1956 йилдан бошлаб турли баҳоналар билан бу ерларга норасмий равишда қилинган ҳар бир сафаримиз ҳам йўл-йўлакай материал тўплашга ёрдам берди.

Халқимизнинг битмас-туганмас маънавий бойлиги — тил хазинасини ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганишда актив қатнашиб, бизнинг бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларимизнинг ривожига катта ёрдам кўрсатган Абдуллаев Ибодулла, Абдиев Бурҳон, Эшев Файзулла, Муҳаммадиев Мавлонқул, Тўраев Озод (Шаҳрисабз р-ни); Қурбонов Пўлат, Тиловов Бойназар, Ғуломов Ибодулла, Жўраев Жавли (Чироқчи р-ни); Эшев Раҳим, Муродова Қурбон (Яккабоғ р-ни); Самадов Маннон, Ҳамроев Хуррам (Қамаши р-ни) ва бошқаларга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу китобни абадий хотира сифатида ўзининг сон-саноқсиз эртаклари билан мени жонли тилга қизиқтирган ва унинг сирларини уқиб олишга қўлидан келганича ўргатган биринчи муаллимам—онам марҳума Муяссар Уста Самеъ қизига бағишлайман.

## Шартли қисқартмалар

*А-б.* — Чироқчи район, Араббанди қишлоғи.
*Айр.* — Китоб посёлкаси, Айрончи қишлоғи.
*А-қ.* — Қамаши район, Араб қишлоғи (Паст ва Катта Араб).
*анат.* — анатомияга доир.
*арх.* — архаик сўз.
*бар.* — Шаҳрисабз районидаги барлослар (шеваси).
*Бат.* — Яккабоғ район, Баташ қишлоғи.
*Б-т.* — Китоб посёлкаси, Бештерак қишлоғи.
*Баш.* — Китоб посёлкаси, Башир қишлоғи.
*ва ҳ.* — ва ҳоказо.
*В.-Ш.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи район территорияси), Вордон, Шўрҳасан қишлоқлари.
*Жар.*— Қамаши район, Жартепа қишлоқ Советига қарашли Қуччи қишлоғи.
*Ж. к.*— жўналиш келишиги.
*Зоғ.* — Яккабоғ район, Зоғча қишлоғи.
*Кам.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи р-н территорияси), Камар қишлоғи.
*К-б.* — Қамаши район, Кўк булоқ участкаси.
*К-д.* — Чироқчи район, Кўк дала совхози.
*к. м.* — кўчма маънода.
*Кой.* — Китоб посёлкаси, Койни қишлоғи.
*Ком.* — Чироқчи район, „Коммуна“ колхози.
*Ктб.* — Китоб посёлкаси маркази.
*К.-Ш.* — Китоб — Шаҳрисабз.
*Ланг.* — Қамаши район, Лангар қишлоқ совети.
*Мак.* — Китоб посёлкаси, Макрид қишлоғи.
*М.-б.* — Мусобозорлар (шеваси).
*Мнж.* — Шаҳрисабз район, Минжир қишлоғи.
*М-т.* — Чироқчи район, Мирзатўп қишлоғи.
*О. б.* — Китоб посёлкаси, Оёқчи участкасидаги барлослар (шеваси).
*Оёқ.* — Китоб посёлкаси, Оёқчи участкаси.
*О-қ.* — Китоб посёлкаси, Ола қўйлиқ қишлоғи.
*Пал.* — Китоб посёлкаси, Паландара қишлоғи.
*Пан.* — Китоб посёлкаси, Панжи қишлоғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сав.* — Қамаши район, Савсан қишлоғи.
*Сан.* — Китоб посёлкаси, Санам қишлоқ.
*Сев.* — Китоб посёлкаси, Севаз қишлоғи.
*С.-о.* — Китоб посёлкаси, Сари Осиё қишлоғи.
*С-т.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи район территорияси), Сув тушар қишлоғи.
*С-тар.* — Сув тушар қишлоғидаги тарахли уруғига мансуб аҳоли (шеваси).
*С-чиғ.* — Сув тушар қишлоғидаги чиғатой (шеваси).
*Тат.* — Яккабоғ район, Татар қишлоғи уруғига мансуб аҳоли (шеваси).
*Т-ж.* — Чироқчи район, Торжилға қишлоғи.
*Тол* — Қамаши район, Катта Тол қишлоғи.
*Тур.* — Яккабоғ район, Юқори ва Паст Турон қишлоқлари.
*тшк.* — Тошкент шевасида.
*Уйш.* — Қамаши район, Уйшун қишлоғи.
*Уст.* — Яккабоғ район, Устай қишлоғи.
*ф.-т.* — форс-тожик.
*Хай.* — Китоб посёлкаси, Хайробод қишлоғи.
*Хит.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи район территорияси), Хитой қишлоғи.
*Х-к.* — Китоб посёлкаси, Хўжайимкана қишлоғи.
*Х.-Қ.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи район территорияси), Хуммон ва Қорабайир қишлоқлари.
*Чеч.* — Китоб посёлкаси, Чечак қишлоғи.
*Ч-ж.* Китоб посёлкаси, Чилжугут//Чилжигит қишлоғи.
*Чир.* — Чироқчи район маркази.
*Чиял* — Чироқ район, Чиял группа қишлоқлар.
*Ш.-Б.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи район территорияси), Шўрқул ва Башқоб қишлоқлари.
*Ш.к.* — шу кабилар.
*Шҳн.* — Шаҳрисабз район (собиқ Мироқи район территорияси), Шўрҳасан қишлоғи.
*Шҳр.* — Шаҳрисабз шаҳри.
*Ю. Қ.* — Юқори Қашқадарё.
*Я-қ.* — Китоб посёлкаси, Айрончи қишлоғи ёнидаги янги қишлоқ.
*Ў-қ.* — Китоб посёлкаси, Ўрис қишлоқ.
*Ўрта* — Яккабоғ район, Ўрта қишлоқ.
*қ.* — қаранг.
*Қам.* — Қамаши район маркази.
*Қар.* — Собиқ Мироқи район, Қорабайир қишлоғи.
*Қ-б.* — Қамаши район, Қорабоғ қишлоқ, Сарбозор маҳалласи.


www.ziyouz.com kutubxonasi

*Қоз.* — Чироқчи район, Қозиёғли қишлоғи.
*Қом.* — Қамаши район, Қомай қишлоғи.
*Қуч.* — Китоб посёлкаси, Қуччи қишлоғи.
*Қ-ш.* — Яккабоғ район, Қорашайх қишлоғи.
*Қ. қ.* — қиёс қилинг.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮҚОРИ ҚАШҚАДАРЁ ЎЗБЕК ШЕВАЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

Бутун территория бўйича тўпланган шева материалларининг лингвистик анализига кўра, бу ердаги ўзбек шеваларини уч катта группага бўлиб қараш мумкин.

I. Ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжасига хос шевалар, II. Ўзбек тилининг қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасига хос (ёки шаҳар типидаги) шевалар, III. Оралиқ шевалар[1].

### Юқори Қашқадарёдаги қипчоқ шевалари

Биринчи группадаги шевалар территориал жиҳатдан Чироқчи, Қамаши, Яккабоғ районларида ва Шаҳрисабз районининг шарқий жануб ва ғарбий шимол томондаги қишлоқларида яшайди.

Қипчоқ группасига киритилувчи шеваларнинг ҳаммасини ўзининг тил хусусиятлари жиҳатидан бутун территория бўйича бир хил деб бўлмайди. Айрим шеваларда унлилардаги сингармонизм ҳодисаси (бу фақат танглай оҳангдорлигида кўринади) жуда кучли. Ҳатто от, сифат, сифатдош, равишдош (кўпинча сўроқ юкламаси билан келганда) кабиларга *экан*, *эди*, *эмиш* компонентлари қўшилганда олдинги сўзнинг каттиқ-юмшоқлигига қараб аффикслар сингари булар ҳам ўзгаради. Масалан: *бароқан (бор экан)*, *кувәкән* (кўп экан), *барғанақан*, *кегәнәкән*, *барыппақан* (борибмикан), *келиппәкән* ва ҳоказо. Бу хил шеваларда лабланувчи у, ү унлилари ўрнида ҳам акcарият ы, и сингари танглай унлиларини ишлатиш характерлидир. Масалан: *быгын* (бугун), *гырың* (гурунг), *шивиртки*||*шыбыртқы* (супурги), *жүзик* (узук) сингари. Бу жиҳатдан Чироқчи районидаги қутчи, уз, қазайағли, қисман чуют уруғларига қарашли шева вакиллари ва Қамаши районидаги қўнғирот-

---

[1] Қулайлик учун бундан кейин I. Юқори Қашқадарё қипчоқ шевалари, II. Шаҳар типидаги шевалар ва III. Оралиқ шевалар деб юритамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар тили алоҳида аҳамиятга эга. Бу группадаги шеваларнинг иккинчи турида эса, сингармонизм ҳодисаси (танглай оҳангдорлиги) сақланган бўлса-да, у *эмоқ* тўлиқсиз феълидан ясалган компонентларга таъсир ўтказмайди: *бэр экэн*, *бэрған экэн* каби. Шунингдек бошқа ўринларда ҳам сингармонизм қонуниятининг бузилиши, [ж] ўрнида кўпинча [й]ни ишлатишга уриниш, баъзан жўналиш келишигини ўрин-пайт ва тушум келишигини қаратқич келишиклари вазифасида қўлланиш каби ҳоллар рўй беради. Бу хил шева вакиллари одатда шаҳарга яқин қишлоқларда, шаҳар типидаги ёки оралиқ шевалар вакилларига қўшни аҳоли пунктларида яшайдилар. Бунга мисол қилиб собиқ Китоб районидаги Минжир, Бештерак, Яккатут қишлоқларида, Яккабоғ районидаги Турон, Ўрта қишлоқларида, Чироқчи ва Қамаши районлари марказларида, Яккабоғ станциясида, собиқ Мироқи районидаги Башқоб, Шўрқул қишлоқларида яшовчи аҳолининг шеваларини кўрсатиш мумкин.

Шуни назарда тутиб, қуйида қипчоқ группасидаги шеваларнинг ўзига хос фонетик, морфологик ва лексик хусусиятлари берилганда биринчи турдаги шевалар учун характерлилари (1) билан, иккинчи турдаги шеваларга хослари (2) билан кўрсатилди. Бу ҳар иккала турга муштарак шева хусусиятлари учун ҳеч қандай белги қўйилмади.

**Юқори Қашқадарё қипчоқ шеваларини характерловчи лингвистик хусусиятлар:**

I. Фонетик хусусиятлар.

1. Унлилар системаси 9—10 фонемадан иборат: а, э, ɔ (ȧ)[2], о, ө, у, ү, ы, и, е (э).

2. Унлиларда сингармонизм қонунияти ҳам мавжудки, у фақат танглай оҳангдорлигида (небная гармония) юз беради[3]. Бироқ унинг таъсир доираси бу территориядаги барча қипчоқ шевалари учун бирдай эмас. Бу ҳол қўшимчалар-

---

[2] (1) турдаги қипчоқ шеваларида [ȧ] нинг дифференциал роли сезилмайди. Адабий тил ёки шаҳар типидаги шевалар нуқтаи назаридан [ɔ] ишлатилиши лозим бўлган ҳамма ўринларда деярли [а] ёки [э] ишлатилади. Баъзан т, с, в, б, қ, ғ, х ундошлари ва айрим сонорлар билан ёнма-ён келганда қаттиқ [ȧ] нинг ишлатилиш ҳоллари учрайди. Мас. *мȧ:ны* (мана); *қȧ:ны* (қани); *сȧпқыз* (совхоз); *қȧмȧчы* (Қамаши); *бȧлық* (балиқ); *тȧндир* (тандир); *тȧ:ры* (тариқ); *хȧлқ* (халқ) ва ҳоказо (қ. 4-банд).

[3] Тўпланган материаллар ичида айрим ўринлардагина лаб оҳангдорлиги (губная гармония) қайд этилди (мас., *турупту*, *қудүхтуң ичидэ төгүлүп жқа:пты*, *тоқуғуч* ва бошқалар). Лекин у қонуният тарзида ва системали равишда эмас. Аксарият ҳолларда лаб унлиларидан у, ү ўрнида ҳам ы, и унлиларининг ишлатилиши характерли (қаранг: 12).



www.ziyouz.com kutubxonasi

дагина эмас, балки айнан бир сўзнинг ёки сўз формасининг шеваларaро қаттиқ ва юмшоқ вариантларда ишлатилишида ҳам кўринади. Мас.: *қ. қ. тайлағанақан* (1), *тәйләгәнәкән* (2); *гаштыға* (1), *гәштигә* (2); *устыға* (1), *үстигә* (2); *сызарға* (1), *сизәргә* (2); *ҳазырғы* (1); *ҳәзирги* (2); *отқандақай* (1), *өткәндәкәй* (2); *айтқанақан* (1), *әйткәнәкән* (2); *унықы* (1); *үники* (2); *қыйақ* > *қыйәк-ко* (2), *отқазғанидим* (2) ва шу кабилар.

3. Ўрта тор ва ўрта кенг [о], [ө], [е] унлиларида дифтонглашув ҳодисаси рўй беради. У тор унли билан бошланиб, кенгая бориш характерига эга. Мас.: *у$^{ө}$лмәйди* (1), *и$^{е}$лув* (1) — 50, *у$^{о}$рыпты*(1); *и$^{е}$гәр* (1), *ми$^{е}$н* (1) ва ҳоказо. Дифтонглашув ҳодисаси ҳам бу группадаги ҳамма шевалар учун бир хил характерга хос хусусият эмас. У биринчи турдаги шевалардан тўпланган материаллар ичида кўпроқ учрайди. Лекин унинг бу ўринда ҳам системали тарзда ишлатилмаслиги, бу қонуниятдан чекланиш ҳоллари борлиги сезилади.

4. Чўзиқ унлилар ишлатилади:

а) а а, ә, о унлилари сўз ўзагининг биринчи ва асосан очиқ бўғинида[4]. Мас., *қа:ны//қа:ны* (қани); *на:ны воса* (нони бўлса), *а:лыстан, ша:быны*; *йа:нымда* (ёнимда), *бә:рини*, *ә:ширип* (Ашуров), *о:ларам* (улар ҳам), *о:ңа* (унга).

б) а, ә унлилари сўзнинг иккинчи ва учинчи очиқ бўғинида (одатда қўшимчадан олдин). Мас., *басма:чылар*, *домбыра:ны*, *йона:тың* (жўнатинг), *илгә:ри*, *аппа:рып* (олиб бориб) каби.

Бу ҳодисанинг ундош билан ва [а] унлиси билан битган феъл ўзагидан ясалувчи ҳозирги-келаси замон формасида айниқса изчиллик билан юз бериши алоҳида аҳамиятга эга. Мас., *бара:ды//бара:ды, келә:ди, ишлә:йди, кэтмә:йди* сингари. Айрим шеваларда эса (масалан, Яккабоғ районидаги Ўрта қишлоқ шевасида) -ды(-ди) қўшимчаси ниҳоятда кучсиз талаффуз қилиниб, бу формадаги фонетиқ ўзгариш янада кескинроқ тус олади. Бу форманинг талаффузи эшитувчида -ды(-ди) аффикси ўрнида олдинги а(ә) унлисида чўзилиш кўпроқ юз бериб, баъзан сўзнинг охири қандайдир сезилар-сезилмас ҳ(и) товуши билан тугагандай таассурот қолдиради. Мас., *нимиш қыла:(ҳы), өзи келә:(ҳи)* сингари.

---

[4] Бу ҳодиса кўпроқ (I) турдаги шевалар учун характерлидир.



www.ziyouz.com kutubxonasi

в) [ȧ], [ә], [ɔ], [о], [у], [ү], [е], [и], (ы) унлиларида сўз ичидан, шунингдек икки сўз ўртасида биринчи сўзнинг охирги бўғинидан маълум бир товуш ёки товушлар бирикмасининг тушиб қолиши ҳисобига чўзиқлик ҳосил бўлади.

1. [ҳ], [ғ], [н] сингари алоҳида товушлар тушуви ҳисобига: *ми:нәтим, кү:нәгә, ме:ман, жаңңа:ды шахыда, көː:ним бома:ды* сингари.

2. Қуйидаги товушлар бирикмаси тушуви ҳисобига: *-гә, -ги—әрмийә: кеткән, ергә ти::п кетти, тәйлә::чийди, кечә::дән қағаны; -ға, -ғы, -ғу — розықулбайдықа:, чақала::йығлә:кән, су::рып тәйлә, бу::ны қатып қаған, тама::м аврыған, дума::чахма?; -қы, -қи*[5] —*билсә::зәр керәк, әкә::з кеттимә?, ҳарма::зар.; -ҳа, ҳә—шә::рге кетти: бә::ри егин; наса::т қың; о мә::лләр; -ни, -ли — көргә::м жоқ, түшкә::ни әйтиң, абдыха::л* (Абдихалил), шунингдек, *жолдан өтү::т(и)-тә* (йўлдан ўтиб эди-да), *жылаб жә::рди* (йиғлаб юборди) ва бошқалар.

3. Кўпинча [ы], [и], [е] унлиларида эмфатик чўзиқлик ҳосил бўлади.

а) Иш-ҳаракатнинг нисбатан узоқ давом этганлигини ифодалайди. Мас., *атқа миндириб алы::б жүрсәң; шундай айланы::п келди.*

б) Иш-ҳаракатнинг мутлоқ ва аллақачонлар воқе бўлганлигини билдиради. Мас., *тити::п тәйләди; ке::тти* ва ҳоказо.

4. [ȧ] унлиси шаҳар типидаги ва оралиқ шеваларидаги [ɔ] дан ҳам сифат, ҳам сон жиҳатдан кескин фарқ қилади. Кейинги [ɔ]га нисбатан у сал чўзиқроқ бўлиб, тилнинг орқа томонида оғиз бўшлиғи бўғиз томонга қараб анча кенгайган, орқа танглай ва тил орқа мускуллари бир оз таранглашган бир вазиятда ҳосил бўлади. У аксарият ҳолларда биринчи бўғиндагина кўпинча сонорлар ва [в], [қ], [ғ] билан ёнма-ён келганда ишлатилади. Бу жиҳатдан (1) турдаги шевалар жуда характерлидир. Мас., *балық, шалғам, ма:ны, на:*[в]*мат* (навбат), *сарай, ҳарам, бавaның улы, қач*, қаймақ, қама:чи, ғалла, ағам боса, ғам жемә каби.

5. [а] ўрнида [ы] ва аксинча [и], [ы] ўрнида [ә], [а] ишлатиш ҳоллари учрайди. Мас., *ортанчы үкәси, хылачөп//*

---

[5] Бу товуш бирикмаларининг тушуви натижасида олдинги унли чўзиқлик олиш билан бир қаторда димоғ (бурун) унлиси сифатида ҳам талаффуз қилинади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*хыла чөки, ма:ны* (мана), *җаңатан* (янгидан), *салый-бирдик* (сола бердик), *қараңада* (қоронғида), *астағана, кичәнә||кичкәнә, мийиз.*

6. Шаҳар шеваларига нисбатан баъзан юмшоқ ўзакли сўзларнинг биринчи бўғинидагина [а] ўрнида [е] ишлатилади. Мас., *зейнәп, севәт, челәк, сес, кеклик, десйәр, тейлә* (ташла), *леп* (лаб) сингари.

7. Айрим ҳолларда эса аксинча [э] ўрнида ә қўлланилишини кўрамиз. Мас., *мәвә, әчкәмәр* (эчкиэмар).

8. Этимологик [ɔ] ўрнида [о] ишлатилиши учрайди. Мас., *хой ишәниң, хой ишәнмәң.*

9. Айрим ҳолларда (асосан (2) турдаги шеваларда) [ɔ] унлисининг фонетик вазиятга кўра, қаттиқ ва юмшоқ (индиферент) вариантларда ишлатилиши сезилади. Мас., *қ. қ. ɔрɔвәкәшидим* (ɔ—юмшоқ), *тɔрɔқ* (ɔ—қаттиқ), *гɔвигә қараң* (ɔ—юмшоқ), *ғɔвға* (ɔ—қаттиқ), *чɔрвәйәкән* (ɔ—юмшоқ), *чɔрық* (ɔ—қаттиқ) ва ҳоказо.

10. Баъзан [в] билан ёнма-ён келганда [а] ўрнида [у] талаффуз этилади. Мас., *җуваб бер* (жавоб бер), *җылы-җылы гәвләрдән җылан иннән чығаймуш, сувуқ-сувуқ гәвләрдән мусурмән диннән чығаймуш.*

11. Айрим ҳолларда биринчи бўғинда келадиган [ў] ёки [о] ўрнида [у], [ү] (яъни сифат жиҳатдан торроқ) ва аксинча [у] ўрнида [о], [ө] (яъни сифат жиҳатдан кенгроқ) ишлатилади. Мас., *күвәкән* (кўп экан), *үргәнип қой, тувры* (тўғри) *кү:нәгә, күйләк*[6], *бу: :валдым* (бўғиб олдим); *қолай, шойардайди-ко, ойахларда, шондан бери, қөйән, болардың*[7] *өзи* каби.

12. Аксарият ҳолларда [у] ўрнида [ы], [и] қўлланилади. Бу жиҳатдан Чироқчи районидаги қутчи, сарой ва уз уруғларига қарашли вакилларнинг шевалари жуда характерли. Мас., *ҳәр кин, тышыда* (тушида), *енди ыйға||ийгә кирәсиз, тыракең, бир ыхлап тырды, типирмә, ич кин қыдыққа тишип чығыпты, салығ ишләгәммә?* (солиқ ушлаганми?), *ҳɔ, бызылғыллар-ей* (бузилгурлар — қарғиш) ва бошқалар.

13. [э] ёки [е]нинг [ы], [и]га ўтиш (яъни торайиш) ҳоллари учрайди[8]: а) биринчи очиқ ва ёпиқ бўғинларда (мустақил сўзларда). Мас., *барыйбирдик, биштu:рәниң оғы* (бештира — бешотарнинг ўқи) *тиймәйди, никә кичәси* (ни-

---

[6] [у] ўрнида [ы], [и] ишлатиладиган шеваларда эса бу мисоллар *кивәкән, иргәнип, кийләк* шаклида бўлади (Қаранг: 12).

[7] [у] ўрнида [о], [ө] нинг ишлатилиши кўпинча олмошларда учрайди.

[8] Бу айниқса (1) турдаги шеваларга хос.



www.ziyouz.com kutubxonasi

коҳ кечаси), *жөрәләрини жыйып килди, жиртәк||йиртәк* (ер ток), *иҳтийәт боб ийә: ди* (эҳтиёт бўлиб эгади-букади), *тимирчи, бикәргә әп китти, кийнимдән ийәртип ки*$^{в}$*дим* (кетимдан эргаштириб келиб эдим) сингари; б) *эмоқ* тўлиқсиз феълидан ясалган морфема феъл ёки отларга қўшилиб келганда [ы], [и], [а], [ә] [у], [ү] унлиларига ўтади[9] ва баъзан мутлақо талаффуздан тушиб қолади. Мас., *барымуш, барыды||барыды, керәгимәс, кымақан||кимәкән, барақан, жатқанәкән, нимә дийәкән, кивүди* (келиб эди), *савуды* (солиб эди), *отырайыдық, барайыды, бәчәйдим, кетәйәкән, өтү: : т(и)-тә* (ўтиб эди-да), *қачан бувды, жатқанмуш* ва ҳоказо. Бундан ташқари [э] биринчи бўғинларда бир оз торайиб кенгая борадиган дифтонг сифатида ҳам талаффуз қилинади. Мас., *и*$^{е}$*нди, ми*$^{е}$*н, и*$^{е}$*сигә түшәди, и*$^{е}$*ктә нән.* Шунингдек, у, бу, шу кўрсатиш олмошларининг ер (йер) сўзига қўшилиб равиш ясалганда ҳам [е]нинг [а] тарзида талаффуз этилганлигини кўрамиз. Мас., *ойардағы, шойардама?* сингари.

14. Асосан (2) турдаги шеваларда, шунингдек қипчоқ лаҳжасига тегишли вакилларнинг интеллигенцияси, қишлоқ хўжалик активлари ва мактаб ўқувчилари ўртасида сингармонизм қонуниятининг бузилиши, унга бўйсунмаслик ҳоллари учрайди. Баъзан эса биргина шахснинг ўзида айни замонда бир сўзнинг ҳам қаттиқ, ҳам юмшоқ ўзакли вариантининг ишлатилиши, айрим ўринларда қаттиқ-юмшоқли сўз ўзакларига аффиксларнинг сингармонизм талабига мос равишда қўшилмасдан бефарқ қўлланилиши кўринади. Мас., *қ. қ. қолыда пәхры йәрлиги бәр, көб жиллик пилән ва бир неча йылғача, қыртыйам олған||өлгән йоқ* (ипак қурти ҳам ўлган йўқ), *жеззәмни есийә түширәй деған ва өзи бәраман дегән, тәрәзигә тәрткән вәқытта ва тәрәзыға тәртқанда, өзим өткәзған идим ва бәзәр отқандақай* (бозор ўтгандан кейин), *қызыгә ейтти, тойгә келди ва тойға бәрдық, тәвухләргә дән бер ва тәвухларға қәрадыңма?* ва бошқалар.

15. Бошқа қипчоқ шеваларидаги сингари сўзнинг бошида [й] ўрнида [ж] ишлатилади. Лекин тўпланган материалларнинг анализига кўра, (1) турдаги шеваларда саноқли сўзлардагина (мас., *йахшы, йалғыз, йорға* каби) ва (2) тур шеваларда бунга нисбатан кўпроқ миқдорда бу қонуният-

---

[9] Унли билан тугаган сўз формасига қўшилганда [ы], [и]дан олдин [й] орттирилади, ундош билан тугаган сўзлар бўлганда эса [й] улардан кейин келади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг бузилиши сезилади. Қишлоқ хўжалик активлари, интеллигенция ва ўқувчилар тилида бу нарса янада жиддийроқ тус олган, баъзан айни бир замонда [ж] билан ҳам, [й] билан ҳам ишлатавериш ҳоллари учрайди ва ҳатто айрим шахсларда ўзбек адабий тилида ишлатилиши лозим бўлган ўринларда ҳам [ж] ўрнида [й] талаффуз этиш тенденцияси борлиги аниқланди. Мас. *йаман*||*жаман жиртәк*||*йиртәк*, *жоқ*||*йоқ*, *еппә сеңә алыб йүрүш*, *йәным әчиди*, *әйдәҳәр*, *йәнән пәри*, *қатпатыр йона: тың*, *бизәргә бир йәр* (*жар*) *вәр*, *бийил жилдәм болаймиш*, *мә:н жирләрдиң йүзүмини жеп көрсәңиз*, *йәндәр* (*жондор*) ва ҳоказо.

16. *Бўлмоқ* феълидаги [б] нинг нутқ ичида портловчилик хусусияти йуқолиб, сирғалувчи [в] тарзида талаффуз этилиши, баъзан эса тушиб қолиши қайд қилинди[10]. Мас., *байларды қөйи волайды*, *кеткәни қоймаймыз вомаса, кәттә воп қәлды*, *жоғ* (*в*)*оп кеткән*. Сўзнинг ўртасида ҳам айрим ўринларда [б] нинг [в] га ўтиш ҳоллари учрайди[11]. Мас., *ма:лы шувалы* (<шубҳали); *шо саваблы*, *чигирткәниң жәвридән*, *тавып*, *қавыр башыға*, *дәйрә ләвигә*, *нәзвәй* (райҳон). Кўриниб турибдики, бу ҳодиса учун келтирилган мисоллар араб ва форс-тожик тилларидан қабул қилинган сўзлардан иборат.

Камдан-кам *-иб* билан битган равишдошдан сўнг унли билан бошланган сўз келганда (икки сўз ўртасида) б > в ҳодисаси рўй беради. Мас., *кийив аң*.

17. Сўз ўртасида [п] нинг, кўпинча икки унли ўртасида ва сонорлар олдидан, жаранглилашиб [б] га ўтиши ва баъзан сирғалувчи [в] тарзида ишлатилиши мумкин. Мас., *тобық*||*тувуғ*[x], *көбрәк керәк*, *тобрағ боған* (< тупроқ), *пул тоблаған*, *тавуп кесә*, *гә:биниң*[12] *ора:лы шо оның*, *ша:быны ап*, *чәвуп тәйләйди*, *чәвдырайыды*, *тәвәлмады* каби.

Шунингдек, аксинча [б] нинг жарангсизлашув (айниқса *-иб* билан битган равишдошга *бормоқ*, *бермоқ* феъллари кўмакчи феъл сифатида қўшилиб, мураккаб феъл ясалган-

---

[10] Бу ҳодиса *бормоқ* феълида ва *бор* сўзида ҳам баъзан содир бўлади. Мас., *бир кун ишкә вәрған*, *ектә улы вар*, *бир былақ вар* каби. Бу жиҳатдан Турон қишлоғи шеваси характерли.

[11] Худди шу вазиятда аксинча бўлиши ҳам мумкин: түбәктәй, тарбыз әпке каби.

[12] Бу мисол қўнғиротларда қайд этилган. Кўпчилик ҳолларда эса *гап* сўзининг ҳар қандай фонетик вазиятда ҳам *гәв* тарзида қўлланилиши учрайди. Мас., *жаңа: гәв-гәв* (ҳалиги гап-гап), *шоның гәвы мәнән*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

да) ҳодисаси учрайди. Мас., *а : ппа балам-ей, кирип парды* (1), *шоны айтып перәйиммә?, қыпперәмиз, жетип парды, күниң пыттыма?*

18. Худди шундай фонетик вазиятда ғ > в[13] ва аксинча в > ғ ҳодисалари юз беради. Мас., *бувдай, жаврын, жуван сән, қыс туватыған, авнаған*; *ғалла суғурайдық||сувурайдық, жуғунды||жу : : нды, шунингдек, б > в > г : иләй жавчы жүгәрә : ди||йүвәрә : ди.*

Шунга яқинроқ фонетик ҳодиса сифатида кўп бўғинли сўзларнинг охирида қ > в мавжудлигини ҳам кўрсатиш мумкин. Мас., *чанчув* (санчиқ), *арқав* (арқоқ) каби.

19. Кўп бўғинли сўзлар охирида [қ], [к] ундошлари тушиб қолади. Мас., *қатты, көпри, ыссы, аччы, қуйу, чүччи, өли жун, тири жун сингари.*

20. Икки унли ўртасида ёки сонорлар олдидан [ғ], [г] ундошларининг [й] га ўтиш ҳодисаси ҳам учрайди. Мас., *бәримис сыйамызма бу тамға, тиймәйди, жыйылып келди, әнәкәй ийә : ди* (ундан сўнг эгади, букади) каби.

21. Айрим сўзлардагина [а], [о], [у] унлилари олдидан сўз бошида [ҳ] баъзан [х] ундошлари қўшилиб келади. Мас., *ҳәррә||харра, ҳоқрайып қарады, ҳудда қысаң, ҳузур сорады* каби.

22. Икки унли ўртасида [к] жаранглилашиб [г] га ўтади. Мас., *иегин, қалпах тигә : ди*; *көгиш* (кўкимтир); *төгүп қой*; *мәйли, сөгиң*. Бу ҳодиса сўз ўзагида ёки қўшимча қўшилгандагина эмас, балки икки сўз бирикканда ҳам рўй беради. Мас., *көгегин* (кўк экин), *барма : гән* (< барма екән — бор эканми), *барәгән* (бор экан); шунингдек, *күчүгбәччә.*

23. Худди шундай фонетик вазиятда [қ] ҳам жаранглилашиб [ғ] га ўтади[14]. Мас., *тоғай, тоғайзар, қағынды, чығып кетти, урыб жығытты, қолыны сығай десәм.* Бу нарса икки сўз ўртасида ҳам [қ] биринчи сўз охирида келганда учрайди. Мас., *айтайығ енди* (< *айтайық*), *биз барсағам шо-да* (< *барсақ ҳам*), *мылтығ атты* каби. Бу хил охири [қ] билан тугаган сўзларга жарангли ундош

---

[13] Бир бўғинли сўзларда сўз охиридаги [ғ] нинг [в] га ўтиши эса умуман қипчоқ шевалари учун хос муҳим ҳодисадир. Мас., *тав* (тоғ), *бав* (боғ, боғланган), *сав* (соғ) каби.

[14] Бир бўғинли оқ, ўқ сўзлари ҳар доим ағ, оғ тарзида ишлатилади. Мас., *оғ җәләп кеткән, аг давул* каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(сонор) билан бошланган аффикс қўшилганда [қ] сирғалувчи [х] га ўтади. Мас., *чыхмайман*, *халайыхлар* ва ҳоказо. Аффикс [д] билан бошланган бўлса, қаратқич, тушум келишик қўшимчалари олдидан ҳам [х] ишлатилади ва шу билан бирга қўшимчадаги [д] жарангсизлашади, қаратқич, тушум келишик қўшимчалари *-туң*, *-түң, тың -тиң, -ты, -ти* шаклида қўлланилади. Мас., *қудухтуң ичидә, қышлахтан*, *кин чыхты*, *пашалыхтың*, *у°рахты бер* кабилар. Шунингдек, қ. қ. *думах чахма?*

24. Сонор товушлар [н], [м], [р] дан сўнг [т] ва икки очиқ бўғинли сўзларда одатда [а] дан сўнг [й] орттирилади. Мас., *қыйынт әмәсмә?, асант иш жоқ, кәпкирт*, *шипирткиǁшивирткиǁшыбырткыǁшү::ртки, самартқанǁсамартқан ва бабайǁбәбәй, мамайǁмәмәй, худай, бежәй гәпирдиң* (бежо), *тахтай* (ош тахта), *бир балайға йолухты* ва ҳоказо. Бир-икки мисолда, шунингдек, [р] ва [б]нинг ортиши ҳам қайд қилинган: *пәртиңкә* (ботинка), *жоңурчқа* (йўнғичқа), *умбар* (Умар).

25. Камдан-кам сўз бошидаги [к] нинг [қ] га ва аксинча [қ] нинг [к] га, шунингдек, айрим сўзларнинг ўртасида, баъзан бошида [х] нинг [қ]га ўтиш ҳодисалари учрайди[15]. Мас., *қаммағал, өс қадры өзидә ишләсин* (кадр), *кәлқуччы, сапқызǁсәпқоз, қамышақ* (<*хәмишак, чивин*), *кәйни*, (қайни), *кәдәм* (қадам), *карры* (қари), *әвкәт* кабилар.

26. Тўлиқсиз ассимиляция натижасида сўз бошида ва ўртасида [б] ундоши сонорлашиб [м] га ўтади. Мас., *мәйимжән, мурун, мәррә пийәз, гәп қумурым ачылды, мажмур қың, на:ᵛмат тийсә, бағман* ва бошқалар.

Шунингдек, м>в ҳодисаси қайд қилинган бир-икки мисол ҳам *бор*: *сәвән* (сомон), *дәйрә таваң* (*ң*)*а* кетти.

27. Равишдошнинг *-иб* орқали ясалган формасига сўроқ юкламаси ҳамда I шахс бирлик ва кўплик шахс-сон аффикслари қўшилганда *-бм* ўрнида *-пп* талаффуз этилади. Мас., *кеппә* (<*келиппә — келиптими?*), *көриппән, барыппыз* сингари. Шунингдек, қ. қ. *таппаған* (топмаган), *ҳава жаппайдыǁжәвмайды.*

28. Сўз ўртасида ва ўзак билан аффикс ўртасида адабий тилдаги -нг-, -нғ- товушлар бирикмаси ўрнида битта [ң] ундо-

---

[15] Бу ҳодиса айниқса қутчи, уз ва қазайағлы уруғларига мансуб кишилар тилида кўп учрайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ши ҳосил бўлади. Мас., *устыңы леп, эстыңы леп*, *жэңэчэгэ, жалаңач*, *жоңурчқа* каби.

29. Характерли ассимиляция ҳодисаларидан *-шс-* > *-шш-*, *-чс-* > *чч* тарзида бўлишини кўрсатиш мумкин. Мас., ***салқын түшшүн, кистэсидэн қошша қоша:ды, ким ашша ала:ды***; ***ал иччэң, көччэ*** (кўчса) каби.

30. Айрим ҳолларда, кўпинча қўшимчаларда, [д] нинг жарангсизлашиб [т] га ўтиши кўринади. Мас., *ү$^{ө}$лтирмэ*; *аппарат*(ы)*-та:ғын* (олиб боради-да, кейин); *хе, шондай дийт*(и)-тэ[16] (ҳа, шундай дейди-да), *бизэр дэшлик -тэ*, шунингдек, *хутты* (худди).

Шу билан бирга, аксинча, [т] жаранглилашиб [д] га ўтиши ҳам мумкин. Мас., *бу қышлахтың кэ:дэгэни* (каттакони) *күм?*

31. Охири [р], [й], [н], [м], [ң] билан тугаган сўз ўзагига [л] ундоши билан бошланган аффикс қўшилганда ўзига хос ассимиляция ҳодисаси юз беради. Чунончи: сўз ўзаги [р], [й] билан тугаганда л>д тарзида бўлади (лекин бу ҳодисанинг таъсири ниҳоятда тор доирада, яъни [р] билан тугаган сўзларга *-ла* ва [й] билан битган сўзга *-лик*, *-лық* аффикслари қўшилгандагина кўринади). Мас., *шүвүрдэп гэпиргэн*, ***ти:рмэн*** *шақырдап* *жүрэйатқан; айдық* (ойлик). Сўз ўзаги эса [н], [м], [ң] билан тугаганда [л] ундоши [н] га ўтади. Мас., *мени көргэң киннэ:рим*, *ү$^{ө}$лгүннэ:* ***риңчэ қачыңнар дипти***, *тэғэңнэргэ қара*, *атаңыз дамныма?; чэй дамнайымма?, кимнигини тэнимэйэпти, барсаңнар аппарайын*, *кинниң қатыхтан майчыхмайды* ва бошқалар. Қипчоқ группасига қарашли ҳамма шеваларда бу ҳодиса бирдай эмас. Айниқса (2) турдаги шеваларда бундан бирмунча четланиш ҳоллари сезилади. Мас., *қ, қ. палваллады чақыр, барсаңлар, атларыңды.*

32. Бу хил аффикс охири [т] билан тугаган сўз ўзагига қўшилганда уни жаранглилаштириб, *-тл-*>*-дл-* тарзида ўзгаради. Мас., *қана:длы қымырсқа*, *адларға қара*, *авқатқа салатыған одлар* каби.

33. Сўз бошидаги [й] нинг [ж] га ўтишидан ташқари унинг мутлақо талаффуздан тушиб қолиш ҳоллари ҳам

---

[16] Кейинги икки мисолда феъл формасига боғловчи функциясида келувчи *-да:ғын* (<*-да*, кейин) ва *-да* юкламаси қўшилиши билан шахс-сон қўшимчаси (*-ди*) даги [д] жарангсизлашган, [и] эса кучли редукцияга учраб талаффуздан тушиб қолиш даражасига келган ва шу билан бирга, ўзларидаги [д] ҳам жарангсизлашувга учраган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

учрайди. Мас., *уттыңызма?*[17] (*ютдингизми, ўйинда*), *игирмә* (йигирма), *ири* (йирик) сингари.

34. Қипчоқ группа шеваларида кузатилган яна бир ўзига хос хусусиятлардан бири кўпчилик ундошларнинг фонетик вазиятга кўра қаттиқ ва юмшоқ равишда талаффуз этилиб, шунга биноан ундошларда қаттиқ ва юмшоқ вариантларнинг ҳосил бўлишидир. Бу жиҳатдан ўзбек адабий тилида ва шаҳар типидаги ўзбек шеваларида мавжуд бўлган юмшоқ (ёки нисбатан юмшоқ; қаттиқ ва юмшоқлик ўртасида турган) [л] нинг ҳам бу шеваларда икки варианти бор. Мас., *қ. қ. моллаторғай ва чиллә; таллы, сутмола ва кели, бәлгинчәк; у°ла:т* (<вилоят) ва *ү°ләт* (ўлат); шунингдек, *кыбы* (кув) ва *иби* (ундов сўз), *кувы*//*кывы* (кув) ва *чүви* (эши); *ма:ны* (мана) ва *мийиз*[c], *шыбыртқы* (супирги) ва *чигиртқә*; *барағай* (борақол) ва *келәғәй; быгын* (бугун) ва *көгиш* кабилар.

35. Қипчоқ группасининг (2) турдаги шеваларида, айниқса Турон қишлоғи аҳолиси тилида, ундошларда шаҳар тип шеваларига хос бўлган баъзи бир ассимиляция ҳодисалари учрайдики, у масштаб жиҳатдан бироз чекланган ва типик характерга эга эмас. Чунончи, сўз ўзаги билан аффикс ўртасида *-лд->-лл-*, мас., *мен нимә қыллым, өзимгә өзим күллим*; *-нд->-нн-*, мас., *этыны минни*; ... *жылан иннән чығаймыш*, ... *мусурмән диннән;* (шу билан бирга бошқа ўринларда: *нәнды синдир, шундан сора*); *-рт->-тт*, мас., *тор мәттә, еттән әзәндән; -рн->-нн-* мас., *пажанnық*; *-рс->-сс-*, мас., *чәсси, бессә*; *-рд->-дд-*, мас., *кым бедди, өзи көдди*; шунингдек, *-мн->-мд-*//*-мн*[18], мас., *бәлаларымды бағаман, хәламны көрдим, өзимдики, өзимнән өтти* ва ҳоказо.

36. Характерли метатеза ва бир ундош товуш ўрнида бошқасини қўллаш каби ҳодисалар қайд этилди. Мас., *қарным ақчады* (<*ач қалды*), *ахмана* (<обхона), *махшал* (машъал), *кәпкәтир* (<қатпатир), *ывға* (иғво), *бизәрди улпымыз* (<урфимиз, одатимиз), *нәйис* (райис), *нәсим* (расм), *нахна гөш* (яхна), *йәлмикәр* (лалмикор) сингари.

37. Икки сўз оралиғида биринчи сўзнинг охири ва иккинчи сўзнинг бошида келган унлилар тўқнашуви натижа-

---

[17] Ютмоқ (глотать) маъносида эса [ж] билан *жуттыңызма?* тарзида ишлатилади.

[18] Баъзан (2) турдаги шеваларда *-да* юкламаси [н] билан битган сўзларга қўшилганда тўлиқ прогрессив ассимиляция натижасида у *-на, -нә* шаклида ишлатилади: *өзи барған-на уның, кечә кегән-нә* (б)*омаса.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

сида улардан бири тушиб қолади ва шу ҳисобга тушмаган унлида чўзиқлик ҳосил бўлади. Мас., *кәсәгә:ң* (<*кәсәгә әң*<*әлиң*), *ҳә:ни йаққа* (ҳов, ана у ёққа), *бир жыл — она:кай* (<он икки ой), *байна:дам* (бояги одам) ва бошқалар.

II. Морфологик хусусиятлар.

1. Кўплик аффиксининг ишлатилиши.

а) Отларда (кенг маънода): *-лар, -ләр, -нар, -нәр.* Мас., *қышлахлар, сәлләдләр, бир заманнар, олар, қөйләр* каби. Баъзан (2) турдаги шеваларда, айниқса Турон қишлоғи аҳолиси тилида шу билан бирга [р] туширилиб, *-ла, -лә, -на, -нә* тарзида ишлатилиш ҳоллари ҳам учрайди.

б) Феълларда: биринчи группа тусловчилар[19] бўйича *I ш. -қ, -к: бардық, келдик; II ш*[20]. *-ңнар, -ңнәр; -ңызлар; -ңизләр; -ңызар, -ңизәр; -ларыңыз, -ләриңиз, -ңлар, -ңләр: бардыңнар, келдиңнәр; бардыңызлар; бардыңызар, келдиңизәр, кесәңизәр; барсаларыңыз, келдиләриңиз; бардыңлар, келсәңләр; III ш.*[21] *-лар, -ләр.* Иккинчи группа тусловчилар бўйича *I ш. -мыз, -миз ва -пыз, -пиз: барамыз, келәмиз, барыппыз, келиппиз, II ш*[22]. *-сызлар, -сизләр; -сызар, -сизәр* ва учинчи группа тусловчилар бўйича *I ш. -(а)йық, -(ә)йик: барайық, келәйик, II ш. -(ы)ңнар, -(и)ңнәр* ва *-(ы)ңызлар, -(и)ңизләр; -(ы)ңызар, -(и)ңизәр* шаклларида ишлатилади. Мас., *барыңнар, келиңизәр* каби.

2. Келишик қўшимчаларининг ишлатилиши.

а) Қаратқич келишиги қўшимчалари *-ның, -ниң, -дың, -диң, -тың, -тиң,* қисман *-иң (-ың), -ы, -и* шаклида қўлланилади. Мас., *атаның, сизәрдиң, бизиң, айағымы астыға* кабилар.

Шу билан бирга, қипчоқ группасидаги бутун шеваларда қаратқич келишиги ўрнида баъзан тушум келишигини ишлатиш тенденцияси кўринади. Бу нарса айрим шеваларда аҳён-аҳёнда, айримларида кўпроқ, Турон қишлоғи шевасида эса аксарият ҳолларда учрайди. Бундан ташқари Турон шевасида қаратқич келишигининг *-лың, -лиң, -лы, -ли*

---

[19] Қулайлик учун тусловчиларнинг группаларга бўлиниш тартиби филология фанлари доктори С. Усмонов томонидан „Морфология“ қисми ёзилган М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулевлар китоби („Ўзбек тили“, Тошкент, 1962) дан олинди.

[20] Адабий тилдаги *-нгиз* аффикси эса, *-ңыз, -ңиз* шаклларида келиб, фақат якка шахсга нисбатан ҳурмат маъносини англатишда ишлатилади.

[21] Умуман III шахсда ҳамма группалар бўйича ҳам кўплик аффикси камдан-кам ишлатилади. Ишлатилган тақдирда *-лар, -ләр* ва [н] дан сўнг *-нар, -нәр* тарзида келади.

[22] Бундаги *-сыз, -сиз* формаси ҳам биринчи группадагидек фақат ҳурмат маъносида ишлатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

шаклида ишлатилганлиги ҳам қайд этилди. Мас., *шу чәллың улы, әсәлли эпасы* сингари.

б) Тушум келишиги қўшимчалари *-ны*, *-ни*, *-ды*, *-ди*, *-ты*, *-ти*, *-н* ва қисман (2) турдаги шеваларда, айниқса Туронда, *-лы*, *-ли* шаклида ишлатилади. Мас., *домбыра:ны четтирип, ҳақымды бер, гуруңды бузма, доң палван дегәнди, пишәкти қойма, өлмәсә орнын басар, қалды шахасын ушлап.* Кейинги икки мисолда шеърият талабига кўра [и] тушиб қолган бўлиши мумкин, чунки улар қўшиқлардан олинган.

в) Жўналиш келишиги қўшимчалари *-ға*, *-гә*, *-қа*, *-кә*, *-а*, *-ә* ва баъзан (2) турдаги шеваларда *-ңа*, *ңә*, *-йа*, *йә* шаклида қўлланилади[23]. Мас., *қулчамбайға барып, қошқа қошардым, бир кишигә бер, қудуқа тәйлә:ди, жүрәгимә ҳавур түшти; есимңә кесә, көпкәрийә чыхты.*

г) Ўрин-пайт келишиги қўшимчалари *-да*, *-дә*, *-та*, *тә* шаклида келади. Мас., *Олар ҳә:й тавда, атаң қийердә, келин атта келә:ди.*

Бундан ташқари жуда кўпчилик шеваларда, айримларида оз, айримларида кўп даражада, Турон қишлоғи шевасида эса, аксарият ҳолларда ўрин-пайт келишигини жўналиш келишиги аффикслари орқали ифодалаш характерлидир. Мас., *самаққа оқыған, қавчынны әсили бийргәйкән, бәққа оттырыпты, кәлхәзгә ишләймән* ва ҳоказо.

д) Чиқиш келишиги қўшимчалари *-дан*, *-дән*, *-тан*, *-тән* баъзан *-нан*, *-нән* шаклида ва камдан-кам [а] ўрнида [и] ишлатилгани (*-дын*, *-тын* ва ҳ.) ҳолда учрайди. Мас., *арқадан жүр, а:лыстан көринди, кегәннәм бермән, шо қышлахтын у°тып, иᵉшиктән ке* каби.

Чиқиш келишигида келган сифатдошлардан сўнг „*кейин*“ кўмакчиси ишлатилганда кейингиси кучли фонетик ўзгаришга учрайди ва ҳатто у аффикс сингари сингармонизм қонуниятига бўйсундирилади. Натижада чиқиш келишиги қўшимчаси *-да*, *дә-* шаклини олади. Бу ҳол хусусан (I) турдаги шевалар учун характерли[24]. Мас., *чыққандақай*

---

[23] Кўпинча (2) турдаги шеваларда унлидан сўнг келишик қўшимчасининг тушиб қолиши ва унинг ўрнига олдинги унлида ультрачўзиқлик ҳосил бўлиши рўй беради. Мас., *тохта::бергәнәкән, зивинәлә::тарқатыпты* каби.

[24] Баъзан (2) турдаги шеваларда бу форма бошқачароқ шаклда, яъни чиқиш келишиги аффикси *-най*, *-нәй* ва кўмакчи *ке::н//кейн//кен//кин* тарзида қўлланилади. Мас., *өткәннәйкен, бәрғаннайкин* каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(<чиққандан кейин), *ү$^{ө}$лтиргәндәкәй* (<ўлдиргандан кейин) каби.

3. Кишилик олмошлари бирликда *мен*, *сен*, *ул||ол||у||о*; кўпликда *биз||бизәр, сиз||сизәр*, *улар||олар* шаклида ишлатилади. Мас., *меңкө ү$^{ө}$лйәппән*, *сеңә жуқмайатыр*, *ул қорқып қаған*, *о бәччә үчүн йахшы*, *бизәр қышлахлық*, *оларды көрмәдиңизәрмә сизәр?* каби.

4. Кўрсатиш олмошлари *бул||бу*, *шул||шол||шу||шо*, *ху||ул||у* кабилардан иборат[25]. Мас., *шул кым ү$^{ө}$лгән*; *булам бара: ма?*, *әни шо кәлхүччиләр үзилсә; шоннам бермаған*; *ху жылы келибийди*; *ху кини көриштик* ва бошқалар. Шунингдек *анәв||анав*, *манәв||манав: манавды ичиң* каби.

42. Бўлишсизлик аффикси *-ма*, *-мә*, *-па, -пә* шаклларида ишлатилади. Мас., *сеңә жуқмайатыр*, *өтмәйәпти; чаппайды* каби. Шунингдек *„бўлмоқ“* феъли ўтган замон давом феълининг бўлишсизлик формасида келиб, унга сўроқ юкламаси қўшилганда кучли фонетик ўзгариш юз беради. Мас., *ап қойсаң бомыды* (<бўлмасмиди).

5. *„Бермоқ“* кўмакчи феъли орқали ясалиб, ҳаракатнинг давомлилигини англатувчи қўшма феъл составидаги равишдош феъл ўзагининг унли ёки ундош билан битган бўлишидан қатъий назар *-ый*, *-ий* аффикслари қўшилиб ясалади[26]. Мас., *салый бирдик*, *қачый бирә: ди*, *алып келийбирди* каби. Шу билан бирга, кўпинча (2) тур шеваларда *б*>*в* ҳодисаси сезилади ва шунга кўра *кетивүриң*, *отыры: вирдим* шаклида ишлатилади.

6. Составидаги равишдош *-иб* (*-б*) билан ясалган ва кўмакчи феъл сифатида *эмоқ* тўлиқсиз феъли ишлатилган қўшма феълнинг шеваларaро турлича формада келишини кўрамиз. Мас., *қ. қ. барыб ыйдым* (1), *келиб ийди* (1), *барувдым* (2), *кевиди* (2), *бару: дым* (2), *кевди* (2), *салыб ыйды* (1), *сэвды* (2) каби. Шунингдек кўмакчи феъл унли билан бошланган бўлганда: *ырғыб өткән* (1), *йәтыв иштu* (2), *тәртиб аған* (1), *көтәрив алды* ва ҳоказо.

Бундай қўшма феълнинг кўмакчи феъли сифатида *„бормоқ“* ва *„бермоқ“* ишлатилганда, айниқса (1) турдаги шеваларда икки сўз ўртасида бевосита тўқнаш келган [б]

---

[25] Мазкур группа шеваларда оралиқ ва шаҳар тип шеваларда ишлатиладиган *„ўша“* кўрсатиш олмоши умуман қўлланилмайди.

[26] Феъл ўзаги [й] билан тугаган бўлса *қойыбирди* (<қўяверди), *кийибирди* тарзида бошқачароқ қўлланилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ундошлари жарангсизлашиб [п] га ўтади: *кириппардым*, *ачыпперди* каби. Шу билан бирга *элыб бэрды* (2), *көриб берди* (2) тарзида ҳам ишлатилади.

7. Ўтган ва келаси замон сифатдош формалари феъл ўзагига *-ған*, *-гэн*, *-қан*, *-кэн*, *-дыған*, *-дигэн*, *-тыған*, *-тигэн* аффикслари қўшилиши орқали ясалади. Мас., *жатқан*, *отырған*, *$ү^{ө}$лтиргэн*, *ай-кини бытқан*, *қарайдыған адам жоқ*, *келэтигэм боса келэғэйсин* (2) каби.

8. Адабий тилда ва шаҳар тип шеваларда одатда *-ган* ва *-диган* аффикслари орқали ясалиб ишлатиладиган сифатдошлар маъноси қипчоқ группа шеваларда кўпинча ўзига хос аффикслар билан ясалган формаларда ифодаланади. Чунончи, феъл ўзагига *-увлы*, (*-үвли*), *-влы* (*-вли*) аффикси қўшилиб, предметнинг нутқ сўзланган вақтдан илгари бўлган ҳаракат белгисини англатади. Мас., *бэйлэвли*, *илүвли*, *асувлы*. Бу маъно адабий тилда албатта *-ган* билан ясалган сифатдош орқали ифодаланади: *боғланган*, *илинган*, *осилган*. Сифатдошнинг адабий тилда *-диган* орқали ясалган формасига эса бу группа шевалардаги *-ғыч*, *-гич*, *-қыч*, *-кич* билан ясалган феъл формаси тўғри келади. Мас., *мэшын журмағыч воп қапты*; *мен жатқыч үй қа: ны?* *бизди баққа кеп дам ағыч болды*, *ешиктинг алд(ы)да турғычлардан сора* каби. Ундан ташқари яна қ. қ. *$у^{о}н$ бешкэ чыхмалы боған қызы бар*; *миңи қылыңан ат*.

Шу билан бирга *-диган* аффикси орқали ясалган келаси замон сифатдоши ҳам мавжуд. Лекин у маълум фонетик ўзгаришга учраган ҳолда ишлатилади. Мас., *чығатығам боп қалды*; *келэтигэм боса кесин*, *таныб бомайтыған жэймиди*; *оқыйтыған адам жоқ*.

Сифатдошнинг *-ар* (*-р*) билан ясалган формаси *эмоқ* тўлиқсиз феъли (*экан*, *эмиш*, *эди*) билан ишлатилганда эса, аҳён-аҳёндагина [р] товуши сақланганлиги учратилади. Аксарият ўринларда [р] умуман ишлатилмайди ва гўё бу форма *-ай* (*-а*) орқали ясалган равишдошдан иборатдай бўлиб кўринади[27]. Мас., *жөнэйэкэн*, *барайақан*, *отыраймыш*, *қараймуш*, *енэм гэпирэйдилэ* каби.

---

[27] „*Экан*" қўшилганда феъл ўзаги унли билан тугаган бўлса, *э*>*э* (*а*) юз беради ва ундош билан битган бўлса, икки унли ўртасида битта [й] орттирилади. „*Эмиш*", „*эди*" қўшилганда эса унли билан битган ўзакдан кейин *э*>*й* ва ундош билан битган ўзакдан сўнг [й] олдидан битта [а] орттирилади. „*Экан*" элементи баъзан ҳозирги-келаси замон феъл формасига ҳам қўшилиб *-ар* формали сифатдош англатган маънони ифодалайди. Мас., *берэдикэн*, *йүрэдикэн* каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Турон қишлоғи шевасида *„экан“* билан келган феъл формасига яна шахс-сон аффикси *-ди* ёки *„эмиш“* элементининг ҳам қўшилиб ишлатилиши қайд этилди. Мас., *шундай қылайәкәндиләр*, *қылайәкәнимиш*, *чыраг жәғып чығайкәнимүшләр* каби.

9. Охири [л] билан тугаган *бўлмоқ, келмоқ, қолмоқ, олмоқ, солмоқ* феъллари ўтган замон ҳикоя феъли формасида *бопты*, *кепти*, *қэпты*, *эпты*, *сэпты* тарзида ишлатилади.

10. Ўтган замон давом феъли, асосан *барайыды*, *бармасыйды*, *келәйиди*, *кемәсийди*, *барайды*, *бармасыды*, *келәйди*, *кемәсиди*, *бэрайды*, *бэрмасты* шаклида, шунингдек, *барғыч ыйды*||*бэрғычиди*, *кегич ийди*||*кегичиди* ва баъзан *бэрарды*, *келәрди* тарзида ҳам ишлатилади. Мас., *ҳәр жылы келәйиди*, *енәм шондай дегичийди* каби.

11. Ҳозирги замон давом феъли асосан *-йап*, *йәп* аффикси орқали ясалади. Мас., *келйәппиз*, *өтмәйәпти*, *барйапсамма?* каби. Шу билан бирга баъзан *-йатыр*||*-жатыр*, *-йәтир* аффикси орқали ясалган форманинг ҳам ишлатилганлиги учрайди. Мас., *сеңә жуқмайатыр*, *ҳәммә жахты чычқан басыб жатыр*, *ғалла егәйәтир* (2) каби.

Шунингдек, ҳозирги замон давом феъли маъносида кўмакчи феъллардан *ёт-* қўшилиши орқали ясалган қўшма феъл анча кенг кўламда қўлланилади ва бу кўмакчи феъл маълум фонетик ўзгаришга ҳам учрайди. Мас., *пишәкти уруб жа::пты*, *зардалысы бар майданда жа::пты.*

12. Буйруқ-истак майли қуйидагича қўлланилади:

I *чәй ичәй*[28], *айтайымма?*, *тыллэ берәйик*, *разы болайық*;

II *әпке*, *майда қығын*, *кетивүриң*, *айтыңызар*, *аңызар*;

III *барағайсын*; *кесин қа:ны миймәннәр*[29].

13. Равишларнинг ишлатилишидаги ўзига хос хусусиятлар:

а) ҳолат равиши *шундайча* (шунақанги), *шойтып*||*шуйтып*||*шуйтип*||*шутип*||*шыйтып* (шундай қилиб): *шуйтип жығыталмады-да-е; туйух* (бирдан); *қайтыб* (қандай қилиб): *қайтыб булғанды*; *ыйтыб-быйтыб* (бир амаллаб), *дәм* (жим) ва бошқалар.

---

[28] Шу форманинг ўзига хос ишлатилиши ҳам мавжуд: *дәрдиң алайнар.*

[29] Кўплик формаси деярли *-лар* аффикси қўшилмай ишлатилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

б) миқдор ва даража равишлари *гәртәк*||*гәрдәк* (қиттак), *әләмжә:н* (анча), *сәттә* (нуқул), *ғырт* (роса), *дым* (ҳеч) ва бошқалар;

в) пайт равиши *нарыға* (кейин): *мәйәқ қойғаннан нарыға; ыйақа* (сўнг): *чүштән ыйақа жонайсызар; қай*||*кәй*|| ||*кен*||*ке:н*||*кейин*||*кәйин* (кейин): *бәрғандақай* (боргандан кейин); *кеткәндәкәйин, чыққаннаң кәй; өткәннәйкен*; *соғун* (сўнг), *әнәкәй*||*әнәкәйин*||*әнәкейн*||*ундан*||*уннан* (ундан кейин, ундан сўнг); *бурнә:күни* (кечадан аввалги кун); *тынавын* (кеча маъносида); *ертә-мертән* (эрталаб); *жаңатаңана, кымқачан* (аллақачон) ва бошқалар.

г) ўрин равиши *қийергә, берман*||*бермаған* (бери томон), *нарман* (нари томон): *нарман тур*; *берлақ*||*беллақ* (берироқ) кабилар.

14. Равишларнинг ясалишидаги айрим хусусиятлар: *-қыраб*||*-қырап* орқали: *ҳайалланқыраб жетә:ди, кечикиңқырап келди, атты чәккәрәккә алыңқырап қойың* каби. *-чағын*||*-чәгин*||*-чин*||*-чин*||*ча*||*чә*:*қандайча*|*ғы*|*н қыса йахшы болайақан*; *шуннәйчин қыса: :ңыз қайтып кемәймән* каби.

Шунингдек, *-дай (дек)* аффикси бу группа шеваларда *-дай, -дәй, -тай, тәй* шаклида учрайди ва жуда кенг қўлланилади. Мас., *пәйшәмини базарыдай қып кириппардым*; *келинчәктәй у°тырыпты* каби. Яна *қ. қ. әпкегидәй воса, барып қағыдай воса.*

Худди шунга ўхшаш *-гина* аффикси ҳам *-ғана, -гәнә, -қана, -кәнә* шаклида ишлатилади. Мас., *астағана*||*әстәгәнә, азғана*; *шундайғана, гәрдәккәнә, азраққана* ва ҳоказо.

15. Кўмакчилардан „*билан*" бу шеваларда бир неча фонетик вариантда қўлланилади. Мас., *минән*: *доң палвам минәң кеткән; мәнән*: *бир әтәлә мәнәнәм кечкәчә ишләгич ийдик; ман:шо тәкә қочқарман жүрүппәкән?* сингари.

16. Боғловчиларнинг ишлатилишида ўзига хос хусусиятлар.

а) Бириктирувчи боғловчиларга мисоллар: *пәнәләб барат(ы)-та, қарайды; әйәлу еркәк далада, енә у°ләт(и)-тә, бекарав қала:ды* ва бошқалар,

б) Зидловчи боғловчилар учун мисоллар: *ҳесәбләп көрди-да:ғын*[30], *ама:ды*; *сиз олардаң кәттәйү, сақалыңыс қапқара*; *кевүди-йәв, кетти-дә* ва ҳоказо.

---

[30] Бу *-да:ғын, -та:ғын, -дә:гин, -тә:гин* (*-да: :н, -та: :н, -дә: :н, -тә: :н*) сингари бир неча вариантда қўлланиб, баъзан бириктирувчи, баъзан зидловчи боғловчи вазифасида келади. Составига кўра, аслда *-да+кейин* бўлиши эҳтимол. Чунки бу шеваларда сингармонизм талабига кўра, бундай ҳодисалар кўплаб учрайди: *барғандақай, барағқй* каби.



www.ziyouz.com kutubxonasi

в) Айирувчи боғловчилар *хай...хай*||*хой...хой* (*хоҳ... хоҳ*): *хай бир тәңә ал, хай алмыш тор пул*; *йә...йә* (*ё...ё*): *йә бир килә, йә йарым килә аң*; *гә...гә* (гоҳ... гоҳ): *гә же^и^рдәм билдик, гә жиердәм билмәдик* каби.

г) Аниқлов боғловчиси фақат -*ко* шаклида ва анча кенг миқёсда ишлатилади[31]. Мас., *бир адамны шоңа қошады-ко, көрсәт деп*; *меңә айтты-ко, сен қымырдамай у^о^тыр*, деди ва ҳоказо.

17. Юкламалардан характерлилари қуйидагилар:

а) Сўроқ юкламаси -*ма*, *мә*, -*па*, -*пә баъзан* -*мы*, -*ми* *шаклида* келади. Мас., *сендә барма*, *жохма?*, *әрмийә*: : *кеткәммә*, ^и^*енәң барыппа?* (энанг бориптими?), *сийир бөшәлиппә?* (сигир бўшалиптими?) кабилар.

б) Кучайтирув ва таъкид юкламалари: *ма*: *ны турыпты-қо*; *мениңәм ешиткәним-дә*; *меӊ-кө у^ө^лйәппән-әв*; *олам қорққан-да*; *сапқыс қылды-қо а*: :*ры*; *ҳәзир бу киши айты-ғо*, *эп китәт*(*и*)-*тә*, *өзи көрип кетти-кө а*: :*рсы*; (ўзи кўриб кетди-ку, ахир) ва бошқалар.

в) Тасдиқ юкламаси *ҳе*||*ҳийе*||*иййе*||*ҳиййи*||*ҳикик*[32]. Мас., *былтырам күвдиңнәрмә?* — *ҳе*, *күвдик*; *иййе*, *чары шоның улы* каби.

18. Ундовлардан характерлилари тубандагилар: *ә*:, *балам, кегән жоқ*; *ҳә*: *доң палван*; *а*: *бир балайға йолухты*; *ҳо*:, *қорққан-да, арқасыға қарамай қачқан*; *е*: *бава бир арзым бар; а*: *ппа*, *балам-ей*; *ей*, *миймәннәр*; *ҳе*: *йахшы жигит; э, сарығам боса, бала-да*; *е*: *әттәң; ха, чақырдыйәм*; *хәй*, *сен биләсәммә?*; *шуйтып барып қалдыхта-е*: *бир жәйгә* ва ҳоказо.

III. Юқори Қашқадарё қипчоқ шеваларининг *лексик* жиҳатдан ҳам оралиқ ва шаҳар тип шевалари лексикасидан ажралиб турадиган, ўзига хос хусусиятлари бор. Маълумки, қипчоқ группасидаги шеваларга мансуб элат, турли уруғ ва қабила вакиллари ўзининг келиб чиқиш ва тараққиёт тарихи, касб-ҳунари, машғулоти ва урф-одатлари, уй-рўзғор, кийим-кечак ва озиқ-овқатлари, бир-бирларига, ат-

---

[31] Сингармонизм таъсирида деярли ўзгармайди. Шунинг учун „деярли" сўзини ишлатаяпмизки, бу группа шевалар бўйича магнит лентасига ёзиб олинган икки минг метрдан ортиқ материал ичида фақат биргина ахборотчи тилида икки жойда сингармонизм қонуниятига кўра, унинг қаттиқ варианти, яъни бу ҳам [қ] га нисбатан (-*қо* шаклида) учради.

[32] Бу кўпинча қўнғирот уруғи учун хос бўлиб, уни талаффуз этишда нафас ичкари тортилади, шартли равишда шундай ёзилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

роф-муҳитга, табиат ва шароитга муносабатлари, шунингдек, айрим предмет ва воқеа-ҳодисаларнинг турлича номланиши билан шаҳарда, шаҳар атрофида ва унга яқин пунктларда яшовчи аҳолидан маълум даражада фарқланади. Бу шевалар лексикасидаги ўзига хос хусусиятлар дастлаб мана шу соҳалардаги фарқларни озми-кўпми ўзида акс эттирадиган бир қатор сўз ва терминлар, сўз бирикмаларининг ишлатилишида кўринади.

Чунончи; а) касб-ҳунар, мутахассислик ва машғулотга оид: *көгән*, *җәйгич, қор*, *қыллығ||дукарт*, *тувфанна-*, *тара-*[33] ва ҳ.; б) урф-одат, расм-русум ва маросимларга оид: *карата*, *мырзақур*[34]; *мыча, ширдә*, *җесир*, *дәгәнә*, *җалақ-қызатар*, *кийәвашатар||кийәвбәшлатар* каби; в) уй-рўзғор, кийим-кечак ва озиқ-овқатларга оид: *җырмач, җүгҗы: ғыч, җүгайақ*, *гуда: ры||гузары армәғ||әвуртмақ*, *ғолча*, *җигдә, қарчын*, *увуз*, *үчпышар*, *мәйәк*, *мәпрәч*, *сутмола||мөлә*, *сабавсухма* ва ҳ.; г) ҳайвонлар, паррандалар, ҳашаротлар ва ўсимликлар кабиларга оид: *ҳәррәв-ҳәррәв*, *мырғақ*, *чақа*, *сыйрақ*, *чопаналлавыч||думықопты*, *қарғанақ||ғарғана*, *сыйрықуйруғ*, *саған*, *чыв||чув*, *чық||чығ*, *аттепти||тайтепти*, *бурғы||борғыч*, *чыбын*, *ыччыбын*, *җизиллэвуқ*, *енчидәр*, *шувәқ*, *қозығулақ||қозғалдақ* ва бошқалар; д) қариндош-уруғ ва киши организмига оид: *мама*, *енә*, *җеззә||җиззә||җездә*, *әкә* (амакига мурожаатда), *суққол*, *езүв*, *чыначахтың енәси||чыначахтың апасы, борбай* кабилар; е) ва бошқа соҳаларга ҳамда турли воқеа-ҳодисаларга оид: *кәлпәң*, *аңқа*, *нағар*, *дымбыр*, *ғәвум*, *доп*[ф]*лам*, *бермаған||берман*, *нармаған||нарман*, *оса*, *томанна-*, *ақый-*, *қу: шыр-*, *түзәннә-*, *ырға-*, *қыйув* ва ҳоказолар.

Бу группа шевалар лексикасига хос бўлган сўз-терминларнинг келиб чиқишига эътибор қилинса, улар ичида кўплаб, асл туркий, қисман форс-тожик ва араб (бу хил сўзларнинг ишлатилиши эса, деярли бошқа группадаги шевалар билан муштарак тарзда) ҳамда анчагина мўғул сўзлари учрайди. Ўзбек лексикологиясининг айрим масалаларини ҳал қилишда ва умуман, лингвистик жиҳатдан, айниқса кейингиси жуда муҳим масала. Турк ва мўғул сўзларининг

---

[33] Бу сўзларнинг маъноси китобчанинг луғат қисмида берилган. Шу қисмда, умуман ҳар бир группанинг ўзи учун хос бўлган ва бутун территориядаги ҳамма группадаги шевалар учун муштарак бўлган сўз ва терминларни етарли даражада учратиш мумкин.

[34] Булардан айримлари фақат маълум қабила-уруғлар тилидагина ишлатилиб, бутун группа шевалар учун тааллуқли эмас.



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзаро муносабатини белгилаш, мўғул тилидан қабул қилинган сўзларнинг кўпроқ қайси соҳада ишлатилиши ва тахминий миқдорини аниқлаш, улардаги асл маънонинг сақланиши, ўзгариши, тараққиёти, маънодаги кўчиш ва силжишларни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш талаб қилинади. Шунинг учун бу китобчада биз бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтишни лозим кўрмадик.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЕКСТЛАР

Мен гәпирсәм, бүгүн той барақан[1], ҳәзир тойды жеп келдик. Ҳәммәсини көрип келйәппиз енди, алмыш үчкә кирдик. Мырзақурды[2] жүдә йахшылап жедик, әктип қурдыйам[3] жеди әктибләр. Көпкәрини[4] қарамай салый бирдик[5]. Башқасыны көргә : : м жоқ, биздән сораса : ңыз[с], илгәр (и)ги ески вахта быр байды мың қөйи волайды[6], үштә ме : мәң[7] кесә, быр дастархан на : ны воса, и[е]ктәни бөлип чығарайды. Йәшәсин савут ҳүк(ү)мәт[8], ийидә быр чаңал уны бомасайам дастарханда на : ны шу бойы, қанча десәң өзи тәййәр, кәпәрәттә[9] бар, әни[10] шуны көрдиг биз[с].

Қөй гөш, қуйруғ йағыны жеб-жеп[11], қаравулды о қиргә, о қиргә[12] қойыб, басмачылар чыхты быр вақты, а: лыстан[13] быр қара көрсә сәллә т[14] келәйәпти деп, урра қачайвирәйди[15]. Сәлләт қувлап, ҳәй[16] чәғиргә аппа : рып[17] бә : рини атып тайла : : чыйды[18], өлгәни өләйди, қачқаны[19] қутылып кетәйди[20]. Ул валаснай[21] бов оту : : т (ы)та[22], басма : чылар-ман[23] сәлләт әп ки[е]п[24] күрәшүвди, күрәшиш қатты бувды. Билгәндән айтайығ[25] енди. Басма : чылар хоп қөй сойып

---

[1] бор экан; [2] Мирзақур—тўйда бир неча қишлоқдан (шу уруққа тегишлиларнинг ҳаммаси) чақирилганларга тўй беришдан аввал ҳар бир оиладан таклиф қилинган оила бошлиқларининг (вакилларнинг) ўтириши; [3] активқур—қишлоқ ва район активларининг ўтириши; [4] улоқни; [5] қарамай солавердик (кетиб қолдик); [6] бўлар эди; [7] меҳмон; [8] Совет ҳукумати; [9] магазинда; [10] ана; [11] сўз бошида [ж] билан бир қаторда [й] ҳам ишлатилаверади; [12] у қирга, (б) у қирга; [13] узоқдан; [14] солдат; [15] қочаверарди (ҳозирги замон равишдоши ундош товуш билан тугаган феъл ўзагига ҳам *-ый* (*-ий*), *-ай* (*-әй*) қўшилиши орқали ясалади); [16] ундов сўз (ҳов); [17] олиб бориб; [18] отиб ташлағич эди (отиб ташлар эди); [19] қочгани; [20] қутилиб кетар эди (кўриниб турибдики, ўтган замон давом феъли икки хил йўл билан ясалади); [21] волостной; [22] бўлиб ўтиб эди-да; [23] босмачилар билан; [24] олиб келиб; [25] айтайик;



www.ziyouz.com kutubxonasi

жеп кеткәндәкәйин уст(и)тән сәлләт кегән. Молла тағай дегәң Кәсән рәйәндән быр сәлләт башы боған, өзбәг жигит. Ул әнәкәй сорағән, бийергә басма:чылар қийергә чүшкән, дегән.

— Розықулбайдық(ығ)а[26]: чүшкән.

Розықулбайды тавыб ала:ды.

— Қа:ны басма:чылар, қийергә кетти?

— Э:, балам, басма:чы бийергә кегән жоқ.

— Ма:ны, атыны[27] поқы турыптықо[28].

— ә:, енди кевүдийэв[29], кетти-дә, балам, дийди.

— Жоқ, бава, шо басма:чылардың қийергә барып чүшкә::(ни)ни тавуб берә:сиз[с], қоймаймыз вомаса, дийди.

Әнәкәй доң[30] палван дегәнди адлантырып[31] қошадыко[32], шо Қулчанда басма:чы барымуш, тода боп жатқа:н(ы)муш[33], шо:ны[34] үстигә аппарасан[35] бизди деп.

Әнәкәй, үстигә аппарасан деб доң палванды ат берип қошыб жә::рә:ди[36]. Ул адланып барып, мыны (й)ергә[37] алып келип[38] турып Қулчамбайдың өзигә таң аттырып өзи қайтып кетә:ди.

Қулчамбайға астағана айта:ды, басмачының қәйердә гүрүнги қойуғ воса[39] шоңа аппармасаң кистәцә быр оқ сенин, Үөләсән.

Ул қорқып қаған, мең(н)ә охшап қар(р)ы, десә:ңиз. Ныйашшайырды шайыр айттырыб, басма:чы домбыра:ны че(р)ттириб, десә:ңиз, гүрүңди зәбәснәй[40] қылыб жатқан пилләдә сәҳәрдә үйини[41] үстидән аппа:рып, чә:ғир жер [й]емәсмә, бөз адлыны қойыб жә::рә:ди. Басма:чылардың қаравулы оғ уза:ды, арқадан сәллә́длә́рәм басыб барыйбирә:ди. Урына:ды, зор берә:ди, байна::ны[42] худайдың өзи сахлайма[43], басма:чыдам бөләк[44] киши үөлмәйди. Же-

---

[26] Рўзиқулбойникига; [27] отининг (қаратқич келишиги ўрнида тушум келишиги ишлатилган); [28] -*ку* юкламаси сингармонизм қонуниятига кўра -*қо* (< *қу*) тарзида келган; [29] келиб эди-ю; [30] асл маъноси баланд (бунда лақаб, бўйи узун кишига нисбатан); [31] отлантириб; [32] қўшадики (-*ки* боғловчиси -*ко* шаклида ишлатилади, лекин у қаттиқ-юмшоқ ўзакка нисбатан ўзгаришга учрамайди); [33] ётган эмиш; [34] шунинг; [35] олиб борасан; [36] қўшиб юборади: [37] мана бу ерга; [38] негадир бу ўринда *олиб* ва *келиб* равишдошлари одатдагидай қисқарувга (эпкеп тарзида) учрамаган, пауза ўрнида шундай ишлатилган бўлиши ҳам эҳтимол; [39] қуюқ бўлса; [40] р. запасной; [41] уйининг; [42] боя (да) гини; [43] сақлайдими (-*ды* тушиб, сўроқ аффикси -*ма* шаклида қўлланилмоқда); [44] бошқа;



www.ziyouz.com kutubxonasi

тимә сәккиз басма: чыны сәлләдләр чавуп тәйләйди. Басма: чылар мәжмүр қыб[45] әпкеб отырғаннарам бар-да енди, байна: шайырға охшағаннар, улар қача: ды шоның ичидән, байна: гүрүңнән.

Қачқаннарды тавуб алат(ы)-та сәлләдләр искәб-искәп көрә: ди, мениңәм ешиткәним-дә, күлмә: ңизәр, жоғ-жоғ муны өлтирмә[46], бу басма: чы ^йемәс дийди, бөләк киши боса. Әнәкәй байна: турдының пулчинини[47] кәмәндир өлтирип тәйләйди, чавуп. Өлтиргәндәкәй Мулла тағай быр мендәйни чақыра: ды, ^иешанқул дегәнни, ҳәй, сем билә: сәммә, шул кым, өлгән, деп сорайды. Ул, билмә: дим кым әкән өлгән дийди. Игирмәтәчә сәлләт ва-ҳа-ҳа деп күлиб жә: : рә: ди. Ул өлгән Турдараптың[48] үкәсийәкән, Әзим дегән. Турдараб енди ҳей тавда. Буны ^иешитиб айтты-ко, биздиң әскәрләрди, биздиң кәмәндирди өлтиргән сәлләдләрди кым башлап кегән, деди. Быттасы айтты, муны Розықулвай башлап кегән, деди.

— Розықулвай ашнам деп үйигә түшип жүрүвдимко, дийди Турды.

— Розықулбай быр дөң палван дегәнди миндириб жә: : риб, дөң палван башлап кегән, шүйтип[49] қыр(ы)лып қалдық биз и^енди, дийди. Әстә, сәллат кеткәндәкәй, пәнәләб барат(ы)-та Розықулвайды бәйләб ала: ды басма: чылар. Уннан, Розықулды бәйләвап, атқа мындырыб алы: : б дөң палвандық (ығ)а: и^енә: ди[50]. Дөң палвандықа: и^енгәндәкәй дөң палваңа, дөң палван енди өлмәсин, мең-ко өлйәппән деп, ҳа: дөң палван, дийди байна: Розықулвай. Дөң, ҳа: деп чыға: ды. Ҳа: деп чыққандақай[51] байна: ийнини кийип, белини бувмай[52] чығып келәйәткәнәкән қараса, төр-беш басма: чы бәччә, мылтығы бар, турупту, а: быр балайға[53] йолухты

---

[45] мажбур қилиб; [46] ўлдирма; [47] пулчин (босмачиларни таъминлаб туриш учун қишлоқ аҳолисидан мажбуран пул ва озиқ-овқат йиғиб юрувчи); [48] Турди арабнинг; [49] шундай қилиб (бу шүйтип, шүтип, шуйтып формаларида ишлатилади); [50] дўнг полвонникига тушиб келади (мазкур шева вакиллари турган территория қир-адирлардан иборат бўлганлиги учун бўлса керак *и^е н-* (қирдан тушиб келмоқ) *өрлә-* (қирга чиқиб кетмоқ) феъллари кенг қўлланилади; [51] чиққандан кейин (сингармонизм таъсири билан *кейин* кўмакчисининг қисқарган шакли ҳам каттиқ ўзакли сўзга қўшилганда аффикс тарзида-*қай* (<*кей*||*кәй*) шаклини олмоқда; [52] *бўғмай* (боғламай); [53] балога;



www.ziyouz.com kutubxonasi

дийт(и)тә қача:ды, қараңада[54] қачый бирә:ди. Розықулвайды бәйләб йүргәннәр тута:ды би$^{e}$штирә:ни оғ(ы)ға[55], тута:ды би$^{e}$штирә:ни оғ(ы)ға. Қараңада тиймәйт(и)-тә[56], барышта өзини қудуқ(қ)а тәйләб жә::рә:ди. Қудуқа тәйләб жә::ргәннәң кейин онуң үстидән басма:чылар кетмән тәйләйди, сәтил тәйләйди, монды[57] тәйләйди, әнәкәйин быр-еки мылтығ бошата:ды бийтип, тола бармайды мылтық. Дөң қудухтуң[58] ичидә. Розықулвай далада қолы бәйләвли, айтадыко, ей балам шу дөң мәнән мени өлтирәмән деп кеппидиңнәр[59].

— Ҳе:, өлтирәмиз, деп күвдүк[60].

— Шул қудухтуң ичигә түшкән адам сав қалдыма?[61] өлди ул, ди$^{e}$йди Розықул: Әнәкәй Розықулвайды алып ке:-ти енди. Дөңди енди, е:басмачылар ке::тти-кетти деп адамнар жыйылып, ел жыйылып, әнәкәй арғамчы сап ала:ды Дөңди қудухтан. Қарасалар монды тийиб бу қолма, бу қол[62] сың(ң)ан. А:лп жигит-тә[63] и$^{e}$нди ул, быр қоллап қудухтан өзи чыққан. Дөң чыққандақайын[64] адамнар белини чечкинчә[65] сәккиз арғамчы сүдрә:лип қачай биргән, ҳо, қорққан-да; э, шәшмә, басма:чылар йоқ, деп арғамчыны алып қаған адамнар. Шүйтип қуччыға ашып[66], қуччының быр ийигә[67] кирип кеткән.

Розықулвайды басма:чылар аппарыб, айа:ғ(ы)ға кишән салып қара ийниң көзәнә::гә[68] өткәрип тайла::н[69]. Өзләри Түймә байдықыда йатқан, манав Әндрийүптә[70]. Уларның үст(и)тән мә:мәди[71] кәмәндир қуччы сәлләт мәнән булам барып қала:ды әнәкәй. А:л[72], сәлләт келди де(г)әннәкәй басма:чылар тырқыраб[73] жөнәп кетә:ди. Турды араб өзи манавча[74] жәйгә адланып барғанақан бырдан Розықул и$^{e}$сигә түшип кетә:ди. Айта:ды, байна:бай өлмәй, тириләй[75] қап кетти, дийди. Шүтип әнәкәй хыныдан ша:-

---

[54] қоронғуда; [55] бештира (бешотар) нинг ўқига; [56] тегмайди-да; [57] қулоғи синган кўза; [58] қудуқнинг; [59] келибмидинглар (келганмидинглар) [60] келиб эдик; [61] соғ қолдими; [62] бу қўлми, бу қўл (у қўлими, бу қўли); [63] алп йигит-да; [64] чиққандан кейин; [65] ечгинча; [66] қуччи қишлоғига (қирдан) ошиб; [67] қуччилардан бирининг уйига; [68] ўтовнинг кўзанагига; [69] ташлаган; [70] мана бу (ҳозирги) Андреев (номли колхоз) да; [71] Муҳаммад сўзининг қисқаргани; [72] ҳаяжон ҳиссини ифодалаш учун ол! буйруқ феълининг унлиси чўзиқ талаффуз этилмоқда; [73] ҳар томонга тарқалиб; [74] мана бунча; [75] тириклай;



www.ziyouz.com kutubxonasi

быны[76] су:(ғу) рыб аб би$^{е}$чәрә бавайды, Розықулвайды шу йә:ридән[77] урт(ы)та::н қа:чты дийдиләр. Мә:мәди кәмәндир быр оғ мәнән арқасыдан урыб жығытып Турды араптыңам тамырыны қурутқанақан. Ә:ни[78] боған иш болды.

Чироқчи район, Тошкенти қишлоғи, Раҳимов Эгамберди, 68 ёш, қипчоқ сарой уруғининг Тошкенти даҳасидан, колхозчи (18.II.1955 йил ёзиб олинган).

Быр палванымыз бар ыды, шо[1] быр күн тойға барғанақан[2], күрәш бопты быр дан. Быр майдакәш[3] палваны бар ақан шо қышлахтың[4] шондан ул[5] жығылыпты, тыра:$^{х}$тарыс бәччәйикән[6] өзи. Илләй[7] чықмағанақан өзи шо бәччәгә, кейин сен чыққын-а өлдиңмә[8], жығытасан деп қоймапты, у би$^{е}$чәрә[9] чыхмайман, депти, өзи жа:шы[10] кеткән, $^{и}$ел(л) үв бешкә барды шо палван. Қоймай чығарғанақан бәччә жығытыпты әнәкәй, шуйтып жығылып қапты-да, қар(р)ы адам, бу::ны[11] қатып қаған. О жигилләр инди зор, ҳичким бетләмәйди, үштә-тортта бар дийди шолардан. Байна:палванды жығылды деп қышлағдашлары айтты-да барғанымызда. Шә::ргә[12] барувдым дедимко ағайнылардықа:[13], шолар шун(д) ай деп гәпирт(и)-тә[14]. О:ларам дәшлик-тә, та:ныйды о:лар. Барғанымда шун(д)-ай деп гүрүң берди[15].

Быр заманнар[16] көп қыйынчылыхлар болды. Быр вақытлар қызыл кетмән дегән гәб барыды. Жерди өлчәб бериб, әни енди шо қызыл кетмәнни[17] боласан, дейиди[18]. Болмаса:-ңызам қыйын, бәчәләрди апчығыб йарым кечәдәйәм чавды-

---

[76] шопини; [77] шу еридан; [78] ана.

[1] Кўрсатиш олмоши кўпинча ўрта тор унли орқали талаффуз қилинади; [2] сингармонизм „*экан*“ элементига ҳам таъсир қилади; [3] ҳали оти чиқмаган (ҳаваскор); [4] каратқич келишиги қўшимчаси унлилар (баъзан *м*, *н*) дан сўнг *-ниң*, *-ның*; жарангли ундошлардан сўнг *диң*, *-дың* ва жарангсизлардан сўнг *-тиң*, *-тың* тарзида ишлатилади. [5] 3-шахс бирлик кўрсатиш олмоши; [6] тракторист бола экан; [7] олдин, аввал; [8] сўроқ юкламаси *-мә* (*-ма*); [9] бечора (мазкур шевада [е] ўрнида [ие] дифтонгининг ҳосил бўлиши характерли); [10] ёши (иккиламчи чўзиқ унлилар билан бир қаторда баъзан табиий чўзиқлик ҳоллари ҳам учрайди. Бу айрим сўзларнинг биринчи ва иккинчи бўғинларида ишлатилиб, туркий тиллардаги бирламчи чўзиқ унлили сўзлардан фарқ қилади); [11] бўғини (иккиламчи чўзиқлик); [12] шаҳарга (Шаҳрисабзнинг қисқа айтилиши — *шә::р*); [13] оғайниларникига (қариндош-уруғларникига маъносида); [14] гапирди-да; [15] ҳангамалашди; [16] кўплик аффикси [н], [ң], [м] каби сонорлардан сўнг *-нар* (*-нәр*) шаклида қўлланилади; [17] қизил кетмонлик (бунда *-лик* аффикси *-ни* (<*ли*) тарзида ишлатилган; [18] дер эди;



www.ziyouz.com kutubxonasi

рыб[19] отырайыдық. Уч қа:шық этәлә мәнәм барғаннарам бар[20], гәйи[21] күн быр чайқам этәлә мәнәнәм барайыды. Бә:: ри[22] егиш пәйти қызыл кетмән болайыды. Беш-алты жыл жүдә ачгаччылых[23] боп кетти-дә. Быр хыл адамнар чавалмай қалайыды. Шонда күч а:з боған-да, тыра:^хтыр бомаған. Гәлә быр ек(ки)-үштә, ҳөккиз деп, тана:ны[24] қошып, ул жүрәлмәйиди, егишти бәжәриш керәк, әнәкәй әйәлү еркәк далаға чығып, әни шо[25], қызыл кетмәң қып, жерди чавайыдық кетмән алып. О:ңа[26] эгиш қылайыды, та:ры[27] егәйиди, бувдай егәйиди. Ул әнәкәй пишкәндәкәй [қол минән орып-е:, о:ңайам ҳәммә чығайыды. Ҳәр кым өзи аған нарманы[28] кечәләбәм боса орыб бәжәрәйиди. И^енди маны[29] тыра:^хтыр, кәмбәй[30] өзи егә:ди, өзи ора:ды.

Ти:рмаң(ң)а[31] барсағам шо-да, а:лыс[32], шо:жуға:рыға барайыдық. И^ек(ки)күн, уч күн жа:тып тәртип келәйидик, на:мат[33] теккәннәңкәй. Қачан шо калхуччылар үзилсә әнәкәй башқа: на:мат тегәйиди. Ҳе:[34] мана шо илгә:ри қызыл байрах дегән калхуз ба:рыды, Әйәхчисәй деймиз, ҳо:мана шо китәб рәйәнининң әдәғидә, ҳә:зир енди шә::р рәйәнидә, шоларғайам барайыдық ти:рмәң(ң)ә.

ат баққан киши той воса ектә-үштә улағам ала:ды, пылам[35] алады. Быр хылы ектә ат чава:ды[36], ҳәр тойдаң ҳақыны алады. Рәйән[37] тойы босайам барады, шо рәйән терторыйасыдағы[38] тойдан қамайды. Улах(ты) тайлағанда зат[39] айта:ды, затқа ҳөккиз айта:ды, қөй айта:ды, пыл айта:ды, бахмал[40] айта:ды[41]. Бүгүнәм той бар, барғанымызда көрәйидик, тамаша қылайыдық.

Чироқчи район, Қазиёғли қишлоғи, Худайқулов Парда, 55 ёш, қипчоқ сарой уруғининг қазиёғли даҳасидан, колхозчи (18.II.1965 йил ёзиб олинган).

---

[19] чоптириб; [20] текстда *бáр* ва *бар* формалари параллел ишлатиляпти. Гап шундаки, [а̊] ва [а] ларнинг ҳар иккаласи ҳам орқа қатор унлилар бўлиб, бир-бирига жуда яқин талаффуз қилинади, бу билан [а̊] шаҳар шеваларидаги [ɔ] дан кескин фарқланади; [21] гоҳи (баъзи); [22] баҳори; [23] < ачгарчылық (очарчилик); [24] танани; [25] ана шу; [26] унга; [27] тариқ; [28] р. нормани; [29] мана; [30] комбайн; [31] тегирмонга; [32] узоқ; [33] навбат; [34] ундов сўз бўлиб, масофанинг узоқ эканлигига ишора қилинмоқда. [35] пул ҳам (бу шевада [у] нинг [ы] га ўтиши сезилади); [36] от чопади (улоқда); [37] р. район; [38] территориясидаги; [39] соврин (унинг нимадан иборат эканлиги); [40] бахмал (духоба); [41] айтади (эълон қилади маъносида);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қама:чы район(ы)ның йәттивә[42] сав(ы)тыға[43] қарашлы қуччы қышла::да тувылғамман. Енәдән тувылғаннаңкей[44] тоққыз жашқача ата-енә мәнән журдым. Тоққыз жашымда атам өлди. Он жетти жашқача енәм мәнән күлбә қып турдым. Мундайча[45] гәвым[46] көп. Бир мәтәлим[47] бар, шоны әйтәй вомаса.

Қадым бир жантығназар деган бала өткән. Ул қаракөл деган жердә тувылған. Шул бала он торт-он бешларға киргәндә атасы өләди, әнәсийәм өләт(и)тә[48], бекарав[49] қалады. Әнәкәй навча журышты башлайды. Бир кишигә навча журады. Соң ек(к)и жыл-уж жыл[50] ҳәркимгә навча журый бирәди. Ойлап көрди, қарны тоймайды, өзи бойдақ бала, енни ойлап пикир қылады. Мен паланчаға журдым, күним өтмәйәпти, башқасыға журдымам шундайча. Ундан бир қары баваның[51] алдыға келди. Келиб бавадаң гәп сорды[52], э:, бава, бир арзым бар, деди.

— Ҳе, нимә арзың бар, деди.

— Э:, баважан, мен адам боп чыққаннан бермаған[53] торбеш кишигә навча журдым, шо қарар қыған ҳақымды берә:ди, қысып қамайды. Шоны берсәйәм өзимди түзәтәлмәдим, деди. Шонда бава әйтти:

— Балам, шо, сени навча саған адамлардың ма:лы[54] шувалы[55], шо саваблы сеңә жуқмайатыр[56], деди. Бала, о:са[57] нимә қыламан, деб бавадан сорады.

— Сеңә бир наса:т әйләйин[58]. Бу мамлакатта турмағын, мәшәд[59] деган мамлакатта наны ҳалал падша барақан[60], шоңа ба:рып хызмат қығын, деди.

Бавадан ду(в)а алып, мәшәтти қыдырып кетә:ди бала. Ул йол йурсайам[61] мол журуп, сувсыз ара чол журуп мә-

---

[42] жартепа; [43] (қишлоқ) советига; [44] чиқиш келишигининг аффикси *-дан* [н] билан тугаган сўзларга кўпинча *-нан* шаклида қўшилади (туғилгандан кейин); [45] бундақа; [46] гапим; [47] эртагим; [48] ўлади-да; [49] қаровсиз (сўз ясашда *-сиз* аффиксига нисбатан *-бе* қўшимчасининг устун турганлиги кўриняпти); [50] икки йил-уч йил; [51] қари чолнинг; [52] гап сўради (ахборотчининг достончилик стили сезилиб турадики, буни мазкур мисолда ҳам кўриш мумкин); [53] бери, буён; [54] моли (нарсаси, бойлиги); [55] шубҳали (ҳалол эмас); [56] ҳозирги замон давом феъли *-йап* (*-йәп*) билан бир қаторда баъзан *-йатыр*||*жатир* қўшимчаси орқали ҳам ясалади; [57] ундай бўлса; [58] насиҳат қилайин; [59] машҳад; [60] бор экан; [61] йўл юрса ҳам (бу сўзлардаги [й] ишлатилиши лозим бўлган [ж] ўрнида келмоқда);



www.ziyouz.com kutubxonasi

шəткə кириб барды. Наны ҳалал қəйирдə деп сора:ды, барыб бир қышлахтан. Сорай-сорай наны ҳалалдың кə:дəкəнииникигə[62] кириб барды. Оны[63] аты бағман[64] бава еди. Чақырды, ул чықты алдыға, үйигə киргизди байна: бава жəй берип, баладан, сиз қəйердəн деб бағман сорады. Андын соң бала əйтти, —мен қаракөл дегəн қышлахтам боламан.

— Нимə иш минəн[65] быйахларда жуpупсан, деди бағман.

— Мен сиз(л)əрди ешиттим. Сиз(л)əрдиң наныңыз ҳалалымыш, навча жураман деп келдим, деди бала. Бағмам бава əйтти.

— а: ппа балам-ей[66], биздиң нанымыз ҳалал болмаса керəк, өс хыйалымға[67] мениң малым шувалы воп қалды.

— Нə саваптан[68] шувалы вола:ды. Неч(ч)и жыл болды шувалы боғаныға, наныңызға ко:ныңыс толмай қағаныға, деб бала сорады.

— Бир жыл болды, деди бава.

— Савабы нимə? — деп сорады жигиччə[69]. Бава əйтти.

— Бултур ек(ки)тə ҳөк(к)үс қошқа қошардым. Қоч чыққынча быравы өлүп қалды. Қоч чығатығам боп қағанда өлгəн ҳөк(к)издиң орныға бир ҳөкүз базардан əпкелдим[70]. Ҳөкүзлəримə[71] урухларымды артып лəлмигə бардым. Жеримниң башыға барып қошымды қошып, таб алдым[72]. Тапты а:лып урухты септим. Кейин ҳөкүзди қошып ҳəйдəй бердим жеримди. Башыға барып қайтарайатқанымда жаң(н)а[73]: ҳөкүз башқаның жеригə өтип кетти, қайтаралмадым. Соғун егилгəн жердəн қайтариб, өзимдиң жеримə тоқратып[74] қойдым. Жүрəгимə ҳəвүр[75] чүшти, қарасам, башқаның жеридəйəм бувдай егилгəнəкəн. Шо қайтарыб ағанымда башқа-

---

[62] каттакониникига; [63] қаратқич келишиги қўшимчаси *-ны* шаклида ишлатилмоқда. Бу ҳол қипчоқ шеваларида кам учрайдиган хусусият бўлиб, ҳозир III-шахс кишилик олмоши мисолида кўриб турибмиз; [64] боғбон; [65] *мəнəн* ва *минəн* параллел ишлатилмоқда; [66] оббо болам-е; [67] ўз хаёлимда (ўрин-пайт келишиги *-ға* қўшимчаси билан ифодаланган); [68] нима сабабдан; [69] йигитча; [70] олиб келдим (биринчи феълнинг ўзаги қаттиқ бўлишига қарамай, қисқаргач, юмшоқ ўзакли иккинча феъл билан бирикиб кетиб, ҳар иккала феъл юмшоқ талаффуз этилади); [71] лаб оҳангига қатъиятлик билан амал қилинмаганлиги натижасида *ҳөкиз* ва *ҳөкүз* тарзида икки хил талаффуз юзага келмоқда; [72] ерни қўлда уруғ сепишга қулай бўлсин учун қўш билан кичик-кичик карталарга бўлиб чиқиш *тоб олиш* дейилади; [73] янгидаги (ҳалиги); [74] тўхтатиб; [75] қўрқув, ваҳм;



www.ziyouz.com kutubxonasi

ның даныдан бир-ек(ки)тәси меникигә өтип қапты. Шоннам бермаған[76] малымдың ҳалаллығыға ко:ным толмай қалды, деди.

Бала бир кечә шол[77] бавайныкыда жата:ды, ертәси тарсайып[78] күн чыға:ды. Бава балаға енди сен мениң $^{у}$ортанчы[79] үкәмникигә барғын, депти. Бу куныға бала $^{у}$ортанчы үкәсиникигә кирип парды[80], ул авқат берди, әкәсидәй гәп сора:ды, қийердаң келдиң, деди. Оң(ң)а[81] балайам, мен навча журғани келдим, сиздиң ңаныңыз ҳалалақан, деди.

— Бултур алма пышыхтан бермән[82] менийәм бала урып қойды, мениң малымам булғанып қалды, деди $^{у}$ортанчы үкәси.

— Малыңыс қайтыб[83] булғанды, деп сора:ды бала.

— Бултур алма пышығы бир жердән чығыб иш қылдым. Иш қылайатувдым бир пиллә сувсадым, чавуб барыб бир анҳардан сув ичәйәтүвдим[84] бир алма ағып кеп қалды, алманы бир чишләдим, йәнә қағаныны чишләймән, деп турувдым ләппи[85] есимңә түшүп қалды. Мен қайтыб[86] енди ләбзи ҳалал, малы ҳалал боламан деб, алманы алыб, бағма-бағ журуб, егәсини қыдырып, тапалмадым. Шо алманы ҳәзирәм алып қойыппан, ҳәлийәм егәсини тапқаным жох, деди.

Әнәкәй еттәнигә[87], кичәнә[88] үкәмникигә барғын, деди. Шоның айтқанидай қып, еттәнигә жигит барып, кичәнә үкәсини қычырды. Кичәнә бағман атылып чықты үйидән, ыйартырып[89] баланы үйигә киргизди, авқат-азуқа берди, кейин булам баладан сора:ды.

Ал, ал босын, ал босын,
Арава көчип жол босын,

---

[76] шундан бери, буён; [77] кўрсатиш олмоши (айни замонда шу) шахс билдирувчи сўзлар олдидан келганда *шол*, бошқа ўринларда эса *шо* тарзида ишлатилмоқда (шо қайтариб аҕанымда); [78] ўхшатиш приёми (қ. қ. тарсайыб бетини ачыб отырды); [79] ўртанча (дифтонглашув системали равишда эмас, айрим ҳоллардагина учрайди); [80] кириб борди; [81] унга; [82] *бермаған* билан бир каторда унинг қисқа формаси *бермән* ҳам ишлатилмоқда; [83] қандай қилиб; [84] сингармонизм қонунининг таъсирида мураккаб феъл составидаги кўмакчи феъллар етакчи (асосий) феъл ўзагидаги қаттиқ-юмшоқликка қараб ўзгаради. Бу нарса, албатта, шаклан кўмакчи феълларнинг етакчи феъл билан нечоғлиқ бирикканига ва бутун бирикманинг ягона маъно англата олиш даражасига боғлиқ (*қылайатувдым* ва *ичәйәтүвдим*); [85] дарҳол, бирдан; [86] қандай қилиб (қандай, нечук); [87] эртаси эрталаб; [88] кичкина; [89] эргаштириб;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Нанталаб бәччә,
Енди сеңә жол босын, деди.

Жигит, мен сиздиң ихтийәриңизгә келдим, деди. Бағман, нимә ишгә келдиң, деп сора: ды.

— Сизәрди наны ҳалал деп, ешитип келдим навча турғаны, деди бала. Шонда бул айтты, — мениң нанымам ҳалал, ләбзимәм ҳалал, навча журасамма меңә?

— жураман, деди жигит.

жүрсаң жылыға қарал қыламан[90]. Бир жыл үжжүз алмыш[91] күн бола: ды, бир жылда хай[92] бир тәңә ал, хай алмыш тор пул ал, деди бағман.

— Мәйли журый бирәмән, деди бала.

Әнәкәй қарал қылынды, бир жылға шуйтып жетим журды бала. Бир жылды питкәрди[93]. Бай ҳесәбләп көрдидағын[94] алмыш тор пулды алып келийбирди, балаға берәмән, деп. Бала кетмәнини[95] көтәрип кетәбирди[96].

Ҳе бала, қайаққа барйапсан, деп сора: ды бағман.

— Кечә: : дән[97] қаған гәрдәг[98] ишим бар, шоны қылып[99] келәмән, деди бала.

— Жоқ, қайт, күниң пыттыма[100], пулыңды ал енди, деди. Бала бир тәңәни ап, мени йәнә бир жылға навчалыққа аң[101], деди. Бағман айтты, е:, шоның өзини сәриштә қылсаңам болады, кетийбир енди, деди.

Бала қайтып кетәйәпти. Жолдан бағмандың уортанчы әкәсиникә: [102]кириб, ду(в)а ап кетмәкчи воп келди. Уортанчы әкәси хатыны минән екәви ду(в)а қып, бар, балам, ушлағаның алтым босын, деди. Кейин кә: дәкәниникигә[103] барды. Ол кәмпиригә[104] қараб айтты, бир тарбыз[105] әпке[106] балаға,

[90] юрсанг йилига қарор қиламан (келишиб оламан, шартнома тузаман маънoларида); [91] уч юз олтмиш; [92] хоҳ...хоҳ[93] битирди; [94] ҳисоблаб кўрди-да; [95] кетмонини; [96] кета берди (*бермоқ* кўмакчи феъли шаҳар шеваларидаги, жумладан, адабий тилдаги сингари ўзаги ундош билан тугаган етакчи феълнинг *-а* орқали ясалган равишдош формаси билан бириккан. Шу билан бирга *журыйбирәмән, келийбирди* тарзида қўлланиш ҳоллари ҳам учрайдики, бу мазкур шеванинг характерли хусусиятларидан биридир); [97] кечагидан; [98] жиндак, бироз; [99] бу хил равишдошнинг қисқа формаси билан бир қаторда тўлиқ шакли ҳам ишлатилмоқда. Бу маънони кучайтириш, қатъиятликни ифодалаш мақсадида бўлиши мумкин; [100] битдими; [101] олинг; [102] ўртанча акасиникига; [103] каттакониникига; [104] умуман қипчок шеваларида хотин маъносида кампир сўзи кенг қўлланилади; [105] тарвуз; [106] *олмоқ* ва *келмоқ* феълларининг бирикувидан ясалган мураккаб феъл составида биринчи феъл *әп* тарзида, *кетмоқ* билан бирикканда эса *ап* шаклида келган. Ҳар иккала формада ишлатилиши кўринади;



www.ziyouz.com kutubxonasi

деди. Бағмандың быттағана[107] ирип қаған тарбызы бар ыдығ, кәмпир шоны әпкелди. Бағман сойыб берди балаға. Бала жеди, бағман баланы ду(в)а қылды, ушлағаның алтым босын, деди. Бала ундан сора: ды, нимәгә сиз олардан кәттә-йү сақалыңыс қапқара, үкәнизләрдиң сақалы аппақ-қу[108] деди. Бағман жаваб берди, балам, деди, үйдә шо чирик тарбыздан башқасы жоғыды, шонийам хатыным әпкелип сени миймәң қылды[109], өзиң көрдиң. Шуйтиб мен хатынымдан тынч, улардың хатыны боса ынжық, деди. Бала кетий бирди, булардыңам ду(в)асыны ап. Қараса, йолда[110] көб бәччә бир пишәкти[111] лайға батырыб, уруп жа: : пты[112]. Бала барып пишәкти бәчәләрдиң қолыдан ажратыб алды. Нимәгә урайапсызар[113] муны, деп бәчәләрдән сораса, бәчәләр, бу оғры пишәк, депти. Бомаса сатыңызар меңә шо пишәкти, дегән екән, бәчәләр әпкетийбир, депти. Шуйтыб бала пишәкти алмыш тор пулға сатыб ап кетийбирди, кетийбирди. Қараса, жолда көп карван жатыпты[114]. Карваннар баладан гәп сора: ды. Ул айтты, сизәр қайжаққа барсаңызар менәм шо жаққа бараман, деди. Карваннар[115] бир сарайға барып түшти. Олар[116] авқат-павқатқа ундашты. Сарайван айтты, ей, миймәннәр, ашыңызды тезрәк жеңнәр, бомаса биздиң шаҳарды чычқан басып жатыр[117], сызарға ҳәдимәй аш тиймәйди[118], вахт ғанымат, тезрәк жеңизәр ашты, деди. Қорқып илә-чилә[119] ашты жедиләр қарасалар биттәйәм чычқан жоқ, биттәсинийәм көрмәдиләр.

Хай, базарға барып жүкләрини саттылар. Базардаң қай-

---

[107] биттагина; [108] сингармонизм таъсири билан *-ку* юкламаси *-қу* шаклида келмоқда; [109] меҳмон қилди; [110] баъзан [ж] ўрнида [й] ишлатилиш ҳоллари ҳам учрайди; [111] мушукни (бу сўз бутун Юқори Қашқадарё шевалари учун хос); [112] уриб ётипти; [113] ураяпсизлар (ҳозирги замон-давом феъли *-йап* (*-йәп*) аффикси орқали ифодаланади. Феълнинг II-шахс кўплиги ҳар учала замонда ҳам шу хилда қўшалоқ кўплик аффикси билан (ҳурмат ёки менсимаслик оттенкасисиз ишлатила беради); [114] *ётмоқ* феъли мустақил феъл сифатида ишлатилганда қисқармайди (қаранг 112); [115] карвонлар (кўплик аффикси *-лар* охири [н], [ң] билан тугаган сўзларга *-нар* (*-нәр*) шаклида қўшилади); [116] бунда бир [л] тушган деб қараш керак, чунки III-шахс кишилик олмоши бирликда ол тарзида қўлланилади; [117] ҳозирги замон давом феъли *-йап* (*-йәп*) дан ташқари *жатыр* билан ҳам ясалади; [118] ҳа демай ош тегмайди; [119] шоша-пиша (бу сўз ҳам бутун юқори Қашқадарё шеваларида бирдек қўлланилади, аслда *илҳә-чи илҳә* шаклида бўлиб (қиёсланг: *опа-чи опа*), улоқда чопувчи чавандозлар тилидан олинган бўлиши эҳтимол;



www.ziyouz.com kutubxonasi

тыб енди кетмахчы боп турғаннарыда олардан сарайван гәп сорапты. Сызарда бир ҳикмәт бар, сызар кегәннәм бермән чычқандың уруғы қуруды, савабыны айтыңызар, депти.

Карваннар бу гәпкә ҳәйрәң қап турувды[120], бала, чычқандың күшәндәси мендә, деп қолтығыдан бир нерсәни чығарып көрсәтти. Буны көрип сарайван жүгүрип пашшаға барды. Ё: пашшайым, мениң сарайымда бир бала бар карваннар минәң келгән, оның бир жандары[121] бар ақан чычқаннардың уруғыны қурытарақан.

— Е:, әпке быйақа шо баланы карваннар минән, депти пашша.

Карванар бала минән пашшаның алдыға барды. Пашша айтты, сызарда бир пишәг дегән нерсә барақан, қа: ны[122] шоның, деди. Бала пишәкти көрсәтти.

— Ей, миймәннәр, дардың алайнар[123], шо пишәкти меңә берип кетиңизәр. Ей, жигит, тилә тиләгиңди, депти пашша.

Бала айтыпты, мен бир жыл навча турыб, алмыш тор пул ишләгәнийдим[124]. Пулды ап қайтып келәйәтувдим көб бәччә шо пишәкти уруп жатқан әкән[125], мен шо пишәкти алмыш тор пулға сатыб алдым, депти.

Пашша ҳәйрәң қалыб вәзиридән сора: ды. Вәзирдиң мәслә: ти шо болдықы[126] буның алмыш тор пул дегәни, алмыш тор жыллық хыраж[127] дегәни, деб түшүнтирди. Пашша қараса, пашшалыхтың күчи жетмәйди. Шонда вәзирләр минән мәслә: дләшип бул карваннардың қырх түйәси барақан, қырх түйә тылла берәйик, оларам разы босын, бызарам разы болайық, депти.

Шуйтыб, бала қырх түйә тылла тавуп, өзиниң қаракөл қышлағ(ы)ға[128] барыб бир қызға үйләнип, мурад-махсадыға жетипти.

---

[120] ҳайрон бўлиб туриб эди; [121] жонивори; [122] қани (бу сўздаги [а] унлисининг чўзиқ талаффуз қилиниши билан мазкур шева ажралади); [123] 1-шахс бирлик формадаги истак майлига кўплик аффикси *-нар* (< *-лар*) қўшилиб, тингловчилар (мурожаат қилинувчилар) нинг кўпчилик эканлигини ёки ҳурмат изҳор этилишини ифодалаши лингвистик жиҳатдан диққатга сазовор; [124] *эмоқ* тўлиқсиз феъли ўтган замон формасида келганда кўпинча *ийдим* (*-ыйдым*) шаклида ишлатилади; [125] қаттиқ ўзакли сифатдош бунда ўзи бириккан *экан* элементини сингармонизм қонунига бўйсундира олмаган (қаранг, юқорида: *барақан*). Бу ҳам озми-кўпми унлилар оҳангдорлигининг бузила боришидан дарак беради; [126] вазирнинг маслаҳати шу бўлдики, (*-ки*) боғловчиси сингармонизм қонунига кўра *-қы* шаклида қўлланилмоқда; [127] олтмиш тўрт йиллик хирож; [128] қишлоғига;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қамаши район, Жартепа қишлоқ Совети (Қуччи қишлоғи), Яхшиев Худойқул, 67 ёш, қўнғиротсарой уруғидан, колхозчи-пенсионер (11.X.1965 й. ёзиб олинган).

Бир вақытлар чигирткә көпәйип кетти. Шонда чигирткә көт қойып майақ қыла:й(ы)ды[129], әнәкәй майақ қойғаннан нарыға бул уча:й(ы)ды[130]. Шо пиллә бәччәй(и)дим[131], күң көриммә:й(и)ди учқанда. Тамлардың хашагыны тамам җыйа:й(ы)ды, уш-тор күннән соң учып кетә:й(и)ди. Есимдә атамыз мәрдикәр бола:й(ы)ды, байлар аз-маз нессә берә:й(и)ди, йә бир килә, йә йа:рым килә ғалла берә:й(и)ди. Еттәминәң[132] қарасам, өзимиз үйдә көпчил-дә[133], енәмис күрмәг нан берә:й(и)ди, оша пиллә күрмәг бола:-й(ы)ды, о бәччәни сыймайтыған қып қойа:й(ы)ды. Шонда ҳәммә җоғ(б)оп кеткән[134] бир бурда нанды қувалап, ачлықтан адамнар (//адамлар)[135] бә:ри үөлип[136] кетти. Шундан соң чигирткәни шайырлар қошық қып чықты.

Чигирткәләр басып қойды көтини.
Чығарма:ды җонурчқа[137] дай отыны,
Қысыр қалды кәмбәғәлләр хатыны,
Дад-бедат чигирткәниң җәвридән[138].

Чигирткәләр учар җортмасыны[139] башлап,
Пыта:ның[140] астыға постыны ташлап (//тәйләп)[141],
Кәмбәғәлләр қалды шахасын ушлап,
Дад-бедат чигирткәниң дәстидән.

Сырдан[142] өтип кәдәм[143] қойды қоқаңа[144],
Қыйым болды егин еккән дыйқаңа[145],

---

[129] уруғ қўяр эди; [130] учар эди (бундаги [а] тил орқа қаттиқ [а] га яқинроқ талаффуз қилинади ва умуман шу [а] унлиси бу шева учун характерлидир; [131] шу палла (ўша пайт) бола эдим; [132] эрта билан (эрталаб); [133] кўпчилик-да; [134] йўқ бўлиб кетган (жумла ичида кўпинча [боп] шаклида ишлатиладиган [бўлиб] равишдоши бошидаги [б] талаффузда тушиб қолади); [135] бир шахснинг нутқида кўплик қўшимчасининг ҳар иккала формада (*-нар, -лар*) ишлатилиши учрайди; [136] дифтонг системали тарзда учрамайди; [137] йўнғичқа (беда); [138] жабридан (зулмидан); [139] йўртмасини; [140] бутанинг (бу уруғ вакилларида ҳам [у] нинг [ы] тарзида талаффуз этилиши баъзан учрайди; [141] бу сўзнинг ҳар иккала фонетик варианти мавжуд; [142] Сирдарёдан; [143] қадам (айрим ҳолларда [қ] нинг [к] га ўтиши қайд этилди); [144] Қўқонга; [145] деҳқонга (бу кейинги икки мисолдан [н] билан тугаган сўзларга жўналиш келишиги қўшилганда [н] ва [г] ундошларининг бирикуви натижасида [ң] ундоши ҳосил бўлгани ва уларнинг талаффуз (шалк) жиҳатдан маълум даражада қисқаришга учраганлиги кўриниб турипти);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кәсибләрдиң қолы бармас дукаңа.
Дад-бедат чигиткәниң дәстидән.

Ҳудайқулды[146] бир Мырза дегән улы боған. Уның бир улыны сө:пи, бир улыны ала:тон, бир улыны чыбат дийәкән[147]. Мәсәлән, шоның бис сө:пи дегән баласыдан боламыз. Өзимдиң бавамды, бизиң бавамызды қошбармақ сө:пи дийәкән. Қошбармақ сө:пиниң улларыны[148] айтайымма?[149] Хо:ш, уның улыны хөжәмберди, Хөжәмбердиниң улыны Махтым қул, уның улыны Шәмәләг, Шәмәләйдиң улыны Сүйүндик, уның улыны Момын, Момынның улыны Мәллә, уның улыны Ме:ливэй, Ме:ливэйдың улыны Абдыраҳман, уның улыны Абдыкарым, Абдыкарымның улыны Шаймарданқул, уның улыны Хөжәмийәр дийәкән. Хожәмийәрдиң улы Расыл — биз, өзим. Бавеларым шулар мениң, енди өз бавам-да мениң, биләмән. Худайқулдың торт улының сө:пи улыдан мем боған, әни енди[150], мәсәлән, сизәр қан(д)ай айтасызар өз бавеларыңызды. Шуйтып енди мен өзимгә келтирип қойдым шуны. Мен қандай өтриг[151] айтаман. Бавеларымның бавасы, ең кәттә бавам Худайқулдың екта қызы, төрт улы боғанақан.

Чироқчи район, Кўкдала совхози, Хўжамиёров Расул, 66 ёш, уз уруғидан, пенсионер (26. II. 1965 й. ёзиб олинган).

Ҳөкмәт[152] жәң(н)ә келгән жыллары[153] ми$^{е}$н[154] көбрәк[155] түйә бағайыдым[156]. Чопан даштың[157] би$^{е}$ги-дә[158]. О мә::ләр[159] пичи бирич[160] дәмнәп[161] келҳә:-келҳә деп той берағычыйды[162]. Ҳәмсәйәмиз быр қозы аппарып[163] сойғанақан.

— Чемнән[164] бермәндә[165] быр қорғам барыйды.

— адамнар үйдә әләчә тоқуғучыйды.

Қарасам, быр жәйдә көмүр төгүлүп жа:пты[166]. Нарманда[167] омма қылыб[168] басып тайлағанақан[169] үйип көмүрди. Шойтып шоны билип қалдық гаштыға[170].

---

[146] қаратқич келишиги ўрнида тушум келишиги ишлатилмоқда; [147] дер экан; [148] ўғилларини; [149] айтайинми; [150] ана энди; [151] ёлғон; [152] ҳукумат; [153] йиллари; [154] тор унлидан кенг унлига қараб кучайиб бораётган дифтонглашув мазкур шева учун характерли; [155] кўпроқ; [156] боқар эдим (сингармонизм қонуни *„эмоқ“* тўлиқсиз феълига ҳам таъсир қилади ва [э] унлиси [ы] ё [и] га ўтади; [157] даштнинг; [158] беги-да; [159] у маҳаллар (вақтлар); [160] гурунч; [161] дамлаб; [162] берар эди; [163] олиб бориб; [164] Чем — қишлоқ номи (Чемдан); [165] бери (томон) да; [166] тўкилиб ётипти; [167] нари (томон) да; [168] тепа қилиб; [169] босиб ташлаган экан; [170] охирида;



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Улыға келиң қымахчы воса[171] жавчы[172] қойайды, қыздың атасы қалым бер, дегич ийди. Екки таман разы боғаннацкей авләквәр[173] қып кетәйикән жавчылар. Әнәкәй иҗәп тойыда қыс тамандан быттасы кәрәтә[174] болады, ол ындамай отыра:ды савдалашқанда кәр бовап[175]. Шол тилгә кирсә, иш битә:ди, екки таманам әнәкәй тойға киришә:ди. Никә: ки^е:чәси қыздан вәкилиңни бердиңмә, деб сорайдылар, қыз „ийе"[176] десә болды. Қыз күйәвникигә атта келә:ди, ^и енәси[177] алдыға чығып аттаң көтәриб ала:ды[178].

Қамаши район, Қамай қишлоғи, Муҳаммадиев Абди, 83 ёш, Қўнғирот уруғидан, пенсионер (15.Х.1965 йил ёзиб олинган).

Мен сизәргә жигидлик пилләмдә Самартқаңа[179] қайтыб[180] барыб келгәнимни айтып перәйин[181]. Бытта атымыз барыды йо:рға, пулыны даррав қыпперәмиз деп қарзға ағаныдық. Шуның пулыдан қутылайығ[182] деп Самартқаңа мал ҳәйдә:дик, жамның тавы[183] минән әйлә:нип. Йа:нымда быр азғана пулым бар енди, шу пулға самартқандан улай-булай[184] аламыз балаларға де:п барйаппан. Бардық-та әнәкәйин жамның чәйхәнәсигә түштик. Түшкәннәкәйн бизгә ҳәмрәйләрим айттыко[185], енди сиз харажат қып кетивүриң, кейин ҳесәбләшәмиз деди. Ҳәмрәйләримниң гавы минән барҳабар[186] енди байна:пулды әнәкәй харажат қып кеттим. Кейин Қайрағач бардық-та бийердә, шо, қөй сойып йәнә авқат қылдық. Шүйтип енди Самартқан бардық. Мендә: пулды жолда кеткирдиг, сарай[187] пулы, улай пулы, булай пулы

---

171 қилмоқчи бўлса; 172 совчи; 173 оллоҳ (у) акбар; 174 кар ота (куёв томондан келган вакиллар тўй харажатларини бирма-бир айта беради, кар ота индамай ўтира беради, улар тобора оша боради, бу ошиб бориш токи келин томонга мақбул бўлмагунча давом этади, кар ота тилга кириб суҳбатга аралашса, келин томоннинг рози бўлган миқдори шу бўлади; 175 кар бўлиб олиб; 176 ҳа (тасдиқ юкламаси); 177 энаси (онаси—она тутинган аёл); 178 кўтариб олади; 179 Самарқандга (сўз ўртасида [р] дан сўнг [т] орттирилиб, сўз охирида [н] дан кейинги [д] тушиб қолади ва жўналиш келишиги қўшимчаси *-а* (*-ә*) шаклида ишлатилади; 180 қандай қилиб; 181 биринчи компоненти *-(ы) б* ёки *-(и) б* билан тугаган равишдошдан ва иккинчи компоненти [б] билан бошланган феълдан иборат бўлган мураккаб феълларда икки сўз ўртасидаги [б]-[б] товушлари жарангсизлашиб [п]-[п] га ўтади, равишдош формаси ва кейинги феъл худди шу вазиятда келгани билан мураккаб феълни ташкил қилмай, ҳар бир компонент мустақил хусусиятга эга бўлса, бу ҳол юз бермайди, яъни жарангсизлашиш бўлмайди; 182 қутилайик (1-шахс буйруқ-истак майли); 183 жомнинг тоғи; 184 у-бу нарса; 185 айтдики; 186 то боргунча; 187 карвон сарой;



www.ziyouz.com kutubxonasi

қылып. Быр қап бувдайым барыды, бувдайдыйам саттым. Ҳәмрәйләрим[188] ҳәли малыны сатқан жоқ. Сарайға кирдик, аш қылдық бувдайдың пулыны харажат қылып[189]. Еттәмән[190] шу вах шу вахты әнәкәй базарға кирип пардық. Кәттә шә : : рдиң базарыны көрмәгән идим, тәртибини билмәсәм енди, пәйшәмини[191] базарыдай қып, тувры кегән ешиктәң кириб барйаппан[192], енди өзим жә : ш, айағымы асгыға қарамаған вахтым, кириштиң өзидә базарға рав балдым-да[193]. Базардың бытта че : ^х^чиси[194] барақан, ешиктиң алд(ы)да турғыч[195], тохта! тохта! деди. Тохтамай ҳәйдәп кириппа : рдым. Ҳүштәк чалды быттасы, быттасы кеб быр хылачоп[196] са : лды, йәнә чүррәк[197] тартты. Ҳәдә:[198] сыйырды тайлап келә сап, мана сеңә пул, пул асаң, ал, дедим, Йоқ[199] пулың керәгимәс, сен савдагар, сени қама : тып қойамыз[200] деп памыланы жа : зды[201] барың енди кетивүриң, деди. Әнәкәй ҳөккүзди киргизиб, базарда турувурдым. Далдаллар[202] келди-йү ҳөккүздиң нархыны пичип қойды. Жөрәләримиз[203] малыны сатып-сатып ҳәммә : си сарайға кетти. Мен ҳәли ҳөккүзди сатқаным жоқ. Нечә пул қығам босайам пақаж жоқ! деб отырыппан, намазгар боп қалды. Хай десәм, пулыны аң! десә, сәнә : рини билмәймән пулдың. Пулды аң! дийди, бәрәкә берәмән[204] қалтаңлайман[205], пулды қайтып сәнәсәм диймән. Бытта бава бар ыды жанымда, улум, шәшмәй тур, ҳәли қыммат сатасан, деди. Қорқайаппан енди, өзим Самартқанны биринчи көришим. Бабайдан сорасам, жоқ сатма, дийт(и)-тә[206]. Байна : жөрәләримизәм кемәйәпти. Ҳәммәгә жоқ! деб, бермай, шо, отыры : вирдим ләбим гә-

---

[188] ҳамроҳларим; [189] бу текстда ҳам *-и (б)* билан ясалган равишдошнинг қисқарган формаси билан бир қаторда унинг тўлиқ шакли ҳам қўлланади; [190] эрта билан (эрталаб); [191] Чироқчи районидаги жой номи (айрим ўринларда қаратқич келишигининг *-ни (-ны)* аффикси билан ҳам ифодаланиши учрайди); [192] ҳозирги замон давом феъли *-йап (-йәп)* билан ифодаланади; [193] кирдим, кириб кетдим (*рав — рафтан-кетмоқ* феълининг ҳозирги замон ўзаги); [194] чекчиси (паттачиси); [195] эшикнинг олдида турадиган; [196] хала чўп; [197] ҳуштак; [198] ҳадаҳа (<ҳа-да ҳа), дарҳол; [199] [ж] ишлатилиши лозим бўлган ўринларда баъзан [й] ҳам қўллана беради; [200] қаматиб қўямиз; [201] фамилияни ёзди; [202] даллоллар; [203] ўртоқларимиз (ўртоқларим ўрнида, камтарлик маъносида); [204] рози бўламан; [205] қўл сиқишаман; [206] дейди-да (*-да* юкламаси қўшилганда III-шахс ўтган замон қўшимчасидаги [д] жарангсизлашади ва [и] тушиб қолади. Шу билан бирга юкламадаги [д] ҳам жарангсизлашиб, натижада ҳар иккала морфемадаги [д] ўрнида [т] ишлатилади;



www.ziyouz.com kutubxonasi

зәрип. Әнәкәй быттасы келди, өзүм барып сарайға кирги-зип пулыңды қолыңа сәнәб бәрәмән, берсәң сарайға өзүм аппа:рып қойаман, қорқма, сеңә рәҳмим келйәпти, деди. Жоқ! деймән-дә. Шуйтип саталмадығ әнәкәй ҳөкүзди пулға. Бытта көтәрәм[207] сыйыр бар базарда, гашты[208] воп тарқап кетти базар. Байна: быр бабай жур! Сыйырыңды өзим сатып перәмән, деб әнәкәй мени ийәртип кетти. Ғалланың пулыданам азғана[209] пул қапты, харажат қылдығ, енди. Уңа-буңа ҳәмрәйләримгә қарз берған, улам жыйылмады[210],

Сыйыр минән ҳөккүзди маташып[211] көчәмә-көчә кетәйәппиз, быр жергә барыб қалдық-та-е. Отырдық чәй қылды, наң қылды. Ҳөккүзди көрип кичәнәйкән[212], деди, жыда[213] баққамман өзим.

Тыра:ˣтыр курсыға[214] кирип оқыдық. Быр мыхайнызатыр[215] барыды, айланы:п[216] шундай келди. Мен тыра:ˣтыр ҳәйдәшти үргәнәйәппән енди. Тоқрат, деди. Сабылқа: :р[217] тыра:ˣтыр бузылғанақан, тоқраталма:дым байнағы педәлди йәнә быр бастым. Зор қылдым-у, педәлди басып кетәвирдим тохтатаман, деп. Мыхайнызатыр тыра:ˣтырдың пылыгыны[218] үстидә турғаныды, шоның үстидән у та:сырдап[219] түшип кетти. Кеп турыб жа:ғымды, ап турып, са:п турыб жә:рди[220], қула:ғым қызып кетти, йәнә бу жа:ғымды ап са:п турыб жә:рди. Индәмәй отырдым, соғра тыра:ˣ-тырды ыйтыб-быйтыб[221] чығарыб алды.

Чироқчи район, „Коммуна“ колхози, Шамситдинов Нормурод, 60 ёш, чуют уруғидан.

**Майда**[222]

Майда қығың қорыңды[223],
Майда десәм ҳоп[224] турғын,

---

[207] кўталанг; [208] охир (аслда ф.-т. гашт) бир неча маънолар билан бирга бирикма ичида охир маъносини ҳам беради: гашти бозор — бозор охири. Бу изофатли бирикув бўлганлиги учун ҳам [и] қўшилган, лекин шевага худди кейинги шаклда қабул қилинган: *гашты пешин, гаштыға* каби. Бу сўз Юқори Қашқадарё шевалари учун умумий; [209] озгина; [210] йиғилмади; [211] мата — бирининг бўйнига иккинчисини боғламоқ, иккаласининг бўйнидан бир ип билан ёнма-ён боғламоқ; [212] кичкина экан; [213] жуда; [214] трактор курсига; [215] механизатор; [216] айланиб; [217] сабил қолгур; [218] плугини (нг); [219] тасир-тусир қилиб; [220] солиб туриб юборди; [221] ундай қилиб-бундай қилиб (бир бало қилиб); [222] майда (ҳўкиз, от, эшак билан ғалла янчишда айтиладиган қўшиқ); [223] „қор“ деб оёқ остида янчилаётган ғалла назарда тутилади; [224] ҳўкиз, от ё эшакларнинг бир қатор қилиб бир-бирининг бўйнига боғланиши ва янчилаётган ғалла устида айлантириб ҳайдаб турилиши „ҳоп“ дейилади. Хўп турадиган ҳўкиз марказдан саналганда биринчиси бўлиб, у секин-секин айланиб, қолганларини бошқариб туради;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Майда десәм йәрәшәр.
Халайыхлар[225] қарашар,
Саврындағы[226] териңә
Чарымгарлар[227] талашар
Чарымгар бовaң қызыға
Алван көйләк йәрәшәр.
Майда қы(л)саң шундай қы,
иеләп қойған үндәй қы.
Майда қығын шу ишти,
Барар җәйиң бийишти[228]
Майда қымасаң шу ишти,
иегәңнәң көр налышты
Майда-майда май васар[229]
ат орныны тай васар
атадаң қаған оғыл
өлмәсә орнын[230] басар.

Китоб, Макрид қишлоғи, Эшназаров Ўрин, 69 ёш, қўнғирот уруғидан, пенсионер (8.III. 1965 йил ёзиб олинган).

Тандыр[231] еххел[232] бола: ды[233]. Турпағыны ап кеп[234] бир шалдың йә гиләмчәниң үстигә төгә: ди[235], әнәкәйн[236] тузды сувға сап қойа: ды, нәмәкәп қып, сувыдан уңа қуйа: ды, җүндән азғанасыны[237] тили: п ҳәр-ҳәр җәйигә тәйләйвирә: ди, үстигә чығып тепә: ди, җазылып кеткәннәңкей[238] авдарып тайлайды[239], әнәкәй[240] маны[241] шунча чиптәниң үстигә ап йәсәйди, еккүн[242] өткәннәңкәй[243] қата: ды. Әнәкәй еккиши чиптә: ни әстәгәнә[244] көтәрә: ди, муны әнәкәй ийә: ди[245]. Шуйтып оң күлләрдә[246] қуруйды, әнәкәй җәйини тәҳләп қура: ды[247].

---

[225] халойиқлар; [226] сағрингдаги; [227] кўнчи ўрнида чармгар сўзининг ишлатилиши *Ю. Қ.* шевалари учун хосдир; [228] биҳиштдир; [229] босар; [230] ўрнини; [231] бундаги [а̇] шаҳар тип шевалардагидан фарқли ўлароқ, чуқур тил орқа унлиси сифатида талаффуз қилинади; [232] икки хил; [233] ҳозирги-келаси замон феълининг III-шахс бирлик формасида иккинчи бўғиндаги [а] чўзиқ талаффуз этилиши билан характерлидир; [234] олиб келиб; [235] тўкади; [236] ундан кейин; [237] озгинасини; [238] ёзилип кетганидан кейин; [239] ағдариб ташлайди; [240] ундан кейин; [241] мана; [242] икки кун; [243] ўтгандан кейин; [244] астагина (секингина); [245] буни ундан кейин эгади; [246] шундай қилиб ўн кунларда; [247] ундан кейин жойини тахтлаб (тўғрилаб) қуради (ўрнатади);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Улыңызды үйләнтирмахчы боса: ңыз[248], хатынды чақырыб ала: сыз „эккавмыз бир мәслә: т қылайық, қаны улың кымдың қызыны ха: лайды[249], сен нимә дейсән“,— деп сорайсыз[c]. Әнәкәй кым босайам биттәни таптыңыз, шоңа үйи сынмаған бир кишини җавчы[250] йүбәрә: сиз. О[251] барып ҳавы-җоғыны[252] ап келә: ди. Иш бытқам боса җавчы барып на(н) сындыра: ды[253]. Әнәкәй әстә-әстә пирҗәнизгә[254] қарап той берә: сиз[c]. Илләй пәтә: той[255] бола: ды, кәттә-кичи җийилә: ди[256], әнәкәй ыҗаб бола: ды. Кийавды чымылдыққа кийавбашлатарлар[257] ап кирә: ди, түзәннә(ти)п[258] Уотыра: ды Уларға түйүн[259] қойа: дылар, түйүнни ап чығып кетә: ди.

Әнәкәй келиндиң җук-җавыны[260] теңнәп[261] атқама-[й]ешәккәмә арта: ды, келинди атқа миндирә: ди, үкәсимә бир киши илләйгә минә: ди, җолда бақан тута: дылар[262], шүйтип кийавдықыға бара: ды қыз, алав җағып[263] үч мәртә атты әйләнтирә: ди, атқа җем берә: ди, соғун келинди аттан түшүрип ала: ди. Унын алдыға бир киши [и]енә воп чыға: ды[264]. Шу күн әйәлләр гүрүң қыла: ды[265]. Бу кечәсигә[266] кийав келә: ди, кийин[267] келин көрсәтәр[268] қыла: ды, гәттәк[269] палав қыла: ды, тор-бештә бабайлардан, мамайлардан җийип келә: ди[270]. Кийавдың хышларыдан[271] биттәси келиңә бир нерсә берә: ди, әнәкәй келинди [у]отқыза: ды, уч қашық май алавға қуйа: ды, бир йәшкәнә бәччәниң[272] қолы

---

[248] Ўзаклари ундош товуш билан тугаган шарт ва аниқлик феълининг ҳозирги-келаси замон формасида шахс-сон қўшимчаларидан олдинги бўғин унлиси [а], [ә] чўзиқ талаффуз қилинади. Бу *Ю. Қ.* қипчоқ шеваларининг характерли белгиларидан биридир; [249] хоҳлайди; [250] совчи; [251] ул ўрнида ишлатилмоқда; [252] тасдиқ (ҳәв) ва инкор (жоқ) маъноларини англатувчи сўзлардан ташкил топган бирикма; [253] қиз ва йигит томондагиларнинг розилигини расмийлаштирувчи дастлабки маросим; [254] фуржа (имконият); [255] олдин фотиҳа тўй; [256] йиғилади; [257] куёвнинг ўртоқлари; [258] чўккалаб; [259] ичида совға солинган тугун; [260] юкини, анжомини; [261] тенглаб (эшак ёки отга ортиш учун икки томонини бараварлаштириб); [262] боқон соладилар; [263] олов ёқиб; [264] эна (она) бўлиб чиқади (шундан кейин улар она-бола тутинадилар); [265] гурунг қилади (суҳбат қуришади); [266] эртаси кун кечасига; [267] кейин; [268] куёв қариндош-уруғларининг келин билан танишувига бағишланган маросим (*К. Ш.* да *робинэн* — юз кўрар); [269] жиндак, озгина; [270] тўрт-бешта чоллардан, кампирлардан йиғиб келади; [271] қариндош-уруғларидан; [272] бир ёшгина боланинг (гўдакнинг);



www.ziyouz.com kutubxonasi

ға бир чөки[273] берә:ди, о келиндиң бетини шу чөки минән ача:ды. Шүйтип келиң-кийав йәшәйверәди.

Мениң бир атым барыды, бир жылы[274] мәкриттә той болды, атымды бир киши чаварыды[275], бизди ат көп четкириди[276], шонда тодадан бир қараны[277] алып ҳәйдә:ди, белидән чилбир[278] салдыда:ғын „ҳәйт!" деди, адлардың ичидән ап чығып кетти.

Бир чолах той қығаныды, шоның тойыға быйағы[279] тавдан нарыдан, Самар(т)қаннан, быйағы қаршыдан чавандазлар жийилди[280]. Затыйам[281] көп, улағыйам көп, кәттә той болды. Қоныкчыларға[282] сә:псим[283] тири[284] бериб, бир киши барсайам қонығыны[285], атыға жемини берип кәттә той қывды[286], ек(к)и йүз-үчүс қошханалар[287] боп кеткәнийди.

Мунавар палвам минән Әпсәттәр палванды алыштырдылар бир тойда. Алышыб-алышыб бир қойыб алды екавы. Қойыб ағандаң кейин Әпсәттәр чил салды[288], чил сағандан[289] Мунавар палванам бир силтәб атты, екавыйам жергә дүстәмәм[290] боп түшти. Соғун одамнар, жавлы палванам барыды, бирдән барыб көтәрди, ажыратып[291] қойды, әгәр ажыратмағанда турып тағы алышарыды. Быраь айтты мунысы жығытты, деп, бырав айтты мунысы жығытты, деп. Йоқ[292], жығылған жоқ[293] екавыйам некин[294], шундай дүстәмән түшти, шуйтып жығыталмады-да-е[295] бир бирини.

---

[273] чўп; [274] бир йили (мазкур шева *жь*-ловчи шевалар группасига кирса-да, сўз бошида [й] ўрнида [ж] нинг муттасил ҳолда ишлатилмаслиги кўринади, баъзан бир сўзнинг ўзи [ж] билан ҳам, [й] билан ҳам қўллана беради); [275] чопар эди (гап улоқда от чопиш ҳақида кетяпти. Айрим моҳир чавандозлар улоқда бошқаларнинг отини миниб чопади. Шу мақсадда от боқувчилар ҳам бўлади); [276] <*ф. т. четгир* (отлар тўдасига четдан ёриб кириб, улоққа етиб борадиган ва қўлга киритилган улоқни маррага етказадиган); [277] улоқ кўзда тутилмоқда; [278] чилвир (жундан эшилган ингичка арқон); [279] бу ёғи; [280] йиғилди; [281] зот (улоқда ғолиб чиққанлар учун бериладиган соврин); [282] қўниқчи (тўйга узоқдан келган, вақтинча қўшни уй ва ҳовлиларга жойлаштирилган меҳмон); [283] р. совсем; [284] тирик; [285] қўниқ (қўниқчилар учун бериладиган озиқ-овқат — нон, чой, ошнинг хоми ва ҳоказо); [286] қилиб эди; [287] қўшхона (қўниқчилар жойлашган уй ва ҳовлилар); [288] чалди; [289] чиқиш келишиги орқали бунда чалган заҳоти, чалганданоқ каби маъноларни англатувчи равиш ифодаланмоқда; [290] дўстуман (юз тубан); [291] ажратиб; [292—293] бу ўринда йўқ сўзининг инкор, эътироз маъносида [й] билан ва сифатдошга қўшилиб феълдаги бўлишсизликни англатишда эса [ж] билан ишлатилаётганлиги кўриняпти; [294] лекин; [295] йиқита олмади (хуллас);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Китоб посёлкаси, Макрид қишлоғи, Худойқулов Аҳад, 55 ёш, чуют уруғидан, совхоз ишчиси (8.III.1965 йил ёзиб олинган).

Атамды[296] адла:ры[297] барыды, чавандаз-да. Бир күн ола:тқа[298] тойға барған. Ҳәммә қошхана-қошханаға барып чүшишкән. Әнәкәй ҳәммә атыға күрмәг аған, атам амаған.

— Ҳа, йахшы жигит[299] сиз нимә:[300] күрмәг амайсиз, десә,ҳа, мени атым күрмәг жемәйди, арпа жейди, деп, кистәсидән[301] пул чығарып бергән, меңә арпа эп кеңизләр[302], дегән. Арпа эп кеб бергән, энди кү:нәгә[303] бир йарым чәйрәг арпа. Байна:[304] арпаны йармыны атқа или:п, эгәрди қашыға қантарып атты йәккә мыққа бәйләп қойған. Ҳәли:ат қазығ(ы)ға айланы:п китир-китир, китир-китир арпаны жеп чыққан. Йарым кечәдә йармыны илгән, ухламаған өзийәмдә. Уннан[305], ҳа чавандаз, атыңды таййарла,көпкәри[306] чыға:ды, дегән, еттән азандан[307]. Енди ҳәммә атамға тэмэша қыған, қани, бу, кечә күрмәг жемә:н[308] ат қаннай, көрәйиг, деп. Енди улар барған-у атыға күрмәкти илгән, бэв-бэв[309] бәдәни жарып саған. Атам атыны эгәлләгән-у биттә шәгиртигә бергән-дә, мана бу атты мында:ғын[310], атты, шу, қэмчылама йәм[311], урма йәм-нетмәйәм өз нимәсийә қой, қатты йәм тәтмә, бөшәм тәтмә. Шүйтип ат кетивүргән шавуллап йорғалап, бир кәттә арыхтан ырғыб

---

[296] қаратқич билан тушум келишиги қўшимчаси фарқланмайди, биргина *-ни, -ны* (*-ди, -ды, -ти, -ты*) формаси орқали ифодаланади. Қаттиқ ўзакда келадиган [а] орқа қатор, қаттиқ лабланмаган унли тарзида талаффуз этилади; [297] отлари (иккинчи бўғин чўзиқ); [298] вилоятга; [299] сўз бошидаги [й] ва [ж] муқаррар тарзда эмас, бирининг ўрнида иккинчиси ишлатила беради; [300] нимага; [301] бутун Юқори Қашқадарё шевасида чўнтак ўрнида кистә ишлатилади; [302] олиб келингизлар (II шахс буйруқ феълининг кўплик формаси *-нгиз* ва яна *-лар* қўшилуви билан ясалади, шаҳар шевасидагидек қисқаришга учрамайди); [303] қўҳнада (эскичада)—ўрин-пайт келишиги қўшимчаси жўналиш келишиги қўшимчаси билан ифодаланган. Бу ҳол шу қишлоқ вакиллари учун характерли ҳодиса. Ёшлар тилида эса *-да* ўрнида *-га* нинг янада кўпроқ ишлатилиши сезилади; [304] бояги (ҳалиги); [305] ундан кейин, сўнг; [306] кўпкарига ўрнида; [307] эртан азондан; [308] курмак емаган; [309] кўплик маъносини ифодалаш учун *боғ-боғ* тарзида такрорланган; [310] *-да* юкламасининг кенгайтирилган формаси (*-да:ғын*) ҳам мавжуд, у экспрессивликни кўчайтириш учун хизмат қилади (*бардыда:ғын, сувға атып жәә: :рди*-борди-ю, сувга отиб юборди); [311] олдинги сўзнинг қаттиқ ё юмшоқ ўзаклилигидан қатъий назар *ҳам* боғловчиси ҳар доим (*й*) *әм* тарзида ишлатилади;



www.ziyouz.com kutubxonasi

өткән барыб-барыб атты өзи қәйткән[312] кэкил тәйләп. Қайтып ырғып кегән. Атам атты қаш(ы)лап-қаш(ы)лап, белини тәттиб[313] йәнә қайтавэштан көпкәри жәйигә чыққан. Чыққаннаңкәй[314] улэхты териб эливүргән-дә[315]. Улэхты эливүргәндән кәй оғрыла бу атты көзини тәйигә басқан, атамды өзләри атты алдырэғ(ы)ға жатқан әкән-дә. Тойдан қайтышып[316] енди ҳэмрәйләри минән улэхларды мэташып, тири улэқ, өли улэқ[317] элып келишкән-дә, сәҳәл араға[318] өткәндәкәй көчкән[319] атты минип. Ҳәр тохтаған жергә чиричкә[320] бәйләп ҳәли: авғаннарды[321] түзәткән, дәм аған. Ҳәр зэмэнда ат ҳе: : деп кишнәп, тип-тиккә боп, жергә өзини тәйләймүш, шу пәлләләрдәйәм оғры алыстан[322] мәрәп журған[323]. Жылқылары кеткән одлап, қойлары йәм кеткән, чопэлләри кетишкән. Атамды өзи жатқанақан[324]. Байна: оғры атты чечип[325] апты-йу, шу[326], үстигә минип, ҳе:, йахшы жигит, ат кетти, арманда қама, деп ойғатыйты, атам ырғып туркеп[327] қара: п қапты, ат шэвыллап йорғалап ке: типти[328]. Уннан қара: п қаптылар атам. Шүтип[329] оғрылар атамны[330] атыны эп киткәнәкән[331], әни шүндәй[332] йахшы эдәмләр әкән атамлар. Мени енди ектә балам бар. Мәнәм шуларды арқасыдан көп жәйләрди көрип келлим[333]. Қарақалпағларға

---

[312] юмшоқ ўзак тāрзида талаффуз қилинган; [313] белини тортиб; [314] чиққандан кейин (охири [н] билан тугаган сўзга чиқиш келишиги қўшимчаси баъзан *-нан, -нэн* шаклида ҳам қўшилади; [315] бунда ҳам сингармонизм қэнуни бузилган (*алавургэн ё алывургэн* бўлиши керак эди); [316] Бу ўринда эса қаттиқ ўзак сифатида ишлатилмоқда. Бундан кўринадики, сингармонизм қонуни бузилиш процессини ўз бошидан кечирмоқда. Бу ҳолнинг айнан бир киши нутқида намоён бўлиши диққатга сазовордир; [317] ўлик улоқ; [318] сал орадан; [319] жўнаган, йўлга тушган; [320] чирич—илдизи бақувват ёввойи ўт; [321] оққанларни (охири [н] билан тугаган сўзга кўплик аффикси *-нар, -нэр* тарзида қўлланади); [322] узоқдан; [323] яширинча кузатиб юрган; [324] ётган экан; [325] ечиб; [326] бу ўринда *шу* кўрсатиш олмоши экспрессивлик ролини бажармоқда; [327] тура келиб (туриб); [328] *қара : п* ва *ке : типти* каби сўзлардаги унлининг чўзиқлиги иш-ҳаракатнинг узоқ давом этиб турганлигини (давомийлигини) билдириш учун хизмат қилади; [329] шундай қилиб (юмшоқ талаффуз қилинмоқда); [330] Охири [м] билан тугаган сўзлар *-ды, -ди* ва *-ны, -ни* аффикслари билан параллел ишлатила беради; [331] кетган экан (биринчи бўғиндаги [е] тор [и] унлиси тарзида талаффуз қилинмоқда); [332] ана шундай (бошқа қипчоқ тип шевалар билан қиёс қилинганда бу ҳар иккала сўздаги унлилар юмшоқ талаффуз қилинади); [333] аниқ ўтган замон феъли қўшимчасининг [д] товушининг охири [л] билан тугаган феъл ўзакларидан сўнг тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учраши шаҳар шеваларидаги сингаридир;



www.ziyouz.com kutubxonasi

бардық деӊ[334]. Пэйис чәршә:ми күни жөнәйәкән, үч кечә-үч күндүздә барайәкән[335]. Ҳаму дарйалары[336] болайәкән деӊ кәмә минән өтәйәкән у йахтан быйаққа[337].

Иргәли[338] бэвэмәм чавандазлық қылайәкәндиләр[339]. Бир күни көпкәрийә[340] жөнәптиләр, илләй улларыны, қызларыны бә:рини кеп уву::рүптиләр[341], атты эгәлләп қойыптылар-да, бишиктә:[342] баласыны йәм увуптылар, ҳәли:пирилләп журғыч[343] баланы йәм увупты. Мамам, худэрә.:мәти[344] боса, көтәрсин сизди, уйғатасыз бәчәләрди[345], бу нимә увуп бәчәләрди, бишиктә::нийәм[346] уйғатасыз, дептиләр. Меҳригә тоймай барайәкәндә. Тойға барған, байна: тоққустами[347] улэхты а:лып[348], баш улэх деп тәйләгән улэхты а:лып ҳәйдәгәндә-е. Ҳәйдәсә, бир эдам уӊа қош тақым[349] боған. Қош тақым боп, шу, кетивүргән чөзилип, экэвийәм улэхты тәртив ağан, ат ырғып кетивүргән. Шүтип кетивүриптиләр[350], мана:[351] жердә бир дэныйэрбэ:ны жары[352] деймиз, шундай жар кеп қаған-да, ат өзини төхтәтэлмәстә:н ырғыйды, енни шуннан, ҳай нарыға ырғыб, ат қараммаллэғ эшып[353] кетәди-йү өзи силкинип туркелә:ди[354]. Бэвам шор шу йердә қап кетәдиләр. Бә:ри үкәләри, ағайнылары чавушып барады[355], үкәсини отганчысыйкән[356] тура келгизип йелпишиб ала:ды, атқа мындырып чандып кетә:ди, уйға барып отэвға[357] эп кирә:ди, отэвға жәй сэп қойа:ды, иргали эдәмләр отэв қылайәкә-

---

334 *деңг* бу ўринда „мендан сўрасангаз, қизиғи шундаки“ каби қўшимча экспрессив маънолар бериш учун ишлатилган; 335 *борар экән* (бу ўринда биринчи сўздаги унлилар уйғунлиги иккинчи сўзга таъсир этмаган, шу сўзларнинг бошқа грамматик формасида таъсир этиш мумкинлигини кўрамиз: *бэрғанақан*-борган экан); 336 Амударёлари; 337 у ёқдан-бу ёққа; 338 илгари (метатеза); 339 қилар эканлар (бир вақтнинг ўзида ўзагида -*ай*- (-*әй*) қўшимчаси бўлган феълдан ҳам *экан, ҳам* аниқ ўтган замон феъли қўшимчаси орқали феъл ясалиши диққатга сазовордир; 340 кўпкарига (*ж. к.* қўшимчасининг -*йә* шаклида ишлатилиши шаҳар тип шеваларига хос ҳодиса); 341 ўпавериптилар; 342 бешикдаги; 343 юрадиган; 344 раҳматлик; 345 бола ва бачча параллел ҳолда ишлатилади, лекин иккинчисида ёш бола, гўдак маънолари устун туради; 346 бешикдагини ҳам; 347 сўроқ юкламаси -*ма* эмас, -*ми*; 348 [а:] чўзиқ ва натижада бу равишдош *эп* тарзида қисқармаган; 349 қўш тақим-улоқни икки киши бараварига тақимига босиб пойгада жўнаш ҳолати; 350 кетавериптилар; 351 мана бу; 352 Дониёрбобонинг жари; 353 думалоқ ошиб (думалаб); 354 ўрнидан туради; 355 чопишиб (югурушиб) боради; 356 ўртанчаси экан (бундаги [р] товушининг тўлиқ регрессив ассимиляцияга учраши шаҳар шеваларига хос хусусиятдир. (Мазкур ишимизда шаҳар шевалари деб тилга олинганда биз фақат *Ю. Қ*, территориясидаги шеваларнигина назарда тутамиз); 357 Шаҳрисабз, Чироқчи ва Қамаши территориясидаги аксарият қипчоқлар тилида *отэв* ўрнида *қарой*//қара өй (қора уй);



www.ziyouz.com kutubxonasi

ӣимүш[358]. Йилләй енәмгә бара:ды ҳәчә:[359]җәй сэп уйды түзә[360] деп, җәй сэп, аң қатып[361] қала:ды. Уннан абарып жатқызғаннан бэвэмны җэ:ны чыға:ды. Җэны чыққанна-кәй байна:атты түзәп, йәккә мыққа[362] бәйләп, төм босун, жипәк сәллә босун сэлып ҳәммәси сәдир қыла:ды, атты әйләнип. Аттан милт-милт, милт-милт көзидән жаш ағып отыраймуш. Ат маны шундай қарамаймуш[363], шу, кәлләсини сэ:п, көзидән жаш ағы:в отыраймуш. Енәм гәпирәй-(ди)лә[364] шүтип, бизәр манав ҳәмижҗэнләрдәй бэ-да унда. Байна:мурданы алып җөнәсә, аттыйәм билә-билә қавыр башыға алыб барғанақан. Бэ:(вэ)м бичәрә өлгәндәкәй көб эдәм көб нәрсә дегән, кичә:си чырағ жанып чығайәкән, гөридән, ҳэв[365] байна:җетимҗесирди, бивә-бичәләрди дувэсыны эған-да. Шу учун гөрләридән кичә:си чырағ жанып чығайкәнимүшләр бэвэмды.

Иргәли диктәрләб[366] эб, иш қылайдық. Уннан меңәйәм диктәр үлчәп[367] берди. Меңә бир жылқатавурды[368] өлчәб бергәниди, манав дөңдән[369]. Бәчәлә бәри чүвүлләшип қоймайды, бәчәләрди чүвүлләши қула:мға йахмайды[370], дедим-дә, бир бикәсәтиң[371] күйләгимди алыб бардым. Бувдайәм шу йили эдәм бөйи боғаныды, бэвларды тиккә қылып қойдымда:ғын отырып, қошығ әйти:п күйләгимди жағасыны буйты:п тикивүрдим[372]. Шу пәлләләргә отыз бешләргә[373] бэрман-да, уннаң қошығ әйтип тиктим-тиктим-дә, гә:тәкинә[374] жатай деп, жаттым айа:мны[375] үзәти:п жатувдым, айа:мнам бир нессә чиммитип чахты. Киш-ей[376]

---

[358] юқорида кўрганимиздек, *-ай* (*-әй*) билан ясалган феълга *ҳам экан, ҳам эмиш* сўзларининг бирданига қўшилиши лингвистик жиҳатдан муҳим ҳодиса. Бу *экан* модал сўзининг маъносини янада кучайтириш мақсадида қилиняпти; [359] тезда, зудлик билан; [360] шаҳар шеваларида (адабий тилда ҳам) тузат; [361] тонг қотиб, анқайиб; [362] якка мих—от боғлаш мақсадида ерга мустаҳкам қилиб кўмилган махсус ёғоч; [363] от мана шундай (қилиб) қарамас эмиш; [364] гапирар эдилар (*-ди* талаффуздан тушиб қолади, бу ҳодиса шаҳар шеваларига хосдир); [365] бу сўз олдин айтилган нарсани эслатиш, эсга тушириш мақсадларида ишлатилади ва „эсингиздами, ҳали айтганим (из) дек“ сингари қўшимча маъноларни ифодалайди; [366] гектарлаб (бир неча гектар бўлиб олиб); [367] ярим тор унлиларнинг тор унли тарзида талаффуз этилиши диққатга сазовордир (бунга мисол қилиб „*кичә:си*“, „*бивә-бичәрәләр*“ ни кўрсатиш мумкин); [368] йилғасимон (ер); [369] баландликдан; тепаликдан; [370] қулоғимга ёқмайди; [371] жигарранг; [372] тикавердим (феъл ўзагидаги [к] нинг бу формада [г] га ўтмаганлиги шаҳар шеваларига хос); [373] шу паллаларда ўттиз бешларда (ўрин-пайт келишиги қўшимчаси *-гә* билан ифодаланган); [374] *гә:тәкинә*<*гәрдәккинә (ф.-т. гардак*—заррача)—*жиндак, салгина*; [375] оёғимни; [376] киш—одатда товуқни ҳайдашда ишлатиладиган ундов сўз;



www.ziyouz.com kutubxonasi

игəң өлгүр, дедим. Чигирткə чахты-да деп, йəнə киш-ей, дедимдə айа : мны бир үзəтип, тиркемəси[377] йəнə жаттым. Қолымны шуйты : п жаттым, жассам[378] енди биннессə чиммитип чишлə : ди. Киш-ей, игə : ң жегир деп, көзүм гəттə : [379]уйқыдайкəн шундай қолыма қарасам, қолымдан мəйдə чиш[380] быйағыданəм кирип кеткəн, быйағыданəм, үч чиш киргəн, қэн чыхмайды өзи. Шу, қолымны батқан жери қызарып турыпты, чишлəгəнни онни ағарып турыпты. Қолыма қарасам, қолым шу тарқа[381], ырғып тиркеллим, ыйағ-быйағыма қарадым. Иллəйдə[382] шу, бэвды көтидə[383] бир қарыш нерсə турыпты, аппақ(қ)ына, көзлəри милт-милт етип турыпты. Ахлығы анэв сизди күйлəгиңиздэй, тегис ақ[384]. Бу нимəйəкəн деп менəм тиклəп[385] турывирдим, улəм қарап турывирди. Қолы бэрма[386] десəм, қолы жоқ, айа : : барма[387] десəм, айа : : жоқ. Кесəткимəкəн[388] бу йə жыламмəкəн[389] деймəн, өзи бир қарыш нерсə. Уннаң қарап-қара : п турдымда : : н, башымны үстидəн, ҳе : егəңни жегир! деп ора : мды[390] алыб ынтылсам ҳəли : жоғ вопты. Жоқ, ора : : мны эп охталаман десəм. Уннаң күйлə : : мди[391] эп тағы тигивүрдим[392]. Авэл қорғмэвдым[393], кийин баданыма вəрəжə кирди[394]. Башқа жəйдəн чəйлə қылып, башқа жəйгə барыб отырдым. Чəлэвимди[395] иштим, алма аб барувдым, уны жедим. Уннан еттəйисигə биттə ҳəмрəйим кевиди, Нарай дегичиди[396], ҳəй, Нарай, мем бир сир көрдим, дедим. Нимə сир, апа?-деди. Мана мени қолыма қара, дедим. Мени жылан чахса, мен чидэп туралмасыдым, башқа нерсə чахса, чиши батып қанап қалса керəгиди, бу нимəйəкəн, маны[397] қолыма батқаны ҳəли чыққан жоқ быйақ(қ)а, бу нимə бо-

---

[377] тура келмасдан (ўрнимдан турмасдан); [378] ётсам; [379] *гəттəк* (<*гардак*); [380] тиш (аксарият қипчоқ шеваларида ва кўпгина оралиқ шеваларда ҳам [ч] билан эмас [т] билан айтилади. Шаҳар шеваларида эса чиш); [381] шу тариқа (шу тарзда, шу алпозда); [382] олдинда; [383] тегида, тубида; [384] текис (сидирға) оқ; [385] тикилиб; [386] сўроқ юкламаси бунда *-ми (-мы)* эмас, *-ма (-мə)*, яъни қипчоқ шеваларидаги сингари; [387] оёғи борми (талаффузда тушиб қолаётган товушлар бирикмаси [*-ғы*] ўрнида олдинги унлида ультрачўзиқлик ҳосил бўлган); [388] калтакесакмикан; [389] ё илонмикан; [390] ўроғимни; [391] куйлагимни (бундаги ультрачўзиқлик [*-ги*] ўрнида); [392] бунда қипчоқ шеваларидаги сингари феъл ўзагидаги [к] унли товуш олдидан [г] га ўтган; [393] қўрқмовдим (<*қорқмаб эдим*); [394] қалтироқ босди; [395] чəлэп (сузмага сув, туз, пиёз, бодринг ва ҳ. қўшиб тайёрланган айрон); [396] *дегич* дейдиган, деган маъноларида; [397] *мана* кўрсатиш олмоши ***мана, маны, маңы*** сингари бир неча вариантда ишлатилмоқда;



www.ziyouz.com kutubxonasi

ла: :(ды)[398], дедим. Э: :[399], өл, апа, шуны йәм билмәйсәммә, бу өзиңни хожайы хыдырларың, деп күлди. Сен шуйтып йәккә йатқаныңа әстәгинә: чишләб уйғатқан-да, деди.

Еттәсийә бувдайды орды: м-ордым-да, дектәрди жығытыб боп[400], бэвлық ешип бәйләп, дәстә пытырдап жатыр[401], енди эвқәткә отыраман деп турывыдым, бир пәллә биргәдир келивирди, Нәзәрбэвэ дегичиди, ҳарма, Қурвэн, деп келивирди, шүтип гәпирәвирәйди. Қурвэн, сени ыдараға чақырыпты, сен жәш хатын[402] ергәйәм ти: мәдиң[403] деди. Ҳе, лә: :ткә тығай сиздийәм қошып, мен ергә тийәмән дийәппәммә[404], нимә қылайәкән мени ыдараға чақырып, дедим. Бэвдыйәм бәйләмәдим, алманы йәм ҳәмсәйәмизгә[405] қағып тәйләдимдағын, жөнәп ыдараға келлим, кесәм ҳич кым жоқ. Қаны ыдарайа ҳич кым жоқ-қу[406], мени кым чақырыпты, деп арқама қарасам, биргәдир қалып кетипти арқада. Бир пөрмә мудыр[407] барыды, шу чыхты, ыдараға кым болайды, маны мим бар[408], деди. Мени кым чақырыпты, десәм, отыр, сен пархэтқа[409] барасан, деди. Ҳе, қорқытасамма, баравирәмән, дедим. Мен гөр[410] қышлэхтаң чыхмағанда өзи. Енди сизәргә уруш жыллары Йаккавэқ(қ)а барып, қайтып келәлмәй, адашып қағаннарымды эйтыб[411] берәйин.

Шу жылы ҳәмижжэн этпускә: кегәнәкән. Мени әлләп[412] туплыпайағана[413] келлим деп журғанәкән. Тухум[414] қэвурыб бердим, кийимләрини жуббердим, әнәкәй[415] бирдән йаккавэққа жөнәдик. Мен ҳижжергә чыхмағанда, қорқа-

---

[398] бу ўринда ҳозирги-келаси замон III шахс феълининг қўшимчаси [-*ды*] ҳам тушиб қолиб, унинг ўрнида олдинги унли ультрачўзиқлик касб этмоқда; [399] ажабланмаслик, воқеага кулгили ва масхараомуз тус бериш маъноларини ифодаловчи ундов; [400] гектарни ўриб бўлиб; [401] боғлаб ташланган ғалланинг ниҳоятда кўплигига ишора қилиб, жонли тарзда „боғлар питирлаб ётипти“ демоқчи (*дәстә*—боғ); [402] ёш хотин (айрим қипчоқ шеваларидаги сингари сўз бошидаги [х] [қ] га ўтмайди; [403] тегмадинг; [404] ҳозирги замон давом феъли *-йәп* аффикси орқали ясалади (шу билан бир қаторда, юқорида кўрганимиздек, бу замон учун *жәтыр* ҳам ишлатилади, лекин стиль жиҳатдан бир-биридан фарқ қилинади); [405] бутун Юқори Қашқадарё территориясида қўшни ўрнида *ҳәмсәйә* ишлатилади. [406] *-ку* юкламаси; [407] ферма мудир; [408] мана мен бор (бундаги [е] тор унли [и] га ва [н] кейинги сўз бошидаги [б] таъсирида [м]га ўтади); [409] Фарҳодга (Фарҳод канали қурилишига); [410] ўзини койиш учун ишлатиладиган модал сўз; [411] *әйтиб* билан бирга *эйтыб* формаси ҳам қўлланмоқда; [412] алдаб; [413] аслда тублик-поялик бирикмасидан қисқарган сўз бўлиши эҳтимол (батамом, тўлиқ, мутлақо маъноларида); [414] бу маънода *мәйәк* ишлатилмайди (мәйәк эса, товуқ ёввойиламасин учун қўйиладиган тухум); [415] „*Уннан*“ билан бир қаторда шу маънода „*әнәкәй*“ ҳам ишлатилади (ундан сўнг, ундан кейин);



www.ziyouz.com kutubxonasi

ман. Бир өзүм қэвдым, бир киши кеп, ҳә, нимә буйтып жүрипсиз,—деп сорады. Мени ерим жаңнатаңана[416] армыйа: кеткән, ектағана мэйда[417] балам қаған, шундайғана сувдың бойнында, сувға түшип кетмәсә, тезрәк барағайсам[418], өзүм ҳәм дүжән[419], дедим. Енди йаккавэхты көргәммән истәнсәсини билмәймән. Нимәйки босам боламан деп келивирдим. Бир пәллә бир келинчәг мәнән[420] бир манэвлардайғана бәччә[421], қыз десәм келинчәктәй, келинчәг десәм қыздайғана, шу екэвы кетиб барйапты. Менәм шуларды арқасыдан иолға чыхтым. Булайәм кетивурди, шуларды арқасыдан менәм кетивурдим. Насарэғ[422] барывурта: (ғ)ын[423] ҳәли: бәч(ч)ә мени алдымды алды. Бизәр шә: : р[424] бэрамыз, сиз қайақа кетәйәпсиз, деди. Мен әйттим, менәм шә: : р бараман, силәр шә: : р бэрсаңлар, мени йәм хылым[425] бар шә: : рдә дедим. Ҳәли: жәй арпапайайкән-дә, быйақа күндәләң кеткәнәкән қамыш, ҳәммә йақ ийримийрим[426] әкән. Ҳәли: қызма, келинчәкмә қайсы гөргә қачып, жоғ волды, жашыныпты. Байна: бәччә шу йақ(қ)а чэвуп кетти. Менәм әйләниб барсам, уларды изи жоқ. Енди көб(б)ала[427] айал чыхты. сызарға[428] охшаған бир бәччә чыхты. Худэ урды ма: ны[429] мени енди, шу қачқаннардың енә: си деб, ушлаб берә: ди, дедим-у, жуға: ры[430] қарап сэллым. Қачып қамышты ичигә кирип қаппан, ҳич ичидән чығаман деймән, чығэлмайман жарып, чығаман деймән чығэлмайман, жылайман, бир тәр жәйгә чыхтым. Енди мени жэндэр-пэндэр[431] жеп кетә: ди деп жылайман. Нимәйәм боса, бир адыр[432] көринә: ди, шу адырға қараб журсам, кетәмән-дә сорай-сорай, дедим. адырға қарап кетәтурувдым[433] алыстан пахта көринди. Пахтаны ичидә ектә еркәк көринни. Эл, худэ урды мени дедиму, бир арығ бар әкән сувы қурыған әкән, шу арыхты ичидән кетивердим. арыхтан чы-

---

[416] яқиндагина маъносида; [417] *„мәйдә“* билан бирга *„мэйда“* шакли ҳам учраяпти; [418] тезроқ бора қолсам; [419] ҳомиладор; [420] *„минән“* билан параллел *„мәнән“* формаси ҳам ишлатилмоқда; [421] мана булардайгина бола; [422] нарироқ; [423] бораверди-да (ғин), бунда III шахс тусловчи аффикси *-ди* ва *-да* юкламаси ёнма-ён келиб, талаффузда булардан биринчиси тушиб қолмоқда (гаплология ҳодисаси); [424] шаҳар; [425] қариндошим (шаҳар шеваларида *хели-хеш* тарзида ишлатилади); [426] уюм-уюм (ўнқир-чўнқир); [427] кўп, бир талай (шаҳар шеваларида *коббала*); [428] бу ерда „сиз“ қаттиқ ўзак тарзида турланяпти; [429] мана; [430] юқори (га); [431] йиртқич ҳайвонлар назарда тутиляпти (табу); [432] адир; [433] кетаётган эдим;



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғы : п қарасам, еккәлә қолым қыпқызыл қаныға батып жа : п-ты[434], кийим билсәм, қолымды қыйах тилип-тилип, тилип-тилип кети берипти. Енди арыхтан чығып қайахтан журсам әкән деп, қолыма қараб отырсам, бәри жеримни тилип кет-кән, қан аққан. Енди нимә босайәм, шу туврайымға[435] қарап бувдайға қараб йурай, дедим. Бувдайға қарап кетиверсәм маны булардайғана бири кичирәк, бири кәттәрәк баласыны отырғызып қойыб бир айал машақ терәйәткәнәкән. Ҳа, эгә : -чи[436] үйиңис қайердә, дедим. Ерим Са : вэнда[437], сис қайер-дән келәйәпсиз, деди. А : , гөримни сорайсызма, бир ергә тегүвдим, ерим урды, пыча : : ны ушладым, маны шуйтып ти-лип-тилип кетти, еримдән қачып келйәппән, мени үйиңдә бир кечәгә асра, арқамдан түшә : ди мени, дедим, мәйли, сиз мэнэв пәнәдә жатып турың арыхта, мем бир торва ма-шақ терәй, ийартып бараман[438], деди. Ухламаған эдәмәмәс-мә, арыхты ичидә, намда[439] қатып ухлап қаппан[440]. Бир пәллә, енди бир торва терипти-дә, бир торваны йәримәм қыған, эк(к)и торва терипти, мени уйғатты, журың кеттик деп, ийартыб барды. Бир жердәң қазылған үйи бар әкән. Мен айттым мең(ң)ә маны шу төләгә[441] жәй қыб бер, шуң(ң)а жатай, ерим йаман, арқамдан түшкән, дедим. Ҳа, кемәйди бийирләргә, дийди бечәрә. Йәхшийәм бар дунйа-да, жаманам[442] бар. Отырувдық, биттәси келли, ҳа, дуга-нажан, қайердән келйәпсиз. Журың мен сизди үйимә эбэра-ман өзим, деди. У бечәрә ийартып кетти мени. Йәнә бит-тәси келди[443] әйт(т)и, қызым, деди, мең көчәмән, мэнэвны игириб бергин, чекмән қыламан, деди. Э : : , дедим, кү-ним кетиб барайапты, мәйли, мең (ң)әйәм бериң игирәй ме-нәм, дедим. Мең(ң)ә биттә нэм берди, пичә жүн әпкебер-ди, көзим әтрэптә истәнсәни пәхтәләри көринип турыпты. Шундайға[444] әйләнип-әйләнип шо йолға кеп қаппан, қара-сам, истәнсәни пәхтәләри, худа урды, жақын әкән, арқам-дан бирэв түшәт(и)тә деп, жүрәгимә ҳөвүл түшти[445]. Шу күни жаттым, биттә : си кичири[446] қылды, биттә : си көчә[447] қылды, бир йахшы ерләри ишләйәкән, жаттым баҳазур[448].

---

[434] қонига ботиб ётипти; [435] тўғримга; [436] опа; [437] жой номи; [438] эргаштириб бораман; [439] намда; [440] ухлап қолибман; [441] ертўла (тепаликларнинг ёнидан қазиб қилинган вақтинчалик уй); [442] *йаман||жаман* параллел ишлатилмоқда; [443] *келли* ва *келди* формалари баравар ишлатиляпти; [444] шунақасига; [445] қўрқув, ваҳима тушди; [446] мошкичири; [447] гўжа; [448] баҳузур;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Енди мени чығарып жолыма сап қой, дедим. А::, дугана, бугун хаталлы[449], еттә кетсәң бемәлэл кетәсән, деди. Жоқ, шу кечә барсам, жолда Ортэ:вулда әммәм барыды шуныкидә[450] жатаман-да, дедим. Бомаса, маны шу арыхтан жона, шундан жонасаң ту:ры бэзаржайыға[451] чықасан, кәттә жолдан журма, деди. Жоқ, қорқаман, дугана, деп кәттә жолдан чығы:п келәйәтү:дим[452] бир эрава чыхты, ичидә көп эдәм. Быйақа, оңқол тәрәптә девэл[453] бэр әкән, көп жәйгә девэл тәткәнәкән, шу девэлди ичигә, элыстан эрава чыққандан кириб отырдым. Улар тақыр-туқур, тақыр-туқур өтип кеткәннәң кейин чыхтым-да. Чығы:п пичи жүривдим, элыстан бир мэшын чыхты-да чаң(н)ып. Е:: жүргән мэшын-да де:п, жүри:п кетивердим. Мэшын мендән отты-да пичи жүрип тақка тохтады, арқамдан чақырды, ындамай кетиверүвдим, бир бәччә арқамдан түшәсэп чэвуп келәйәпти. Сизди чақырайаптылар, қайахтан келәйәпсиз, деди. Сағвэндан келйәппән, Йаккавақка барйаппан, Йаккавақка әкәм бар, әкәмникигә барйаппан, дедим. Хай, нимә гапыңыз боса әйтәсиз, сизди чақырйаптылар, деди. Қорқмай, батыр боп, жүрә::мди туты:б[454] бардым. Бир киши күлимси:п[455] турыпты, қолыда қағаз. Ҳә, сыңлым, қайақа кетйәпсиз, деди, кәлхүздәң келйәппән, йаккавақка барйаппан, дедим. Сизгә жүвэп[456], мәйли, барың, деди. Шундан енди аламжа:н[457] жол жүрүвдим. Улар мэшынды завады[458] қып жатувды, йәнә чақырывүрсә бола:ма?[459]. Жүрә::мә талваса түшти, қохтым. Ичидә бизәрди қышлахтам бир киши бар әкән. Шу бекэр жүвэб бердиң, бу айал бизәрди қышлахтан, паланчыны хатыныға охшайды, депти. айағымда, тикән кирәди деп, гүм кәлиш[460] еди-тә, шуны депти гүм кәлишидән таныдым. күйләгидән таныдым, у қызыл күйләк киймәйди, мудэм бикә күйләк кийәди, эх күйләк кийәди, депти. Енди бетимди көссәтмәгәнәкәммән-дә. Мен шор, булар бегәнә эдамлар боса, мэшыныға сэп мени қымқайақа[461] эп кетип қалады, деп қорқ(қ)ан-да. Чақырғаннаң

---

[449] хатарли (шунга ўхшаш айрим сўзларда [р] нинг регрессив ассимиляцияга учраши кўринади. Шунингдек, *еттә>ертә*); [450] ассимиляция қонуни бузилган, шуныкида бўлиши керак эди (бунга ўхшаш ҳодиса мазкур текстда анчагина); [451] тўғри бозор қилинадиган жойга; [452] катта йўлдан чиқиб келаётган эди; [453] девор; [454] юрагимни тутиб (биринчи сўздаги чўзиқлик тушиб қолган *-ги* ўрнида, иккинчи сўздагиси эса маънони (қаттиқ тутиб, мустаҳкам тутиб сингари) кучайтириш мақсадида келган); [455] кулимсираб; [456] жавоб; [457] анчагина; [458] русча: заводить; [459] бўладими; [460] чуқур калиш; [461] аллақаёққа;



www.ziyouz.com kutubxonasi

кейин бармай десәм, бомайды. Ё: : нимә боса шуйәкән-дә деп, келип, мэшың(ғ)а ропарай[462] боллым. Байна: киши, сиз быйырда хата чығып қалдыңыз, сис Тураң, қышлахтанәкәнсиз-ко, мының, йаккавэққача барып, кейим башқа мэшым минәң қышла: : ңызға кетәсиз, хап(а) вомайсыз-да, деди бечәрә күлимсип. Мынсам, эктә айаләм бар, бири мынжырданәкән, бири ундан нәри: қышлахтан әкән. Шүтип әнәкәй ҳәмрәй тэвып қышла: : ма жетип кевдим есән-амаңғана, жәшәкәммән-дә шо паллалар.

Яккабоғ район, Турон қишлоғи, Муродова Қурбон, 60 ёш, қовчин уруғидан, пенсионер (16.VII.1965 йил ёзиб олинган).

Майда дегән бизидик,
Этадан элты[463] қыз идик[464],
Муштумзорды[465] зәрбидән
Бэш-бэшымызға тозыдық.

Майдамды әңдәзәси,
Полэттан дәрвэзәси,
Тоққус хумға[466] қайнайды
Майдамдыйа бозасы.

Боза торғай бозалмас,
Бир-биридән узалмас,
Йамэң хэтын алмаңызс
Розғарыңыс[467] түзәлмәс.

---

[462] рўпара; [463] кипчоқ группа шеваларидаги [э] шаҳар тип шеваларидаги [э] дан сифат жиҳатдан фарқ қилади. Қипчоқ шеваларининг шаҳар тип шеваларига яқин ёки улардан узоқ жойлашуви нуқтаи назаридан бу фарқ турличадир. Айниқса, қаттиқ ўзакларда шаҳарга хос [э] га яқинроқ бир унлидан тортиб то [а] га қадар бўлган вариантларни ичига олади. Бу ҳақда ўз ўрнида тегишли изоҳ берилади. Мазкур текст ахборотчиси эски мактабда таҳсил кўрган, шаҳар аҳолиси билан алоқада бўлиб туради. Шунинг учун [э] шаҳар шеваларидагига яқинроқ талаффуз қилинади, баъзан сингармонизм ҳодисасининг бузилиш ҳоллари учрайди (навбатдаги изоҳга қаранг); [464] *қыз идик* (шу қишлоқнинг бошқа вакилидан *қызыдық* формаси ҳам қайд этилди)—сингармонизм қонуни маълум даражада бузилган. Аксарият ҳолларда *эмоқ* тўлиқсиз феъли ўзидан олдин келган компонентнинг ўзагидаги қаттиқ ва юмшоқликка қараб тусланади; [465] Ахборотчи тилидаги шаҳар шевасининг таъсири яна қаратқич ва тушум келишикларининг бир формада *-ны, -ни (-ды, -ди, -ты, -ти)* тарзида ишлатилишида кўринади. Бу бутун қишлоқ ва чуют уруғи вакилларининг ҳаммаси учун бирдай хос хусусият эмас; [466] шаҳар шеваларига хос хусусиятлардан яна бири ўрин-пайт келишигининг *-ға, -гә (-қа, -кә)* шаклида қўлланишидир. Лекин бу шаҳардагидек системали равишда эмас. (қ. 468); [467] қипчоқ шеваларининг шаҳар тип ва оралиқ шевалардан фарқланувчи морфологик хусусиятларидан бири буйруқ феъли II шахс кўплигининг ва шу шахс, сондаги эгалик қўшимчасининг *-(ы) ңыз, -(и) ңиз* формасида келишидир;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Уоттызыда[468] кѳб биләди мақалды,
Қырққа кирмәй әқартырар сақалды,
Сыйыр сәвса мурдәр[469] қылар сутыны
Қашлай-қашлай чақа[470] қылар путыны
Тәхтәйигә[471] үѳлдирәди питини
Кепәк бермәй уоғры қылар ытыны
Әхырыда сени ахлың сус[472] қылар
Ҳар қанча давлатың боса бәшыңда
Әхыр сени гәдәй минән дос қылар.

Пәдшәйи Искәндәрди[473] әсридә қаррыларды бир жәйға әлыб бәрыб, тәйләп[474] келиш әдәти бәр әкән. Сәни[475] бир күн бир йигитәм[476] әтасыны арқасыға котарыб әлып кәти верипти. Бир йергә бәрыб бир тәшты үстигә от(т)ырыпты арқасыдағы сәндықты қойып. Әтасы сәндықты ичидән туруп күлипти қаққыллап.

—Әта, мен сизди ѳлимгә әлыб бәрйаппан, нимәгә күләсиз,—депти улы.

—Улым, менәм бәвәнды әлып кейәндә шу тәшты үстигә келип от(т)ыру: дым, шу гәп эсимгә түшүп күлйәппән, бир күн сенийәм улың кѳтәрип келәди шергә, сеңәйәм әвушып[477] келә: ди шу, — деди.

Оғлы[478] турув[479] әйтти, әта, деди, енни мен сизди әбәрып тәйләмәймән, сизди бекитип қойаман йери-зәмиңә[480], Искәндәргә билдирмәймән, деп қайтарыв әлып кетипти. Шуйтып йери-зәминнән үй қып әтасыны бәғывурупты[481]. Бир күннән бир күн бир дәйрәйи шор, бетәг дейрәни тәйидән

---

[468]баъзан ўрта-тор унлиларда дифтонглашув рўй беради; [469] *мурдәр* ҳаром; [470] *чақа* яра; [471] *тәхтәй* хамир ёядиган тахта; [472] *сус*<суст. Сўзнинг охирида икки ундош ёнма-ён келганда унинг бириси (аксарият сўнггиси) тушиб қолади; [473] бу бирикманинг изофат тарзида қўлланиши ахборотчининг форс-тожик тилидан ҳам хабардор эканлигини билдиради; [474] ташлаб; [475] сәни (*сўнг*, кейин) эски мактабда таҳсил кўрган ва форс-тожик тилидан маълумоти бор кишининг тилига хос, *Ю. Қ.* тожикларининг нутқида ҳам бу сўз ишлатилади; [476] Сўзнинг бошида келадиган [й] нинг [ж] лашиш ҳодисаси бу ахборотчининг тилида аҳён-аҳёндагина қайд этилди; [477] *эвушып*<*әғышып* (айланиб, қайтиб маъноларида); [478] *улы* билан бир қаторда *оғлы* формасини ишлатиш ҳам бор; [479] унли ёки [й] билан бошланган сўздан олдин охири [б] билан туғаган сўз келганда у шаҳар шеваларидаги сингари [в] га ўтади ва ниҳоятда суст талаффуз қилинади; [480] *йери-зәминдә* бўлиши керак эди, жўналиш келишиги формасида ишлатилган (ернинг остида маъносида). Текстда *-да* ўрнида ҳам *-га* аффиксининг кўплаб ишлатилиши ахборотчининг тилига шаҳар шевасининг нақадар кучли таъсир этганини кўрсатади. Қипчоқ шева вакилларидан ўқимишлиларининг шаҳар шевасидек гапиришга ҳаракат қилиши умумий бир ҳол. Бу биринчи навбатда *-нинг* ўрнига *-ни* ва *-да* ўрнига *-га* ишлатилишида кўринади. Айниқса, ҳозирги ёшлар ўртасида бу сезиларли даражада; [481] боқаверипти;



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир гәвҳәри шэвширәк[482] көринипти. Муны пэшшэға мәлумәтини бериптилә, дәйрәда гәвҳәр бэр әкән, деп.

Пэшшалығ-да, ҳәр күн бир йигитти йуварывүрипти дәйрәгә, эп чығыб бола: мы[483] уны, чуқур-да, эт киссәйәм[484], пийәдә киссәйәм бомайд(ы)-да, қайтыв[485] эб болады уны, тәги йоғ-да өзийәм дәйрәни, бэрған эдам өлип, балығла йеп кетә: ди. Ахыр бир күн йаңңа: [486]йигиткәйәм ачрат[487] келди-дә. Енди, эта, бизәм дүйнәдән отамыз, шундай-шундай сөз, дәйрәдә бир гәвҳәр бэрымыш, шуны эп чыққаны пэшша йигилләдди йубарайаткәнимиш ҳәр кимди ачраты минән. Еттә бизди ачратымыз әкән, энди бизәм бэрамыз. Пәләнчәни улы, пистәвәнчәни улы—йигирмә-оттуз йигиллә өлип кетти,—депти улы.

Балам депти этасы, у дәйрәни ичидән көрүммәйди, бекәр әйтипсән, сен дәйрәни ләвигә дәррәв бэрма. Бир қарағын, дәйрәни бойыда бир кәттә азамат чинәр бэр. Қарап ке, қаны, үстигә үйә бэрма, йоғма?[488]. Бир ләйләкти үйәси бэр, ошаны үстигә бу. Шоны хилвәт қып, мәхпи қып[489] сен бир көр қаны[490], өзи бир тэвуғды тухмыдай[491] болады, эғ болады[492] шундай, муны ҳич ким билмәйди. Шуны шыйэвы[493] дәйрә: [494]көринип түргән чирәхти айдыныдай. Сен еттә бэрсаң чаққэн боп шуны үстигә чыққын-да тухумды эп, дәйрә тавэңа[495] өзи: ни көссәти: (в) йүрүвургин пәскә, депти.

Шуйтып муны пэшшэға кетириб берипти. Ҳәммә ҳайрэң қэлыптыки, эббэ, әхлиңәм дэнайкән, көп киши өлимдәнәм қутулды, деп.

Бир күн әрәдән бир нечи вәх өткәннәйкен[496], пэшшэйи Искәндәр бир эбы ҳайат дейән[497] сув бэр әкән, дев ешитипти. Уны ичкән киши өлмәсәкән тэ қыйаматқача, у бир зүлмәти қараңылыққайкән-дә(й)е[498]. Пэшшэны махсады шуны тэммэғ болыпты. Пэшшэ халхты йеғип шу йигиттийәм

---

[482] гавҳари шамчироқ; [483] олиб чиқиб бўладими? [484] [р] нинг кўпгина ундошлар олдидан регрессив ассимиляцияга учрашиш ҳодисасини *К. Ш.* шеваларининг таъсири деб қараш керак; [485] қандай қилиб; [486] ***йаңңа*** : < ***йангыдағы*** (бояги, ҳалиги маъносида); [487] <*р. очередь*; [488] сўроқ юкламасининг ***-ма*** (***-мә***) шаклида ишлатилиши қипчоқ шеваларининг характерли хусусиятларидан биридир; [489] яширинча, махфий йўл билан; [490] бу сўз адабий тилдаги ва тошкент-фарғона тип шәваларидаги *-чи* юкламаси ўрнида ишлатилади ва у англатувчи маъноне ифодалайди; [491] бу сўз ўрнида қипчоқ шеваларида кўпинча ***мәйәк*** қўлланади; [492] оқ бўлади; [493] шуъласи (ёруғи); [494] <*дәйрәгә*; [495] томонга; [496] бир неча вақт ўтгандан кейин; [497] [г]-нинг [й] **г**а ўтиш ҳодисаси ҳам шаҳар шеваларига хос; [498] *-дә-(й) е* қўшалоқ юкламаси маънони кучайтириш, фикрни якунлаш ва ажабланиш туйғуларини ифодалаш учун қўлланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

халлапты[499] тағы. Бала этасыны элдыға кев әйтипти, Эта, ду[в]э қылың биз кетәйәппис тағы, эбы ҳайатқа кетәймүш биз[с], уш-тор күн вәх қэллы, егәр-жабдуқларыңды рэслаңнар, этларыңды бэғыңнар дейәпти, депти. — Сең бэзэр бэрғын-да бир саман қаражал қулуллық бәйтәл[500] әп кегин. Соғуң кетиш пилләгә өзүм әйтәмән. Қулуныны бәйтәлди көзигә көссәтиб бойнидан бәйләп қой.

Иүрәсиләрмә, бир қайтыш вәхти болад(ы)-да, қайтқанда бәйтәлди сен жылэвыны ушлама, өзини қойвур[501], өзи тэвуп чығады, депти.

Йерләрди тәйини көрсәң тэш бэр, у тэшемәс тылла, көб эртма, эзрэғ, бэрдэшыңа қараб эрт, нәпсиң[502] кәттәлық қылмасын, эзрэғ эғын-да, халққа уч марта чақырғын, сендән гилә[503] қылмасын, өзини көрипти-дә, демәсин, бахыллығ (б)омасын[504], эған элады, эмаса өзи биләди. Бу тылла минән тэш дегин, ҳо: быродарлар, керәг болады, бу тэштан эңнар[505], деп уч марта чақырғын. Шуйтып сен эдамнардан көв илгәри чығасан, деди.

Пэшшэйам жолға чығды эдамнары минән. Биттәси бир балығды дарылап көтәрив элды, өлиг балығды, сувды билмэғ[506] учун-дә енди, чәшмә[507] сув көп-тә, сув чыхса тәйләп көрү: рәмиз[508] деди. Қандай сувға балых тырылып кетсә, шундан биләмиз, бомаса нимә биләмиз[509] сув көб боса қараңылық(қ)а, деди. Ҳэкэза[510] шундай қылып, балаға йол екки чыхты[511]. Ҳәйдәри Хизир бир йолға[512] кетти, бир йолға Искәндәр кетти. Ҳәйдәри Хизир қараса, он тор чәшмә бэр әкән, шуны биттәсидән сув эдам бойы чөпчип[513] чығайапты, бир өлиг балығ сэвды[514] ойнап кетти-дә-е, сэғун өзләри биттә йэтыв иштилә. Искәндәр тэвэлмады[515], кетти. Йолға[516] Исрэпил көрип қэпты. Е, сизгә нәсиб емәс, хыдыр тэпты, қайтың енди сиз эвэра воман, кеттиг, депти. Хай, сиз кәттә киши, меңә наса: т[517] бериң, эта-енәмдән

---

[499] *хатлапти* (хатга олипти, рўйхатга қўшипти); [500] қора ёлли қулунлик байтал; [501] ўзини қўйиб юбор; [502] нафсинг; [503] гина; [504] бахиллик бўлмасин (*б* талаффуз этилмайди); [505] олинглар (охири [н], [м], [н] билан тугаган ўзакка кўплик аффикси *-лар* қўшилганда [л] [н] га ўтади); [506] *-мэғ* (*-моқ*) билан ясалган ҳаракат номи бошқа формаларга (*-иш*, *-ув*) қараганда кўпроқ учрайди. Шаҳар тип шеваларда эса кўпинча *-иш* билан ясалган форма қўлланилади; [507] булоқ; [508] кўра берамиз; [509] *нимә биләмиз* (қандай биламиз, қандай билишимиз мумкин маъносида); [510] *ҳэкэза* сўзининг жумланинг бошида ишлатилиши характерли, бу ерда у *хуллас* маъносида келган; [511] *чыхты* ва *чығды* формалари параллел қўлланмоқда; [512] *йолға, жолға* сўзлари ҳам худди шундай икки шаклга эга; [513] сапчиб; [514] солиб эди; [515] топа олмади; [516] йўлда; [517] насиҳат;



www.ziyouz.com kutubxonasi

ешитмәйән пәм[518] бериң, депти Искәндәр. Бир мән(ы)[519] шу пийәләдәй тәшты берәйкән[520], мән(ы) шу сеңә, муннаң кәттә наса:т бомайды, дейкән. Искәндәр йәнә сорамадыко[521], муннан нимә мә:ни чығады, деп, енни ҳурмаллады[522], иннәмәд(и)-дә. Ха[523], мәйли көрәмиздә, деди. Шуйтып ҳәммәдән илләй[524] байағы йигит, ха, чақырды йәм, бир сәк(к)исток(қ)ыс[525] күн илләй чыхты-да шу зүлмәттан. Йигит чығып кесә, муны тылласы көп. Бирәв бәр биштә әған, бирәв ектә[526] әған, әмағаныйәм көм муны[527], тәшты нимә қыламыз деп, ҳәммә пүшәймән-дә ен(н)и, әғанәм әрмәнда, әмағанәм. Муны көрип пәшшә айтты, бу ақыл муннан чыққан емәс, бир баләсы бәр, деди. Оғлым, шу ишләрди өз ахлың минән қылйапсамма? Өлимнәң қәллың[528] — бир, зүлмәттан илләй чығдың — екки, бу тәшты тылла деп ҳечкимди ахлы йетмаған, сен муны қердән әллың — бу үш[529], деди. Сеңә бу гәвларды кым үргәткән[530], айт, деди. Меңә бир сәҳат мө:ләт[531] бериң, айтаман соғун деп, әтасыға келип, пәшшә шундай дейәпти, деди. Әтасыдан үргәниб, бир қәшық қәнымнан өссәң[532], айтаман, ҳәммә гәпти әтам айтқан, деди. Шуйтып қары билгәнни пәри билмәс-тә, қарыны кымки тәйләп кесә, ахмәғ әкән бу, уннаң көп пәйдаланар әкәммиз деп, қарыларды әбәрмаслық[533] шуннан қәған әкән.

Бир вахлар бир кишини хәтыны сарых[534] туққан әкән, муннан әр қып[535], уны бир чолға чығарып тәйләп кегәнәкән. Семуруғ дегән бир йәндәр[536] вәрәкән, өзини көргәнимиз йоқ, рәсмини көргән[537]. Уны кәттә чынарда үйәси бәрыды, дейдилә. Өзи үштә баласы бәрыды, бу сары(ғ) бәләни әлыб бәрып үйәсигә қойд(ы)да, бәғывурды[538] торт(т)а болды балам, деп. Муни ҳәр йил баласыны бир аждар йеп кетәйди, билмәй қәлайды. Билсәко, өлдирәйди, билмәйд(и)-дә,

---

[518] фаҳм; [519] мана (жумла ичида сўнгги унли [ы] талаффуздан тушиб қолади); [520] берар экан; [521] сўрамадики (*-ки* боғловчисининг *-ко* шаклида талаффуз қилиниши қипчоқ шевалари учун характерли ҳодисадир); [522] ҳурматлади, ҳурмат қилди; [523] *хай* модал сўзининг қисқарган шакли; [524] олдин, аввал; [525] сўз ўртасидаги қўшалоқ ундошлардан бирининг тушиб қолиши шаҳар тип шевалардан фарқли ўлароқ қипчоқ шевалари учун хос ҳодисадир (шу жумладан; *меңә, сеңә* ва ҳоказо); [526] иккита; [527] олмагани ҳам кўп бунинг; [528] ўлимдан қолдинг. (Бу ўринда [м], [л] билан тугаган сўз ўзагига [д] билан бошланган аффикс қўшилганда [д] нинг ассимиляцияга учраши шаҳар шеваларига хос хусусиятдир); [529] бу уч; [530] ўргатган; [531] муҳлат; [532] ўтсанг; [533] олиб бормаслик; [534] қипчоқ шеваларида бу тип сўзлар охиридаги [ғ], шунингдек, [к] билан тугаган сўзлардаги [к] товушлари одатда тушиб қолади. Бу ерда [ғ] нинг талаффуз этилиши фақат ахборотчига хос; [535] бундан ор қилиб; [536] шаҳар шеваларида ишлатиладиган [ж] ҳам [й] тарзида талаффуз этилган (жондор); [537] шахс-сон қўшимчасининг тушириб қолдирилиши диққатга сазовор; [538] боқаверди;



www.ziyouz.com kutubxonasi

үч ил өтүвди бу арадан-да, бир вах семуруғды балалары чарыллайвүрди, буйтып қараса, бир аждар эвзыны[539] кәттә эчып келәйәпти чынарға өрәлап. Хыппа тэмэғыдан боғыв эллы бэйна: сарығ бала, ҳәли чәқәләғ боғам минән зорды баласы-да, боғыв элды. Талпынды аждар, талпынғам минән қойама[540] бу. Напасы бант болды-йу[541] аждар өлди, баланы қолыдан пәскә чүшип кетти өлиги. Өлдирди-дә-е шундай қылып.

Бир ма: л[542] семуруғ бал(а)ларыға эвқат элып келди, қараса, бир нәрсә йэтыпты. Бал(а)лары айтты. е:, энайы ме: ривэн[543] бу пәрзәнтиңиз бир иш қылды, пәскә бир қараң мундай, аны шуны боғыв өлдирди шу, деди. Чүшүп тумшуғыны искәп көрсә, бал(а)ларыны ҳәммәсини иси шу тумшуғыда бэр-да. Кәлләсини өзи йеди, „хуны балам", деп, быйағыны[544] үч бөләк қып, үч баласыға берди. Аны енди семуруғды ме: ри[545] неч(ч)и ҳиссә зыйэт боллы зэлға, бэйна: балаға. Бэғувурды, тэ ҳәттә[546] бу бала омбырға кирди.

Бэйна: сэм пэлвэннан, баланы этасыдан гәп сорасаңыз, биттәйәм бала көрмәди, хэтыннарыдан[547] ҳеч пәрзән бома: -ды, ҳо[548]:, нэшукурлық қығаны учун, э, сарығам боса балайд(ы)-да. Шуң(ң)а нэшукурлық қығаным учун енни бу өзимнән өтти, қолымнаң кетти, е:, әттәң, деди.

Уннам-муннаң гәб ешитти, өтинчи вэр, пэдавэм бэр, чопэм бэр[549]. Аны палэн жэйда, палэн чинэрдә семуруғды бал(а)ларыны қаватыда бир йигит — эдамды баласы бэрымуш, семуруғ кәттә қығанымуш, рәң(ң)и у тар(ы)қаймуш[550], бойы у йемуш, өзи бу йемуш[551], деб ешитти-дә-е. Баланы этасы хат қылдыко, шэҳи мурғэн[552], сеңә бир эдам йүвэддиммән, рэс әйтәсән, сен шу үйәңә бир эдамды кәттә қығанымушсан, шуны ма: лумэтыны бергин, деп.

— Ҳа, сэм пэлвэн, деп жавэп қайтарды семуруғ омбир йыл болды бир баланы чөлгә тәйлә: (гә) нәкәннәр, шуны элыб бэғувдым, этыны зэл[553] қойдым, деди, сарығ учун.

---

[539] оғзини; [540] қўядими (қўярмиди); [541] нафаси бўғилди; [542] бир маҳал (бир вақт); [543] Э, онайи меҳрибон (шаҳар шеваларига хос ибора); [544] бу ёғини; [545] меҳри; [546] ҳаттоки; [547] хотинларидан; [548] бу ундов сўз олдингини эсга тушириш, эслатиш оттенкасини ифодалаш учун ишлатилади; [549] ўтинчи бор, подачи бор, чўпон бор (охири унли билан тугаган сўздан сўнг *бэр вэр* тарзида ишлатилади. Шунингдек, подачи ўрнида *пэдавэн* қўлланмоқда); [550] тариқа эмиш (тариқа сўзи иш-ҳаракатнинг эмас, балки предметнинг белгисини билдириб келаяпти); [551] *К. Ш.* шевасида ҳам бундай фонетик вазиятда *эмас* сўзидан олдин [й] қўшиб ишлатилади; [552] форс-тожикча ибора (қушлар шоҳи); [553] сариқликни билдирадиган сўз бўлганда у *зард* сўзига яқинроқ талаффуз қилиниши лозим эди. Аммо *зол* сўзининг ўзи тожикчада 1. қари чол, 2. муғомбир маъноларини англатади;



www.ziyouz.com kutubxonasi

— Шуны бериб йүвэргин, деди, еккинчи хатыда. Семуруғ бу гэпти оғлыға айтувды, — мен бэрмайман, этамам сен, энамам сен, деди. этам боса, енди чығадыма, сен мени өлимдәң қутқардың, кәттә қылдың, енди бэрмайман, кесә, өзи кесин этам, мэ: ны[554] эчых майдан, деди.

Семуруғ жавэп қылды, мендәң гинәдәр[555] болмаң, пэшшэйы сэм, оғлыңыс шундай дев айтайапты, деди.

Сэм көп пэлвэлларды йүвэрүвди, уларға зорлық қылды, қайтарыв йүвэрди бәрини, өзи бэрды ахырыда. Зор әкәндә сэм, шу, чынарға неч(ч)и қават чатма қып эрғамчын тәйләп тэртып, тэмыры[556] минән суғурәйкән бадбахт.

Этасыны ҳурмат қылды йә қорқышытамма, семуруққа айтты, мени элыб[557] бэрың, этамға бир наса: т қылып қойың, деди. Шуйтып, оғлыны элыб бэрды, онәк(к)ә: [558] киргән пилләсидә этабала тэвушды-да[559].

Бэшы йәләңәч, эйағы йәләңәч босайам чидәди. Енди либәсти кийди. Сэвут — қалқаныны тэғды[560], гүржисини[561] элды, ҳәйдәди[562] этасы минән-дә-е семуруғ минәң хәйирхөшләшип.

Китоб посёлкаси, Бештерак қишлоғи, Йўлдошев Мусулмон, 79 ёш, чуют уруғидан, пенсионер (20.VII.1965 йил ёзиб олинган).

Бир жөрәмиз[563] барыйды, кәсәл болыпты[564] деб ешиттик, көргә: ни барамыз, дедик. Нимә аламыз, десәм, ҳәмрәйим, зарда: лы[565] аламыз, деди. Мен зарда: лы кәсәлгә йақмайды, гылаз[566] аламыз, дедим. Гылаз алдық, гылазды қағазға ҳорадық-та, бардық. Барсақ, бир пылла йатқан әкән[567]. Ҳа: йахшымысыз, деп, кирдик. Ҳа:, келиңизәр деп, хатыныға, нан әпке, деди. Әнәкәй хатыны учав(ы)мызға

---

[554] мана (биринчи бўғиндаги унли чўзилади); [555] гинали; [556] бутун *Ю. Қ.* шевалари учун илдиз ўрнида томир сўзини ишлатиш характерлидир. [557] *-(и) б* билан тугаган равишдошлардан *элыб, қылыб* кабиларнинг бу тарзда тўлиқ қўлланилиши қипчоқ шеваларига хос хусусият эмас, одатда *эп, қып* шаклида ишлатилади; [558] ўн иккига; [559] топишди-да; [560] тоқди; [561] гурзисини; [562] кетди маъносида. Умуман, қипчоқ шеваларида бу сўз кўпинча *ҳәйдә кеттик, ҳәйдәңис кеттик* тарзида кетмоқ феъли билан бирикиб, бир бутун маънони англатиб келади; [563] *Ю. Қ.* шеваларида ўртоқ ўрнида *жөрә* кенг қўлланади. [564] қипчоқ шеваларига хос „*бопты*“ феъли ўрнида унинг тўлиқ шакли ишлатиладики, бу шаҳар шеваларига хосдир; [565] ўрик; [566] бу ўринда *гилос*, бироқ Чироқчида кўпинча *олча* ўрнида ҳам шу сўз қўлланилади; [567] сингармонизм қонуни „экан“га таъсир этмаган, лекин сарой уруғининг аксарият вакилларида унинг таъсири остида бу бирикманинг *йэтқанақан*||*жатқанақан* тарзида талаффуз этилишини кўрамиз;



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир кәсәгинә қаймағ әпкеп қойды. Бу нимәйди, деп байна: кәсәл бир йәләди, мен туруппан ҳәмрәйим айтты, бу нимәсийәкән, деди-йү, кәсәни алды-йу сымырып қойт(ы)-та-е:[568]. Кәсәни қаймағы түгәптийәм қойма:ды — кәсәл жөрәмиз жулув алды кәсәни қолыдан, нимә бу, менәм бир тәтип көрәй деп. Отырдық гуруңла: шып[569] әнәкәй. Қайтып келиштә мен алдын, ҳәмрәйим кейин, кәсәл жөрәмиз арқада. Көпридән өтивидик, қайырма[570] боса, пиш(ш)илләп төлип келәйәпти. Бир пылла, десәңиз[571], байна: кәсәл ҳәзиллә: шип ҳәмрәйимди желкәсидән ушлаб алыпты-йу сувға итәрипти-дә-е. Итәргән пылла у боса, келәсәп бөйнимгә асыла қалды-да. Ҳо: : п деп екәв(ы)мыз қайырманың ортасыға түшип кеттик-тә әнәкәй. Ҳәмрәйимдиң шәпкәси ағыб барйапты. Менәм чалқараман[572] хутты[573] манавдай воп[574] сувға түштим, биздиңәм бир кә: лиш ағып кетти. Ҳо: п деп ҳәмрәйим бәсып кетә: ди, үстимдән айағыны амайды. Бир көмилип кетәмиз, бир сув жутунып чығамыз. Енди күлә: тыған[575] адам жоқ. Гәлә әйәл жийилипти тода воп, десә: ңиз, иштәң қайтайатқамма, енди булар. Әйәлләр көрип, була[576] жинди болдыма дийдимиш[577]. Шуйтып чықтығ енди сувдан судра: лып. Далаға чықсәк[578] ҳәммә жәйимиз, мениң кәмзилим ҳөл боп қапты. Пулым барыды кистәмдә аламжа: н, пулды көрдим, ҳөл боп қапты, үстимди суғурасап қассапхананың алдыға кесәм сығай деп, байна: ҳәмрәйимәм, отырыпты. Әнәкәй салакеттим-дә ҳәзиллә: шип. Он(д)ан[579] тарқалып мен бекәлиш ойға келдим. Биттә күү: нә[580] кәлиш барыйды, шоны[581] кийип чықтым.

Бизәрдә биринчи воп кәлхүз түзүлди. Оналты кишидән быргада болдық, ишлә: дик. Әнәкәй мен йетти йил ин-

---

[568] симириб қўйди-да; [569] суҳбатлашиб; [570] ариқнинг номи; [571] ажабланиш, таажжубланиш маъноларини ифодаловчи модал сўз вазифасида келмоқда; [572] чалқанча; [573] худди (ҳар иккала [д] ҳам жарангсизлашган); [574] мана бундай бўлиб; [575] куладиган; [576] бу ерда [р] нинг тушиб қолишлигини шаҳар шеваларининг таъсири остида деб қараш керак; [577] аниқ ўтган замон III шахс феълига -(э)миш элементини қўшиб ишлатиш диққатга сазовор; [578] шаҳар шеваларининг (шунингдек адабий тилнинг ҳам) таъсири остида сингармонизм қонунининг бузилиш ҳоллари кўплаб кўринмоқда (< *чықсақ*); [579] ундан (сўнг); [580] эски; [581] шуни (умуман *у*, *шу*, сингари кўрсатиш олмошларидаги [у] унлиси кенгроқ [о] тарзида талаффуз этилади);



www.ziyouz.com kutubxonasi

кув(и)дә[582] : ишлә : дим. Шон(н)аң кәй быйақ(қ)а кеп имтийискә[583] жет(т)и айма аг(а)раччылық[584] қылдық. Он(н)ан дұхтұрхәнә : кириб ишлә : дик. Дұхтұрхәнәдән чығып рәйкұмгә ишкә кирдик. Басмачыларғайам қаршы кұрәштик. Әтрәт[585] тұзұлип Тағайамын талдан[586] әтрәд башы болды. Басмачыларды әнәкәй жоғатышқа ҳәрәкәт қылдық. Жаббарбекти өзлә : ридән чығышып атып қойды, укасынийам шыйырда қайрағашта атты(лар). Он(н)ан соң басма : чы та : сым боп[587] жоғалып кетти әнәкәй. Шолардан енди, шо әтрәттән беш-алты киши бар, әпәнди, әпәнди деймиз[с], шо бир мазараттаң қанча бешәтәр, шәшкә[588] — шундайчы[589] тавуп кевди, ғузар өлә : : сидән[590] барып. Аваллары ойыңызда нимә воса, қарсыллатып лаганды атасалып, ҳәммә йақты дабдала қылыб, малларды ҳәйдәп, алып қойыбирди[591]. Әнәкәй чонқаймасы чығды, у хутты оғрыдай. Шуйтып ҳәммәсини қырдық, жоғаттық[592].

Қамаши район, Жартепа (йәртипә) қишлоқ, Эшимов Номоз, 58 ёш, Сарой уруғидан, швейцар (5.III.1965 йил ёзиб олинган).

Қадым[593] биттә чәл болгәнәкән[594], чәллы[595] биттә қызы

---

[582] *энкавэдэ* (НКВД)да; [583] *эмтэзс* (МТС) *кә*; [584] русча огород сўзидан (сабзавотчилик); [585] отряд; [586] Тол — қишлоқ номи; [587] таслим бўлиб; [588] қилич (русча : шашка, сабля); [589] шунақа (аслда шундайча бўлиши керак, қиёс қилинг : *шундайчағын*); [590] вилоятидан; [591] олиб қўяверди; [592] йўқотдик. Сўзбошида келадиган [ж] ўрнида ахборотчимиз тилида баъзан [й] ҳам ишлатилади. Бу ҳол унинг ўз қишлоғидан кетиб, кўп вақт район марказида интеллигенция орасида ишлагани натижасида бўлса керак; [593] Минжир уруғининг кекса ва ўрта ёш, айниқса саводсиз ёки чаласавод вакиллари тили сингармонизмнинг ва шунга боғли ҳолда умуман, қипчоқ шеваларида учрайдиган бошқа лингвистик ҳодисаларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Қуйидаги текстда эса бундай хусусиятлардан маълум даражада узоқлашиш ва адабий тилга (мактаб, матбаа, радио ва шу кабилар орқали), жумладан оралиқ ва шаҳар тип шеваларга (бу шевалар вакиллари билан қўшни бўлиб яшаш ва кундалик алоқада бўлиб туриш натижасида) интилув ва яқинлашув ҳоллари яққол кўринади. Бунда айрим фонетик ва грамматик ҳодисаларнинг қатъий системага кирмаганлиги, уларнинг параллел қўлланиши мумкинлиги, қипчоқ шеваларига хос, лекин анча турғун бўлган фонетик ҳодиса ва грамматик формаларнинг мавжудлиги қайд этилган; [594] бу мисолда бирор шеванинг эмас, балки адабий тилнинг таъсири кўриниб турипти, лекин биринчи бўғинда қаттиқлик сезилади (ө эмас *о*); [595] чолнинг ўрнида (бу ерда оралиқ ва шаҳар тип шеваларнинг таъсири билан тушум ва қаратқич келишиклари биргина аффикс *-ни (-ди, -ти, -ли, -ны, -ды, -ты, лы)* орқали ифодаланадиган бўлган. Бу мисолдаги [л] дан сўнг *-лы* формада ишлатиш оралиқ шеваларда эмас, шаҳар тип шеваларда учрайдиган ҳодисадир;



www.ziyouz.com kutubxonasi

‸минән оғлы[596] болгәнәкән, оғлы боса меңә пɔшшаны қызыны ɔпперасыз[597], депти. Бир күн чɔл пɔшшаны үйини ɔлдыны шуп(ы)рабɔшлапты. Ва:зыр көрипти-дә, е пɔшшайым, үйиңизди ɔлдыны бир ке:$^{х}$сә[598] чɔл шупырайɔтыпты[599], депти.

— Ɔлдыма ɔпке[600], қɔ:ны[601], дийди пɔшша. Уны ɔлдыға[602] ɔпкегәнңәнке:н[603] чɔл айта:ды[604].

— Мени бир оғлым бɔрыды, пɔшшаны қызыны ɔламан деп, мени қойма:ды, дийди[605].

Пɔшша айта:ды, — е, вазыр, ɔл муны кәллә:сини кесип тәйлә[606], дийди. Кейин у чɔллы кәллә:сини кесип тәйләйди. Оғлы, жүмәнәзәр ләббәй нәзәр, ɔтамны ɔпке, дийди. Ɔтасыны ɔпкеләди. Ертәсикун[607] йәнә шупырабɔшлайды, йәнә ɔппɔра:ды, кәлләсини үсүп[608] тәйләйди. Оғлы йәнә, ләббәй нәзәр, үппәйнәзәр, ɔтамны ɔпке, дийди. Ɔтасы кеп, нимә[609]::мени кәлләмди үзүп тәйләйәпти, оғлым, дийт(и)тә йәнә бɔра:ды, йәнә пɔшшаны ɔлдыйа[610] ɔббɔргәннәңке:н[611] вазыр айта::(ды)[612] пɔшшайымға, уңа бир нәрсә буйурып уч кун сүрүк берә:миз$^{с}$, шуны тɔвуп[613] кесә қызды берә:миз, дийди. У ыч[614] мың түйә, тор мың $^{й}$ешәк[615], тор мың мɔл, тор мың, анɔв[616], қөй ɔлип кесәң, мәйли, қызымны берәмән, дийди. Пɔшша ыч кын сүрүк[617] берә:ди. Оғлы айтады, мәйли мен тɔвуб берәмән, дийди.

---

[596] унлиларда сифат жиҳатдан ўзгариш бўлмаган бўлса ҳам, бу сўзнинг ишлатилиши шаклан шаҳар шеваларидагидек; [597] олиб берасиз (қипчоқ шеваларига хос); [598] кекса (сўз ўртасида ёпиқ бўғиндаги [к] нинг кучсиз [ҳ] тарзида айтилиб, олдинги унлининг чўзилиши мазкур шеванинг ўзига хос хусусиятидир); [599] супиряпти (лекин бунда „супириб ётипти" бирикмаси ифодаловчи маъно оттенкаси ҳам мавжуд); [600] олдимга элип кел; [601] қани; [602] олдига (сингармонизм қонунига амал қилинган); [603] олиб келгандан кейин; [604] ҳозирги-келаси замон феълида III шахс тусловчисидан бевосита олдин келган унли, аксарият [а], [ә] нинг чўзилиш ҳодисаси қипчоқ шеваси хусусиятларидандир; [605] биринчи бўғинда [е] нинг торайиши кўринади [606] кесиб ташла; [607] эртаси; [608] узиб (лаб гармонияси мавжуд, [з] жарангсизлашган); [609] нимага (кейинги бўғин (*-га*) нинг тушиб қолиши ультрачўзиқ унли беради); [610] *„ɔлдыға"* билан бир қаторда шаҳар шеваларида учрайдиган *„ɔлдыйа"* формаси ҳам қўлланилади; [611] *ɔппɔра:ды* тарзида ишлатилиши билан бирга *ɔббɔргәннәңке:н* шаклида ҳам қўлланиш ҳодисаси кўринади; [612] кўпчилик *Ю. Қ.* қипчоқ шеваларига хос хусусиятлардан бири ҳозирги-келаси замон феълида тусловчининг тушиб қолиши ва шунинг ҳисобига олдинги унлида ультрачўзиқлик пайдо бўлишидир. Бунда гўё шу тусловчи талаффузда ютиб юборилади. Худди шу ҳодиса бу текстда ҳам кўриняпти; [613] топиб (қипчоқ шеваларига хос); [614] уч (лабланишдан қочиш, [у] ўрнида [ы] ишлатилиши айниқса қутчи шевасига хос хусусият, лекин бу ҳол текстда системали эмас); [615] эшак (дифтонглашув ҳодисаси ҳам мавжуд); [616] ана у — нутқ процессида тезда эсга тушмаган сўз ёки бирикма ўрнида ишлатиляпти); [617] р. срок (муддат);



www.ziyouz.com kutubxonasi

У кетивүргәннәңке:н, башқа эдәм чыхып[618] қәла:ды. Пәшша уны көрип қувэнып, уңа қызыны берә:ди. Ектә қызы тийә:ди[319] йең кичкинә:си тиймәйди. Қыс кәлгә тийә:-ди, йешәккә миндирип пәскә тишириб[620] эп кетә:ди. Сен шу кәлгә тегив[621] отирипсән деп, эпалары уны қойма:йды. Ертәси кыны пәшша уларды эвгә йүгәрә:ди[622]. Ула[623] хәммәси эвгә чығып кеткәннәңке:н кичкинә:си йешәгини минип кетә:ди, көп эв қыла:ды. Пәшша қараса, кәттә кийәвләри биттәйәм этып кемәгәм бола:ды. Пәшша уларды уйәт қылат(ы)-та:ғын[624] уны эвыдән йийди. Ертәси кын йәнә бәра:ды. Пәшшаны кәттә кийәв зийәпәт қыла:ды. Өзиң э:тып кевдиңмә[625], өзиң пишируvдиңмә, деп сорайды. Кичкинә:си мен э:тып кевдим, эрқасыны көриң, ти:рмән[626] тәшыны бәсып турувдым, дийди. Қараса, тоғрыйкән[627]. Ертәси кыны уны йәнә эвгә йүгәрә:ди, у тоққыста эв этып кеп тоққыстәвыны[628] йәм пәшшаға пишириб берә:ди. Унна:ки:н[629] пәшша, ләббәйнәзәр уббәйнәзәр, ан(ы) шу дәйрәгә[630] тиймәй биттә туғән[631] қурылсын, дийди. Туғән қурыла:ды, у йергә кәл минән қызы отыра:ды.

Бир кын Қарахан пәшша, анәв, йалмағыс кәмпиргә айта:-ды, пәшшаны биттә кичкинә кийәви бәр, уны ләббәйнәзәр уббәйнәзәр дийән[632] сиҳиргәр тимири бәр, шуны эпкиләсән деп йүгәрә:ди. У келип мәликәгә айта::(ды), мени шергә чөри қы[633], дийди. Қымайман деп урша:ды[634], кечқурун еригә айта:ды, биттә мэма[635] мени чөри қы деб йешигимиздди элт(ы)та тырыпты[636] дийди. Чөри богәннәң ке:н ертәйиси[637] мәликә::[638]айта:ды, ериндән сора қа:ны, ләббәйнәзәр уббәйнәзәрди сеңә айтадыма, деп. Ери айтадыки, мен уны биттә эдәмгә йәм айткә:м[639] йоқ, сеңәйәм айтмайман, дийди. Кәмпир[640] айттыма, деп сорайды. Иох, өзим, дийди. Кәмпир, ертәси кыны йәнә қоймайвыр, дийди. Ҳич

---

[618] чиқиб; [619] тегади (қипчоқ шевасига хос); [620] тушириб; [621] *„тийә:ди“* ва *„тегив“* сингари икки хилда қўлланилади; [622] юборади; [623] улар (оралиқ ва шаҳар тип шеваларидагидек); [624] уят қилади (уялтиради)-да (*-да* боғловчисининг аксарият ҳолларда *-да:ғын, -та:ғын, -да::н, -та::н, -дә:гин, -тә:гин, -дә::н, -тә::н* шаклида ишлатилиши қипчоқ шевалари хусусиятларидан биридир); [625] отип келиб эдингми?; [626] тегирмон; [627] шаҳар тип шеваларидагидек; [628] тўққизовини (*-ов* қўшимчасининг негизга эмас, дона сонга қўшилуви билан жамловчи соннинг ясалиши шу текстда қайд этилди; [629] ундан кейин; [630] ана шу дарёга; [631] тўғон; [632] деган (биринчи бўғинда ўрта-тор унлиларнинг [й] ёнида торайиш ҳоллари учрайди); [633] қил; [634] уришади (иккинчи бўғиндаги [и] редукцияга учраб мутлақо тушиб қолади); [635] кампир; [636] эшигимизнинг олдида турипти; [637] эртаси; [638] маликага; [639] айтганим; [640] *„мэма“* билан бир қаторда *„кәмпир“* сўзи ҳам ишлатилмоқда;



www.ziyouz.com kutubxonasi

қойма: йды, айтасаң деп. Ери айта: ды, күндүс кыны тилим(ни)[641] тәйигә эв[642] йүрәмән, кечәси дэстығым(ны)[643] тәй(и)йә қойаман, дийт(и)-тә. Меликә уны элып йэлмэ: ғызға[644] берә: ди. Йэлмэ: ғыз уны элып, кетип қэла: ды.

Эппарып Қарахан пэшшаға берә: ди. Ертәси кын биттә қара дев келәт(и)-тә кичкинә үкәсини элып кетә: ди, кәттә әкәсини үйигә түшрә: ди[645], тақыллата: ды, үкәсини тавшыны[646] билиб, эча: ды. Бэрат(ы)та: : н[647] уны қайчы қыла: ды[648], тэхчәгә қойат(ы)та: : н қара дев келип ғув-ғув әйләнәверә: ди. Бу йердә биттә эдәм(ни)иси келйәпти, диййди дев. Йоқ, тушың, диййди үкәси. Йәнә бэшқа бир қара дев келә: : (ди), уны элат(ы)-та: : н үөртәнчи әкәсинкә[649]: тәйләйди, тағы таққыллата: ды, әкәсини хэтыны чыға: ды, қараса, үкәсини тавшыйкән, эча: ды, уны ийнә қып[650] мәнә бу йеригә тыхып қойа: ды. Қара дев келәт(и)-тә: гин муны эп, қарахан пэшшаны үйини элдыға келтирә: (ди), айта: дыки, мөчичә[651] воласан-да: ғын диризәсигә қонасан, дириздән тишип[652] чимчиғ боп[653], анэв, дэстығыны тәйидән әстә эласан, йэлмэғыз әнийердә[654] қаравул боп тырыпты, диййди. Шүйтип уны эп мәликәни элдыға келә: ди.

Шаҳрисабз район, Сафарча-минжир қишлоғи, Чориев Абдивоҳид, 12 ёш, минжир уруғидан, 4-синф ўқувчиси (6.III.1965 йил ёзиб олинган).

Бир чэли-кәмпир бэр әкән. Бир күң кәмпири өләрәкәндә[655], чэл өгәй кәмпир эләркән. У бир күн өгәй қызыгә[656] урчық берәркән. Бэйна: : өгәй қызыгә әйтәркән, анаву[657], шуны игирипке[658], дейәркән. У боса бэйна: : көк сыйырды эғзыдан[659] сэп арқасыдан чығарыв эларкән-дә бэйна: өгәй

---

[641] тилимнинг (талаффузда умуман келишик қўшимчаси эшитилмайди); [642] олиб; [643] ёстиғимнинг (*дэстиқ* шакли қипчоқ шеваларига хос); [644] ялмоғизга (жуда кўпчилик ўринларда сингармонизм қонуни қўшимчаларга таъсир этмаса-да, қўшимчадан бевосита олдинги бўғиннинг таъсири билан юз берадиган фонетик уйғунликни ҳам учратамиз; [645] туширади; [646] товушини (сўз ўртасида [ш] билан ёнма-ён келган [и] унлисигина эмас [у] ҳам редукцияга учрайди ва тушиб қолади; [647] боради-да (борадию); [648] қайчида қисгандай қилиб кўтариб олади; [649] ўртанча акасиникига (тўртинчи ва бешинчи бўғинлардаги [и] нинг редукцияга учраши натижасида бу сўз анча қисқарган ва охирги бўғин *-га* ўрнида чўзиқ [ә] ҳосил бўлган; [650] игна қилиб; [651] мусича; [652] деразадан тушиб; [653] чумчуқ бўлиб; [654] ана у ерда; [655] ўлар эканда (юқоридаги текстга ўхшаш бунда ҳам параллел формалар кўплаб учрайди. Чунончи *-(а)р* формасидаги сифатдошнинг қуйироқда *-(а)й* шаклида ҳам *(э)кан* билан бирикиб келишини кўрамиз); [656] сингармонизм қонунининг бузилиши бу ахборотчи учун ҳам хос; [657] олдинги текстда бу *анэв* шаклида келган; [658] йигириб кел; [659] адабий тил ёки шаҳар шевасининг таъсири;



www.ziyouz.com kutubxonasi

иенәсигә[660] еттиб[661] берәркән. Бир күн өзини қызыға бергәнәкән, ийирәткәңнә[662] бэйна: : шэмал учырып кетәйкән, пәхтәсини арқасыдан кетивурәйкән-кетивурәйкән, йолда бэләлә үөйнәйәткән бола: : (ды), әнәкәй[663] у бэләләдән сорайдыко[664], мени пәхтәм шейгә[665] учып кемәдими[666] деп. Бэләлә бир кәмпирдикини көрсәтәди. Кәмпирдән сораса эвэл[667] йоқ, дийди. Кейин, анэв тэкчәдә турыпты[668], тэкчәдә тортта тилләйәм турыпты. Шуни эсаң өлтирәмән[669], дийди. Бэйна: : қыс кирәт(и)тә: гин[670] бэйна: : тортта тиллэни пәхтәсини ичигә орав-орав эп кетә: ди. Кейиң кәмпир элт(ы)тан чығып тиллэни эма: дыңма[671], дийди. Йоқ! — дийди. Кету: рә: ди[672]-кету: рә: ди, үйигә келә: ди, кесә, бэйна: : өгәй қызыгә буғдай[673] берә: ди, әнә шуны тэзәләп қойәсән, мен тойгә кетәмән, дийди. Бэйна: : тойгә өзини қызыны эп китәт(и)-тә, өгәй қызыгә шу(й)тып бэйна: ги[674] буғдайды берип кетә: ди. Кәмпир тойгә кеткәннәңкей өгәй қыз дәнни[675] тэвухларгә[676] берә: ди. Тэвухлар боса буғдайды тэзәләп қойа: ды. Бэйна: көк сыйырды бэққаны эп чыхып[677] кетә: ди.

Шаҳрисабз район, Сафарча-минжир қишлоғи, Суярова Малика, 12 ёш, минжир уруғидан, 4-синф ўқувчиси (6.III.1965 йил ёзиб олинган)*.

---

660 ўгай онасига ( „иенә" қипчоқ шевасига хос); 661 элтиб (оралиқ ва шаҳар шеваларига хос хусусият); 662 йигираётганда (ўрин-пайт келишиги аффиксининг оралиқ ва шаҳар шеваларидагидек *-га (-гә, -ңә, -қа, -кә)* шаклида ишлатилиши диққатга сазовор); 663 ундан кейин; 664 сўрайдики (*-ки* боғловчиси олдинги текстдагидан фарқли равишда қипчоқ шеваларига хос *-ко* тарзида ишлатилмоқда); 665 шу ерга; 666 сўроқ юкламаси бу текстда *-ми (-мы)* ва *-мә (-ма)* тарзида параллел ишлатилади; 667 аввал; 668 бунда [у] нинг [ы] га ўтиш ҳодисаси йўқ; 669 ўлдираман (бундаги [д] нинг жарангсизланиши қипчоқ шеваларидагидек); 670 боя (да) ги қиз киради-да; 671 олмадингми (феълларда тусловчидан олдинги очиқ бўғиннинг унлиси (а)ни чўзиқ талаффуз этиш қипчоқ шеваларининг фонетик хусусиятларидан биридир. Бу ҳодиса ёш ахборотчилар тилида ҳам ўз аксини топган); 672 кетаверади; 673 адабий тил ва шаҳар шеваларидагидек; 674 *бэйна* : : формаси билан бирга *бэйна : ги* тарзида қўлланиши ҳам учрайди; 675 донни (бу сўздаги *ә*-лашув қипчоқ шеваларидагидек); 676 товуқларга (бундаги [қ] нинг [х] га ўтиши ҳам қипчоқ шевасига хос); 677 чиқиб равишдошининг *чығып* ва *чыхып* формалари параллел ишлатилади (биринчиси *К. Ш.* шевасига хосдир).

* Текстлар магнитофонда ёзиб олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮҚОРИ ҚАШҚАДАРЁДАГИ ОРАЛИҚ ШЕВАЛАР[1]

Бу группага киритилувчи шеваларни ўзига хос муҳим тил хусусиятларининг мавжудлиги билан на қипчоқ группа шеваларга ва на шаҳар тип шеваларга киритиш мумкин. Уларда, бир томондан, қипчоқ шевалари учун хос бўлган хусусиятлар бўлса, иккинчи томондан, шаҳар шеваларини характерловчи белгилар ҳам етарли. Шунинг учун биз уларни шартли равишда оралиқ шевалар деб атадик. Лекин ҳар иккала группа шеваларга хос белгилар бу группадаги барча шеваларда ҳам бир хил даражада ва бир хил миқдорда эмас. Биринчисига доир белгилар айримларида кўп бўлса, шунга мувофиқ иккинчиси учун характерли хусусиятлар нисбатан камроқ учрайди ёки аксинча.

Территориал тарқалиши жиҳатидан ҳам бу группадаги шевалар ортиқ даражада бир-бирига туташ ва уюшқоқ ҳолда эмас. Бу шеваларда сўзлашувчи аҳоли бутун Юқори Қашқадарё территорияси бўйича тарқалган бўлиб, улар алоҳида бир қишлоқда ёки бир неча қишлоқда баъзи жойларда қипчоқ шева вакиллари билан, айрим жойларда шаҳар тип шева вакиллари билан, баъзан эса ҳар иккала группадаги шева вакиллари билан ёнма-ён ҳолда яшайди. Шунинг учун ҳам бу шеваларнинг ўзига хос хусусиятлари кўп жиҳатдан бевосита қўшни бўлиб яшаган ёки яшаётган шева вакилларининг қайси группа шеваларга мансублиги билан белгиланади.

Шуниси характерлики, бу группа шева вакилларининг аксарияти ўзининг қайси уруғ, қабила ёки элатга мансуб эканлигини яхши билади. Бу ҳол эса, одатда қипчоқ груп-

---

[1] Ҳар учала группадаги шеваларнинг умумий ва хусусий жиҳатдан тадрижий тараққиёти ҳамда ўзаро фарқланиш даражасини аниқ тасаввур қилиш мақсадида, таснифда кўрсатилганидек, учинчи ўринда эмас, балки қипчоқ группа шевалардан сўнг, иккинчи ўринда оралиқ шеваларни беришни лозим кўрдик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

па шева вакиллари учун характерли ҳодиса деб юритилади. Жумладан, оралиқ шева бўйича тўпланган материаллар юзасидан ахборот берганлар ичида чуют, очамайли, миришкор, тарахли//тароғли, болғали, авохли, қовчин, туёқли, қатаған, қиян (н) и, чиғатой ва хўжа каби уруғ-элатлар вакиллари борлиги қайд этилди. Бундан ташқари, асосан Шаҳрисабз районининг тоғли қишлоқларида барлослар ҳам бўлиб, уларнинг шеваси ўзига хос хусусиятлари билан кўп жиҳатдан шаҳар тип шеваларга яқин туради. Лекин шу билан бирга, бу шевада айрим лингвистик белгилар борки, улар қипчоқ шеваларида қисман учрайди, шаҳар шевалари учун эса, бу мутлақо ёт ҳодиса. Шуни ҳисобга олиб, барлослар шевасини оралиқ шевалар группасига киритсак ҳам, уни алоҳида турдаги шева деб қарадик.

## Оралиқ шеваларни характерловчи энг муҳим лингвистик хусусиятлар

Бу шевалар ҳар иккала группадаги шеваларга алоқадор бўлганлиги учун ҳам уларнинг ўзига хос хусусиятларини иккига бўлиб қараймиз.

I. Умуман қипчоқ диалектига хос бўлган ва одатда шаҳар тип шеваларда учрамайдиган лингвистик белгилар.

1. Фонетик жиҳатдан.

а) Танглай оҳангдорлигида (небная гармония) намоён бўладиган унлилардаги сингармонизм қонунига қисмангина амал қилинади. Бу айрим сўзларнинг негизидагина қаттиқ ё юмшоқ бўғинларнинг сақланиб қолганлигида ва аксарият ҳолларда қўшимчаларнинг эса қаттиқ-юмшоқ ўзакли сўзларга нисбатан бефарқ ишлатилишида кўринади. Мас., *қолъгә қарасәң, ғаллачъ, бәзәрдәң қәллък, пәнштърәлъгънъйәм, башқалъгънъйәм бълмәймән* каби.

Шу билан бир қаторда баъзи ўринларда кўпинча фонетик вазиятга боғли ҳолда сингармонизмнинг қўшимчаларга ҳам таъсир этгани кўринади. Мас., *бэрайық қаны; қараңылығ; бэсрығып қэған вахтыға тъш коръптъ; бэрасъзмъ, йохма?, мэс//мәс болдық, ғалланы орып қой (қ. қ. сэчънъ өрип қой)* кабилар.

б) Унлилар системаси 6 тадан тортиб 10 тага қадар унли фонемадан иборат: *ә (а)*[2], *э, о-ө, у-ү,*

---

[2] Кичик қавс ичидаги унли, жумладан [а] оралиқ шеваларда мавжуд бўлса ҳам маъно ажратиш функциясини бажармайди, маълум фонетик вазиятдагина ишлатилади, холос. Ишлатилган тақдирда ҳам бу шевалардаги [а], [э], [ы] унлилари сифат жиҳатдан қипчоқ шеваларидаги товушлардан кескин фарқ қилади, шаҳар шевалари унлиларига бир оз яқинроқ туради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ы-и*[3], *ъ ва е(э)*. Булардан *ө*, *ү* ва *ы*, *и* унлиларининг ишлатилиши ниҳоятда чекланган.

в) Баъзан ўрта кенг ва ўрта тор унлиларда дифтонглашув рўй беради. Мас., үөргэмчик, иенэм каби. Бу ҳодиса ҳам шу группага кирувчи барча шевалар учун хос умумий хусусият эмас, балки Чечак, Шўрқул, Башқоб, Айрончи, Алақўйлиқ сингари қишлоқлар шевасида баъзан учраб туради.

г) Бу шеваларда *э*-ланишга нисбатан *ә*-ланиш кучли. Мас., *әллъгә*, *җәй*, *тәййәр*, *әнҗәм*, *қазән*||*қазэн*, *тәрәзъ* ва ҳоказо.

д) Сўз бошида [ж] ва [й] ундошлари турлича ишлатилади. Айрим шеваларда (Чечак, Шўрқул, Башқоб) қипчоқ шеваларидаги сингари [җ] ишлатиш мавжуд бўлса-да, нисбатан кам учрайди. Баъзан [җ] ишлатилиши кутилган ўринларда [й] қўлланади ва ҳатто бу нарса ўзбек адабий тили нормалари ва шаҳар тип шевалар қоидаларига мутлақо зид ҳолда содир бўлади. Шунингдек, бир сўзнинг айнан бир шахс томонидан баъзан [җ] билан, баъзан [й] билан параллел ишлатиш ҳоллари учрайди. Мас., *җәлчътмәдъ*, *җэвэйъ*, *җъләмә*||*йъләмә*, *йэндэр* (жондор), *йорә* (жўра), *җүмрәңқэзъғ*, *йүн* (жун), *йәр* (жар), *йонәтиң* (жўнатинг) ва ҳоказо. Қолган шеваларда эса [ж] ва [й] нинг ишлатилиши шаҳар шеваларидан кўп фарқ қилмайди.

е) Сўз ичида келган икки унли ўртасидаги қуйидаги ундош товушлар бири иккинчиси билан алмашинади: *п>в*, мас., *тэвулдъ*||*тэвуллъ* (топилди), *тувуғ* (тўпиқ), *гәвурмә* (гапирма), *тевә*, *күвәкэн*||*копәкэн* (кўп экан), *тэмънъ йэвәдъ* каби; *қ>ғ*, мас., *йолдъ йағасъдә*, *қой бэғар*, *чахмэқ чағайәптъ*, *йоғаллъ* (йўқолди), *элэв йэғадъ* каби; *к>г*, мас., *шэлъ егәйкән*, *қолләръ когәргән*, *тогъп қойағай* каби; *ғ>в*[4], мас., *эвзъдәгъ эвзъдә қэлдъ*, *бър сэвум сут*; *қыс тувгәм босә*, *җэвръп*, *жувэн сэн*, *туврь*||*ту:ръ* каби; *г>й* ва *ғ>й*, мас., *тъйъп кеттъ* (тегиб кетди), *ъпъйъргъч*, *бәйләп қой* каби;

ж) Тўлиқ прогрессив ассимиляция натижасида *шс>шш*, *чс>чч* ва шунингдек, *пм>пп* ҳодисаси юз беради. Мас.,

---

[3] Дефис орқали берилганлари контраст (бир-бирига зид) унлилар бўлиб, айрим шеваларда (Чечак, Шўрқул, Башқоб каби) саноқли сўзлардагина маъно ажратиш учун қўлланилади. Мас., *тор* (сет, сетка) ва *төр* (почетное место в комнате), *туз* (соль) ва *түз-* (организовать, создать), *қуты* (ящик) ва *қути (раң қути үшти* бирикмасида) каби. Бу группадаги бошқа шеваларда эса, бу сўзлар бир хилда, бефарқ ишлатилади.

[4] Бир бўғинли сўзларда *ғ>в* учрамайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қолъдән чушшә қонжъгә, қошкә қошшәм*; *озъ ъччън* (ўзи ичсин), *қәччън-дә* (б)*омәсә*; *тәрәппә-тәрәп; тәппәгәм босә*, *кеп қәппъз*, *сеңә әйтәйәппән* ва ҳоказо.

з) Баъзан сўз ўзаги ва қўшимчалар ўртасида [м], [н], [ң] сонорларидан сўнг [л] ва [д] ундоши келганда (кейингиси кўпинча *-да* юкламасида) прогрессив ассимиляция натижасида [л] ва [д] ундошлари [н] га ўтади. Мас., *әй қотаннәгән*, *коргәннәръзъ әйтъң*, *озъ бәргән-нә*, *нъмә босәйәм әкәм-нә* каби.

и) Икки бўғинли сўзларнинг охирида [и] унлисидан кейин келган [қ] ва [к] ундошлари тушиб қолади. Мас., *әччъ*, *қатты*, *копръ*, *къччъ* каби.

к) Сўз негизидаги [ɔ] унлиси [в] ёки [в<ғ] олдидан [у] тарзида талаффуз қилинади. Мас., *сувуқ*, *қувурмәч*, *қувурчәқ*, *жувән сән*, яна *қ. қ. кувләшъп* каби.

л) Қипчоқ диалекти учун характерли бўлган фонетик хусусиятлардан яна бири — сўзларда айрим бўғинларнинг тушиб қолиши ва баъзан улар ўрнида олдинги унлида чўзиқлик ҳосил бўлиш ҳодисасидир. Мас., *жәңә* : : //*йәңә* : : //*бәйнә* : : (бояги), *йуқа* : : *нә*//*жуқа* : : *нә* (юпқагина), *нъмә бувдъ*//*бу* : *дъ* (нима бўлиб эди), *кәтәкә* : *ннъ әпке* (катта-конини олиб кел) кабилар,

2. Морфологик жиҳатдан.

а) Ҳозирги замон давом феъли, қипчоқ тип шевалардаги сингари, *-йәп* ва *-йәтър* (камроқ) аффикслари орқали ясалади. Мас., *қышләққа бәрәйәппән*, *ъдәрәдән келәйәппән* каби.

б) Кўплик аффикси отларда *-ләр, -нәр* шаклида ва феълларда: биринчи группа тусловчилар билан I *ш. к* (камдан-кам *қ*); II *ш. -ңнәр*, *-ңләр, -зләр*, *-йъзләр*, *-ңъзләр*, *-йләр*, *-ләръңъз, -ләръз;* иккинчи группа тусловчилар билан I *ш. -мъз*, *-пъз*; II *ш. -съзләр*, *-съләр*, *-съзәр* ҳамда учинчи группа тусловчилар билан I *ш. -әйък*; II *ш. -ңнәр*, *-йләр*, *-ъзләр* тарзида ишлатилади. Сўз охирида аффикснинг [р] ундоши, шаҳар тип шевалардаги сингари, мутлақо тушириб қолдириш даражасида эмас, балки баъзи ўринларда айрим қишлоқлардагина камдан-кам туширилиб ишлатилади. Мас., *уләрдән қайткәннәръ; әтәмләр бәрәйкәннәр; озъмъз кордък*, *қергә бәрдъйнәр*, *келлъзләрмъ*, *оқыдъйләрмъ*, *әсәйләр*; *бәрсәләръз*; *ошъргә отъръппъз, қачан келәсъзләр; бәрәсъләрмъ; оқыйък*, *әңъзләр*//*әйлә* (олингизлар, олинглар), *йейләр әхър* ва ҳоказо.

в) Кишилик олмошлари бирликда мен, сен, у//ул ва кўпликда *бъзләр*//*бъзәр* (камдан-кам *бъзә*), *съзләр*//*съзәр* (камдан-кам *съзлә* ва *сълә*), *уләр.*



www.ziyouz.com kutubxonasi

г) Буйруқ майли қўшимча равишда бирликда *-ғэ//-ғэй//-ғэй//-ғай* ва кўпликда *-ғэң//-ғэң//-ғаң* аффиксларини орттириш орқали ҳам ясалади. Мас., *тезрэх келэғэ: озъң бэрағай; элаған енди; менэм қойағаймэймэн; э:, келэгэң* каби.

д) Сўроқ юкламаси *-мэ//мъ* ва *пэ//пъ* шаклида ишлатилади. Мас., *чығайэптъмэ; меммэ//меммъ; бэрэсъзмъ, йохмэ?; озъ коръппэкэн шунъ; бэдърън егъппъкэн?*

Бу юклама қўшилганда, шаҳар тип шевалардаги сингари, ўзидан олдин келган эгалик аффикслари ва тусловчи қўшимчалар қисқарувга учрамайди. Мас., *бу създъ қышлэғъңъзмэ?; съзэм бэрдъңъзмъ? (қ. қ.* шаҳар шеваларида[5]: *бу сизди қъшлэғизми?; сизэм бэддизми//бэрдизми)* каби.

в) Адабий тил ва шаҳар тип шевалардаги *-да* боғловчиси *-дағън//-дэғън//-тэгън//-да: : н//-дэ: : н//-тэ: : н* шаклида, *-ки* боғловчиси *-ко* формасида ва билан кўмакчиси *мэнэн//мънэн//мэн* (камроқ) ҳамда мана, қани сўзлари *мэ: нъ, қэ: нъ* тарзида қўлланилади. Мас., *бэрдыдағън, туртъп қэчтъ; кетърьп қойды-да: : н, ъннэмэй чығып кеттъ; қызъ этэсъгэ йэзэдъко, этэжэн...; қарэсэмко, кеч боб бэрйэптъ; ҳэркъммэнэн гэвлэшмэйдъ; этэсъмэн келъштъзмэ?; мэ: нъ озъ келдъ; қэ: нъ коръммэйдъ-ко* кабилар.

ж) Бу группа шеваларда, қипчоқ шеваларидаги сингари, *-ғъч, -гъч, -қъч, -дэп* каби сўз ясовчи аффикслар анча кенг миқёсда ишлатилади. Мас., *қол йувғъч; қол этқъч; мундэй пъчъң ургъч боп қэпсъз; тэсърдэп отъп кеттъ* ва ҳоказо.

з) Равишдошларнинг кучли қисқарувга учраши ҳам қипчоқ шеваларидагидек. Мас., *жэвчъ бобэрдъ; йоғоп кеттъ; эпкеп, жэйъгэ сэп қэйъң* каби.

и) Шунингдек, одатда қипчоқ шеваларида кенг қўлланадиган *богэндэ ъйдъ; қачэн жонэйэкэн; шуйтъп//шъйтъп, уйтъб-бъйтъп; ъйаққа-бъйаққа; мэшъм бэрмэт(ъ) тесэ, қайтэсъз* (машина бормади деса, қандай қиласиз//нима қиласиз); *мэнэво, энэв, ҳэмдэгин озъйэм тэнъш ъйдъ* каби грамматик формалар ва сўз бирикмалари кўплаб учраб туради.

II. Шаҳар тип шевалар учун характерли бўлган ва одатда қипчоқ диалектида учрамайдиган энг муҳим лингвистик хусусиятлар.

---

[5] Бу ерда ва умуман мазкур ишимизда шаҳар тип шевалар ёки шаҳар шевалар деб тилга олганимизда биз фақат текшириш объектимиз бўлмиш Юқори Қашқадарё шеваларини назарда тутамиз.



www.ziyouz.com kutubxonasi

1. Фонетик жиҳатдан.

а) Қипчоқ шеваларида учрайдиган унлилардаги танглай оҳангдорлиги айрим шевалардагина (Чечак, Шўрқул, Башқоб) қисман сақланган ва қолганларида эса мутлақо унга амал қилинмайди.

б) Айниқса *-иб* формали равишдош билан *эди* элементи ёки *олмоқ*, *-а*(*ай*) формали равишдош билан эса *бермак* кўмакчи феъллари бириккан қўмма феълларда [б] ундоши сирғалувчанлик хусусиятини олиб [в] га ўтади ёки у ҳам тушиб қолиб ўрнида олдинги унлида чўзиқлик ҳосил бўлади. Мас., *бэрувдък*//*бэру* : *дък*, *ъчуврэсъз*//*ъчу* : *рэсъз*, *коръв элдъ*//*коръв эллъ* каби.

в) Оралиқ группадаги бир қатор шеваларда, шаҳар шеваларидаги сингари, *д*, *т*, *ч*, *ш*, *з*, *с*, *ж*, *л*, *н* ундошлари олдидан [р] товуши сўз ичида, баъзан икки сўз ўртасида тўлиқ регрессив ассимиляцияга учрайди. Мас., *бэссэм*, *бъзэддъкъ эслъ шеддэн*, *туннэ*, *ҳэж жэйгэ ҳэр хел эдэт*, *сълэр шэ* : : *ллъгмъ?* каби.

б) Сўз ичида (ўзак-негиз ва аффикс ўртасида) имло қоидасига кўра ва Тошкент шевасига нисбатан *-нг* (*-нғ*) товуш бирикмалари кўпинча қўшалоқ [ң] ва камдан-кам якка [ң] тарзида талаффуз қилинади. Мас., *мең*(*ң*)*э теккэңңэйдъ*<*теккэнгэ еси* (менга текканда эди), *қалъңңънэ*//*қалъңънэ*, *бэшъң эйлэңңър*, *мэлъң тэлэңңър* каби.

д) Феълларда *-лд-* товуш бирикмаси тўлиқ регрессив ассимиляция натижасида баъзан қўшалоқ [л] тарзида ишлатилади. Мас., *бэсъв эллъ*, *эп келлък*, *коп қыйнэллъ-дэ* кабилар.

е) Кўп бўғинли сўзларнинг охирида *қ*>*ғ* ва кўпинча сўзнинг бошида *б*>*м* рўй беради. Мас., *элэқойлуғ*, *қышлэғ*, *мунноэхчън*, *мунъ мънэн* каби.

2. Морфологик жиҳатдан.

а) Сингармонизм қонуни деярли амал қилмайдиган даражада бўлганлиги учун ҳам қипчоқ шеваларидан фарқли равишда сўз ясовчи ва сўз турловчи (ёки тусловчи) аффикслар сони, шаҳар тип шеваларидаги сингари, чегарали, сингармонизмли вариантлар деярли йўқ.

б) Қаратқич билан тушум ва жўналиш билан ўрин-пайт келишиклари бир хил формада ишлатилиб, уларнинг қўшимчалари бир-бирига мос келади[6]. Мас., *бэлъқчълэрдъ гэвъ мънэн; мунъ қимэгэн ъшъ қэмэгэн; бъзэр эслъ шу*

---

[6] Баъзан Чечак, Шўрқул, Башқоб қишлоқ шеваларида *-дэ* аффиксининг, аҳён-аҳёнда эса *-нъң* қўшимчасининг ҳам қўлланиш ҳоллари учраб туради.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*қышлоққа туғулув оскан; бъзардъ калхозгайам йахшъ элла бор; ройхатъңъзга къмла бо тағъ* кабилар.

в) Шаҳар шеваларидаги сингари, *оша* кўрсатиш олмоши ҳам ишлатилади. Мас., *ошалардъ қыганънъ мен кордъм-да; оша куннан шъйағъ йотъппакан?* ва ҳоказо.

г) Ҳозирги ва келаси замон сифатдош формалари *-йат-кан, -йътъкан* аффикслари орқали ясалади. Мас., *нъка қьйаткан охшамъ; мошън йурайаткан ваққа; қоғозга ҳо-райтъкам пълла; борайтъкам босаң* кабилар.

д) Қипчоқ шеваларидаги *-чағын*||*-чагин*||*-ча* : : *н*||*-ча* : : *н* каби сифат ва равиш ясовчи аффикслар Шаҳрисабздагидек *чъкън*||*чън* шаклида ишлатилади. Мас., *шуннайчъкън бача-ла, шуннайчъкън қылвурсаң, җайдъ муннохчън самайдълар* каби.

е) Ўтган замон давом феъли аксарият ҳолларда *борайдъ, бормайдъ* ва баъзан *келайчъйдъ, кемайчъйдъ* шаклида ишлатилади.

ж) Шунингдек, *еллага-беллага* (у ерларда-бу ерларда); *еддан-беддан* (у ердан-бу ердан); *ъчканнайкен, бераққа ке; насараққа бор* сингари характерли грамматик формалар ва сўз бирикмалари учрайди.

3. Оралиқ шеваларнинг лексик хусусиятларини анализ қилиш шуни кўрсатдики, бу шеваларнинг лексик составида шаҳар шеваларига нисбатан жуда кўп жиҳатдан қипчоқ шевалари лексикаси билан муштараклик мавжуд. Бу ҳол қуйидаги соҳалар бўйича деярли бир хил сўз-терминларнинг ишлатилишида кўринади:

а) қариндош-уруғчилик бўйича *ъ*[е]*на*||*ена* (*она* : ўз онаси ёки ўзига яқин тутган аёлга нисбатан мурожаатда); *момо*|| ||*мома* (онанинг ё отанинг онаси; қари кампирга нисбатан мурожаатда); шу сўзнинг варианти сифатида *катта ена*|| ||*каттена* термини ҳам мавжуд. Шунингдек, амакига нисбатан мурожаатда *ака* ва ўғилга нисбатан *улум* тарзида ишлатилади;

б) чорвачилик бўйича *бузов* (шаҳар шеваларида кўпинча госала), *җаннъғ, увуз, қыллығ, кøча* (қўй-эчкиларни қатор қилиб боғлаб қўядиган ип, арқон) ва ҳоказо;

в) шунингдек, бошқа соҳалар бўйича *дøстъқ, мапрач, җовчъ, толлъ, олъс, зайак* ва бошқалар.

Бу шевалар лексикасининг характерли хусусияти шундаки, буларда бири қипчоқ шевасига хос, иккинчиси шаҳар шевалари учун характерли бўлган икки сўзнинг кўпинча баравар ишлатилиши учрайди. Мас., *чеча* ва *йаңңа* (ака ёки тоға, амакининг хотини); *йезза*||*йезда*||*йазда*||*йазна* ва *почча,*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*чув* ва *еш||ҳәмрәй; съйър ва ънәк; мъжҗә ва къпрък; чъмәл||чумәлъ||қымысқа* ва *мөчҷә* кабилар.

Шу билан бир қаторда бу шевалар лексикасида шундай сўз-терминлар ҳам учрайдики, улар одатда қипчоқ шеваларида умуман ишлатилмайди ёки жуда камдан-кам ишлатилади ва шаҳар шеваларида кенг қўлланилади. Мас., *ҳәдисәр*, *ҳәшшә||ҳәш|ш|әкәллә*, *ой||уй* (*тәм* деярли ишлатилмайди), *чүшвәрә, чолпъ*, *әлвәлъ* ва шунга ўхшашлар.

Шу нарсани алоҳида уқтириш керакки, юқорида қайд қилиб ўтилган бир томондан шаҳар тип шевалардан ва иккинчи томондан қипчоқ шевалардан фарқланадиган бундай ўзига хос энг муҳим белгилар Юқори Қашқадарё территорияси бўйича қишлоқ-қишлоқ бўлиб тарқалган барча оралиқ шеваларнинг ҳаммасида ҳам бир хил даражада ва бир хил миқдорда учрамайди. Шу нуқтаи назардан бу группага кирувчи шеваларни уч турга бўлиб қараш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи турдаги шеваларда юқорида кўрсатилган белгиларнинг асосий қисми мавжуд ва шу жумладан, сингармонизм қонуни айрим ўринларда қисман амал қилади. Бу турга Китоб посёлкасига қарашли Чечак, Шаҳрисабз (собиқ Мироқи район территориясида) районидаги Шўрқул, Башқоб, Яккабоғ районидаги Хиёбон, Ўз каби қишлоқлар ҳамда мусобозорлар шеваси киради.

Иккинчи турдаги шеваларда юқоридаги белгилардан энг муҳимлари сақланган ва айрим ўзига хос фонетик хусусиятларга эга, жумладан сингармонизм қонуни амал қилмайди. Унга Шаҳрисабз районидаги Нушкент, Айрончи, Дукчи, Очамайли, Яккабоғ районидаги Хўжаилғор, Қорашайх, Қамаши районидаги Тол қишлоқлари ҳамда Лангар атрофидаги айрим қишлоқлар шеваси киради.

Учинчи тур шевалар эса, мана шу белгилардан минимал даражада мавжудлиги ва ўзининг асосий тил хусусиятлари жиҳатидан шаҳар тип шеваларга яқин туришлиги билан характерланади. Биринчи ва иккинчи тур шеваларга нисбатан бу шеваларнинг тарқалиши анча кенг масштабда. Булардан энг характерлилари сифатида Китоб посёлкасига қарашли Олақўйлик, Ўрисқишлоқ, Санам, Болқонқайчйли; Шаҳрисабз районидаги Тўдамайдон, Вардон, Шўрҳасан, Саёт, Сувтушар, Юқори Ҳазора, Ширози; Яккабоғ районидаги Дўнгқишлоқ, Чиғатай, Кенггузар, Татар, Чўчақай ва Қамаши районидаги Лангар, Яккарча қишлоқлари ҳамда Қорабоғнинг Сарбозор маҳалласи шеваларини кўрсатиш мумкин.

Булардан Сувтушар қишлоғи аҳолисининг тили диққатга сазовордир. Қишлоқ қарияларининг айтишича, бундан тах-



www.ziyouz.com kutubxonasi

минан 250—300 йиллар бурун бир ёқдан бир неча ўн хўжалик Ҳисор томондан тожиклар ва иккинчи ёқдан орадан сал ўтмай, шунча оила тарахли уруғига қарашли ўзбеклар шу ерга кўчиб келишган ва шундан буён ёнма-ён, бир қишлоқ бўлиб яшаган. Шу давр ичида (ҳатто улар ўртасида 150—200 йиллар бурун қиз бериш, қиз олиш, уйланиш эркин бўлган) биргаликда яшаш ва узлуксиз доимий муомалада бўлиш натижасида уларнинг тили ўзаро кучли ассимиляцияга учраган. Натижада ҳозир бу қишлоқда на тўла равишда тожик тилини билувчи тожик ва на ўз тил хусусиятларини тўла сақлаб қолган (қипчоқ группа шеваларга кирувчи) ўзбек аҳолиси бор. Кейингиларнинг тилида сингармонизм қонуни мутлақо амал қилмайди. Унлилар системаси олти унли фонемадан иборат бўлиб қолган; лекин шу билан бирга улар тилида (ва умуман, шу қишлоқ шевасида) қипчоқ шеваларига хос айрим фонетик ва морфологик хусусиятларнинг сақланганлиги ҳам кўринади. Лексик составида эса, жуда кўп тожик сўзларининг мавжудлиги билан бир қаторда тожик ва ўзбек сўзларидан ташкил топган анчагина синонимлар ҳам бор[7].

Энди бир неча оғиз сўз алоҳида турдаги шева ҳақида. Бу шеванинг характерли томони шундаки, у ўзининг морфологик ва лексик хусусиятлари билан шаҳар тип шевалардан жуда кам фарқ қилади. Худди шу шевалар сингари унда сингармонизм қонуни ҳам амал қилмайди. Лекин сўз бошида ўрта кенг *э(е)* ва ўрта тор [о] да шундай қатъиятлик билан ва ёрқин ифодаланган ҳолда дифтонглашув ҳодисаси содир бўладики, бу нарса ҳатто Юқори Қашқадарё қипчоқ шеваларининг ҳаммасида ҳам бу хил изчиллик билан учрамайди. Бу тор унлидан бошланиб кенгая бориш тарзида бўлади. Мас., *у$^{о}$лтър* (ўтир), *у$^{о}$ғлэғ* (улоқ), *у$^{о}$ттъз* (ўттиз), *у$^{о}$йън* (ўйин); *и$^{е}$лтиб бер*, *и$^{е}$ллък*, *и$^{е}$ргәш*, *и$^{е}$шшәк* ва шунга ўхшашлар.

Бу шевада яна шу хусусият борки, негизи [л] ундоши билан тугаган феъллар (*бол-*, *эл-*, *кел-*, *қэл-*, *сэл-* каби) ҳар қандай формада ишлатилганда ҳам [л] туширилмайди. Мас., *тес кел*, *болсә боләр*, *қанчә қэлгәнәкән*, *озъ элсън* каби.

Грамматик ва лексик жиҳатдан эски ўзбек тили хусусиятларига бориб тақаладиган айрим сўз формалари ва сўз-терминлар учрайди. Мас., *към әйдъ шу гәптъ*, *бъзә мунэғ әймәймъз; йумғэғ* (тугун), *торпъ* (тана), *доғ* (кувдан чаққан ёғ), *котәл* (довон, баландлик) ва шунга ўхшашлар.

---

[7] Намуна сифатида шу қишлоқдан ёзиб олинган текст ҳам китобчамизда келтирилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шундай қилиб, Юқори Қашқадарё шевалари бўйича тўпланган материаллар анализи ва шахсий кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бу территорияда ўзбек тилининг қипчоқ ва қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжаларига қарашли вакиллар анча қадимдан ёнма-ён яшаб, доимий равишда (баъзи жойларда жуда интенсив ва узлуксиз ҳолда, айрим ерларда эса умумий тарзда) ўзаро муносабатда ва муомалада бўлиб келганлар. Бу жиҳатдан қипчоқ диалекти вакиллари билан шаҳар аҳолиси ўртасидаги узлуксиз аралашув процесси ва тилларининг бир-бирига таъсири, ассимиляциялашуви узоқ ва бир неча асрлик тарихга эга[8]. Совет даврида эса ўзбек адабий тилининг мактаб-маориф, матбуот, радио-телевидение ва бошқа маданий-оқартув воситалари орқали кун сайин таъсири натижасида шеваларнинг даставвал шаҳар тип шеваларга қараб ўзгаруви, мослашуви янада кучайди.

Бу хил шевалар бўйича материал тўплаш ва уларни таҳлил қилиб чуқур тадқиқот ишлари олиб бориш бир-бири билан ёнма-ён яшаган ва ўзаро тинмай алоқада бўлган турли хил шева вакиллари тилининг ўсиш, ўзгариш ва тараққиёт қонуниятларини очиб бериш учун имконият яратади.

---

[8] Бу ҳақда айрим фикрлар қуйидаги мақоламизда ҳам айтилган. Қаранг: Б. Жўраев, Юқори Қашқадарё шеваларида „Сувуты"нинг маъноси, ж. „Ўзбек тили ва адабиёти", 4, 1966,

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЕКСТЛАР

Бър жълъ, йъгъллъг вәхтъмдә бɔсмәчъләрдъ қолъгә чүшкәммән. Ғалла ɔлъш учун пәйшәммънъ[1] бɔзɔръгә үч къшъ боб[2] бɔрдък. Ек(къ)къшъ бъргә қышлɔғдән[3] бɔрдъктә[4], бъттәмъз бɔзɔрдән қошъллък[5], уштә[6] боллък. Ғалла ɔләмъз деб бɔрувдък[7], бър қьшлɔққа бɔрът йɔттък. Бъздъ бър ɔшнәмъз бɔр ъдъ, шу ъйәртъб[8] бɔрдъ-дә, къйън шу қышлɔққа[9] йɔттък. Шеддән[10], ендъ ҳәзъргъ ҳъсɔпкә бър йүзү он келә мем[11] буғдай[12] ɔлдъм, бър ҳәмрәйъм[13] йетмъш келә ɔлдъ, бър ҳәмрәйъмъс қыр келә ɔлдъ, ҳәммәсъ болуп еккъ йүзү йегърмә келә ғалла ɔллък-тә. У вәхтъ ғалла

---

[1] қаратқич ва тушум келишикларининг биргина *-нъ* аффикси билан ифодаланиши умуман шаҳар шеваларидагидек; [2] бўлиб (ахборотчи мансуб бу шева оралиқ шевалар группасига киради. Бунда ҳам айрим фонетик ҳодиса ва грамматик формаларнинг параллел учрашини кўрамиз. Чунончи баъзи икки бўғинли равишдошларнинг қипчоқ шевасидаги сингари қисқа формада ишлатилиши билан бирга, шуларнинг қисқармаган шакли ҳам қўлланилаверади); [3] бу шеванинг ўзига хос хусусиятларидан бири — сингармонизм қонуни сезиларли даражада бузилиб, айрим сўзларнинг негизидагина қаттиқ ё юмшоқ бўғинларнинг сақланиб қолганлигида ва аксарият ҳолларда қўшимчаларнинг бунга нисбатан бефарқ ишлатилишидадир (контраст *а-ә, ы-и, о-ө, у-ү* товушларининг ишлатилиши ва сўз маъноларини фарқлаши саноқли ҳоллардагина учрайди); [4] ҳам боғловчи, ҳам юклама вазифасида келувчи *-да* I шахс кўплик тусловчисидан сўнг жарангсизлашган формада қўлланади (*К.-Ш.* шевасида бу вазиятда *-дә*); [5] аниқ ўтган замон феъл қўшимчаси, *К -Ш.* шевасидагидек [л] билан тугаган ўзакка қўшилганда [д] тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учраб, у кўпинча *-лъ* тарзида ишлатилади; [6] учта; [7] ўтган замон ҳикоя феълининг бу хилда қўлланилиши ҳам шаҳар шеваларидаги сингари; [8] эргаштириб (қипчоқ шеваларига хос ҳодиса); [9] ўрин-пайт келишиги жуда кўп ўринларда *К.-Ш.* шеваларидаги сингари жўналиш келишигига мос келади; [10] шу ердан (бу шевада [р] нинг бир қатор ундошлар олдидан тўлиқ регрессив ассимиляцияга учраши ҳам *К.-Ш.* шеваларидагидек. Лекин бу ҳол системали характерда эмас. Бир хил фонетик вазиятнинг ўзида бундай ассимиляциянинг юз бериши ҳам мумкин, юз бермаслиги ҳам); [11] I ва II шахс бирлик кишилик олмошлари *мен, сен*; [12] шаҳар шевасига хос; [13] ҳамроҳим (шаҳар шевасига нисбатан бунда *ә*-лашув *ә*-лашувга кўра кучли);



www.ziyouz.com kutubxonasi

мънән куннузъгә[14] йуруш қыйын. Кечәсъ ҳәйдәймъз деп ошергә[15] йэттък шу йэткән эхшәм (мъ) мъз ҳәвэ булут болуп қараңылығ[16] болдъ, пъчъ ҳәвэ йэғдъ[17], йурәлмәдък-тә йотъп қэллък. Куннузъгәйәм жонәлмәдък, бу эхшамъ йонәдък[18], эй эйдън боллъ, ҳәвэ ғувэр-пувэр бомәдъ жә[19] бър қърэв чүшүп, эйдън болуп, элъстәгъ[20] йоллә[21] корунъп, шүтип[22] учэв (ъ) мъс келәйәтувдук-ко,. . .[23] ҳей, берйәғдән, элдъмъздән, шо қышлэғдән чығыб бър йеттъ-сәккъс келәметърләр йурувдък, эллъмъздән уч эдлъ (к), шо элъстән бълдърәп бъзә (р) гә қарәп келъвърдъ[24]. Бъзә бъйәқ (қа) қарап кетъвердък, улә бъзә (р) гә қарәп келъвърдъ, шу, бърбъръмъзгә қаршъ келъвърдък-тә. Бъзәдән оттъ-йу қайтъб бъйәқа оттъ-дә „тохтәңләр" дъдъ. Хоп тохтәдък.

— Қердән чыхтыйнар?[25] — деп сорә : дъ.

— Ҳә, мәнә шу қышлэғдән.

— Хоп, қеддән[26] съләрдъкъ?

— Бъзәрдъкъ Кътәптән[27].

— Нъмә бу эрткәлләръң?[28].

— Буғдай. . .

— Хоп, қайтар бергә[29] — дедъ-дә, сэ : ннәңке : н[30] бъзәрдъ қайтарды, учэвъньйәм къйъмъ түзүк. Ҳәмрәйъмъздъ[31] екэвъдән ғалланы элды-дә, мең (ң) ә ъндәмәй турдъ. Соғун мең (ң) ә кел (л) ъдә[32], сен към, дъдъ. Лекън ҳәмрәйләръм шун (д) әйчъ[33] йургән къшъйдъ, мең (н) ә пърәстәйгънә[34] ҳәмрәйъдъ о[35]. Бъйәхтәң кегәк ҳәмрәйъ әйттъ, бунъ мәнән[36] әйтъшъв отърәсәммъ, бунъ мәргъ бъттә пәчәх-тә[37], бъттә пәчәғдъ бер, әнә жақ (қ) а[38] йүмәләтъп тәйлә—қой-дә, дъдъ. Шун (д) әй дегәннәңке : н қохтум[39]. Мен әйттъм, ҳә,

---

[14] сўз ичида ва ўзак билан қўшимча ўртасида *-нд->-нн-* ҳодисаси характерли; [15] ўша ерда (*К.-Ш.* шевасидагидек); [16] қоронғилик; [17] пича ҳаво ёғди (умуман сўз ўртасида [ғ] нинг [в] га ўтмаслиги характерли); [18] *жонәлмәдък* ва *йэнәдък* мисолида асли *ж*-лашган шевалар группасига мансуб бўлган бу шеванинг *ж*-лашувдан *й*-лашув томон ўтаётганлиги, бу процесснинг ҳали тугамаганлиги ва [ж] билан [й] нинг бефарқ ишлатилиш ҳоллари мавжудлигини кўрамиз (текстда бундай мисоллар кўплаб учрайди); [19] жуда; [20] узоқдаги; [21] кўплик аффикси сўз охирида гоҳ *-лә*, гоҳ *-ләр* тарзида қўлланади; [22] шундай қилиб (қипчоқ шевасидагидек); [23] келаётиб эдикки (*-ки* боғловчиси қипчоқ шеваларидаги сингари *-ко*); [24] келаверди (унлиларда торайиш юз беради); [25] қаердан чиқдинглар (бунда *-нг->й* ва ундан сўнг кўплик аффикси *-нар* формасида келадики, у бурун ундошлари билан тугаган сўзларга қипчоқ шеваларида шу шаклда қўшилади); [26] *қердән* ва *қеддән* (қаердан) параллел ишлатилмоқда; [27] биз (лар) ники Китоб (район) дан; [28] ортганларинг (от, эшакка ортилган юкларинг); [29] бу ерга; [30] <*соғындан кейън* (сўнг-дан ва кейин — синонимлар такрорланган); [31] ҳамроҳимизнинг; [32] менга келди-да; [33] шундай (оддий); [34] р. простой+гина (оддийгина); [35] III шахс бирлик кишилик олмоши *у*, *о*, баъзан *ул* тарзида ишлатилади; [36] билан (*мънән* ва *мәнән* шаклида ишлатилади); [37] бунинг марги битта ўқ-да; [38] ана у ёққа; [39] қўрқдим;



www.ziyouz.com kutubxonasi

бу бэсмәчъйәкән, еннъ бъллъм, нәвэдә[40] этъп тәйләмәсун, деб йәңәгъйә[41], сорәмэғдъ әйбъ жох[42] съзләр към боләсъзләр, дъдъм.

— Е, менъ ертә чърэхчъ бэрсәң, бъләсән, менъ къмлъгъмнъ, дъдъ.

Ъчъмңә[43] чърэхчъ бэрмәстән шейгә[44] бър ъш қып қоймәсә, деп қорқайәппән. Кейън бър вәхтъ бъттәсъ келлъ-дә, му мънән[45] ком[46] мәйдә-чүйдә қыв отърмә, дъдъ, эттән чүштүм-у[47], эттъ устъгә буғдай эртългәнъдъ, шу эртългәнъ мънән эттъ йълэвъдән[48] оллъ-дә, эттъ бъйақ (қ) а бер, дъдъ. Бу менъкъ йемәс[49], менъ некън[50] бърэвдәң қа (р) здэр қыласъзләр, меннән ундурув эләт(ъ)тә[51] дъдъм. Еннъ мәйдәчүйдә десәм, бъннъмә зәләллән търъп[52], этъп-пэтъп тәйләмәсън дъймән, кечәсъ бър әвлэх чолгә[53]. Ек (къ) ҳәмрәйъм чө : т[54] ъннәмәй турътъ. Гәпурувурувдъм, бу мә : мәдәнә[55] мәнән әйтъшъв[56] отърмә, әйтъшшәң[57] ертәмәңңәчә[58] дәвур сенъ әйләнтърәдъ, гәп тэвуб берәйкән[59]. Мунъ, әйтъм-ко[60] сеңә, әйтъшъв отъргунчә бър пәчәғдъ бер, шунъ мънән чуқургә эвдәръп тәйлә[61], қэлувурәт (ъ)-тә, дъдъ. Сэғун эттъ йүлэвънъ беддъм, мә!, дъдъм. Эттъ йүлэвънъ шуннәй эллъ-дә, ҳәй[62] нәрәләққа[63] бър беш мътър-элтъ мътър жәйгә бъттәсъгә еттъб[64] бердъ. Бунъсъ меңә, эллъмңә келъп қарамәт (и)-тә, шу, чәппә қарап туруптъ. Эттъ йетәләб бэрдъ-дә, йүлэвънъ уңә беддъ-дә, соғун — қанъ еннъ, болъйнәр[65], съзләрдъ мәнә шу йол топпәтоғръ чърэхчъгә элъб бэрәдъ, дъдъ. Кәттә йол өзъ некън. Шу жэмнәң[66] келәйәткән кәттә йол озъ, шу йолгә тушърдъ-йу, топпә-тоғръ кетәвурәсълә шу йоллән, бу тәмэңңә чъхсәңәм этъләсән, бу тәмэңңә чъхсәңәм этъләсән деттъ-тә, ҳәйдәдъ,

---

[40] мабодо; [41] ҳалигига; [42] сўз бошида [й] ва [ж] алмашиниб ишлатила беради; [43] ичимда (кўнглимда); [44] шу ерда; [45] бу билан; [46] кўп; [47] тушдим-у; [48] жиловидан; [49] эмас; [50] лекин; [51] ундириб олади-да; [52] зарарлантириб; [53] овлоқ чўлда; [54] мутлақо, сира; [55] маҳмадона (ёпиқ бўғин охиридаги [ҳ] тушиб қолиб, ўрнида олдинги унли чўзиқ талаффуз этилади); [56] *Қ.-Ш.* шеваларидаги сингари *-(и) б* формасидаги равишдош унли ёки [й] билан бошланган сўздан олдин келганда [б] портловчилик сифатини йўқотиб [в] га ўтади; [57] айтишсанг (қипчоқ шеваларига хос ассимиляция); [58] эрта билангача (эрталабгача); [59] гап топиб берар экан (интервокал ҳолатда равишдаги [п] нинг [в] га ўтиши қипчоқ шевасига хос фонетик ҳодиса); [60] айтдим-ку (*-ки* боғловчиси ва *-ку* юкламаси шаклан бир хил, қ. 23); [61] оғдариб ташла (бундаги (ғ) нинг [в] га ўтиши ҳам қипчоқ шеваларига хос, лекин ҳар доим эмас, қ. 12, 17); [62] ундов сўз (масофага нисбатан ишлатилган, у ҳей шаклида ҳам учрайди); [63] нарироққа (қипчоқ шеваларидагидек); [64] элтиб (бундаги [л] тўлиқ регрессив ассимиляцияга учраган); [65] бўлинглар (Қ. 25); [66] чиқиш келишиги аффикси кўпинча, *Қ.-Ш.* шевасидагидек, бурун сонорлари билан тугаган сўзларга *-нән* шаклида қўшилади;



www.ziyouz.com kutubxonasi

бъттәсъ бир омбър мътър эллън, бъттәсъ бър ом бър мътър кейън, эллъдәгънъ қолъгә[67] ләгәнъ бэр, къйнъдәгънъ қолъдә[68] мълтъғ. Мълтъғъ, шу[69], пәнштърәгә[70] охшәгән мълтъғ-у, пәнштърәлъгънъйәм әнъғънъ бълмәймән, башқалъгънъйәм некън. Кечәсъ гәттәг[71] мен өзъмәм, бэйнә::[72], „этъп тәйлә“ дейәнъгә қохтъм-дә. Соғун йолгә сэп қойдъ бъзәрдъ, ҳъч ъннәмәй йурәсълә, дъдъ, ъннәмәй кетъвурдък учэвъмъз, бэрә-бэрә мен йәнә сорәдъм, съләр өзъ кsurvey бөләсъләр, буйтъб[73] нъмә қьл(ъв) йуръпсъләр, дъдъм. Ҳә, у-бу деп, бъттәсъ-бъттәсъгә әйттъко[74], бъзәр чэйхэнәгә турәмъз, эдлә(р) мънән буғдайдъ қойъп, ше:гә[75] келәсән, дъдъ-дә, у қэллъ, бъзәр келъвурдък. Ендъ өзъм бълъп қойдъм уләрдъ бэсмәчълъгъни. Екэвънъ ортәсъдә бъзәр учэв(ъ)мъс келәйәппъз, бъттәсъ ләгәннъ, бъттәсъ мълтъғдъ қолъгә ушләгән, шүтъп[79] келәйәптъ. Къгън[77], со:ннәйкен[78] бэрә-бэрә элдъндәгъ, шу ләгәннъ[79], ек(к)ъ-уч қыр эшъп эллън-эллън ҳәйдәп, кейън қаттъқ қычәв ҳәйдәп кеттъ. У коръммәй, йох воп кеткәннәйкън[80] соғун мен, у қайа[81] кеттъ, дъдъм. Қой, йурәвур, ъшъң(б)омәсън[82], дъдъ. Шу бър җәйгә келувдък, бър йэнәгә[83], шун(д)әй тәрмәшъп[84] йэнәгә чығайт(ъ)кән[85] җәйгә, шу, этънъ охшәтъп[86] бър қэмчъ урдъ-дә, шәтъттъ[87] этъ, шун(д)әй къйъңә[88] қарасәм, шу, ъзъгә бурдъ-йу, бъзә(р)дъ тәйләп өзъйәм сэ:л(л)ъ кет(т)ъ-дә[89], қэчъп кеттъ. Бъзәр ше:гә[90] әрә чолдә[91] қэлдък. Бър сәккъс къләмътърләр җол йүрувдък, ҳәмрәйләръм, ен(нъ)нъмә[92] қыләмъз, бун(д)әй боллъ, у-бу девдъ,

---

[67]-[68] ўрин-пайт келишиги аффикси айнан бир хил вазифада келган бу сўзларнинг бирига *-гә*, иккинчисига эса *-дә* шаклида қўшилган. Бу билан мазкур келишик аффиксини ишлатишда ҳали бир хиллилик йўқлиги ва якка қўшимчага ўтиш процессининг тамомила тугамаганлиги сезилиб турипти. [69] бу ўринда кўрсатиш олмоши эмас, *К.-Ш.* шевасидагидек модаллик англатувчи сўз сифатида ишлатилмоқда; [70] бешотарга (ф.-т. панчтира); [71] сал (ф.-т. гардак); [72] ҳалиги (модаллилик англатади); [73] бундай (бунақа) қилиб (қипчоқ шевасидагидек); [74] айтдики; [75] шу ерга; [76] шундай қилиб; [77] кейин; [78] пайт равиши қўшма ҳолда (шаклан биринчиси чиқиш келишигида, иккинчиси шунга нисбатан, кўмакчи вазифасида) яна бир карра такрорланган; [79] лаганли. Бундаги [л] нинг тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учраши натишасида сифат ясовчи *-ли* аффикси тушум-қаратқич аффикси *-ни* билан шаклан бир хил бўлиб қолган; [80] йўқ бўлиб кетгандан кейин; [81] қаёққа; [82] сўз бошидаги [б] бу вазиятда талаффуздан тушиб қолади; [83] қияликка; [84] умуман қияликдан тепага қараб юриш *тәрмәш* феъли билан ифодаланади; [85] чиқадиган; [86] боплаб, расо; [87] шарт (бу ўринда қамчи зарбидан отнинг бирданига отилиб жўнаганига тақлид қилинган) этди; [88] кейинга (орқага маъносида); [89] солди (қочди)-кетди-да. Қипчоқ шеваларидагидай -дә юкламаси жарангсизлашмайди; [90] шу ерда; [91] чўлнинг ўртасида қолдик; [92] бу икки сўз ўртасида такрорланаётган *-нъ* бўғинларидан бири гаплология ҳодисасига кўра тушиб қолади;



www.ziyouz.com kutubxonasi

хәй, еннъ қайтәйък[93], шу бъзәрдъ буғдайдъ эгән жәйгә дәвур[94] бэрайық қанъ, қан (ъ) нъмә гәб бэр, дъдъм. Әстә-эстә йәнәгъ[95] жәйгә дәвур еннъ пъйәдә бэрдък, бэрсәк бэйнәгъ, йолдән, бэзэрдән қошългән ҳәмрәйъмъздъ ешәгъ бэр ъдъ, бъзәддъкъ этъдъ екэв(ъ)мъздъкъйәм, унъ ешәгънъ йолдъ[96] устъгә хәләчөгъсънъ[97] шун (д) әйгънә тоқумъгә суғыптъ-дә[98], әйәғъдәм бәйләп[99] кетъптъ. Бъзәрдъ эдләрәм[100] йоғ, ғаллайәм йох, кетъптъ. Ҳъч ҳъсәбъ йоғ еннъ, қе:гә бэрәръмъздъ[101] бълмәймъз. Муннән эллън е:ләрдъ[102] мең коргәнъмәм ъмәс, ше:гә йэттық қымылләмәй, бу қан(д)әй боллъ еннъ деп. Е(р)тәмънә(н) турдық, қарасәк, ҳэ:эллъмъзгә бър қышлағ бэрәкән, эстә-эстә бэрдък шуңә. Е(р)тәмънә(н) ше:гә бэръп, эдәмләрдъ коръп, шун(д)әй-шун(д)әй, ҳъж[103] бълмәдък, къмлъгънъ тәнъмәдък. Некън шо эгән эдәмләрдъ йүс[104] къшънъ ъчъйә босәйәм мен тәнъймән, жудэ йәхшъләп белгъләп қойдъм, ъш қылъп көрсәм тәнъйэләмән, дъдъм. Хәй, бъзә (р) дән сорәп-сорәп, шун (д) әйчъ қе:гә эллъ, қе:гә қойдъ, към эллъ, къмъдъ, деп, еннъ съзәр кетъвъръңләр, бъзәр буләрдъ тэпәмъз, әдръсләръздъ[105] қойъп кетъңләр, тошнъ қып, бъз нъмә богәнънъ къйън хәбәр қыләмъз, дъдъләр. Шүйтъп өзъ ғалла тә:чъл[107] вәхтъ буғдайъмъздъ элдъръб өзъмъз бър өлъмнән қэвдък[108]. Уләрдъ шо қышлағдъ эдәмләръ бъләйкән, къйън сәлләдләргә[109] хәбәр қылъп, ошә қалқамәнъ устъгә бэръб бэсмәчъләрдъ йэткән жәйъдә сәлләдләр бэсъб эгән. Бу учэвъ, шу, ғалла-палла тэвуп кетъръб беръп турәйкән[110] уләргә, къйън бълдък.

Бэйнәгъ балықчъләрдъ гэвъ[111] мънән ту:ръ[112] болъп қэгән. Унъ эллъгә бу гэвлә эсэн. Әвәлгъ жълләръ бъйәғънъ[113] нъмә қып, ъйәғънъ кәвләб йүрәйдъ, мен әйтәмәң:

---

[93] орқага қайтайлик; [94] довур (кўмакчи вазифасида); [95] ҳалиги; [96] [л] билан тугаган сўз ўзагига [д] билан бошланадиган аффикслар қўшилганда [д] нинг тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учраб [л] га ўтгани ҳолда шу хил ўзак қаратқич-тушум келишигида келганда баъзан [н] товуши [д] га ўтади; [97] халачўпини (бундаги [г] ундоши [к] ўрнида пайдо бўлган; алоҳида ишлатилганда ҳам чўп чокъ тарзида айтилади. Шунинг учун эгалик аффикси *-съ* тарзида яна қўшилган); [98] суқипти-да (қипчоқ шеваларидаги сингари [қ] > [ғ] га ўтган); [99] боғлаб (бундаги фонетик ҳодиса ҳам қипчоқ шеваларига хос); [100] биз (лар) нинг отлар ҳам (*эт* сўзидаги [т] нинг [л] таъсири остида [д] га ўтиши ҳам қипчоқ шеваларидагидек); [101] қаерга боришимизни; [102] у ерларни; [103] ҳеч (кейинги сўз бошидаги [б] жарангли ундошининг таъсири остида [ч] ҳам жаранглилашган); [104] бундати [з] эса худди шу асосда жарангсизлашган; [105] р. адресларингизни; [106] р. точно (аниқ қилиб); [107] танқис; [108] қолиб эдик; [109] солдатларга; [110] турар экан; [111] гапи (бундаги [п] нинг [в] га ўтиши қипчоқ шеваларига хос); [112] тўғри (бу ҳам қипчоқ шеваларига хос хусусият); [113] бу ёғини;



www.ziyouz.com kutubxonasi

ко, мунъ бълмәгән кәсмъ[114] қәмәгән. Шу бә: нә[115] мънәң бър гектәр йердъ йонучқасънъ[116] орыв әллъ. Кувләшъп[117] йегән әвқәт тәллъ[118] боләдъ. Бъзәрдъ уруғдъ, шу, бър әтә, бър енәдән өргип [119] кеткән, дъйдълә. Бъз еннъ бе: гә ҳәммәсъдән кәтәкәнъ[120]. Йустә болуп йургәннәрънъйәм кордък. Әвзъдән[121] гәп келәрмән[122] къшъ босә, өзи зоррәғ боса, шуннәйчъкън әдәм бу ъштъ бәҗәрәдъ. Әвәллән әхър йәрмъмъз шәлъ, йәрмъмъз ләлми богән. Ҳей, Сәмәртқан-нән[123] нәръ, бър йәргә[124] чүшүп кетәдъ, дәйрәнъ ең йәмән җәйъ. Менәм қойағаймәймән[125], гәйнә[126] вәхтъ бәпләймән.

Китоб посёлкаси, Чечак қишлоғи, Раҳимов Хуррам, 65 ёш, қия (н) ни уруғидан, колхозчи-пенсионер (24.УII.1965 йил ёзиб олинган).

Бъзәддъ[127] қьшләх халқь қьйәнъ, бәлғалъ, хоҗә уруғләръдән. Бъзә еннъ шу уруғләдән ургъп[128] қәған-дә[129]. Қадъм әкәлъ-укәлъ[130] мәлдәр къшъләр[131] богән[132] дъйдъләр, улә түйә сәвгән[133], қой сәвгән, әйрән қыған.

Бъз[134]әктъб боп[135] келлък[136], ъгърмә сәккъзънчъ йъл йер токәтъш[137] боллъ, ъгърмә[138] тоққьзънчъ йългә келъп[139] кәлхәзләштък. Бър селсәвът бойъчә мен[140] кәлхәз рәйъсъ

---

[114] касби; [115] баҳона; [116] йўнғичқасини; [117] кўплашиб: [118] тотли; [119] урчип, кўпайиб; [120] биз энди бу ерда ҳаммасидан каттакони; [121] оғзидан; [122] гап келадиган; [123] Самарқанддан (бунда [р] дан сўнг [т] нинг қўшилиши ва [н] дан сўнг [д] нинг тушиб қолиши (бош келишикда ҳам) қипчоқ шеваларига хос хусусият); [124] жарга; [125] қўя қолмайман (қипчоқ шевасига хос); [126] гоҳ (пайт билдирувчи сўз билан бирикмасдан мустақил ҳолда келганда *гәйнәгә* шаклида ҳам ишлатилади); [127] <*бъзәрнъ*<*бъзләрни* (*бизларнинг* ўрнида, [р] нинг тўлиқ регрессив ассимиляцияга учраши *К.-Ш.* шевасидагидек бўлса ҳам, у системали равишда ва кенг доирада эмас. Шунингдек, шаҳар шеваларидаги сингари қаратқич ва тушум келишиклари биргина *-нъ (-дъ, -тъ, -лъ)* аффикси орқали ифодаланади); [128] урчиб [129] қолган-да (бунда сингармонизм аломати мавжуд, лекин у ниҳоятда чекланган, биринчидан, саноқли сўзлардагина учраса, иккинчидан, қўшимчаларнинг ҳаммасига бирдай таъсир қила олмайди. Бу мисолда сифатдош қўшимчасига таъсири бор, *-дә* юкламасига йўқ); [130] ака-ука (форма жиҳатдан қипчоқ шеваларидагидек); [131] шаҳар шеваларида кўплик қўшимчасининг охиридаги [р] одатда тушиб қолади, қипчоқ шеваларида эса у тушмайди; [132] сингармонизм қонуни бузилган; [133] ўзак охиридаги [ғ] нинг [в] га ўтиши қипчоқ шеваларига хос, лекин сингармонизм қонуни бу хил сўзларда ҳам бузилган; [134] I шахс бирлик ўрнида (камтаринлик маъносида); [135] актив бўлиб (равишдошнинг бу хилда қисқариши қипчоқ шеваларига хос); [136] келдик (бу ўринда [д] нинг [л] томонидан тўлиқ ассимиляция этилиши *К.-Ш.* шевасидаги сингаридир); [137] ер тугатиш (ерга нисбатан хусусий мулкчиликни тугатиш); [138] йигирма (сўз бошидаги [й] ёки [ж] тушиб қолади); [139] равишдошнинг қисқарган формаси билан бир қаторда *К.-Ш.* шевасидагидек тўлиқ формаси ҳам ишлатилади; [140] кишилик олмошининг I шахс бирлиги қипчоқ шеваларидаги сингари — мен;



www.ziyouz.com kutubxonasi

боллъм. Бър эйдәң кейън сэғум[141] бъздъ селсэвъттъ рәйъсъ қъп қойдълә, $^{й}$еккъ[142] йъл ъшләдъм. Қьшлэқ-қьшлэққа[143] кәлхэс түзүллъ. Оттъз $^{й}$еккънчъ йъл ғалаба кәлхэзъ боллъ, $^{й}$екки йъллəң кейън уштә қьшлэх — Эчәмәйлъ, Қайчълъ, Әйрәнчъ бър кәлхэз боллъ. Кейън йәнә кәлхэзлә бълләштъ[144]. Қьр бърънчъ йъл йәнә бъздъ рәйъс қълъп сәйләдълә. Ошә йълъ ҳэсъл йәхшъ бомәдъ. Рә : $^{х}$бәр өзи буйруқ қьп, ъш көрсәтмәсә бекәр-дә[145]. Қьр бърънчъ йъл уруш боп қэллъ, ъгъллəддъ[146] урушкә йувәрәйәппъз[147]. Шүйтъп[148] қър $^{й}$еккънчъ йъллəгә бэръп кәлхэзъмъзгә куч кәм қэллъ. Ә : рәнум[149] мънән[150] өзъмъс сув суғэргәммъз[151], съзгә, бу къшъгә охшәгән ъгълләр қейгә, бъзгә уштә т$^{ъ}$рә : тър[152] бэръдъ, ъшлэвчъләр ғьжълләгән ҳәммәгънәсъ әйәл. Ошә вәхлә ҳәм шэлъ екәйдък[153] ҳәм пәхтә. Онәккънчъ мэттән[154] лэйшәңңә[155] чүшәйдък[156], әпръл эйъгә дәвур шэлънъ екъб боләйдък. Сэғун пәхтәнъ егәйдък[157]. Търә : тъллəръмъз гә: йурәдъ, гә : йэтәдъ[158], жэнвэр ков ексә беш-элтъ гектәр егәйдъ, ъгърмәтә-оттъстә эт селкә[159] мънән чъгъттъ егъб боләйдък. Ҳәммә нессә пәхтәгә қарәтъләйдъ. Медъмъс[160] қъп сэвун, чэй, шәкәр, чът тәхсъмләйдък. Чъттъ қарасънъ эләсъзмъ, сурпънъ эләсъзмъ. Қайсъ керә : босә эләйдъз$^{с}$, ғаллайәм шуннэғ. Кәлхуччъләйәм йәхшъ ъшләйдъ, ҳәммә тэң әзэннән[161] ъшкә чъғадъ, ҳәддъ йэғьдъкъ бърэнтә чъғмәй қэсә. Шүйтъп ҳәр йълъ дәвләткә пәхтәнъ пълэнъдән эшърып тэпшъръп турдък-тә[162]. Бър хъл къшълә эрдън[163]

---

[141] сўнг (пайт равиши); [142] икки (дифтонглашув шаҳар шевалари учун хос ҳодиса эмас); [143] *К.-Ш.* шевасидагидек ўрин-пайт ва жўналиш келишиклари биргина *-гә (-кә, -қа)* қўшимчаси орқали ифодаланади — қишлоқ-қишлоқда (ҳар бир қишлоқ бўйича, ҳар бир қишлоқда алоҳида); [144] бирлашди; [145] бекор-да (бу шевада *К.-Ш.* га нисбатан *а*-лашув кучли); [146] йигитларни; [147] юборяпмиз (ҳозирги замон давом феъли *-йәп* аффикси билан ифодаланади ва унга *-мән, -миз* тусловчилари қўшилганда [м] ассимиляцияга учраб *-пән, -пиз* шаклида келади, бу эса қипчоқ шеваларига хос ҳодиса); [148] шундай қилиб (қипчоқ шеваларидагидек); [149] р. агроном; [150] билан: [151] ош ошамоқ сингари (ички объект орқали ясалган бирикма); [152] трактор (*К.-Ш.* шеваси сингари бунда ҳам сўз ўртасида ёпиқ бўғиннинг охиридаги [к] товуши тушиб қолиб, ундан олдин келган унлида чўзиқлик ҳосил бўлади); [153] экар эдик (ўтган замон давом феъли асосан шу формада ишлатилади); [154] ўн иккинчи мартдан; [155] кўллатиб суғорилган ерни шоли экишга тайёрлаш учун ҳайдаш, пол олиш каби ишлар *лойшанг* дейилади; [156] тушар эдик; [157] *екәйдък* билан бирга *егәйдък* шакли ҳам ишлатилмоқдаки, кейингиси, қипчоқ шевалари учун хос; [158] гоҳ юради, гоҳ ётади (ишламайди); [159] р. сеялка; [160] р. ведомость; [161] тонг азондан; [162] *-да* юкламасининг жарангсизлашган формаси қипчоқ шеваларида учрайди ва бу *К.-Ш.* шеваси учун хос эмас; [163] р. орден;



www.ziyouz.com kutubxonasi

эллъ, $^{у}$оттуз[164] беш-$^{у}$оттуз элтъ әрәвә пәхтәнъ өзъ кәшъккә[165] сэлъп, бър къшъ тәрәзъйә тәртъп беръп келәйдъ, поләшолә[166] дегән гәб бомайдъ.

Шәкәр лэвлэвънъйәм көв егдък. Бър куң кәлхуччъләддъ ҳәммәсънъ бър от бэскән әңңәр[167] боръдъ, лэвлэвъ[168] егългән, шуңңә эп чъхтъм, ъдәрәгәйәм ҳъч към қэмәдъ, ҳәммә бәлә-чәқаләръ мънән чъғдъ. Бъттә ънвърсәлъмъз[169] бэ. Бър вэштән[170] чүштъм-дә ҳәммәгә сәнәб беддъм, бър хәттән тъйдъ[171], озъмәм эллъм. Йәгәнәдән чъққанънъ эп кетъйлә[172] дедъм, чүччъ[173] шәкәр лэвлэвъ-дә, ҳәммә теръп-теръп эп кетәйәптъ. Қарәсәм рәйәннъ[174] вәкъллəръйәм бә:ръ келәйәптъ-дә. Бър упәлнәмэчъ[175] бэръдъ бър вәх лэп ътъп эллъмъзгә кеп қэгәй[176]. Шу турушкә[177], ҳәшәр қьпсән-дә, дедъ. Кейън рәйкум бэвэ[178] кеп қэллъ, коддъ, кечқурун, бойрэгә[179] чәқьдде.

Кечкәчә ҳәммәсънъ чэвъп[180] тәйләдък, қэмә:дъ[181] еннъ. Рәйкумбэвэ лэвлэвънъ пэйдәсъ кәттә деп гәпъръп-гәпъръп кеп, кейин бъзәддъ мәхтәб бәшқа рәйъсләрдъ қъзәртърдъ. Еннъ бъзә эпъннъккә[182] отъп қэллък. Бър сувэръп, сувэргәннәң кейн тәйъ бошәйдъ, кәвләп ҳәр-ҳәр җәйгә үйдък, шүйтъп ҳәммә җәйдъ, лэвлэвъ бэсъп кеттъ. Търәмэгә[183] келъп ҳэсъллъ тәхсъмләйдък, чът кесә кәлхэзгә дәррэв ҳесәвләп[184] чъғамъз, қанъ неччъ метъддән тъйә:дъ, сэғун хэвәр қьләмъз, әбезәннъ[185] шунъ текшъръп корәмъз, ҳәр-

---

[164] системали равишда бўлмаса-да [о] нинг ҳам дифтонглашуви қайд этилди; [165] кашик (*дъллә* деган ўтдан тўқилган қоп); [166] ади-бади: [167] экин майдони (қарта); [168] лавлаги; [169] р. универсалимиз; [170] бир бошдан; [171] тегди (бундаги [г] нинг [й] га ўтиш ҳодисаси ҳам қипчоқ шеваларига хос); [172] олиб кетинглар (буйруқ феълининг II шахс кўплик формасининг ясалиши шаҳар шеваларидаги сингари); [173] чучук (қипчоқ шевасига хос хусусият); [174] р. районнинг; [175] р. уполномоченный; [176] мазкур феъл формаси иш-ҳаракатнинг тўсатдан ва кутилмаганда содир бўлганлигини ҳис-ҳаяжон билан қандайдир жонли равишда ифодалаш учун ишлатилади; [177] шу туришда (шу заҳоти, келиши биланоқ); [178] райком секретари (бунда *бэбэ* сўзи кекса, қари маъносини эмас, балки ёшидан қатъий назар ҳурматга сазовор киши, бошчи маъноларини ифодалаш учун сўз ясовчи элемент сифатида ишлатилади. Мас., *райъсбэвэ, пәрткумбэвэ, дъръктур бэвэ* каби. Китобда эса, ҳурматлаш, улуғлаш маъносида қариндошлар ва оила аъзолари ўртасида ўзидан анча кичик йигитнинг номига *бэвэ* сўзини қўшиб *хәл*$^{и}$*лбэвэ, шәриббэвэ* сингари ишлатиш ҳодисаси ҳам учрайди); [179] р. бюрога (партия райкоми бюросига); [180] чопиб (унли билан бошланган қўшимча охири [п] билан тугаган феъл ўзагига қўшилганда [п] нинг [в] га ўтиш ҳодисаси қипчоқ шеваларига хос хусусиятдир); [181] қолмади (тусловчилардан олдин, айниқса ҳозирги-келаси замон феълида, очиқ бўғиндаги унлининг чўзилиш ҳодисаси *Ю. Қ.* қипчоқ шевалари учун характерли ҳодисадир. Бу ўриндаги чўзиқликни ҳам шунинг айрим кўриниши деб қараш керак); [182] р. опытник (тажрибакор) га; [183] кузга; [184] ҳисоблаб; [185] р. обязательно;



www.ziyouz.com kutubxonasi

към ме : нәтъгә йәрәшә эппъ[186] -йэ : мъ деп. Ғалләнъ қол мънән оръп, ҳом мънән[187] йәнчәйдък, ънтъзэм шундәй қаттъ[188] едъкъ, йәнчъң, сәв (у) ръң, тәййәлләң, некън[189] хъйәнәт қьмәң, дъйдъм.

Ошә вәғләр[190] кәлхуччъләрдә мэләм кувъдъ[191] шунчә мэл кәлхэздъ йеръпъ бэсмәгъчъйдъ[192]. Кәлхэздъ нэнънъ йесәң ҳәләлләв йе[193], дейдъг-дә, эдәмләгә, съз пърэнтъ[194] арқасънъ мә : кәмләсә : ңъз[195], пърэнткә йэддәм бергәнъңъш шу болә : дъ, дъйдък.

Бър җәйгә шэлъ екувдък, эдәмнъ кәмлъгъдән, когәръп чъғъп, кейън от бэсъп кеттъ, шундәй босәйәм бър розғэр-гә бър туннәчә[196] шэлъ тъйдъ.

Бър кун рәйкумбэвэ чақьръп, сеңңә эт-ҳокъз йетъшмәй-дъмә?[197] деп сорә : дъ.

Бър кун ъстъмә[198] зорәләйвъддъ, бәдәнъмңә вәрәҗә[199] кърьвъддъ[200], хъппә дэвушъм пъттъ, йентъкъб-йентъкъб нәпәс эләмән, әйәлъм[201] бър мэмэ[202] чақыргәнәкән[203] у қо-лънъ шүтъп тэмэғьмңә[204] эп келъвъддъ. Е, қой, қой, дедъм. Сув ъччәм[205] отмәйдъ. Соғун қарәсәм бәдърләп[206] уч къшъ оқьйвъддъ, әйәлъмнъ чәқъръв әйттъм, бър къшъгә буйур, шә : : рдән тэвә : мә[207], ғүзәддән тэвә : мә бър върәч тэпсә-дә[208] йувәрсә, дедъм. Қарәсәм әвҳәл[209] шо[210]. Соғун шә : : р-

---

[186] <*элъп (тъ) мъ*<*элъбдъмъ?* (ўтган замон ҳикоя феълига сўроқ аффикси қўшилганда тусловчи тушиб қолади ва равишдош охиридаги [п] < [б] таъсири билан *-мъ* ўрнида *-пъ* келади. Шунингдек охири [п] билан тугаган отларга ҳам *-ми* қўшилганда бу ҳодиса содир бўлади: *ъппъ*. Бу хусусият ҳам қипчоқ шевалари учун хосдир); [187] ҳўп билан (ҳўп—ўрилган ғалланинг устига қорамол, от, эшак кабиларни бир-бирининг бўйнидан боғлаб, айлантириб ҳайдаб туриш орқали янчиш усули); [188] қаттиқ; [189] совуринг, тайёрланг, лекин; [190] ўша вақтлар (бунда [т] тушиб қолиб [қ] эса [ғ] га ўтганки, бу сўзнинг шундай ишлатилиши бошқа аҳоли пунктларида учратилмади); [191] кўп эди; [192] босмас эди (қипчоқ шеваларига хос хусусият); [193] ҳалоллаб е; [194] фронтнинг; [195] маҳкамласангиз (мустаҳкамласангиз); [196] р. тоннача; [197] сўроқ аффиксининг қипчоқ шеваларидаги сингари *-мә* шаклида ишлатилиши ҳам мавжуд; [198] иситма; [199] титроқ, қалтироқ; [200] кираверди; [201] хотиним (бу сўз хотин маъносида қипчоқ шеваларида кенг ишлатилади, худди шу маънода бу шеваларда *кәмпър* сўзи ҳам қўлланилади); [202] кампир; [203] бунда сингармонизм қонунияти қўшимчаларга таъсир этмаган; [204] ягона аффикс билан ифодаланадиган жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари қўшимчаси бурун ундошлари билан тугаган сўзларга шаҳар шеваларидагидек *-ңә* шаклида қўшилади. Қипчоқ шеваларида эса жўналиш келишиги қўшимчаси шу вазиятда одатда *-гә, -ға, -(ң) ә, -(ң) а, -ә, -а* тарзида ишлатилади; [205] ичсам (*-чс*>*-чч*—ҳодисаси қипчоқ шевалари учун хос); [206] бобиллап; [207] шаҳар (Шаҳрисабз) дан топадими; [208] врач топса-да (*-дә* боғловчи бўлиб келган); [209] аҳвол (метатеза ҳодисаси); [210] шу (тор унлиларнинг сўз охирида ўрта тор унли тарзида талаффуз этилиши қипчоқ шевалари учун хос);



www.ziyouz.com kutubxonasi

дән в$^{ъ}$рәч кев эп кеттъ меңъ, ендъ йэтъппән, бә:ръсъ өзъчә гәпләшәйәптъ, қулэғьмңә кърәдъ, чүшмәймән[211] уләддъ гэвъгә[212], ҳъштъмәнъ[213] бълмәймән, некън нәпәс гъттәккънә[214] рөшәм боллъ[215], бэргәннәң кейн. Шүтип әпәрәстә[216] қъп түзәлъп кеттъм. Еннъ эдәмләгә белбувәрдән[217] йуғэръдән йәрә чъхсә, меңә йувэрсън, дедъм. Бър къшънъ сэнъдән бър сом дегән йэмэн йәрә чъғьптъ, бәхшъңңә, пэлчьңңә йугурәвърәсәммә, бэр чолэғ въряәчкә, деп қэғэз йэзъб бердъм. Тағъ бъттәсънъ қарәсәм уштәсъ оқув йэ: :птъ[218], тэмэхтъ[219] бър тэмэнънъ қьсъв эгән, ҳълләә[220] нәпәс эләдъ. Ҳәзър вървәчкә бэр, деп жонәтьв йувәрдъм.

Кәлхэзгә йеттъ йуз гектәр эвъ йер[221] бэр ъдъ, сув йетъшмәйдъ, кум бэтъш пәйтъ ту:ръ[222] эллъгә бэддъм. Вәтхузгә[223] ъшләгән устә къшъ боп кетә:мә[224], меңә сув берәсәммә, йохмә? дедъм. Сув учун уруш-согъшәм[225] боп турәт(ъ)тә[226], еннъ. Бу гэвъңнъ қой, улум[227], дедъ.

Нъкә[228] тойдә әрзъ-ҳәвэсъ[229] бэр ку:нә къшъләр[230] тоққъс тэвэқ[231] қьләдъләр, йъгът бергән нессәдән тоққьс хъл тәвэм[232] қьләдъ — әнәр, ҳәлвэ, нэн, шәшлък. . ., ҳәммә қассъгә[233] сэлъв эләдъ. Той кунъ бър қас йэзъп қойәллә, шу қаскә към қанчә тәйләсә тәйләйдъ, пуллъ къйэв тэмэңңә тэпшърәллә. Шу кунъ ҳәмсәйә ҳәвлъгә[234] қъз дугәнәләръ мънән оттърәдъ, қьздъ вәкълънъ сорәб бэрәллә (р). Кәмпърләр лөләләддъ[235] гүп-гүп уръп, тезрэ:гәпър деб мәжмур қьгәннәй[236] қьләллә. Шунъ учун вәкъл сорәп кегәллә кәмпъллләгә пул берәдъ. Еннъ қъс къмңә вәкълънъ бергәм босә-шунъ гэвъ гәп[237], кәрэтәйәм[238] боләдъ. Ъгът тэмэн әйәлләръ ъгъттъ къптъдән[239], тонъдән ъ:нә[240] откәръп ту-

---

[211] тушунмайман (қизиғи шундаки, *чуш||туш Ю. Қ.* ўзбек шеваларининг аксарият қисмида омоним тарзида опуститься, падать ва понимать маъноларида) ишлатилганидек, *ғалтидан* феъли ҳам тожик шеваларида йиқилмоқ ва тушунмоқ маъноларини англатади. Икки тилли тожиклар ўзларининг ўзбекча нутқларида *чушмоқ* ўрнида кўпинча *йиқилмоқ* феълини ишлатишлари сабаби ҳам шундадир; [212] уларнинг гапига; [213] ҳеч нимани; [214] салгина; [215] равшан бўлди; [216] р. операция; [217] белбўғар (белнинг белбоғ билан боғланадиган жойи, яъни бел); [218] ўқиб ётипти; [219] томоқнинг (кейинги ҳар учала фонетик хусусият қипчоқ шеваларига хосдир); [220] зўрға; [221] оби (суғориладиган) ер; [222] тўғри; [223] р. водхоз (район сув хўжалиги бўлими) да; [224] бўлиб кетадими; [225] уриш-сўкиш ҳам (қипчоқ шеваларидагидек [к] икки унли ўртасида [г] га ўтган); [226] бўлиб туради-да; [227] ўғлим (қипчоқ шеваларидагидек); [228] никоҳ; [229] орзу-ҳавас; [230] қариялар; [231] тўққиз товоқ (никоҳ тўйида расм-русумлардан бирининг номи); [232] таом; [233] белбоғига; [234] қўшни ҳовлида; [235] лўла болишларни; [236] мажбур қилгандек; [237] шунинг гапи гап (III шахс эгалик қўшимчасини олган гэп сўзи *гэвъ* шаклида ўзгаради); [238] кар ота (келин томондан қўйилган вакил); [239] елкасидан: [240] нина;



www.ziyouz.com kutubxonasi

рәдъ, кейън ъгът ектә җөрәсъ мънән[241] чъмъллъққа[242] къръп учәвъйәм сәлэм сәләдъ[243]. Кәмпъллә, ков йәшәсън! мъң йәшәсън! қъп қэләллә (р). Еккъ җөрәнъ къйэвбэшләтәр[244] дейдъләә. Уләгә әтәп қалпэқ[245], қас, тәвэм тэттъп эллъгә қойәллә, бэркәшъгә[246] пул тәйләп, улә элъп кетәллә. Пуллъ қъздъ енәсъгә берәллә (р). Келъннъйәм къйэвдъ эллъгә къйъръп[247] қойәллә (р), ойгә эдәм толә боләдъ. Кейъң келъң-къйэвдъ хешләръ чъмъллъққа қарәп сэчәлә[248] сэчәдъ.

Еттәмънәң[249] қайннәсъ къйэвдъ қэшъгә чънтэвэх[250], чэйнъй-пъйәлә, бэркәш кетъръп қойәдъ. Къйэв унъ элъп кетәдъ. Нэмэзъ әсъргә бэръп қъз эткә мънъп къйэвдъкъйә җонәйдъ. Йолләгә бәқам тутәллә[251] эдәмлә, қъздъ мъндъръб бэргъч[252] йә әкәсъ, йә укәсъ[253] уләгә пул берәдъ. Қъз эт мънән әлэвдъ гъддъдән[254] әйләнәдъ, қъздъ ъгът көтәръв эләдъ. Кейин бетэчәръ[255], җэййеғаръ[256], қъс коддъсъ[257] боләдъ. Қъс коддъгә қъздъ этә-енәсъ коргәнъ келъп, хәпэвән[258], эттуйэқ[259] эп кебберәдъ.

Китоб посёлкаси, Айрончи қишлоғи, Тиловов Тангриқул, 65 ёш, болғали уруғидан, колхозчи-пенсионер (26.VII. 1965 йил ёзиб олинган).

Мәнъ туғулъв оскән җэйъм шу әммэғэн[260], әрмъйәдән келъп шуннэ: йолгә[261] ᵛо(л)туръвдъмкъ[262], гәлә эдәм чъғъп кетъвердъ[263] тэққа қарәп, съзәм йүрън, съзәм дедъләә. Мен шуннэ: бъттәгънә шъңңъл[264] мънән чъғъб бэрдъмкъ, эдәмлә (р)

---

[241] ўртоғи билан; [242] чимилдиқ (гўшанга) га; [243] эгилиб салом беради; [244] куёв жўра; [245] дўппи (ироқи); [246] лаъли (патнис) ига; [247] киргизиб; [248] сочиқ (сочадиган); [249] эрта билан (эрталаб); [250] чинни товоқ (лаган); [251] боқон соладилар; [252] миндириб бораётган; [253] ё акаси, ё укаси; [254] гирди (атрофи) дан; [255] тўйдан бир-икки кун ўтгач, келиннинг куёв қариндош-уруғлари билан танишув маросими; [256] тўйдан бир-икки ҳафта ўтгач, келин-куёвлар учун солинган ўринни йиғиш маросими; [257] келин бўлган қизнинг ота-онаси қизини кўриш учун келуви муносабати билан қилинадиган маросим; [258] томоқнинг тагида бўйинни қисиб турадиган энли хотин-қизлар безаги; [259] пешанага тушиб турадиган хотин-қизлар безаги; [260] мазкур қишлоқ аҳолиси келиб чиқиши жиҳатдан қўнғирот, барлос (чиғатой ҳам деб юритишади), ҳисорлик (оммоғонлик ҳам дейишади) бўлган қандайдир қурамадан ташкил топган. Лекин ҳар бирининг ўз асосий массасидан қачон ажралиб чиққанлиги аниқ маълум эмас. Тил фактларига кўра, лингвистик жиҳатдан аслда бир-биридан кескин фарқ қиладиган ва ҳатто бошқа системага қарашли бўлган (ҳисорлик — ўзларининг эътироф этишларича, тожик) турли этник ва тил группаларидан иборат бу қишлоқ аҳолисининг тили узоқ йиллар давомида, асосан, бир хиллиликка келиб қолган. Шу билан бирга, айрим ўринларда жузъий фарқлар ҳам учраб туради. Қўнғиротлар тилида сингармонизм йўқолган, ҳисорликлар тожик тилини унутиб юборган ва буларнинг ҳар иккаласи жуда кўп жихатдан барлос шевасига яқинлашиб қолган; [261] ўрин-пайт келишиги *-гә* билан ифодаланган; [262] ўрта кенг унлиларда, айниқса [о] да дифтонглашув ҳодисаси юз беради; [263] чиқиб кетаверди; [264] р. шинель;



www.ziyouz.com kutubxonasi

қамәв $^{в}$олтъръптъ ъгърмә торттә йәвэйъ чочқанъ бър қатэвгә[265]. Кейнъдән қаршъ бэвэнъ $^{в}$оғлъ эзэт дегәм бәч(ч)ә чъғьб бэрувдъ, сәң годәйсәң, қайт, сәнъ $^{в}$олдъръб бурдә-бурдә қьп этъп тәйләйдъ жәргә, деп мән қайтәръв элдъм. $^{й}$ектәсъ[266] мәң(ң) ә бърдән йугургәннәйкең[267] қулэғьнъ кетъгә сэлдъм, чочқа вөлдъ, чөчқанъ бъттәсъ уштъ[268], бъттә Розъ дегәм бәч(ч)әнъ бър котәръп тәйләдъ, унъйәм урдъм.

$^{й}$еккъсънъ шердән[269] эллъм[270] ҳәммәсъ болуп йеттъ чочқанъ урув эллъм шердән, $^{й}$елтип ҳәсәннәвэ қьшлэғьйә, тэпшъръв йъвэрдъг гөшкә, әнә шуннэқ қьлъп $^{в}$он уштә чөчқанъ ушърдән уръв элдъм. $^{й}$еккъсънъ Ҳәкъмбэвэ дегәм мергә(н) эттъ, $^{в}$ом бърънъ мә(н) уруп $^{в}$ошърдән ъқътъв йъвэрдъм, эдәмлә котәръп келлъ. Эхър чэғьгә бъттәсъ бър қэштъ, нэръ[271] қэштъ, чэпъб бэръп, әйэғьдә(н) ушләп, устъгә мънъв элъп, еккъ қулэғьдә(н) ушләп, еккъ қолләръмнъ ғажьп, эхър бъчэғләп[272] мунъйәм ҳэвэргә[273] $^{в}$өлдъргәммән.

Уннәң кейън бәч(ч)әлъй[274] вәхтъмнъ әйсәм, еннъ у вәхтъ бәч(ч)әйдъм, әрмъйәгәйәм бэргәнъм йэғьдъм[275], этәмәм бэръдъ. Бър вәхтъйдъкъ, келъп қотәң(ң)ә боръ сэллъ[276], боръ бър қойдъ йеп кет(т)ъ, бу кечәсъгә пэйләв йэтъп борънъ эмэч $^{в}$оқъ мънән урув $^{в}$өлдурдум. Кокрәйләръмнъ йәрә қьлэлмәдъ-йу, бурдә-бурдә чэпэн-чәкмәнләръмнъ ъртъв элъп, қьб йәләңэч чопэнләрдъ[277] эл(л)ъгә келлъм, чопэннъ кепәнәгънъ[278] тъләп қьшлэққа кейән шэмурэт бэвэмән.

Шаҳрисабз район, Оммоғон қишлоғи (собиқ Мироқи районига қарашли), Норов Шомурод, 67 ёш, қўнғирот уруғидан, колхозчи - пенсионер (8.VII.1965 йил ёзиб олинган),

Бэсмәчъләдән ектәсъ бър кечә келъп, ше:гә[279] бър къшънъ этъп кеттъ. Унъ өлдуруб бър кечә судәрәв[280] йуруб,

---

[265] тоғ этагида (ёнбағрида пода ётадиган жой); [266] айрим ҳоллардагина [е] нинг дифтонглашуви қайд этилди; [267] югургандан кейин; [268] йиқилди; [269] шу ердан; [270] [л] билан тугаган феъл ўзагига аниқ ўтган замон феъл аффикси ҳам *-дъ*, ҳам *-лъ* тарзида қўшилаверади; [271] эркаги; [272] пичоқлаб; [273] текисликда; [274] баччалик (болалик) *Қ.-Ш.* шеваларидан фарқли равишда сўз охиридаги [к], тошкент, жиззах шеваларидагидек, [й] га ўтади; [275] узоқ ўтган замон феълининг *йўқ* билан ифодаланувчи бўлишсизлик формасида (I ва II шахсларда) эгалик аффиксининг асосий феълга ҳам, тўлиқсиз феълга ҳам қўшилиб келиши характерлидир; [276] бўри чанг солди, ҳужум қилди маъноларида; [277] чўпонларнинг (қаратқич ва тушум келишиги бир хил ифодаланади); [278] астари кигиздан тикилган иссиқ чакмон; [279] шу ерда; [280] судраб;



www.ziyouz.com kutubxonasi

бър вәхтъ әннәйкън[281] ҳәлъкъ[282] бәсмәчълә еттәйъсъ сәәт уш-тот богә(н) вәхләйә келъп, қьшлә: дъ тәләп, әдәмләрдъ қанчә қойләрънъ, әлләрънъ[283] әлъп, мәнә шу Бәшқәпкә тәвән[284] отъп кеттъ.

Мән тәғәмнъ қолъгә йетъм болуп, ошә пъллә[285] йер қәзъп ләй қьл(ъв) йәткә(н) вәхтъмгә әдә: дән[286] сәлләлләръмъс[287] келъп қәллъ. Улә хәвәрдәрәкән, қайсъ мә: лумәт бергәнәкән, шергә бәсмәчъ келлъ, деп. Мәм бълмәймән, ошә пъллә бәлә-дә еннъ мән, мәннән сорәдъ унчә бълмәдъм. Соғуннәйкен[288] ҳәлъкъ сәлләллә отъп кеттъ. Мәнә ше: (р) дән кочәгә чүшәр-чүшмәсъмчә[289] вәх отмәдъ, бъч чәх қассълләтъв[290] әтъп қәллъ. Қьшлә: дъ кучүйләръ шағьлләп[291] шаққа[292] отъп кетъведдъ[293].

Кәллъктъвләш вәхтъгә әвәллән[294] мәнә шу бъзәддъ гүзәръмъз[295] бойънчә ектә кәллъктъп хожәлък түздүк. Шу бу йүл търъмәсъгә[296] бәръп кәлхәс түзәлъп[297] кеттък, сәғун әт, ҳөкүз, ғаллә беръп кәлхәскә қошъллък. Шуннән әнә шу пъллә: чә[298] ъшләп келәммъзс[299].

Пърәнткә[300] бәрдъммән, уруш тәмәм богәннәйкен[301] рә: нъ боллум[302], мънә[303] тәзәләш вәхтъ. Қуләққа әпәрәттъ қойуп, мънәләрнъ әхтәръп, қанчәсънъ тәпъв әлъп, бър қанчәсы әтълъп кетъп, шу пъллә әйәғьмнән рә: нъ боллум. Духтур бәръп Соқумъскъ[304] дегән горуткә[305] йәтъп, Кәпкәсъйәгә[306], уннә(н) отъп қьръмгә, кәттә йәлтә дегән жәйгә бәръб бър госпътәлгә йәтъп еккъ йълдәң кейън чьғдъм. Келъп кәлхәскә ъшләдъм, ҳәлийәм кәлхәстъ мърәбгәрчълъгънъ[307] қьлъп, ъшләв йуруммән.

Шаҳрисабз район, Оммоғон қишлоғи, Жўраев Ботир, 59 ёш, барлос-чиғатой уруғидан, колхозчи (мироб) (8.VII.1965 йил ёзиб олинган).

---

[281] ундан кейин; [282] ҳалиги (бояги); [283] отларини; [284] Башқоб (қишлоғи)-га томон; [285] ўша палла; [286] одоқдан (қуйидан); [287] солдатларимиз; [288] <*соғундан кейин* (сўнг ёки кейин ўрнида ҳар иккала равиш, биринчиси чиқиш келишикда, иккинчиси шаклан кўмакчи тарзида такрорланган); [289] *Қ.-Ш.* шеваларидаги сингари бу ерда ҳам *-чә* аффикси сифат ва равиш ясашда алоҳида ўрин тутади; [290] қарсиллатиб (мазкур текстда [р] нинг тўлиқ регрессив ассимиляцияга учраши кучлироқ); [291] аслда дарёнинг оқишига тақлид (бу ўринда кўчма маънода); [292] шу ёққа; [293] кетаверди; [294] аввалдан (дастлаб): [295] Оммоғон қишлоғи бир неча гузардан ташкил топган; [296] кузига; [297] колхоз (га) уюшиб; [298] шу паллагача (*-га* аффиксининг тушиб қолиши ҳисобига олдинги унли чўзилган); [299] ишлаб келяпмиз; [300] р. фронтга; [301] тамом бўлгандан кейин; [302] р. ранен (ный) бўлдим (ярадор. . .); [303] р. мина; [304] Сухуми; [305] р. город (шаҳар)га; [306] Кавказиянда; [307] мироблик.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бэвэмнəн[308] ешъткəн бър нəқьллъ[309] əйтиб берəй, ългəръ кенəгəс пэшшэсъ Җорəвег дегəн өткəн. Бухэр[310] пэшшэсънъ мəңңът[311] этəгəн[312]. Мəңңът пэшшэсъ шəрсəвузгə[313] қэғэз йэзгəңкъ, шəрсəвуздъ кенəгəс Җорəвег бошəссън[314], дегəн. Буңңə Җөрəвег қэғэс қайтəргəңкъ, тэ къшънъ өзи өлмəйəм шəҳəр бөшəтъб берəдъмə?[315] — деп. Буңңə ҳеч хэвəр[316] бомəгəннəңкəй Җөрəвег əскəрлəрългə əйткəңкъ, бэръб мəңңът пэшшэсъдəн хэвəр элъйлə (р), қанъ у нъмə қьлəйəптъ, деп. Кечəлəп əгънт[317] қойсə, Бухэрэнъ ҳəммəсънъ гърдънъ[318] зəвур қэзъб[319], нэрвəн йəсəб, зəвурдəм бəққа откəръп тəйлəгəн, əскəрлə бэръп хэвəр эсə, шу вақъйə[320]. Келъп кенəгəс пэшшэсъгə əйткəңкъ, мəсəлə шуннəй, деп. Җөрəвег ойлəсə, мəңңът пэшшэсъ шəрсəвуздъ устъгə җэвульб[321] бэрəмъз-у, дəрвэзəсънъ эчъб болмəйдъ, шу қалҳасъдəн[322] нэрвəн қойъп кърəмъз əрқадəн, дегəнəкəн. Нэрвəннъ қойгəңңə[323], қалҳадəн туръп шънəккə олтъргəн ҳəр бър къшъ мəңңът пэшшэсънъ əскəрънъ уруп тəйлəйвургəн[324]. Соғун олук арқагə толуп қэлгəн-дə, бэстърмəдəй, ғарам болуп. Шуннэғ босəйəм копчъллъқ қьлъп Шəрсəвузгə к積ръп кенəгəс пэшшэсънъ мəңңът пэшшэсъ бэсъв эгəн. Соғън мəңңът пэшшэсъ туруб, əскəрългə əйкəңкъ, Җөрəвеккə ээър бермəңнəр[325] у бъздъ шунчə əскəръмъздъ қьрдъ, бър əмəлъ бэрдър-дə, дəрвэзəнъ эчъп қойъң, Җөрəвек қорғэннəн чъғъп кетсън, дейдъ. Соғун муннəн[326] Җэрəвег эдлəнъп[327] чъғьп кеткəннəкəй[328], қьлъчънъ бойнъгə сэлъп, қоқан хэнъгə бэргəн, дəйдълə. Қоқан хэнънъ Худəйəрхэн дейəкəн[329]. У бър дə:нъ[330] бергəнəкəн,

---

[308] бобомдан (бурун сонорлари билан тугаган сўзларга, [д] билан бошланган қўшимчалар қўшилганда [д] > [н] га ўтади); [309] нақлни (ҳикояни) бунда ҳам ўзак билан қўшимча ўртасида [н] > [л] га ўтади; [310] Бухоро; [311] Манғит (Бухоро, Тошкент шеваларига нисбатан *н*+*ғ*, *ң*+*ғ* товуш бирикмалари қўшалоқ [ң] тарзида талаффуз этилади); [312] атаган; [313] Шаҳрисабзга; [314] бўшатсин; [315] сўроқ- аффикси *-мə* тарзида қўлланмоқда; [316] хабар; [317] р. агент (разведка); [318] атрофини; [319] зовур қазиб; [320] шу воқеа; [321] ёпирилиб (баъзан [й] ўрнида [ж] ишлатилиш ҳодисаси мазкур қишлоқ аҳолиси билан аралашиб ва сингиб кетган қўнғиротлар тилининг таъсири остида юзага келган бўлиши керак); [322] қалъасидан; [323] қўйганда; [324] уриб ташлайверган; [325] буйруқ феълининг II шахс кўплиги текстда икки хил формада ишлатилмоқда; 1 *Қ.-Ш.* шевасидаги сингари эгалик қўшимчаси *-(и) ң* > *-(и) й ва* + *-лə (р)* шаклида (316 — 317 ўртасидаги парчага қаранг); 2 (қипчоқ шеваларидагидек эгалик қўшимчаси -ң ва + *-нəр* (< -лар) тарзида); [346] бундан; [327] отланиб (қипчоқ шеваларидаги сингари [л] олдидан [т] тўлиқсиз регрессив ассимиляцияга учраган); [328] чиқиб кетгандан кейин (қипчоқ шеваларига хос ҳодиса), кейин сўзининг қисқарган шакли (*-кəй*) дан олдин чиқиш келишиги қўшимчасининг охирги товуши [ң] < [н] баъзан ишлатилади (316 — 317 ўртасидаги парчага қаранг), баъзан тушиб қолади; [329] дер экан; [330] даҳани;



www.ziyouz.com kutubxonasi

йеп турсън, деп, әрәдәм беш-тор эй вәх откәннәңкәй хэңңә әйтъптъләкъ, е: Худәйәрхэн, Җөрәвегдъ ҳәр көзләръ бэр пъйәләдәй, у съзгә эшнәлъқ қьлмәйдъ, бър кун създъ бэшъзгә йетәдъ, дептълә. Соғрә хэн дәррэв мәйлъс чәқьръп, мунъ тәҳтән[331] тәккә нес қьв йүвәръң[332], өлъп кессън, дептъ. Җөрәвеккә бъттәсъ бу гәптъ йеткъзъп әйтәдъкъ, шуннәй, шуннәй, еннъ тәрә: дъйнъ[333] йе, дейдъ. Кейън Җөрәвег дәррэв қьлъштъ бойнъгә ъләсэп мәңңът пэшшэсъгә йәнә қайтъп кегәнәкән.

Шаҳрисабз район, Оммоғон қишлоғи, Остонов Турмон, 42 ёш, чиғатой уруғидан, мактабнинг хўжалик мудири (8.VII.1965 йил ёзиб олинган).

Бъзә әслъ чъғатэй уруғьдәммъз$^{с}$, эта-бэбэләръмъздъ әйтъшъ богънчә, Ҳъсэр, Къштот дегән җэйдән эшъп, Сувчүшәр қьшлэғьдә кегәнъмъзгә тор пушт отъп кеткән[334]. Өзъмъз мънәм беш пуш(т)кә әйләнъб бэрәйэммъз[335]. Тълъмъз әслъ тэҗък болгән, бергә келъп өз уруғъмъздән узэғләшъп кеткәллъгъмъз учун өзбәх халқь мънән йәшәп, өзбәг болуп қэлгәммъз$^{с}$, әслъ эчъл бэбэмъздъ әйтъшләръгә қарәгәндә кәттә бэбэмъз Досмурэт бэбэ, уннәң кетъңкъ[336] бэбэмъз Ҳәйътмурэт, кетиңкъсъ Әвәзмурэт, деп Эчъл бэбэмъз — этәмъздъ этәләръ шуннэх ҳъкэйә қьләй(дъ)лә[337]. У эдәмнъ йэшләръ сәксән элтъ йэшкәй(дъ)лә[338], қазо қьл(лъ)лә[339]. Шуннә(н) шақа[340] $^{й}$есъмъздъ[341] бългәннәм бъйэн[342] өзъмъз өзбәг болъп мәнә шеттә йәшәп туръммъз$^{с}$. Ҳэзър йэшъмъз $^{й}$еллъ[343]: тоққьз йэштә кърган, $^{й}$ес бългәнъмъздән шақа өзбәк тълъдә шеттә хъзмәт қьлъп йәшәп келәйэммъз. Мен $^{й}$ес бългән вәхләръмъзгә этә-бэбэләръмъз ҳәм-

---

331 тагдан; 332 йўқ қилиб (йўқотиб) юборинг; 333 тараддудингни; 334 Сувтушар қишлоғи аҳолиси айтишларича, бир гуруҳ Ҳисор, Киштут томондан келган ўзини чиғатой уруғидан деб ҳисобловчи тожиклар ва иккинчи гуруҳ атроф қишлоқлардан келган қипчоқларга қарашли тарахли уруғи вакилларидан ташкил топган. Уларнинг бу ерга келганига ва аралашганига тахминан 250 — 300 йил бўлган (беш пушт ўтган). Натижада тожиклар ўзбек тилини ўзлаштириб олган ва тарахли уруғи вакиллари тилида сингармонизм йўқолган. *Қ.-Ш.* шевасидагидек, қаратқич-тушум ва ўрин-пайт-жўналиш келишиклари бир хилликка келиб қолган. Айрим ўринларда фонетик ҳодисаларнинг, грамматик формаларнинг ва баъзи сўзларнинг параллел ишлатилиши кўринади; 335 боряпмиз (ҳозирги замон давом феъли формаси *Қ.-Ш.* шевасидан ҳам (*бэрэммиз*), қипчоқ шеваларидан ҳам (*бэрйаппыз*) фарқ қилади; 336 ундан кейинги (Жиззах шевасига ўхшаш); 337 қилар эдилар (бу ўринда *-ди* нинг талаффуз этилмаслиги Бухоро шаҳар шевасидаги сингари); 338 ёшда эдилар; 339 қилдилар; 340 шундан шу ёгига (шундан буён); 341 ўрта кенг унлиларда баъзан дифтонглашув юз беради; 342 буён (мазкур текстда [у] ўрнида [ъ] ишлатиш тенденцияси сезилади; 343 эллик (бунда [э] нинг дифтонглашуви кучли);



www.ziyouz.com kutubxonasi

мәсъ дейқэнчълъқ сэҳәсъдә[344] хъзмәт қьлъп келәй(дъ)ләр. Эзмэ эз[345] мәнә шу мэл[346] болгән. Бэбэләръмъздъ әйтъшъ бо(л)гънчә, ългәръ жъдә қьйънчълък мънән кун кечъръп келгәннәр[347]. Бъзләрдъ дәвръмъзгә ͥеркъллъг[348] болуп қэллъ, йәхшъ йәшәдък. Бэбэләръмъз(дъ) ᵛотмъшләръ пәқат мәнә бъ тэғдән тэрэн[349] қэзъйәкәннәр[350], комър куйдърәйәкәннәр, мәңқал[351] элъб бэръп, ҳәлънъкъдәй[352] дэмъръсқ[353] қьлъп, Шә: ръсәбъзгә сэтъп, шуннэққайън[354] қьлъб буләр эзъқа-эвқэт, устъбэш элъп куң коргәннәр, отун сэтъп шуғулләнъп келгәнәкәннәр. Кетъңкъ пәйттә бъздъ этәбэбэләр дейқэнчълъқ, чэрвэчълъқ қьгәннәр. Мән тоққьз-ᵛон йэшләргә кългән пәйтъмгә бэбэләръмъс ҳәлъ қонэғ нэн[355], таръғ нэн — шуннэққаләр мънән дэмъ-ръсқ қьлъп келгәнәкәннәр. Сәвът ҳукумәтъ дәвръгә, бъзлә ͥесъмъздъ бълъп жъдә ͥеркълләшъп ҳәммә тәмэннән дейқэнчълъгъмъзәм, чэрвэчълъгъмъзәм, бәшқамъзәм йәхшъ болъп кеттъ. Кетъңкъ пәйттә мән әслъ этәмнән[356] беш йэштә қэлгәнәкәммән, энәм тәрбъйәләп кәттә қь(л)гән, энәм ҳэзърәм бэллә[357], сәксән төр йэшкә къддълә[358]. Ҳэзър өзләръ Сәйәт қьшлэғьдә, ошәққа қьдъръп кеттълә(р). Мән ᵛөзъм ᵛоттъз бешънчъ йъллән тэ ͥеллъг учънчъ йългәчә бъргәдъру рәйъсу хәсъләту болъп, шуннэққайън ъшләр мънән шуғулләнъп, халх хъзмәтънъ қьлъп келлък[359]. Уннә(н) шақа кәлхэзгә, сувъ, хърмәнъ, дейқэнчълъғъ дегәннәк ҳәммә ъшъгә ъшләп келәйэммъз.

Бъзлә әслъ чағатэй уруғьдән уржъп келгәммъз[с], ҳэзър өзбәк тълъгә гәпърәмъз, тэжъкчәнъ бълмәймъз.

---

[344] *-дә* билан *-гә* ни алмаштириб ишлатиш ҳодисаси учдайдики, бу ахборотчининг адабий тилда гапиришга уринишидан бўлса керак; [345] озмоз; [346] қорамол; [347] келганлар (бундаги [л] нинг [н] га ўтиши қипчоқ шеваларидаги сингари); [348] эркинлик (бу мисол [*-н+л-*] нинг [*-н+н*] бўлиши билан бир қаторда [*-л+л-*] тарзида ўзгариши ҳам мумкинлигини кўрсатади); [349] тоғда ўсадиган ёввойи ўтнинг илдизи; [350] қазир эканлар; [351] қаттиқ ёғочларни махсус куйдириб тайёрланган кўмир; [352] ҳалигидай (модал сўз); [353] ризқи-рўз; [354] шундай; [355] қўноқдан қилинган нон; [356] отамдан (қариндош-уруғ терминлари ҳақида шуни айтиш керакки, *этә* сўзи бутун қишлоқ аҳолиси учун умумий бўлиши билан бирга, онани чиғатой уруғи вакиллари кўпинча *энә* дейишса, тарахли уруғи вакиллари эса аксарият ͥ*енә* деб юритади, баъзан ҳар иккала сўз параллел ишлатила беради. Ота-онанинг онаси ви отаси бўлса, ҳамма учун умумий бўлган *мэмә* (қипчоқлардагидек), *бэвә*||*бэбэ* сўзлари билан ифодаланади); [357] борлар; [358] кирдилар (баъзан [р] тўлиқ регрессив ассимиляцияга учрайди ва айрим ҳолларда сўзнинг охирида тушиб қолади. Бу соҳада *К.-Ш.* шевасидагидек изчил ассимиляция ҳодисаси ёки сўз охирида мутлақо ишлатилмаслик ҳолати қатъий бўлмаганидек, сўз охиридаги [р] нинг тушиб қолмаслиги қипчоқ шеваларидаги сингари системали равишда эмас, яъни тушиб қолиш ҳоллари учрайди); [359] I шахс бирлик маъносида;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен тоққъз йэшлъг дəвръмдə сəксəн төр йэшлъг бър этəмнъ этəлəръ Эчъл бэбэм бэръдълə, коҳнə[360] эдəм, эғъзлəръгə ҳъч тъшлəръ йоқ. Ғелэннəм бър кəмпър[361] эгəнəкəннəр, тэжъй мэмə дейдък. Шу кəмпъллəръ зэғэрə нэннъ тəндър очэғдəн узъп кəрсəңңə[362] тəйлəгəм пъллəгə бъттəсънъ элъп, ошə қайнэғ зэғэрə нэннъ эғзълəръгə сэлъп ақъгə-бақъгə[363] элъб бэръб йегəм пəйтлəръгə, бъзлə бəччə болмəсəк, күллък. Бэбэм шуннэ: бъзлəгə қарадълə-дə, ҳə, бəч(ч)ə қургуллəр-е[364], сълə(р) кулəсълəр-ə мəнъ нэн чəйнəшъмңə, бър кун сълəрəм эдəм болъп, өлмəсə:(ң) нə[365], бэшлəрьң(ң)ə тушъп мəннэх[366] сълəрəм эғзълəрьң(ң)ə əвқэт қьлъшкə бəчəлəръң кулсън, деб əйтълə бэбэм. Йəнə бър-ектə гəблəръ йесъмгə. Съзлə(р) өлмəстəн эдəм болъп, бэддъ-йу съзлəргə қьшлэқ, халх хъзмəтъ тушъп қэлгəн вəхтъгə бэшъңъздъ эсмэң(ң)ə көтəрмəң, тумшъғьңъздъ бəлəң қьмəң, əгəр шуннэғ бэшъңъз эсмэң(ң)ə тексəйəм əйэғдъ эстъгə қарав йүръң, əйэғдъ эстъгə қарамəсəңъз, əйэғьңъс чуқьргə тушəдъ, пешпэ йейсъз, əслэйəм мəммəнсърəмəң, эт мънъб элъстъ көзлəгъччə, йешəг мънъб əйэғдъ эстъгə карав йуръңнəр, қулэғлəръң(ң)ə болсън, деб əйткəннəръ шу тоққъз йэшлъг бəлəйдъм, ҳэзъргə қадəр қулэғьмнəн чъғмəйдъ.

Шаҳрисабз райони, Сувтушар қишлоғи (собиқ Мироқи районига қарашли), Эшмуродов Дўстмурод, 59 ёш, чиғатой уруғидан, колхозчи-пенсионер (13.VII.1965 йил ёзиб олинган).

Бъзəрдъ уруғьмъс тарағлъ(ғ), бъзəрдъйəм сув тушəр қьшлэғьгə келъп қэгəнъмъзгə беш пушт боллъ, этə-бэбэлəръмъз дейқэнчълъғ, чэрвə шуннəйчън[367] ъшлə мънəн шуғулләнъп кейəн[368]. Бъзəр əслъ өзвəх хəлқь. Бъзəрдъ тарағль уруғьмъз йəнə Башқап, Шорқол, Хумман, Қарабайър, Де:тър қорғэн дегəн қьшлэғлəгəйəм бэ. Шулə мънəн бэддъ-келлъмъзəм бэ. Ко:нə вəхтъйə ҳəммəмъздъ йегəнъмъз зэғэрə нэнъдъ. Еннъ мəнə дəстəхэллə толə буғдай нэн, ҳəр

---

[360] ески (қари); [361] қипчоқ шеваларидаги сингари хотин ўрнида *кəмпър* сўзи ишлатилади; [362] карсан (катта ёғоч лаган); [363] у ёғига-бу ёғига; [364] бола қурғурлар-е; [365] ўлмасанглар (бундаги эгалик аффикси *-ң* талаффуздан тушиб қолиб, унинг ҳисобига олдинги [ə] чўзилади ва бурун унлиси оттенкасини олади, кўплик аффикси эса *-нə* шаклида ишлатилади; [366] мендек (умуман I, II шахс бирлик кишилик олмошлари кўпинча *мəн сəн* тарзида қўлланилади); [367] шундай (*-чън* аффикси қипчоқ шеваларида *-чағын*//*-чəгин*) шаклида ишлатилади. Бу сўзнинг биз олдинги текстда *шуннэққайън* формасида келганини кўрган эдик; [368] келган;



www.ziyouz.com kutubxonasi

кун той, ҳәммә йәхшъ къйъмлә къйгән, бъзәгә охшәгәллә пънсъйәгә чъғып, әнә шу йәшәб йуруппъз-дә[369].

Шәррәк[370] ко: нәдән, шу тэшләр, сувләр бънә богән вәхтъгә шәррә: богән әслъ.

Шаҳрисабз район, Сувтушар қишлоғи, Жўраев Турди, 67 ёш, тарахли уруғидан, колхозчи-пенсионер (13.VII.1965 йил ёзиб олинган).

Ългәръ бъзәддъ[371] кунъмъс тэзә әзэм м[ъ]нә (н)[372] откән. Озъмъзәм нэвчә йуддък[373]. Хожәйън бэйәм босә кунъгә ектә[374] нэм берәйдъ[375]. Ошә нәвчәлъгъмңә бър кун ъшкә чъққанъмнәң кейъң қарасәм, дәстъхэңңә нэ(н) йэх, келъп, еннъ унъ бълмәймәңкъ, кӳчӳг йептъмъ, ешә: йептъме, пъшә: йептъмъ дәшкә. Тэ еттә: дәвур[376] эч йурувдъм, бэй ҳәқъйнъ эйәнсән[377] деб беммәд (ъ)-дә, еттә эләсән еннъ, деп.

Уруш йэткәннәң[378] кейън турмуш йәхшъ боллъ. Белләрдъ[379] муннэғ жудэ йәхшъ эвэт бойәньйә[380] йэ он элтъ йъл, йэ он йеттъ йъл боллъ[381]. Ългәръләръ мәгәзъңңә бэрәйдук әвэлэхшәм[382], мәгәзъм мудур босә йәккәвэх кеткән, чът эп келәдъ, еннъ, мудур қайвах кесә, эссә[383] элльңкъ эчърәткә[384] эләйдук. Уннәң кейън тәхсъмэт қълъп— қълъп тор метъддәммә-беш метиддән эллъңкъ эчърәткә тургәллә эләдъ. Еттәсъ йәнә бэръп турувурәйдӳк[385]. Еннъ мәгәзълләйә късәйъз эғзъз эчълъп қэләдъ, нъмә десәйъз бэ, гәзмэл босә т[ъ]рәлъв йэтъптъ[386], хэ: ләгәнъздъ эләсъз[с 387].

Ергә бомәй[388], шеддәң[389] келъп қьшлэқ қьгән. Ҳәммә шергә кегәммә?[390] этънъ нәзър деймә? Ков[391] йуруп чәрчәгән-нә[392] бу къшълә. Мәнегә[393] тэттъб бәйләң этъздъ.

---

[369] юрубмиз (бу қипчоқ шеваларидагидек, чиғатой уруғи вакиллари тилида эса, *йуруммъз* тарзида қўлланилади); [370] шу қишлоқ яқинида тоғдан тушадиган катта шаршара бўлиб, *шәррәк* деб юритилади. Қишлоқнинг номи ҳам шунга асосланиб қўйилган бўлиши керак. Бу ер илгари хурофотчилар ўртасида азиз-авлиёлар жойи деб тарқатилган, Муҳаммад ва Алилар номи билан боғланган. Ахборотчи бу ўринда шу фикрга қарши ўлароқ шаршаранинг вужудга келгани тоғ-тош ва сувларнинг бунёдга келганлиги билан боғлиқдир, деб тушунтирмоқда; [371] бизларни (нг); [372] азоб билан; [373] юрдик; [374] иккита; [375] нон берар эди; [376] то эртага довур (эртагача); [377] олгансан; [378] тугагандан; [379] бу ерларнинг; [380] обод бўлганига; [381] бўлди; [382] кечқурун (қош қораймасдан); [383] очса; [384] олдинги навбатда (<р.очередь): [385] тура берар эдик; [386] тиралиб ётипти (ниҳоятда кўп, қаланиб ётипти маъносида); [387] хоҳлаганингизни (истаганингизни) оласиз; [388] у ерга бўлмай (у ерда бўлмай ўрнида); [389] шу ердан; [390] келганми? (сўроқ аффикси қипчоқ шеваларидагидек *-мә* шаклида); [391] кўп; [392] чарчаган-да (бу ҳодиса қипчоқ шеваларида ҳам, китоб-шаҳрисабз шевасида ҳам учрамайди); [393] мана бу ерга;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мәйлъ еннъ у къшънъ ҳузуръ бэ[394]. Қайтъп келәйәптъ, ҳуддәсъдән[395] чъхсә қьләдъ. Келъннъ эттәң куйэв чушърмәйдъ, озънъ йәқьн эдәмъ, этәсъмә-энәсъ эллъгә чъғъп котәрън эләдъ. Бъзәгә мурут[396] коб боләдъ, кэдъмурут[397], эхмурут, шәкәрмурут, чъннъмурут. Еттәйъсъгә бэддък, эдәм кувәкән[398]. Кең[399], кең! дев эллъмңә чъғдъ. Кувръктән[400]отъвдъмко, үч йустәчә эдлъғ[401] келъ : веддъ. Эшхэнәгә эбэрсә бъннәвъ[402] эбэрмәсә әвҳэл чәтэғ, ешәгъмәм бэ, уләм йәхшъ эттъ хорәгънъ йейдъ. Бэрәтуммән[403] еннъ нъмә босәйәм боллъ деп. Қайтъп келэ : тувдъм[404] ҳәмрэйъм әрқайә қэлъп кетъ : веддъ. Куннъ кувъ мънән берәсъз-дә, дедъ. Мә : съддъ[405] Бәдәл дейән этәсъ воләйдъ[406], бәләләръмъз йеғләп туссәйәм Мә : сър десә эвунәйдъ, сълә бълмәйсъзәр[407]. Ул[408] бэйләддъ урәйкән-нә,кәммәғалләгә берәйкән. Улә уч эғайнъ богән. Екэвъйәм кемә : съ[409] кеттъ сэғун. Жудэ әқьллъг этъдъ, жувэз эвъ-тэвъгә кегәңңә кәлләсънъ лъккълләтъ : верәйкән. Бър кун шә : : ддән[410] эт эләмән деб бэддъм мен[411]. Сэғун ъзъмъзгә қайттък. Бу етә::мңә[412] сэвзънъ эллъм, ей, улум[413] хәпә вомә, дедъм. Гәлә хэтъң гуруң[414] қьлъ : веддъ. Йуғагънә[415] нессәйкән[416] өзъ. Йәрмәдәң[417] көчә эш[418] қьләдъ, ҳәлъм көчә қьләдъ, гуңгулә[419] көчәмъзәм бэ. Қэллъғ[420] уруғъйәм шергә кейәнәкән. Йәккәвэғдъ доңқьшлэғьйә қаллуғ бэ. Беддъкъ тэжъ : ләддъ[421] бъзә чәғатәй деймъз. Еодәнә торгә чуштъ дегъчъйдъ[422]. Севәргә эдәмнъ сәрәмәс дәйән йәрәсънъ сътә : дъ. Късйэ от кечәсъ йэнәдъ. Эгзъдәкъ сувлъғъ мънәң қэп кеттъ ше : гә[423]. Ҳъллә[424] суғуръв эммән-нә[425]. Бъзәддъ жэйләгә ҳәр хел қушлә коб боләдъ— ҳулэл[426], пәррәнчә[427], әләпэпъшәк[428], әләтоғанәк[429], пэтмә

---

[394] узури бор; [395] уддасидан; [396] олмурут (нок); [397] қовоқ олмурут; [398]кўп экан (бундаги [п] нинг [в] га ўтиш ҳодисаси қипчоқ шеваларга хос); [399] келинг! (бу ҳам қипчоқ шевалари учун хос); [400] кўприкдан; [401] отлиқ (қипчоқ шеваларидагидек); [402] олиб борса бир нав; [403] боряпман (*-йәп* аффикси орқали ҳам ҳозирги замон давом феъли ясалади); [404] келаётиб эдим; [405] Мансурнинг; [406] бўлар эди; [407] билмайсизлар (бу ўринда охирги [р] нинг тушмаслиги шаҳар шеваларига хос эмас); [408] у (III шахс кишилик олмоши); [409] келмасдан (келмайдиган бўлиб маъноси ҳам бор); [410]шаҳардан; [411] I шахс бирлик кишилик олмоши, *К.-Ш.* шевасидагидек *мән* эмас; [412] этагимга (жўналиш келишиги қўшимчаси бурун сонорларидан сўнг шаҳар шеваларидаги сингари *-ңә* шаклида ишлатилади; [413] ўғлим (қипчоқ шевалари билан умумий); [414] суҳбат (*К.-Ш.* шеваларида *гәбзәнэн*, қипчоқ шеваларида *-гуруң*); [415] юпқагина; [416] нарса экан; [417] ёрмадан; [418] гўжа ош; [419] нўхот, гўшт, сабзи-пиёз, туюлган буғдой солиб тайёрланадиган суюқ овқат; [420] қорлуқ (уруғи); [421] тожикларни; [422] дер эди (ўтган замон давом феъли бундан ташқари *дейди*, *бэрәйди* шаклида ҳам ифодаланади); [423] қолиб кетди шу ерда; [424] зўрға; [425] олибман-да; [426] куркага ўхшаш тоғ қуши; [427] чумчуқнинг бир тури; [428] сассиқпопишак; [429] олатўғаноқ;



www.ziyouz.com kutubxonasi

чъмчъғ, жънқаччә[430] кэдъмэшәк[431], лэйхорәк, сурдәк[432], духтәрсопъ[433], шунъ духтәр пэйәнәгәм деймъз[с], тустэвуғтоғайгә боләдъ, ҳэзър йоғ боллъ.

Яккабоғ район, Татар қишлоғи, Раҳимов Ислом, 80 ёш, хўжалардан, пенсионер (28.VII.1965 йил ёзиб олинган).

Кәсмъмъз дейқэнчъльқ[434]. Дейқэнчъльқ дегән нерсә[435], мәсәлән, әйэқчъ учәскәсъ[436] бойъчә ългәръдән [и]еллък[437] пърәсин[438] эдәм қош ҳәйдәгәм босә, қэлгәң қьсмъ чэрвэ, пақаткънә қой бэғайдъ[439], мэл бэғайдъ, қарә[в]ойгә[440] кочъв йурәйдъ, [й]еннъ қарәсәңъс ҳәммәнъ тэмъгә[441] эппэх шъпър[442], ҳәммәнъкъ мәдәнъ [в]ой[443], у вәхтлә мънән [й]еннъ ҳэзъргъ турмуш тэзә[444] бәшқачә. У зәмэм мънәм бу зәмэннъ рәмъс қьлъп[445] корсәк, йер мънән эсмэнчә пәрқ қьләдъ. Бъз [й]ес бългән дәвърләр қаннәй[446] ъдъ дең, ългәръ ҳәммәмъс қарә [в]ойгә [в]олтърәйдък[447]. Уннән ҳәр бър эйъгә [й]еккъ-уч көчәйдък, [й]ечкъ бэғъп, қой бэғьп, қарәмэл бэғьп, тэғләргә йәшәп, умур корәйдък. Кейъңкъ вәхләйә бэйләрдъ токәтъш[448] дәвърләръ боллъ[449]. У вәхлә бэйлә қулэқ қьлъннъ[450]. Буләрдъ қьшлэғьдәнәм коп къшънъ қулэқ қьлъммъшлә[451]. Шуннәйчә[452] қьп [й]еннъ ҳәммәсъ [в]отъп кеткәң гәп-тә.

Ҳәлйәм бъзәрдъ кәсмъмъз мэл бэғьш. Мен ҳэзър ҳъсэвләсәм [в]оттъз йъллә(н) эшъптъ. Бъз ългәръ вәх(т)лә бэҳэр боллъ қъшлэғдән тэққа кочәрдък, мэлу-ҳэллъ ҳәйдәп бәлә-чәқа

[430] булбулнинг сайрамайдигани; [431] тўқайзор ва ботқоқликларда бўладиган катталиги беданадан йирикроқ қуш; [432] оддий ўрдакдан кичикроқ шу оиладаги қуш (аслда сув ўрдак бўлса керак); [433] ўғри чумчуқ; [434] касбимиз деҳқончилик; [435] нарса; [436] р. участкаси; [437] эллик (*Ю.-Қ.* даги барлослар шеваси ўрта кенг ва ўрта тор унлиларнинг дифтонглашуви билан характерланади); [438] р. процент; [439] қўй боқар эди (охири [қ] билан тугаган феъл ўзакларига унли билан бошланган аффикс қўшилганда [қ] нинг [ғ] га ўтиш ҳодисаси қипчоқ шеваларининг фонетик хусусиятларидан биридир); [440] қора уй (ўтов) да (бунда ҳам жўналиш ва ўринпайт келишиклари учун биргина *-гә* (*-қа, -кә*) аффикси ишлатилади); [441] ҳамманинг томида (тушум ва қаратқич келишиклари ҳам фақат *-нъ* (*-дъ, -тъ, -лъ*) билан ифодаланади); [442] р. шифер; [443] маданий уй; [444] мутлақо; [445] киёс қилиб; [446] қандай; [447] ўтирар эдик (бу шеванинг хусусиятларидан яна бири мазкур феъл ўзагидаги [л] нинг қадимийлигича сақланганлигидир); [448] тугатиш; [449] бўлди (*Қ.-Ш.* шевасидаги сингари охири [л] билан тугаган феъл ўзакларига *-ди* аффикси қўшилиб тусланганда (яқин ўтган замон феълида) бундаги [д] тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учраб бутун шахслар бўйича у *-лъ* шаклида ишлатилади; [450] қилинди (*-ди* аффиксидаги [д] нинг [н] ундоши олдидан тўлиқ прогрессив ассимиляцияга учраши ҳам *Қ.-Ш.* шевасидагидек); [451] ўтган замон равишдоши формасига (э)*миш* элементининг қўшиб ишлатилиши диққатга сазовор. Бу нарса на қипчоқ шеваларида учрайди, на *Қ.-Ш.* да. У барлос шевасидан ташқари яна Башир, Койни, Куччи қишлоқларида ҳам қайд этилди; [452] шундай (равиш вазифасида келади);



www.ziyouz.com kutubxonasi

мънәм бэръб бър җэйгә чүшәрдък, шергә бър эймъ, бър йәръм эймъ $^{в}$олтърәрдък, йәнә кочъб бэръб бър җэйгә чүшәрдък, тэ търәмэ болгәнчә[453] йеттъ-сәккъз җэйгә көчәрдък. Көчъштъ тәртъпъ қаннэқ: $^{й}$ешшәккә хэдәләрнъ суғдърәткән[454], кәдънъ[455] тәққълләткән, тәвуғләнъ[456] қъғъллəткән. Бә: зълә күчүк сәхләйдъ, улә күчүгбәчәләрънъ котәргән, шуннэқ қълъп търэмэгә йәнә қъшлэғ җэйъгә[457] көчъп келәмъз. Дейқэнчълъғам қъләрдък, $^{й}$екъшкә йеръмъзәм боләйдъ. Бә: зъ къшънъ ънәгъ[458] туғар ъдъ, у $^{й}$еннъ қарэңнъ[459] кечәгә эғългә қамақ,[460] қъш сәвуғ вәхтъ шуннәң хәвәр элъш керәк. Бър тутәм чомчәйдъ[461] йэндъръв эләрдък, әгәр эғъл пәсрэғ болсә, әлэв тейсә, койъп кетәрдъ, әлэвдъ пәсрэққънә қълъп ънәй туққам болсә, бөзәгънъ[462] қуръtъв эләрдък, кәрәсън чърэғ[463] дейтъгэн нерсә у вәх (т) лә йоғъдъ[464]. Әнә шуннэқ қълъп ългәръ куң корәрдък. Қош қошәрдък, ҳокуз йетъшмәсә эмэчтъ йелкәмъзгә элъп, $^{в}$өзъмъз тэртәрдък. Ғалләнъ қол мънән $^{в}$орәръдък, йәнчәръдък, әнә шудә.

$^{й}$ешъгдәң кърышләрънъзгә қараң, эвзъ[465] мәнә шундәй. Ҳәр нерсәгә бър бэҳэнә боләйәкән[466]. Мәнъ чърэхчъйә йувэрдълә, дәвурнэсъйнә: нъ[467] суругъ[468] $^{в}$отъптъ, дедъ. Шэшмәй туръйнә[469] бър эпқэт[470] қълъв эләй. Қарәсәм мэмэм[471] тълләң қэлъ (в) йэткәнәкән. ългәръ тэққа көчкә (н) вәх (т) лә сурпәқэхтъ[472] қъләйәкән, нэ (н) йемәй, пәқат қойдъ сутъ мънәң кун корәйәкән, әтәлә мънән қър кун йурәйәкән.

Китоб посёлкаси, Оёқчи қишлоғи, Тошмирзо Пардаев, 66 ёш, барлос (белэс) уруғидан, пенсионер (9.III.1965 йил ёзиб олинган).

---

[453] *бўл* типидаги феълларда ҳам [л] аксарият ҳолларда тушиб қолмайди; [454] ходаларни судратган (бошқа ҳамма шеваларда [р] дан сўнг -нъ эмас -дъ келади); [455] кади (қатиқ ивитиладиган қовоқ) ни; [456] товуқларни (тушум келишиги қўшимчасидан олдин [р] мутлақо тушиб қолган. Бу ҳол қипчоқ шеваларида ҳам, *Қ.-Ш*: шевасида ҳам учрамайди); [457] кўпгина ахборотчилар тилида қишлоқ сўзига жой сўзини ҳам қўшиб, қишлоқ сўзининг от эмас сифат тарзида ишлатилиши диққатга сазовор; [458] сигири (*Қ.-Ш.* шевасида ҳам *инәк*); [459] қоронғи (*Қ.-Ш.* шевасидагидек); [460] қамоқ (қамалган); [461] чўпчакни (ўзак охиридаги [к] нинг [й] га ўтиши *Қ.-Ш.* шевасидан фарқланади. Бу ҳодиса Тошкент группа шеваларига хос); [462] бузоғини; [463] керосин чироқ (лампа); [464] йўқ эди (*Қ.-Ш.* шевасидан фарқли равишда бундаги ў (о) кенг унли *э* тарзида талаффуз этилмайди); [465] оғзи (бу фонетик ҳодиса қипчоқ шеваларига хос); [466] бўлар экан; [467] р. довереннос(ть)ингларнинг (бунда сўз ўзаги анча қисқаришга учраб қўшимчалардаги [нг]> [й] га ўтган, бунга кўплик аффикси *-нәр* шаклида қўшилиб, *-нъ* олдидан [р] тушиб қолган ва шунинг ҳисобига [ә] чўзилган); [468] р. срок (муддат) и; [469] туринглар (кўплик қўшимчасининг *-нә* шаклида ишлатилиши наманган шевасидагидек); [470] овқат [471] бувим; [472] супрақоқди (барлосларга хос одатлардан бири).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сәвут ҳукумәтъ Хошмәт бэйдъ қулэқ қьлъп мэлләрънъ эгәндә:күн[473] бэсмәчъ боләдъ. Тэғләргә әскәр топләп, бешэтәр котәръп, Сәвут ҳукумәтъгә қа(р)шъ чьғадъ. У тэғләргә, хәлқ ортәләръгә ко:п зулумләр мънән қанчә бэсмәчълъқ қь (лъ) б йурәдъ. Бу Ношкәт қьшлэғьгә еӊ кәттә-кәттә тоғайләр боләйдъ, дәрәхләрдъ тәйъгә кәттә-кәттә супәләр боләйдъ, элдъгә арьғләргә сувләр эқъп турәйдъ. Хошмәтвэй у тоғайгә келъп, озънъ элъп йәшәмэхчъ боләдъ. Мен съйэсъгә[474] қаннәшъп Сәвут ҳукумәтъгә әктъб бо(лъ)п ъшләйдъм. Тетъп[475] дъгән шәҳәргә ънкувудъгә[476] ъшләйдъ. У келъп муллә қудърәт дъгәндъ супәсъгә чушәдъ. Менъ чәқьртърәдъ. Этънъ берәдъ. Йоққаръдән әйнәлъп, мен аӊӊ̃ызләп[474], тоғайгә бэрәмән, әньғ бълъп келәмән. Мен шәҳәрдән бэръп әтрәт[478] э(л)ъп келәмән. Мен йол бэшләймән, әтрэпънъ кә: :ттә кургум[479] қь(лъ)п ҳорә(в) эләмъз, этъш боләдъ. Бэсмәчъдән ектәсъ оләдъ, тоттәсъ йәрәдэр боләдъ. Хошмәт бэсмәчъ шу кечә йәръм эхшэмнән эшә эхдәйрәдән отъп кетәдъ, элләръ қэләдъ ҳәммәсъ.

Шәйдәм бър қэп чәккъ кәвуш[480] тэпъләдъ, тоттә эттъ олъгъ, тоттә мәрдәӊкә мълтъх[481] тэпъләдъ. Буләрдъ э(лъ)п дәвләт тэмэнъгә беръләдъ. Ошә кечәнъ озъгә хәлхтъ йеғъп тоғайләрдъ хәсънъ йергә йэпъштъръп тәйләймъз. Ҳъшнәрсә тэпълмәйдъ, бу Хошмәт бэсмәчъ неччъ бър[482] къшъләр мънән тэққа чъғъп кетәдъ, әскәрләръ келъп тәслъм боләдъ. Бэйкелдъ, турдъқул дъгән мъсә[483] чопэннәръ боләдъ. Ошә чопэннәрънъкъгә чъғьб бэрәдъ. Хошмәт бэй мънән Хэлмурэт эхсэқэл чәләп[484], чэй ъчъ(в) отърәдъ.

Хэлмурэт эхсэқэлдъ йурәгъгә вэҳъмә чушәдъ-йу, этънъ мънъп тэғ мънән әйнәлъп нә:гәӊӊә[485] кетәдъ. Хошмәт бэйдъ элдъгә бър тәвэғ мурут қойәдъ. У йеб йэмбэшләб йэтәдъ. Турдъқул әрқасъдән кеп бойнъгә съ:тмэх[486] сэләдъ. Бэйкелдъ мънән екэвъ олдъръп, кәлләсънъ кесъп, шәҳәр ънкъвъдъсъгә кетъръб берәдъ. Шунъ мънән бу тәмэм боләдъ.

Шаҳрисабз райони, Нўшкент қишлоғи, Холиқов Мели, 77 ёш, хўжа уруғидан, пенсионер (25.VII.1966 йил ёзиб олинган)*.

---

[473] олгандан кейин; [474] сиёсий ишга; [475] Титов; [476] НКВДга; [477] мўралаб; [478] отряд; [479] р. кругом; [480] эркаклар ковуши; [481] Берданка милтиғи; [482] бир неча; [483] Мусо уруғидан; [484] чәлэб (айрон); [485] Ғузор районида жой номи; [486] сиртмоқ.

* Текстлар магнитофонда ёзиб олинган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ЮҚОРИ ҚАШҚАДАРЁДАГИ ШАҲАР ТИП ШЕВАЛАР

Бу ердаги шаҳар тип шевалар территориал жиҳатдан асосан юқори Қашқадарёнинг марказида жойлашган. Чунончи, Шаҳрисабзнинг марказида (қалъанинг ичи ва ташида), унинг атрофидаги яқин аҳоли пунктлари ва қишлоқларда, Китоб посёлкасининг марказида ҳамда унинг шарқ ва шарқи шимол томонидаги (Гулгунпўш, Ковушқишлоқ, Сўпиқишлоқ, Панжи, Кўсам, Хайрабод, Севаз, Хўжаимкапа, Сариосиё, Итбоғ, шунингдек, Койни, Қуччи, Башир ва қисман Паландара сингари) аҳоли пунктлари ва қишлоқларда, Октябрь посёлкаси (Китоб станцияси) нинг марказида, Яккабоғ районининг собиқ ва ҳозирги маъмурий марказида бу хил шаҳар тип шевалар вакиллари яшайди. Мазкур территорияда яшовчи аҳолининг тили Юқори Қашқадарёдаги қипчоқ ва оралиқ шевалар билан солиштирилганда ўз моҳиятига кўра, бир катта группага бирлашади. Лекин буларнинг лингвистик хусусиятлари синчиклаб ўрганилганда ўзида айрим жузъий фонетик, морфологик ва лексик белгиларнинг мавжудлиги билан ўзаро бир-биридан фарқланадиган шевалар борлиги кўзга ташланади. Шу нуқтаи назардан бу группадаги шеваларни уч турга бўлиб қараш мумкин. Аммо учинчи турга нисбатан 1- ва 2-тур марказий шаҳар шевалари сифатида ўзаро жуда яқин. Биринчи тур шевалар учун Шаҳрисабз маркази ва унинг яқин атрофидаги қишлоқларда, Октябрь посёлкаси ва Яккабоғ райони марказларида яшовчи аҳолининг тил хусусиятлари характерлидир. Бунинг қуйидагича энг асосий белгилари бор.

1) Ўтган замон давом феъли аксарият ҳолларда *бэрэйчийдим*, *ишлэйчийдим* ва камдан-кам *бэрэйдим*, *ишлэйдим* тарзида қўлланилади.

2) I ва III группа тусловчиларнинг иккинчи шахс кўплиги кўпинча *-дизлэ*, *-излэ* шаклида ишлатилади. Мас., *бэрэйчийдизлэ*, *бэризлэ;* баъзан *бэрэйдийлэ*, *бэрийлэ*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

3) Бўлишсизлик аффиксини *-ми* формасида ишлатиш характерлидир.

4) Олмош ва олмошнинг бошқа сўзлар билан бирикиб *у//ул, аге* (<*у йэғи*), *баге* (<*бу йэғи*) тарзида ишлатилиши диққатга сазовор,

5) Лексик жиҳатдан эса, *чү: :н* (пашша), *пэшшэ*, баъзан *хэмишэк* (чивин), *бэсэлға* (Китобда *бэсэ*), *нэзбой//рэйҳэн* каби кўплаб ўзига хос сўз-терминларнинг ишлатилиши кўзга ташланади.

Иккинчи тур шева вакиллари Китоб посёлкаси марказида ва унинг шарқий томонидаги аҳоли пунктлари ва қишлоқларда яшайди. Бу турдаги шевалар дастлаб юқорида санаб ўтилган хусусиятлар бўйича фарқ қилади.

1. Ўтган замон давом феъли аксарият ҳолларда *бэрэйдим, ишлэйдим* ва камдан-кам *бэрэйчийдим, ишлэйчийдим* тарзида келади.

2. I ва III группа тусловчиларнинг иккинчи шахс кўплиги деярли *-дийлэ*, *-ийлэ* шаклида учрайди. Мас., *бэрэйдийлэ, бэрийлэ* ва баъзан *бэризлэ* ҳам ишлатилади.

3. Бўлишсизлик аффикси фақат *-мэ* формасида келади.

4. Олмош билан бирикиб келадиган сўзлар *аҳе* (<*у йэғи*), *баҳе* (<*бу йэғи*) тарзида ва учинчи шахс бирлик кишилик олмоши фақат *у* шаклида ишлатилади.

5. Лексик жиҳатдан ҳам *пэшшэ (чү: :н* ўрнида) *хэмишэк* (чивин), *бэсэ*, *рэйҳэн*, *госэлэ* (*бузэв* — жуда кам), *эғьзлэғ* (оғизсут) сингари бир қатор ўзига хос сўз-терминлар қўлланилади.

Учинчи тур шеваларга Койни, Қуччи, Башир қишлоқларида яшовчи аҳолининг тил хусусиятлари киритилади. Бу турдаги шевалар юқоридаги белгиларнинг мавжудлиги жиҳатдан иккинчи тур шеваларга жуда яқин туради. Лекин уларда айрим фонетик ва морфологик хусусиятлар учрайдики, бу нарса уларни алоҳида (учинчи) турдаги шевалар деб қарашга далолат беради.

Учинчи турдаги шеваларни характерлайдиган белгилардан энг муҳимлари қуйидагилар.

1) Чўзиқ унлиларнинг ишлатилиши ҳамда айрим то́вуш ёки товушлар бирикмасининг сўз ичида тушиб қолиши натижасида унинг ўрнида олдинги унлида чўзиқлик ҳосил бўлиш ҳодисаси биринчи ва иккинчи турдаги шеваларга нисбатан анча кўп учрайди. Энг муҳими ҳар бир сўзнинг, айниқса жумланинг охирида, гапнинг тугалланишида бироз



www.ziyouz.com kutubxonasi

чўзиқликдан иборат оҳангдорликнинг, ўзига хос интонациянинг мавжудлигидир[1].

Унлиларда чўзиқлик ҳодисаси тубандагича фонетик вазиятларда ва грамматик формаларда юз беради.

а) Негизнинг ўзида (тушиб қолган ундош ёки унли ўрнида эмас). Мас., *рэ:нчә* (енгча), *шэ:ли*, *суйәңңән тэ:-ғьмсән*, *сэ:дә* (сада қайрағоч), *зәммудди ойәси мәнә шу кэсә:дәк* (арининг уяси мана шу косадек) кабилар.

б) Айрим товуш ёки товуш бирикмалари ўрнида ҳосил бўлади:

1. мустақил сўзлар ичида ёки аффикслар қўшилганда: *э:сун* (овсин), *бизә:ники* (бизларники), *әйә:ди эшуғь* (оёқнинг ошиғи), *хэ:пи йэғ* (хавфи йўқ) каби;

2. сўз бирикмасида, икки сўз ўртасида: *әлә: :ккә* (ола акка), *кичи:пәнҗә*, *чүчү:бэриб әлләйде*, *тә:шнич* (таг синч), *эн̃ә:чүшуп кэсун* (онанг тушиб келсин) каби!

3. *у* кўрсатиш олмошининг *ёқ* сўзи билан бирикканидан ясалган ўрин равишида: *а:қа//э:қа* (*у ёққа*)[2], *ба:қа//бэ:қа*, *ша:қа//шэ:қа* каби;

4. феълнинг турли формаларида: *элэ:тимән* (олаяпман), *энни тури:димке* (энди туриб эдимки), *кэлэ:сәм* (келаётсам); *бу йә:дән бэрэпти:дим* бу ёқдан бораётиб эдим); *қэддән кэлэ:сән* (қаердан келаяпсан); *қа:қа бэрэ:т*[и]*сән* (қаёққа боряпсан), *турмә:сизме* (турмайсизми), *қолидәм бичэ:ди эмәсәйдиң, оли:дин̃* (қўлидан пичоқни олмасанг эдинг, ўлар эдинг), *тэққа чихсә:лә*[3] (тоққа чиқсанглар); *ким кэлэ:ту* (ким келаяпти), *бәлиғ йэвэ:то* (балиқ еяпти)[4]; мэшин *йәмэ:этә: :кәндә* (машина ёмон отар эканда — йўл ёмонлигидан), *озигә кэрә: :кән-дә; уннэқ қьмә:лә* (ундай қилманглар), *ешә:ди õ:лә* (эшакни ўнгла, ўнгар) ва шунга ўхшашлар.

2) Системали равишда бўлмаса-да, баъзан [а] унлисининг сўз ичида (асосан иккинчи очиқ бўғинда) умлаут *є* тарзида бироз очиқроқ талаффуз этиш хусусияти бор. Мас.,

---

[1] Сўнгги ҳодисани мисол келтириш билан тушунтириб бериш қийин. Бунинг учун, албатта, экспериментал текшириш ўтказиш лозим ва шу йўл билангина тушунтириш мумкин; [2] Ўрин-пайт келишиги жўналиш келишиги билан бир хил формада бўлганлиги учун шунинг ўзи *у ёқда* маъносида ҳам келади; [3] [н] товуши тушганда кўпинча чўзиқлик олган унли димоғ унлиси тарзида талаффуз этилади; [4] феълларда чўзиқ унлининг ҳосил бўлишига мисоллар келтириш муносабати билан, умуман, феъл формаларининг биринчи ва иккинчи турдаги шевалардан анча фарқли равишда ишлатилиш томонлари ҳам очиқ кўриняпти.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*эдэмлә нимєни биләде, озлєри, йурєгим шув этип кетти; йурєгиң ғьлэ: $п^{и}$тэн чиғып оле* каби. Яна *бермоқ* феълидаги [е] унлисининг ҳам худди шундай [є] тарзида талаффуз этилгани қайд қилинди: *сәлэм бєрив оттидик.*

3) Биринчи ва иккинчи турдаги шевалар учун хос бўлмаган ёки камдан-кам учрайдиган бир товушнинг иккинчисига ўтиши ёки унинг ўрнида қўлланилиши бу шеваларнинг характерли хусусиятларидандир. Чунончи, *в>й*, мас., *суйи қэчкән, экэйийәм бир, бултур бэрийдим||бэрувдим каби; х>ҳ*, мас., *ҳәй дәң, ҳуржин||ҳужжин, ҳәлтә* каби; *к>ҳ*[5], мас., *тә*$^{х}$*лик* (токлик), *ко*$^{х}$*ләм* каби; *и>о* (сўз охирида очиқ бўғинда) ва *и>у* (сўз охирида ёпиқ бўғинда), мас., *мәни ҳәжҗим қьләдо, кэчә бэрипто, нимә дэйдо; эғдәрәйдуқ қане, бизә кэллук каби; и>е* (сўз охирида очиқ ва ёпиқ бўғинда), мас., *ойгэйдем, илгәре хум болэйде, бугуң кэлмэхчийде*[6] каби; шунингдек, сўз бошида [й] товуши тушиб қолади, мас., *иқьлипто; бойнидән этәләп кэлле; бэр-у, этәллиг эмэс; дәррэв этип кэлэйкән* кабилар.

4) Морфологик жиҳатдан олмошларда *уләси* (униси), *буләси* (буниси), *шуләси* (шуниси) каби; равишларда *эргә|| э: гә* (*у ерга*)[7], *бэргә||бэ: гә, шэргә||шэ: гә* сингари; феълларда *бэриммиш, кэлиммиш, кэлэптигәнәкән* ва шунингдек бошқа грамматик формаларнинг ишлатилишида яъни, *этәмәлә әйтиләке||әйдиләке* (отамлар айтдиларки), *мәни билуримчә* (менингча), *ә: йимэйдике* (айтмайдики) каби ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги кўринади.

5) Лексик жиҳатдан эса, ҳамма турдаги шевалар учун ҳам муштарак бўлган айрим сўзларнинг талаффузида фонетик ўзгаликлар борлиги сезилади. Мас., *ковә* (*кув*), *бозәк* (бўзоқ), *очки* (эчки), *воләң* (валанг), *җэвчи* (совчи), *ьхвэгәллик* каби.

Бу шеваларда ишлатиладиган баъзи бир сўз — терминлар бошқа турдаги шеваларда учрамайди. Мас., *йәкәннэз* (узун кўрпача), *вәл* (чопар), *сэпэләк* (тиззанинг кўзи), *нимтәнә* (синаван), *хорэс* (ёки *кә*$^{х}$*лик*) *чәлләде* (чақирди), *мэтхэ* (чўчқанинг урғочиси) ва шунга ўхшашлар.

## Шаҳар тип шеваларни характерловчи энг муҳим лингвистик хусусиятлар

1. Унлилар системаси етти фонемадан иборат: *ә, э, о, у, и, э* ва чўзиқ *ә:* унлиси. Шу билан бирга, айрим фоне-

[5] лекин оддий [ҳ] га нисбатан жуда кучсиз талаффуз қилинади; [6] Кейинги (*и>о, и>у, и>е*) ҳодисалар биринчи ва иккинчи тур шеваларда ҳам учрайди. Лекин бу учинчи тур шеваларда анча кенг масштабда қўлланилади; [7] шунингдек, *у ерда*.



www.ziyouz.com kutubxonasi

тик вазиятларда тил олди ундошлари билан ёнма-ён ишлатилишига қараб, бу унли фонемаларнинг турли индифферент (комбинатор) вариантлари ҳосил бўлади[8].

2. Кўп бўғинли сўзлар ичида, айниқса урғули бўғин олдидан келганда [и] ва [у] фонемалари кучсиз талаффуз қилинади, редукцияга учрайди, ҳатто айрим ўринларда талаффуздан мутлақо тушиб қолиш даражасига етади. Мас., *тән(и)де*, *тэп(и)ләде*, *сәл(и)мә*, *ҳәббә*, *эктә*, *бәәқвәт*, *қәчән келә:с*[3]; *қуд(у)ғьмиз*, *бэтун(у)кә; қурлиш*, *ҳукмәт*, *бәқвәт*, *мә:бәт* (муҳаббат), *мә:мәде* (муҳаммад) ва шунга ўхшашлар.

3. Кўпинча ўтган замон ҳикоя ҳамда ҳозирги замон давом, айниқса учинчи турдаги шеваларда ва кексалар тилида ҳозирги-келаси замон феълларининг учинчи шахс тусловчиси (*-ди*) даги [и] унлиси сўз охирида (очиқ бўғинда) [о] тарзида талаффуз қилинади. Мас., *бэрипто*, *ишлэпто; нимә дейдо*, *қа:қа бәрәдо*, *этишмәйдо*, *әймәйдо*, *элип қойәдо* кабилар.

Феълларнинг бошқа формаларида сўз охирида (очиқ бўғинда) келган [и] товуши [и] билан [э] ўртасидаги [е] унлиси тарзида[9]; *-дик*, *-син* каби аффикслардаги [и] ҳамда юқоридаги ўтган замон ҳикоя, ҳозирги замон давом ва ҳозирги-келаси замон феълларига *-лә*(р) қўшилганда тусловчидаги [и] товуши [у] тарзида талаффуз қилинади. Мас., *бэрувде*, *ишләгәниде; коп йэдук*, *ишләсун, бэрипту-лә*, *нимә дэйдулә*, *эшитмәйдулә* кабилар.

4. Чўзиқ унлилар ичида [ә:]нинг кенг тарқалганлиги ва унинг оддий [ә] га нисбатан маъно ажратиш (дифференциациялаш) функциясини бажарувчи мустақил фонема сифатида кўпгина сўзларда ишлатилиши бу группа шеваларнинг ўзига хос хусусиятларидандир[10]. Мас., *тә:нә* ва *тәнә*, *кэсә:сиз* ва *кэсәсиз; эркә:бәччә* ва *эркә бәччә* кабилар.

---

[8] асосий фонемалар ва уларнинг комбинатор вариантлари ҳамда умуман шаҳар тип шеваларнинг ўзига хос фонетик ва морфологик хусусиятлари ҳақида тўлиқроқ маълумот олиш учун бизнинг рус тилида босилиб чиққан монографиямизга қаранг: Б. Джураев, Шахрисябзский говор узбекского языка, Ташкент, 1964. Бу ўринда биз юқоридаги икки группадаги шевалардан фарқланадиган шаҳар тип шеваларнинг энг муҳим хусусиятлари устида тўхталамиз. холос; [9] умуман сўз охирида [ч], [з], [с], [ж] ундошл ридан ташқари бошқа ундошлардан сўнг очиқ бўғинда келганда [и] унлиси кенгроқ талаффуз қилиниб, [е] га ўтади. [10] Бу ҳақда алоҳида мақола ҳам бор. Б. Жўраев, Китоб-шаҳрисабз шевасида унлиларнинг чўзилиш ҳодисаси, „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари" журнали, № 1, 1962.



www.ziyouz.com kutubxonasi

5. Сўз ичида ва икки сўз ўртасида интервокал ҳолатда ҳамда [р], [л], [й] ундошлари билан ёнма-ён келганда [б] товуши портловчилик хусусиятини йўқотиб сирғалувчи [в] га ўтади. Мас., *хавар*, *зәрвә*, *ғьйвәт* кабилар.

6. [р] ундоши *д*, *т*, *ж*, *ч*, *ш*, *з*, *с*, *л*, *н* (баъзан *м*) ундошлари олдидан тўлиқ регрессив ассимиляцияга учрайди. Мас., *кодде* (кўрди), *пәттә* (парта), *хожжун*, *әччә*, *қашши*, *нәззи* (нарзи), *бәссә* (борса), *йәтәллик*, *туннә*, *бәммә* ва ҳоказо.

7. [д] ундоши (айниқса аффиксларда) [л], [н] ундошлари олдидан тўлиқ ва [м], [н] ундошлари олдидан тўлиқсиз прогрессив ассимиляцияга учрайди. Мас., *келле* (келди), *бәргәннәң кейин, тәмнән чуште*, *бәд(и)рийнән әлиң* кабилар.

8. [г] ундоши (айниқса қўшимчаларда) кучсиз талаффуз қилинади, ассимиляцияга учрайди, [й] га ўтади ёки тушиб қолади. Мас., *ой(й)ә кириң*, *кә(й)әм босә*, *мәйдийнә*, *әйнә:қара* каби.

Шунингдек [г] билан бошланган аффикслар *м*, *н*, *ң* билан тугайдиган сўзларга қўшилганда *г*>*ң* юз беради ва натижада *н*, *ң* ундошларидан сўнг қўшалоқ [ң] ҳосил бўлади. Мас., *тәмңә чиғде*, *қьлиңңән иш*, *әкәңңә әйт* каби.

Морфологик жиҳатдан:

1. Кўплик аффикси *-лар* сўз охирида (ҳеч қандай қўшимчасиз келганда) ва унга эгалик, қаратқич-тушум келишиги ҳамда *-ники* аффиксларидан ташқари ҳар қанақа қўшимча қўшилганда ҳам *-лә* (кишилик олмошларида эса, *бизә*, *силә*) тарзида ишлатилади. Мас., *мәвәлә*, *мәвәләйә*, *мәвәләдән* (лекин *мәвәләре*, *мәвәләдде*) каби.

Биринчи ва иккинчи группа тусловчиларнинг I, II шахс кўплиги *-к*,*-з*, *-йиз*,*-йлик*//*йдик*//*йдук*, *-әйлик*//*әйдик*//*әйдук*[11], *-ийлә*//*излә*, *-йлә*//*йизлә* шаклида қўлланилади. Мас., *бәддик*//*бәддук*, *бәддиз*, *бәссәйиз*, *ишләйдук*, *ишләйлә*//*ишләйизлә* ва ҳоказо.

2. Қаратқич ва тушум келишиклари бир хилда *-ни*, *-ди*, *-ти*, *-ли* аффикслари билан ифодаланади. Мас., *әлмәни шәхе*, *бир қьзди коддим*, *сизди гәпиз*, *тәлли бәрге* каби.

3. Жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари ҳам худди шундай *-гә*, *-йә*, *-кә*, *-қа*, *-ңә* аффикслари билан бир хил тарзда қўлланилади. Мас., *кәлхәзгә ишләймән*, *кочәйә коддим*, *қьшкә боләде*, *бәққа йурупто*, *тәмңә оттурупто*, *қаққа*//*қа:қа бәрәпсән* кабилар.

---

[11] шахс-сон қўшимчаси -(*ди*)*к* билан истак майли аффикси -*лик* аксарият ҳолларда бир хил формада ишлатилади. Мас., *бәрәйдук* (ҳам борар эдик, ҳам борайлик).



www.ziyouz.com kutubxonasi

4. Ҳозирги замон давом феъли *-эп*, *-йэп*[12] аффикси орқали ясалади. Мас., *бэрэпсэмме*, *ишлэйэпто*, *оқьмэйэпто* каби.

5. Сифатдошлар *ишлэйтикэн*||*ишлэткэн* (ишлайдиган), *бэрэйтикэн*||*бэрэткэн* (борадиган), *ишлэткэн* (ишлаётган), *бэрэткэн* (бораётган) шаклида қўлланилади.

6. Равишдошнинг *-иб*(*-б*) аффикси орқали ясалган формасидан сўнг унли билан ёки [й] ундоши билан бошланган сўз келганда равишдошдаги охирги [б] портловчилик хусусиятини йўқотиб, у ва унинг олдидан келган [и] унлиси ҳам ниҳоятда кучсиз, баъзан эшитилмаслик даражада талаффуз қилинади, натижада бу хил равишдош анча қисқарувга йўлиқади. Мас., *бэр*(*ив*) *эйттиме*, *ишлэ*(*в*) *йурупто* каби.

Ўзининг лексик составига кўра, шаҳар тип шевалар қипчоқ ва оралиқ шевалардан дастлаб шу томондан ажралиб турадики, уларнинг (шаҳар шеваларининг) лексикаси араб ва форс-тожик тилларидан кириб келган сўз—термин ва сўз бирикмаларига ниҳоятда бой. Бундай сўзлар инсоннинг яшаши, тирикчилиги, атрофидаги муҳит, воқелик, ўзаро муносабат каби умуман киши фаолияти билан боғлиқ бўлган воқеа, ҳодиса, предмет ва сифатларни ифодалайдиган барча соҳадаги сўз-терминлардан иборат. Бу хил сўзларнинг лексиқадаги салмоғи, тарқалиш даражаси, маъноларидаги ўзгаришлар, хуллас қўлланиш хусусиятлари ҳақида бу ерда батафсил гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Шаҳар шевалари лексикаси ва унинг анализига бағишланган махсус ишимизда бу масалалар устида ҳар томонлама тўхтаб ўтганмиз. Шунинг учун ҳам учинчи группа шеваларнинг лексик хусусиятлари устида кўп тўхталмасдан, бу тўғрида тўла маълумот олиш учун диққатингизга ўша ишни тавсия қилиш билан чекланамиз[13].

---

[12] учинчи тур шеваларда бу фонетик ўзгаришга йўлиқиб *-э:*,баъзан *-эпти*, *-э:ти* тарзида ишлатилади. *қэддэн кэлэ:сэн*, *мэм бэрэптидим*, *қа:қа бэрэ:тисэн* каби; [13] қаранг; Б. Жўраев, Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари лексикаси, тўплам „Ўзбек шевалари лексикаси", Тошкент, 1966.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## ТЕКСТЛАР

### Ɔйбɔҳɔр

Бойгә йэтип қɔгән Ɔйбɔҳɔргә ҳәр йәхтән зәвчилә кэливэдде[1], ɔләйтикɔни[2] көб болувудде, ой ҳәр кун зәвчилә минән толувудде, бирɔвлә у дэсә, бирɔвлә бу дэп кулувудде. Ɔйбɔҳɔр босә зәвчиләдди рәт қьливэдде. Бу ишләдән диққати ɔшип, йәлкәсини қɔшип, гәттәкинә[3] шɔшип, ойлɔвләри уләшип қɔгән Мәккәмчɔл қьзи Ɔйбɔҳɔдди йɔнигә чәқьдде. „Биттәйү-биттә пәззәнним, өзимчә бирɔвгә бәр (ив) йүвɔссәм, мәннән нɔризɔ[4] бомәсун, ко:ни қɔмәсүн, „ҳәй әттәң, отам хɔйишимңә қарәмәд (и)-дә[5], мәннәм бирɔн ɔғьзәм сорәмәд (и)-дә“, -демәсүн, қьз ко:нийә[6] ҳәр хэл гәвлә[7] кэмәсүн“, -дэп, кэгән зәвчиләдди бир-бир бәйɔң қьлип, уни ризɔлигини сɔрәйвэдде.

Отәси Ɔйбɔҳɔр, бәләм-ә,
қьзләдди хɔни-йә,
эшɔлләйә бэрәйин,
қьзим-ә, сәни-йә.
Ɔйбɔҳɔр бɔммиймән[8], отә-йә,
Тэгмиймән, ота-йә,
Мәхсиләри тɔддур-ә[9]
Тɔттирәр[10] мәңңә-йә[11].
Отәси Ɔйбɔҳɔр, бәләм-ә,
Қьзләдди хɔни-йә,
Бɔйләгә бэрәйин,
Бәлә-мә, сәни-йә.

---

[1] кела берди. Сўз ичида [р] товушидан кейин тил олди ундошлари ва сонор товушлардан [л], [н], баъзан [м] ёнма-ён келганда тўлиқ регрессив ассимиляциянинг рўй бериши характерли ҳодисадир. Бу ҳақда қаранг: Б. Джураев, Шахрисябзский говор узбекского языка, Т., 1964; [2] оладигани; [3] бир озгина, жиндак; [4] норози; [5] бу ўринда [и] унлиси тушиб қолади ва натижада [д] қўшалоқ ундош тарзида талаффуз этилади; [6] кўнглига; [7] гаплар; [8] бормайман; [9] тордир-а; [10] торттирар; [11] менга (бундаги *-ә*, *-йә* ундовлари маслаҳат ва шубҳа ишончсизлик маъноларини ифодаламоқда);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ɔйбɔҳɔр Бɔммиймəн, ота-йə,
Тəгмиймəн, отə-йə,
Куннɔш қьп[12] қамчиләп
Қьйнәйди мəни-йə.
Отəси ɔйбɔҳɔр, бəлəм-ə,
Қьзлəдди хɔни-йə,
Бɔққɔлгə бəрəйин,
Қьзим-ə, сəни-йə.
Ɔйбɔҳɔр Бɔммиймəн, отəй-ə,
Тəгмиймəн, отə-йə.
У хəсис, пɔйдə дэп
Сɔтəр-ə, мəни-йə.
Отəси Ɔйбɔҳɔр, бəлəм-ə,
Қьзлəдди хɔни-йə,
Имɔмңə бəрəйин,
Қьзим-ə, сəни-йə.
Ɔйбɔҳɔр Бɔммиймəн, отə-йə,
Тəгмиймəн, отə-йə,
Сɔққɔлини пити[13] коп
Тəддирəр мəңңə-йə.
Отəси Ɔйбɔҳɔр, бəлəм-ə
Қьзлəдди хɔни-йə,
Сопиййə бəрəйин,
Қьзим-ə, сəни-йə.
Ɔйбɔҳɔр Бɔммиймəн, отə-йə,
Тəгмиймəн, отə-йə,
Тɔ:рəт[14] суви дэп
Қоймийди мəни-йə.
Отəси Ɔйбɔҳɔр, бəлəмə,
Қьзлəдди хɔни-йə.
Шəйхлəгə бəрəйин,
Қьзим-ə, сəни-йə.
Ɔйбɔҳɔр Бɔммиймəн, отə-йə,
Тəгмиймəн, отə-йə,
Зийɔн дэп, зəхмəд дэп
Қорқьтəр мəни-йə.
Отəси Ɔйбɔҳɔр, бəлəмə,
Қьзлəдди хɔни-йə,
Чопɔңңə бəрəйин
Қьзим-ə, сəни-йə.

---

[12] <*қьлип.* Шеър талабига кўра қисқарган. Бошқа ҳолларда феълнинг бу формаси деярли қисқартирилмай ишлатилади. Қипчоқ ва оралиқ группа шевалари эса, бу хил феълнинг қисқарган шаклини қўлланиш билан шаҳар тип шевалардан ажралиб туради; [13] соқолининг бити; [14] таҳорат;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ɔйбɔҳɔр Бɔрəмəн, отə-йə,
Тэгəмəн, отə-йə,
Тəйɔғь қолигə,
Тоғрийнə[15] йолигə,
Чɔруғь бəймɔғ-əй,
Эритəр қаймɔғ-əй,
Қатиғь, сути коп,
Хɔр қьлип коймағай[16].

Отəсийəм Ɔйбɔҳɔдди рəйидəм бɔдде, чопɔннəң кэгəн зəвчигə „хоп!" дэв йүвɔдде. Шу минəн Ɔйбɔҳɔр той болув үзɔтилле, отəсиникидəн чопɔнникийə кэлле. „Шу ваққачə қанчə қьз откəм босə, шулəдди ичидəн мəхсəдийə эришкəн Ɔйбɔҳɔр болле", —дэп тойгə кэгəн мэ : мɔллəйəм ой-ойлəрийə тəрқалип кэтте. Шуннɔқ қьлип Ɔйбɔҳɔр мурɔд-мəхсəдийə йэтте.

Шаҳрисабз, Тўраев Қодир, 50 ёш, колхозчи (15. VII.1957 йил ёзиб олинган).

Мə(н) əсли шэллик[17]. Отəм, онəмлə йəм шэргə туғулув оскəн. Мəнə бизəйəм энни қаррип қɔллук. Энни зəмɔ(н) йɔшлəддики, илгəри худɔ рə : мəти онəмəм шуннɔғ дэйчийдилə[18]. Сɔғун, əнə, қошуғ минəн нəқьл қьлиб бэрəйчийд[и]лə, Қарри-қурри кəмпиллəдди дəрвɔзəвɔң қьллилə.

Йɔш-йɔшкинə кэлиллəдди „торгə отиң!" қьллилə, дэп. Қадим шуннɔ(ғ) богəнəкəн-дə. Тойлəгə кэлинчə : лəдди торгə отқузуп, ҳурмəту-э : зɔс қьлəйкəллə. Бизə : :[19] охшəйəң кəмпиллə босə хьзмəткɔр болəйкəн. Дəстəхɔн сɔлəйкəн, сүзүлүв оттигəн зɔдə зɔдəлəдди қьзлəрийə, кэллиллəрийə, хɔтуллəрийə əвқɔт тɔшийкəн, ɔш пиширəйкəн, чɔй қайнəтəйкəн, мэ : мɔллəдди кəв(у) шини оңңəрип қойəйкəн, əнə шуннɔқ қьлип ози минə(н) ози əвɔрə болүп, тəмɔшɔдəнəм қɔлип кэтəйкəн бэчɔрə кəмпиллə.

Тойлəйə ойуң-кулгини ҳузурини бəчəлə минə(н) эркə : лə корəйкəн. Əйəллəдди биттə-йəримтəси йɔшиниб-йɔпиниб бə : зимни эши : ди тирқьшлəридəн тəмɔшɔ қьлəйкəн. Бə : зим эркə : лə учун богəн-дə, əйəллəйəм озлəричə ойуң қьлишкəн. Илгəри бизəдди дəвримизгəйəм бə : зимңə жувɔн чəқ(ь) рəйчийдилə. Жувɔллə əлɔвди гиддидəн[20] əйлəни(в)

---

[15] тўғригина; [16] *-ғай* аффиксининг худди шу маънода бошқа ўринларда ҳам ишлатилиши учрамади; [17] <*шу йэрлик;* [18] <*дэгич э (й) дилэр,* [19] <*бизлэргэ;* [20] <*элэвни гирдидэн* (оловнинг атрофидан);



www.ziyouz.com kutubxonasi

ойнәйчийде. Тойди эгәләри уләдди чәккәсийә пул йэпуштирәйчийде.

Бу бәчәләдди онәси кәлхэзгә ишләйде, мәм бәләбэхчә[21], мәңңәйәм кәлхэз мэ: нәт бэрәде. Шу бәччийнәлә[22] минә (н) әв (у) нуп кунни откән (и) ни йәм билмәй қэләмән.

Шаҳрисабз, Муродова Робия, 60 ёш, болалар боғчасида мураббия (15.VII.1957 йил ёзи болинган).

Бэрәкә (н)[23] йэғәкәм бир бэпәрәсэт бэрәкән. Уни биттә эшәгийәм бэрәкән. Бир кун бэпәрәсэтти эшәги (й)итип[24] қэлипто. Бэпәрәсэт йәғләв-йәғлә (в) эшәгини эхтәр (ив)[25] йолләң кэтэссә[26], эллидә (н) одәмлә чиғып қэлипто. Одәмлә[27] „ҳә, бэпәрәсэт, нимә: (йә)[28] йәғләп кэтэпсән", —дэп сорәсә," эшәгим (й) итип қэлле, шуни эхтәр (ив) йуруммән", —дэпто. Одәмлә қаҳ-қаҳ уруп кулушуп, „хә, эшә:[29] (й) иткәм босә тэп[и]ләр, өзиң сэ: босәң богәне", —дэпто. Сэғун бэпәрәсэт коз йэшләрини әритип, уләйә әйтипто: „йәхшийәмки эшә: ди устийә өзимәм бомәгәнәкәммән, бомәсә эшә: минәм билә қошулуп өзимәм йоқалип кэтәйкәммән", —дэпто. Буни эшитип, одәмлә тәғь кулгини котәрипто. Уннәң кэйин бэпәрәсэтти җә: ли чиғьпто. Э, худэ, илэйим шу эдәмләйәм эшәгини устийә минип, мәңңә охшәп эшәги минәм билә өзләрийәм йоқалип кэссун-дә",—деп қарғап, йәнә йәғлә (в)-йәғлә (в) эшәгини эхтәрип кэту (в) рупто (//кэту: - рупто).

Шаҳрисабз, Ғаров қишлоғи, Хушвахтов Эрғаш, 17 ёш, 10-синф ўқувчиси (20.VII.1957 йил ёзиб олинган).

---

[21] аслда бу сўз болалар боғчаси маъносида бўлган. Кейинчалик фонетик ўзгаришга учраб, халқ этимологияси асосида бола боқувчи маъносига кўчиб қолган. Ҳозир биринчи маънода эса *бэхчә* сўзи ишлатилади; [22] <*бәчәгинәләр*, *бәччә* бола маъносида кенг қўлланилади; [23] унлилардан ва [й] дан олдин охири [н] билан тугаган сўз келганда [н] товуши аниқ талаффуз этилмайди, лекин олдинги унли, айниқса *ә*, бурунлашган унли тарзида айтилади; [24] йўқолмоқ феъли кам қўлланилади; [25] *-б*, *-иб* билан ясалувчи равишдошлар унлилардан ва [й] дан олдин келганда охирги [б] лаб-лаб [в] га ўтади ва жумла ичида баъзан мутлақо эшитилмай қолади; [26] <*кэтә йэтсә*; [27] одам, ота, она сўзларидаги [о] ўрта-тор унли [ў] тарзида айтилади; [28] бу ўринда *-йә* (<*гә*) тушиб қолиб, охирги [ә] да сал чўзиқлик ҳосил бўлади. Умуман, кичик қавс ичига олинган товуш, бўғин ва товушлар бирикмаси нутқ давомида талаффуздан тушиб қолишликни билдиради; [29] охирги [к] нинг тушиб қолиши ҳисобига [ә] да чўзиқлик пайдо бўлган. Шевада [к], [ҳ], [ғ], [б>в], [р], [й] ва бошқа ундош товушларнинг тушиб қолиши, натижада бевосита олдинги унлининг чўзилиш ҳодисаси кенг тарқалган. Бу ҳақда қаранг: Б. Жўраев, Китоб- Шаҳрисабз шевасида унлиларнинг чўзилиш ҳодисаси, Ж. „Ўзбек тили ва адабиёти масалалари", 1, 1962;



www.ziyouz.com kutubxonasi

Илгəри ба:қьйə бөзə:[30] бɔйлəнəйде[31], ба:қьйə ɔшхɔнəйдə, оттəйə тəн(н)уччəйде[32], сəн(н)əли[33] йɔғьде, əнə шуңңə сɔққɔлимизди сəрғайтуруп олтурəйдук. Сɔғрə мəнə, бу асирлəр[34] тɔшкөмүр-пɔшкөмүр чиққаннəң кэйин, əнə[35], җɔнимис ҳузургə болл(и)-дə. Ҳɔзир, əнə, бəҳəз[36] олтуруммиз$^{с}$, пэч дəмəң[37] бɔ. Илгəри қанчə энҗɔм[38] босə дəлəгə, биттə эшə: минəн тɔшип кэлəйду: шэргə, қанчə эвɔрəчили: болəйде. Сɔмɔн тɔшишкə йəм биттə ҳокуз босə, биттə ҳокүзгə шэри: болуп биллəшив ɔп кэлəйдук. Ҳɔзиргə, дэсəйиз, əнə, нимə дэсəйиз мəгəзиңңə бɔ, ɔлув йэв йɔтиммиз$^{с}$. Бир (ҳ)əптə оң куңңə бɔзɔргə бɔрип кэмəсəк, ун дэсəгəм бɔ шэргə, йɔғ дэсəгəм, чɔй дэсəгəм бɔ шэргə, бу — тинҗгəлли: ди[39] нишɔнəси-дə.

Бир вəхлə бɔсмəчилə чиғьп, бугун кэлли-бɔсти қьшлɔ:-ди, эттə кэлли бɔсти, сɔ$^{ғ}$рəйкэйин[40] бəргə бир əгин[41] уңңə əгин болле, у турпɔ: лиғ дэгəн җɔйдəн бɔсмəчилəдди əллəв[42] ɔлип кэлли-дə мəнə бəргə Хоҗəнүркə дэгəн җɔй бɔ, шэргə ɔлип кэйəннəң кэйин, соғрə шэргə олдиддилə, шуннə(н) тийилле, халқ тинҗип кэтти соғун; Ошə пиллəлə йɔмɔм болувде, тɔғлəйə, чəқьллəйə қɔчəйди ɔдəмлə, бɔсмəчини шəврини эшиссə. Кэлсə, кэчəлəри бизəйə уйқь йɔғьде, мəнə шуннɔғ бəчийнəлəйəм[43] қɔчəйде. Озимизди Қуччидəм бир кишини ɔтип тəйлəде, уннɔғ бəлə[44] бу əрəлəгə[45] йɔғьде, ков ишлəдди қьлувде. Бɔсмəчилə, ɔтимизгə əрпə тɔпкин, дэп доғ[46] ургəн, тɔпиб бəммəгəни учун ɔтип кэткəн.

Сəвит ҳук(у)мəти бомəстəм бурун йɔмɔм бир қьммəччили: болу: де. Ошə қьммəччилик(к)ə шуннɔғам ɔдəм өллики, өлгəнни җɔй-җɔйигə комəвэддилə, ошə вəхлə бир вəбɔ болу: ди-дə, мəн өзүм комгəммəн онтə, он эк(ки) кишини, уннəң кэйин ҳəдди(н) йɔмɔн[47] қьммəччили: болле. Уни с$^{и}$лə билмəйс$^{и}$лə, шулəддийəм коддук. өзи онсəккизгə өйүм чүшүвде[48]. Бир вəхлə шу (й)игирмə-(й)игирмə эккилəйə бɔрувдим-дə, əйни шу ғур-ғур вəхтимид(и)-дə, онсəккиз-

---

[30] бузоқ; [31] боғланар эди; [32] *тəндирчə* сандал қўйиш учун қилинган ўчоқ; [33] <сəндəли. Кичик қавс ичидаги [н] [д] нинг ўринбосари сифатида бўлиб, у ҳам кўпинча талаффузда тушиб қолади; [34] даврлар, замонлар; [35] бу ўринда кўрсатиш олмоши эмас, балки пауза ўрнида фикрни бир-бирига улаш, кучайтириш мақсадида ишлатиляпти. (Бу Шаҳрисабз, Китобга ҳам хос); [36] <*бəҳузур* (бемалол, баҳаловат); [37] денг, десангиз ўрнида; [38] бу ерда деҳқончилик маҳсулоти; [39] <*тинчгəрликни* (тинчликни); [40] <*соғрə кэйин,* бир маънода бирдан икки синоним қўлланилмоқда; [41] р. агент (разведкачи); [42] алдаб; [43] <*бəччəгинəлəр ҳəм.* Бу ўринда сўз анча қисқарган ва торайган; [44] йигит, бўз бола маъносида; [45] бу атрофда, бу территорияда; [46] <*доқ.* Умуман сўзнинг охиридаги [қ] нинг [ғ] ва шунга яқинроқ [ ғ$^{х}$ ]сифатида талаффуз этилиши характерлидир; [47] ниҳоятда ёмон; [48] уйланган эдим;



www.ziyouz.com kutubxonasi

гәйәм бизәдди ҳичким (й) иқьтэммэвд (и)-дә, гәлә[49] бэйлә мәни мэ: мэңхэнәйә чәқьддилә, әйтиләке, мәнә шу йәхләв

йэткән[50] бир пәқьр сувди гәрэв минә(н) ичэммәйсән, дэдилә, мэ: мэңхэнә толә эдәм, э:, ичкин, э:, ичкин, дэдилә, шох-

луғ-дә[51], шуни иштим, шу бир пәқьр йәхләв йэткә (н) сувди. Қэ: римңә[52] кэткәнини билмәдим. Гәрэви бир ҳөкүзү[53] тор (й) ус тәңңә пул иде. Ҳэзир энни мәнә тохсә (н) сәккизгә киддим. Энни, бәләләрим, силә гәләләшип[54] дӯвэ қьливэссәйлә ҳәли ков йәшәймән. Мунчәгә кирәмән, дэсәм мәң гунэ: кэр боләмә(н), әлбәттә. Чунки билмәймән-дә, нимә: ки[55], мунчәйә[56] кирәмән дэб бомәйде. Куйэвлә, бәләлә,

нэвәрәлә өлмәсуну тэпип-тэпип комсун-дә-(й) е:, мә (н) өлсәм.

Бу киши әймэхчиләй[57] көпчили: болуп кэлийлә-йү этәмләшип комсәйиз бопте, нэкин йәғләмәйлә, ким йәғләсә хәпә боләмән. Өзүм тәхминнән өләримни[58] биләмән, бир йәхши қойди бэқьп, сэмиттирип қойәмән, әнә шуни сойуңу,

йәңу, кулги-ойим минә (н) эттип комиң-дә[59], гәлә болуп, нэвәрә-йу чэвәрә ҳәммәйиз бир болуп мәни, энни мәни гәпим шо.

Китоб посёлкаси, Қуччи қишлоғи, Эшов Султон, 98 ёш, пенсионер (24.VII,1965 йил ёзиб олинган).

Кәлхэс тузилгәннәм ба: қь[60] уч ил[61] б^иргәдә болу (в) ишләдим, экк (и) ил зивинә боллум, бир ил рәйислигәм қьллим, уннә (н) шә: қь ҳэзиргә қадарәм кәлхэзгә ишләп кэлэ: туммән[62].

Мәнә бу қьшлэхти[63] Қэвлэтун дэймис, Қэвлэтун илгәри эллиг-элмиш хожәлигиде. Эдәмләри[64] илгәридән дә: қэнчи-

---

**йербъңңәк** (О-қ.) қ. вәйвэйәк.
**йъзәңңълъқ** (О-б.) оёқнинг таги, кафти.
**йэвкәш** (С-т.) от, эшакда узум ташувчи (лар).
**йэвлә-** (В.-Ш.) уруш қилиб келмоқ, душман бўлиб келмоқ — йэвләп келъп әйкәнәкәңкъ,...
**йэғләмә** ꝏ зэддэлъ (Айр.) //йэ: луғдэнә (Ктб., Сев.) туксиз, силлиқ бўлиб пишадиган ўрик, қ. ғолън.
**йэймә** (Сев., С-о., Х-к., Хай.) тоғ олчанинг қайнатиб данаги ажратиб ташлангандан кейин, ейиб қуритиб олингани.
**йэлғэннэмэз** (Ш.-Б.) //исэхшәми (Баш., Ктб.) арафа.
**йэлпош** (Ктб.) туя, отларнинг устига бэр бўйича ташлаб, ўраб қўядиган юпқа жул.
**йэмбэш**//лөлә (Зоғ.) лўла болиш.
**йэнә** ꝏ коз//қьлъй (О-б.) //қылый (К-д.) ғилай.
**йэндәрэв** (Оммоғ.) //йэндәре (Ктб., Шҳр.) турмли эшикларда икки ёндан қўйиладиган ёғоч, ён кесаки.
**йэнуғлә-** (Ктб.) //җэнуғлә- (Айр.) орқасидан ёмонлаб юрмоқ; чақмоқ.
**йэпинчи** (Сев., Ктб., Хай.) //йэпъничә (Ў-қ.) хотинларнинг паранжи ё желак ўрнида ёпиниб юрадигани.
**йэпэллэч** (Ў-қ.) калтабақай (одам).
**йүкйэм** (Оммоғ.) анжом-аслаҳа.
**йүклик** (Ктб., Шҳр.) ҳомиладор.
**йүкпеш** (Тол) йиғилган кўрпа-ёстиқни ўраб қўйиладиган жундан тўқилган чойшап, қ. жүк.
**йүлдусқут** (Ншк.) //йүллүсқүтте (Ктб.) //йүллүспоқъ (Оммоғ.) ўзидан ёруғ чиқарадиган қурт (у ёзда бўлиб, кечаси аниқ кўринади).
**йүмәләнқэзуғ** (Қ-б.) //нурмэңқэзуғ (О-қ.) //йүрмәңқэзуғ (Куч., Кой,) //йүмрэнқэзуғ (Сев.) //йүрмэңқэзуғ (В.-Ш.) юмронқозиқ.
**йүмғэғ** (бар.) тугун, тугунча — қолъздъкъ бу йумғэғ нъмә.
**йумурқа** (Тол) тухум — ҳәччәдән ҳәччә чъғәр, бълмәймән нечә чъғәр, он еккъ йумурқадән еккәм әллък чожә чъғәр (топишмоқ — йил, ҳафта).
**йүннуғ** (Сев., Ктб., Хай., С-о., Шҳр.) юнди, ювунди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**йўскөрсәтәр** (О-қ.) //битачар (Қом.) //бетәчәр (Чеч.) //йўскодд ъ (Тат.) //ро:бинэн (Ктб., Шҳр., Сев.) келиннинг куёвникига келганидан кейин куёвнинг қариндош-уруғлари билан танишув маросими.

**йорға** (Ком., Ктб.) икки томондан бешикни кўтариб турадиган ёйсимон кесилган тахта.

## К

**кәбър** (Саят) катта — оғул бәлә онәккъдән эшшә, къз бәлә тоққуздән эшшә ългәръ кәбър боллъ дегъчъйдълә, уңңәчә сәғър боләйдъ.

**кәвкәв**//**кишкиш** (Ктб.) ∽ бе (р) гиж-гижламоқ, иғво қилмоқ.

**кәвул** (Тол) камсув жойларда (жар-тепаликларда) ёйилиб ўсадиган барги майда-майда ва қалин, тиканакли ўсимлик (гулининг ўртасида учи бинафшаранг таёқчаси бўлади) — әндъз бэр җәйгә эт олмәс, кәвул бэр җәйгә туйә олмәс.

**кәвэт-** (бар.) от, эшакнинг айилини бўшатиб қўймоқ — этъ:нә:нъ кәвэтъ:нә.

**кәдәң** ∽ тэрвуз (Чеч.) чўзоқ, тезпишар, ола тарвуз.

**кәдъбәрәк** (бар.) //кәдъбуччәк (О-қ.) //кэдубъчәк (Куч.) //кәдъпъчәк (Айр.) қирғич билан қирилган қовоқдан тайёрланган қуюқ овқат.

**кәд**[и]**бичәк** (Ктб.) қозонда ёғда пишириладиган; //кәдъбуррәк (О-қ.) тандирда пишириладиган қовоқ сомса.

**кәдъқатъх** (О-қ) //хурмәқатиғ (Ктб.) қовоқ идишда ивитилган қатиқ; қ. қ. кәди (Ш.-Б.) қовоқ идиш.

**кәдъмэшәк** (Айр., Ктб.) //мэшәк (Хит.) беданадан каттароқ. оёқлари ва тумшуғи узун серсув чангалзорларда, ботқоқликларда юрадиган сув қуши.

**кә:**дэн (Кой.) сомонхона, пичанхона.

**кәкәнә** (Тол, Ктб.) палакка тушадиган зарарли ҳашарот — кәкәнә — къзъългънә қурт, устъ хэлдэр, пәләккә воләдъ.

**кәләпъш**//**қалпэқ** (Ў-қ.) //кәләвәш//қалпақ(К-д·) 1. дўппи; кәләпүш (М-б.) //кәпәч (Қ-б., Сав.) 2. сочини иккита қилган хотинлар киядиган бош кийим.

**кәләпүчәк** (Ктб.) ғўри (пўсти) арчилмай ўзида қуриб қолган ёнғоқ.

**кәләпош эвдъ** (Айр.) //кәләпъш эғдъ (Ў-қ.) //пэтә:хэннә (В.-Ш.) фотиҳаланиб бирор сабаб билан тўйи бўлмай қолган, фотиҳаси бекор қилинган қиз.

**кәлбум** (О-қ.) //кәлбэм (Ктб., Шхр.) //кәлтам (Ком.) тўсинларнинг учи уйнинг деворидан ошиб чиқиб турмаган, девори билан баравар қилиб қўйилган томли уй (бундай уйлар кўпинча пахсадан ёки чимдан қилинади).

**кәлът**//**гошә** (Оммоғ.) //гошә (Ктб., Шҳр.) синчли уйларда тўрт бурчакка қўйиладиган устун.

**кәлът** (О-қ., Мак.) қулф, кәлъллә- қулфламоқ, кәллэ:влъ қулфланган, берк.

**кәлиүйүртмәк** (Сав.) қоқининг барглари ўртасида ўсадиган сариғ гулли ўзаги.

**кәлпәң** (Сав., Қом.) калтафаҳм, бефаросат.

**кәлләк** (Мак.. Қом.. К-д.) шолдан тўқилган халта (ичига ғалла солиб туяга ортиш учун мос қилиб тикилган).

**кәлтәтэй** (М-б.) уч яшарли от.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**кәлтәчә** (Б-т.) //кәлтәчә//сънәвән (Оммоғ.) //нимтәнә (Қуч., Кой.) //мәстә: чә//синәвәнчә//синәвән (Ктб.. Шҳр.) //кәмзәрчә (Мак.) қиз-жувонлар киядиган нимча.
**кәмбэғэләк** (Тат) болалар тош қўйиб отадиган камалак.
**кәмбэләк**//ҳәсән-ҳусән (Айр.) //кәмэләк//търкәмэл (Баш.) камалак (радуга).
**кәмпърөллъ** (Ў-қ., Ш.-В.) никоҳ кечаси қилинадиган расм-русумлардан.
**кәнник** (Ш.-Б.) майда-чуйда солинадиган қути, сандиқ.
**кә: низ**//кә: риз (Бат.) //ковруз (Тат.) қ. эммур.
**кәнширик** (М-т.) қаншар; тумшуқ (ҳайвонларда).
**кәпкәтир** (Уйш.) қатпатир.
**карата** (Чир., Сав., Қом., Қам., Жар.) //кәрәтә (Мак.) никоҳ тўйда тўй харажатлари ҳақида куёв томондагилар билан келишиб олиш учун келин томондан қўйилган вакил.
**кәрмәк** (Оммоғ.) кўнчилик (такаки қилиш) учун ишлатиладиган (бодом, ўрик дарахтлари илдизидан олинган) пўстлоқ.
**кәрсән** (Оёқ., Чеч., Мак.) //карсан (Чиял.) //кәрсэн (Ў-қ.) //кэрсэн (О-қ.) //кәссэн (Оммоғ.) ∽ тэвэқ катта, чуқур ёғоч идиш.
**кәсәтки** (Ш.-Б., Х.-Қ.) //кәлтәкәлэс (Ктб., Шҳр.) калтакесак (кўпинча эски иморатларнинг шипида бўлади).
**кәсмәлдәк** (Ком.) 1. қ. йэпэллэч, 2. ғалладан чиққан чори (емлик).
**кә: тиг** ∽ гиләм (Қом.) қўлда тўқиладиган палос.
**кәттә** (Ктб., Шҳр., Сев., Хай., О-қ., Х-к., С-о.) //кәттәнә//әжә (Қуч., Баш.) //кәттенә (Ў-қ., Чеч., Оёқ.) //мэмэ (бар.) //мэмә (Чеч.) буви (она ё отанинг онаси), қ. мэма.
**кәттэтә**//**этәбувә** (Оёқ.) //бэвэ (бар., Ктб., Шҳр., Сев., Хай., Х.-к.) бува (она ё отанинг отаси).
**кәччи** (Ш.-Б.) //кә: чи (К-д.) 1. сариғ ёғда пиширилган қуюқ атала; кэ: чъ (Ў-қ.) //эхкәччи (Ш.-Б.) 2. сут билан қилинадиган қуюқ атала.
**кәшшък** (В.-Ш.) //кәшшук (Ктб., Шҳр.) оғзини ёнидан қўйиб лухдан тўқилган қоп (у одатда қовун-тарвуз ва гўнг ташишда ишлатилган).
**кевэнәк** (Чеч.) кебанак (астари кигиздан иссиқ чакмон).
**келәгәй** (Оммоғ., Баш.) //геләгәй (Ктб., Ншк., Шҳр.) оғиз (сути) қўшиб тайёрланган томоқ; ∽ сутъ (Хит.) оғиз.
**келъм** (Тол) гэптъ ∽ ъ омади гап — еннъ мен гэптъ келъмънъ эйтәйәппән.
**келъңқэштъ** (Кой.) никоҳ тўйда қилинадиган расм-русумлардан.
**кели** (Мак., Чиял, К-д., Х.-Қ., Ш.-Б., Ў-қ., Кой., О-қ., Чеч.) //охур (Тат., В.-Ш., Хит.) //охьр (Сев., С-о.) //оғур (бар., Ктб., Шҳр.) ўғир, ∽ **сэп** ўғир даста; **келичәк** ҳовонча, қ. **оғуччә.**
**келиншибиртки** (К-д.) супирги қилинадиган ўсимлик.
**кескәнэш** (С-т., Чеч.) угра ош; о: рэ эш (С-т.) угранинг қуритилганидан тайёрланган ош.
**кескәнпәлэв**//**о: рапалав** (Сав.) қуритилган украдан тайёрланган палов.
**кескес** (Айр., Ктб.) калтакесак (дала-даштларда бўлади, чўп билан босган жойдан кесилиб, яна юриб кетаверади).
**кыбы** (А-қ) //куºвы (К-.д) //кувы (Зоғ., Чеч., Ў-қ.) қ. гувъ.
**кийгич** (Х.-Қ., Б-т., Ш.-Б., Чеч., Оёқ) қ. кәләпъш 2.
**кьйъготъ** (Ланг., С-т., Мак.) //кокэтъ (Оммоғ.) //кьйъготъ//кокәтъ (С-т.) райҳонга ўхшаш хушбўй тоғ ўти (у қатиққа, овқатга солиб истеъмол қилинади).
**кийэв ашатар** (Ком.) //кийэв бэшләтәр (Чеч.) тўйда куёвни бирга олиб юрувчи ўртоғи.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**кийэвдэмлэдъ** (С-т.) никоҳ тўйида қилинадиган расм-русумлардан.
**къмйэ от** (Тат.) кечаси ўзидан ёруғлик тарқатадиган тоғ ўти.
**кыпыртыкан** (К-д.) //киприк чычқан (Мак., Чеч.) //къпръчъчқэн (Айр.) //типиртикэн (Сев.) типратикан.
**къптэкъ** (Қуч., Ў-қ., Оммоғ.) //киптэ:ки (Б.-т.) ∽ койлэк елкаси боғичли, олди очилмайдиган, узун эркаклар кўйлаги.
**кърпъш** (Ншк.) //ғъш (Ктб., Шҳр.) ғишт.
**къчъръ** (Чеч., Ктб., Ў-қ.) мошкичири — гэттэ:мэш, гэттэ:бъръч сэлъп къчъръ қъләмъз.
**кишиш** (Ктб.) деҳқончилик соҳасида уқув, дид ва қобилият — буләгә эсли кишиш йэ:дә, кэсиб булә.
**кэкэн** (Ктб.) кулги, болаларнинг жарангли кулгиси — кэкэн әвж элли-ко.
**кэллә-** (Қуч.) кор қилмоқ — уңқә әләв кэлләмәйди.
**кэс** (С-т., Ктб., Ў-қ.) соннинг юқори қисми.
**күйлә:йәктәк** (Б-т.) //койлә:йәхтәк (Қуч.) яктакнинг ичидан кўйлакнинг олди (кўпинча боғичли қилиб) қўшиб, комбинациялаштириб тикилган эркаклар кийими.
**күләк** (Кой.) //күлеҳ (Баш.) кесак.
**күлтәпъшәк**//къйгъч (Оммоғ.) //күләтә (Сев., Ктб., С-о., Қуч., Хай., Х-к.) //күлтәпошәк (Ншк., О-қ.) қ. кийгич.
**күлло:лә-**(Ктб.) қўл ва оёғини бир қилиб боғламоқ.
**күлчә** (Сев.) кийэв ∽ қаймоқли қилиб пиширилган қўшалоқ кулча.
**күнҗәк** (Оммоғ.) 1. ошхона, қ. ашайван; (Ктб., Шҳр.) 2. бурчак — ойди тор күнжәгийә тоттә қэзуқ қэқаллә (күнж формаси ҳам бор).
**куртәчә** (Оёқ.) //күртә (Мак.) ёш болаларнинг пахтали кўйлаги.
**курткуллэв**//куркурәк (Чеч.) //куркурәк (Ктб., Шҳр., Ў-қ., Сев.) жарликларда уя қўйиб, тўда-тўда бўлиб, „кур-кур“ деб учиб юрадиган дашт қуши.
**күчәлә**//**чочқа пийэз** (К-б.) 1. мол учун хавфли заҳарли тоғ ўти (у пиёз уруғлагандай, лекин анорнинг донидай, қипқизил бош олади); күчәлә (Ў-қ.) 2. ёнғоқ дарахтининг гули.
**күчүк** ∽ тут-//эл- (Оммоғ.) ит қопмоқ.
**күчү:доләнә** (О-қ.) //итбурун (Ктб., Шҳр., Сев., Хай., Х-к., С-о.) наъматак.
**көгән** (Ком., Оммоғ.) //көчә (Чеч.) бир неча қўй ёки эчкини қаторасига боғлаш учун калта-калта чилвирлар бириктирилиб, икки томонга қозиққа боғланган узун арқон.
**коггул** (Қуч.) чучмўма.
**козәбәллэқ** (Оммоғ.) салла печининг юқорига қайтариб тиқиб қўйилган ҳолати — сәлләсъиъ козә-бәллэқ қьлъп қойәйдъ.
**көзә** ∽ көтәриш (Ком., Сав.) миллий курашда йиқитиш усулларидан бири (белидан елкага кўтариб олиб йиқитиш).
**көзйэшъ** (С-т.) кишмишдан каттароқ тиниқ бўлиб пишадиган узум.
**көзлүк** ∽ кесәк (Ктб.) қарилик, бетоблик натижасида ўрнидан қўзғала олмайдиган бўлиб қолган кишига нисбатан (ачиниш оттенкаси билан) — көзлүк кесә:болуп қэгән, бечэрә.
**кокәбуррэн** (Оммоғ.) тоғ ўти (қичима билан касалланганларни шунинг илдизини қайнатиб сувига чўмилтирганлар).
**коккәләвәш** (Чеч.) //коккәләпош (Ктб.) кўк бўлиб пишадиган, қовуннинг бир тури.
**кокмараз** (Чиял) туяқорин (ёввойи ўт).
**колбар** (К-д.) хомтеридан қилинган халта.
**конәргә** (Қуч.) //конәргъ (О-қ., В.-Ш., Чеч., Айр., Ў-қ.) //конәрге (Сев., Ктб.) //эхлығ//көнәрги (Ком.) //тэмызғы (Мнж.) томизғи.
**копкәръ** (Ншк.) улоқ (улоқ ўйини).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**нопкәннэн** (Хит.) кўпчитиб пиширилган уй нони.
**көпри** йалғызайах ∽ (Ш.-Б.) биттагина ёғоч ёки тахта қўйиб вақтинчалик қилинган кўприк.
**корғарам** (Ў-қ.) ғалланинг бошини (донини) ичкарига қилиб терилган ғарам.
**кормуш** (Сев.) кўркаламуш.
**корпәйэпти** (Ктб., Оммоғ.) болалар ўйини (узун арқон ушлаган бир бола устига тўн ёпиб, арқоннинг иккинчи учини ушлаб ётган болани жувоз айланиб қўриқлайди, бошқалар ётган болани туртиб, тепиб қочишади, қўрувчи кимни тепса, ўша тўн ёпиниб ётади, ётгани туриб қўриқлайди).
**коссэл-** (Кой.) //нәзәр сэл (Ктб.) назар солмоқ, қарамоқ — бир-экки коссэллим, кормәдим.
**кост$^{и}$кэн**//чәқьлтикэн (Кой., Сев., Қуч.) кўктикан (иримчилар кўз тегмасин деб боғда, полизларда таёққа боғлаб, деворга суқиб қўйишади).
**котәрәм** (Ктб., Шҳр., Сев., Оёқ ) кўталанг (от, қорамол ҳақида).
**көтикүлди**//**ғэжыр** (К-д.) ғажирнинг бир тури (йиртқич қуш).
**коткъч** (В.-Ш., Ш.-Б.) //қэзэнкөткъч (Ў-қ.) қ. гәрдиш.
**көтибөш** (Мак., К-д.) лўндалаб шамол учириб юрадиган ёввойи ўт.
**ко$^{х}$ бедә** (Сев., Ктб.) йўнғичқанинг учинчи ўримидан қуритилган беда.

## Қ

**қавачақ** (К-д.) ичи сўриб олинган тухум пўчоғи (ёввойиламаслик учун товуқнинг тагига қўйилади).
**қавға** (Мнж., Уйш., Ком., М-т.) иш ҳайвони билан чиғириқли қудуқдан сув тортиш учун пақир ўрнида ишлатиладиган тери идиш.
**қавза-** (Сев.) юкни (халтани) қўлтиқда кўтармоқ.
**қағанақ** (М-т., Х.-Қ., Чиял, Ком.) //қоғанақ (Б-т.) //қақанэғ (Ктб.) 1. туққанда бола билан қориндан тушган парда, 2. қўй, эчкининг пардасига оғиз солиб, қўрга кўмиб пиширилган томоқ.
**қайырма**//**чапқы** (Чиял) //чэпқе (Ктб., Шҳр.) қаламтарош.
**қаймбикә**//**қаймүкә** (Мак.) //қаймъкә (О-қ., Чеч.) 1. эрнинг ё хотиннинг опаси: қаймкә (Оммоғ.) 2. эрнинг ё хотиннинг опаси ёки синглиси (қайнсингил учун алоҳида сўз ишлатилмайди).
**қаймэғәтәлә** (В.-Ш.. С-чиғ.) //қойчәтәлә (Қуч., Ктб.) ҳәлвэ (Оммоғ.) //төнтәрмә этәлә (С-тар., Ҳ.-Қ., Тур.) эритилган сариғ ёғда пиширилган қуюқ, устига шакар сепилган атала.
**қаләмәкэллък** (Оммоғ.) //қаләмәкэри//чопкэри (Баш.) //қаләмәкэр (Ктб.) ∽ ой синчлик иморат.
**қаллатэвэғ**//дәсәвуз (Ў-қ.) //дәсәвиз$^{с}$ (Ктб., Шҳр.) таван (хотинларнинг тўйга, меҳмондорликка олиб борадиган тортиғи, дастурхони).
**қалмэқь$^{й}$егәр** (Оммоғ.) аравага қўшиладиган отнинг эгари (у тўрт қисмдан иборат).
**қалэғ** (В.-Ш., Оммоғ.) 1. мишиқнинг бурунда қотиб қолгани, 2. Ўранинг ичида ён-тевараккa махсус қўйиладиган хас-хўшак.
**қамъшәк** (Тол) //хэмишәк (Ктб., Сев., Айр., Хай.) //пәшшә (Қам., Чир.) чивин, искабтопар.
**қаңнит-** (Ктб.) қанг этмоқ (ўқ отилишига тақлид) — шәхтәң қәңнитте.
**қанжалақ** (Сав.) сўйилган молнинг қони оқиб тушадиган чуқурча.
**қаншырық** (Ком.) онасини эмиб қўймасин учун бузоқнинг тумшуғига илинадиган махсус тиканакли нўхта.
**қапиш-** **йүрәк** ∽ (Ктб.) юрак сиқилмоқ, безовталанмоқ — йүрәгим қап$^{и}$нип кэтэпто.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қапқағ** (Ш.-Б.) //сәрпүч (Кой.) //сәрпош (Оммоғ., Ктб.) //қэзэнйэпкьч (Ў-қ.) қозоннинг қопқоғи.

**қапқэғ I** (С-т., Чир.) курак (анат.).

**қапқэғ II** (Оммоғ) тъзәнъ қапқэғь тиззанинг кўзи.

**қарабавырдақ** (К-д.) кўкраги қора, беш-олтита бўлиб учиб юрадиган каптарга ўхшаш қуш.

**қаразэмър** (О-қ.) //ғаммур (Ктб.) катта қора ари.

**қаразүк//қаразирк** (Ш.-Б.) тоғ бутаси (синганни даволаш учун илдизи қайноқ сувда эритиб ичилган).

**қарақут** (В.-Ш.) бий.

**қарамық** (К-д.) дони индовникидай қора-қора, қизил гуллайдиган ёввойи ўсимлик.

**қарапийэвә** (Айр.) 1. нон, сариёғ, туз, иссиқ сув аралаштириб қилинган томоқ; қэрәпийэвә (Ш.-Б.) 2. қовурдоқ гўшти солиб қилинган овқат (қ. қовурдэқ).

**қаратезәк** (Ком.) даладан териб олинадиган тезак.

**қарачық** (М-т.) полизга қўйилган қўриқчи (сохта).

**қарғанәк** (В-Ш.) бодомчанинг бир тури, қ. бэдэмчә.

**қарышқул** (Бат., Тат.) бўри (кечаси тилга олинганда – табу)

**қарчын** (Х.-Қ.) //қаччън (В.-Ш.) ичига кўрпа-ёстиқ йиғиб қўйиладиган жун бўғжома.

**қасқанқағаз**$^{c}$ (А-б.) //қасэвә (Чеч., Оммоғ.) //қасава (Ш.-Б.) //тәхтәқэғэз$^{c}$ (Ктб., Шҳр.) безак тақиладиган картон қоғозли пешанабоғ.

**қатаған//өмилдирик** (Сав., Ком.) эгарнинг орқага кетиб қолмаслиги учун отнинг ўмровидан ўтказиб боғланадиган абзал.

**қатқаймэғ** (Оммоғ.) пиширилган сутнинг юзидан олинган қаймоқ.

**қашқалдақ** (Мак.) //қашқаллэғ (Айр.) //қэшқаллэғ (Ш.-Б.) катталиги тулкидай, кўкиш, семиз, қашқа йиртқич ҳайвон.

**қашқатайэғ** бо(л)- (Ктб., Ншк., Шҳр.) арзимаган нарсага ўравериш натижасида калтак таъсир этмайдиган (бола) бўлиб қолмоқ.

**қашқачыбын** (Сав., Ком.) //йолчивин (Ктб., Шҳр.) йўл чивин, йўл пашша (унинг ҳозир бўлиши гўё меҳмон келаётганлигидан дарак берар эмиш).

**қызата** (Мак., Чеч.) //пәдәрвәкъл (В.-Ш., Оммоғ., С-т.) //вәкилэтә қизни оталикка олган киши (никоҳ тўйда).

**қызбэқар** (С-т.) //қыссэхләдъ (В.-Ш.) никоҳ тўйидаги расм-русумлардан.

**қызыләлмә** (Хит.) //қызылөтмә (Ш.-Б.) //қызылетмә (С-т.) //чэркәллә (Оммоғ.) хамирини сариёғда қориб қаймоқда пиширилган (қовурилган) нон.

**қызыл** ∽ кэччи (Х.-Қ.) сумалак (томоқ).

**қьзълсъйръғ** (Айр,) қонталаш, тери сидирилган.

**қыйғыравуқ** (Сав.) болалар ўйини (бири она товуқ бўлиб ҳужум қилган қийғирдан ўз болаларини „қыйғыравуғ, ҳиййә қыдағай!“ деб ҳимоя қилади).

**кийгич//ләчәк** (Ком.) қ. **ләчәк** 2.

**қыйжавы** (К-д.) қийдан олинган суюқлик, „ёғ“ (қийни секинлик билан тутатиш орқали олинган ва молларнинг ярасини тузатиш учун дори сифатида ишлатилган).

**қыйув** (К-д.) жунни қўлда йигирув.

**қылбел** (Ком.) чумоли бел.

**қыллығ** (Чеч., Мак.) //қырлық (Ком.) жун қирқадиган қайчи.

**қылчәк** (Куч.) ∽ чә$^{x}$ мән юқори сифатли жундан тўқилган чакмон.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қымысқа** (Ш.-Б.) //қумурсқа//моччә (С-т.) //қымырсқа (К-д.) //қумурсқа (Х.-Қ.) қумурсқа (каттаси), қ. қ. чүмәли//мөччә майдаси[2].
**қыр** (Ш.-Б.) тоғ этагидаги, тоққа туташ тепаликлар — үстидә әрчәси боса тәв деймиз, үстидә әрчәси, қәры бомаса қыр деймиз.
**қырағай** (Жар.) қирувчи, хатосиз отувчи, мерган.
**қърәмуғ** (Саят) тоғ ва қирлар устидаги сийрак, юпқа қор.
**қырбовын** (К-д.) бўғин-бўғинга ажраладиган сербўғин ўт.
**қьрғьч** (Оммоғ., В.-Ш., Тат.) //кәпкирт (К-д., Қам., Ком., Уйш., Чир.) //кәпкър (О-қ., Ў-қ., Ктб., Шҳр., Сев., С-о., Хай.) капгир қ. қ. кәпкът (Тат.) ошпазларнинг катта капгири).
**қырығ** (С-т.) калта жунли тери.
**қысырпәйә** (Ш.-Б.. Айр.) //қысырпайа (К-д.) иккинчи йил экилмай қолиб кетган ер (ғаллага нисбатан).
**қьскоддъ** (Оммоғ., Айр., О-қ.) қиз кўрар (никоҳлангандан сўнг қизни ота-онаси келиб кўриш маросими).
**қьсрәв** (Баш.) чой ўрнида ҳам фойдаланиладиган тоғ ўти.
**қыссоратар** (Қом.) никоҳ тўйдаги расм-русумлардан.
**қәвән** (Оммоғ., С-т., Баш., Қуч., бар.) ёввойи чўчқанинг эркаги.
**қавышкомма** (Қом., Сав.) қорнинг ковиш ботиш даражасида ёққанлиги га нисбатан (шунингдек, ғалла ва беданинг ўсувига нисбатан ҳам).
**қәләмәси** (Ктб.) ундан қолгани — ҳәвли кәттә, йәт (и) тә ойи бә, эк (ки)-тәсийә өзләри турупт[и]лә, биттәсийә кәмпит турәди, қәләмәси бош.
**қәлин** (Баш.) гилам.
**қәнтевәр** (Мак., Қуч.) ёввойи ўсимлик (илдизида картошкага ўхшаш ҳосили бўлиб, ундан қонни тўхтатиш учун фойдаланилган).
**қаражапрақ** (Мак.) қўй яхши кўриб ейдиган ўт.
**қәрън-қажәғ** (Тат.) ичак-чавоқ, ичак-қорин.
**қәръш-** (Ншк.) оғиз қапишмоқ (совуқ пайти ҳайвоннинг янги туғилган боласи ҳақида).
**қәрқан** (Сев.) қанд (калла қанд, чақмоқ қанд).
**қәрувлъ** (Ншк.) гавдали, салобатли.
**қахма** (Б-т., Мак.) қўлда тўқилган шолча (алача).
**қәшқарәймә** (Ншк.) қош қорайган пайт.
**қувсүйәк** (Сав., Қом.) эски, сийқа суяк.
**қувуз** (Саят) қўйнинг оғиз (сут) идан қилинган келәгәй (қ. келәгәй).
**қуғ** (Оммоғ.) қуруқ — чъпәллә қуғ воп қәгәнъдъ.
**қулухчън** ∽ девәл (В.-Ш.) кесак терилиб сувалган девор (синчли иморатларда), қ. күләк.
**қум** (Оммоғ.) //қом (Ком.) қўлда ясалган оддий тўқумча (солдатларнинг ўралган шинелидай қилиб, кейин икки буклланади)·
**қуры** (Ком., Айр.) фақат, нуқул — қуры өзимис қалдыхма? қуры биттә мәшим бә.
**қурисә** ҳич ∽ (Хай., Ктб.) ҳеч бўлмаса, ҳеч бўлмаганда.
**қутайтър-** (Оммоғ., Сан.) озод қилмоқ, эркинлик бермоқ; қўлдан чиқармоқ — тә қутәйтъргънчә ургәни ургән; қутәймәгур (қарғиш),
**қуш** (Ком.) бешик қубба.
**қушум-қушум** (Оммоғ., Ктб.) болалар ўйини.
**қу:шыр-** (Ком., К-д.) ёпмоқ, беркитмоқ — ешикти қу:шыр.
**қозығулақ** (К-д.) //қозғалдақ (К-б.) //қозықулағ (Мак.) қўзиқулоқ (ўт).

---

[2] Айрим жойларда аксинча: *моччә* (Оммоғ., Сев.) каттаси, *қумъсқа* — майдачаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**қозыгүл** (Ком., Мак.) эрта баҳор сариқ-сариқ бўлиб очиладиган ўт — қозыгүл эчилгәндә : кәй қозы тойа : ды.
**қоләкъ** (С-т.) хонаки — белләгә қоләкъ чочқа йоғ, қәвәм бә.
**қолломәл** (Кой,) //қонномәл (Шҳр., Хит.) //қорромәл (Ктб., В.-Ш., Х.-Қ.) даструмол.
**қонуғ** (О-қ., Ў-қ., Ктб.) тўйга узоқдан келиб қўшхоналарда жойлашган меҳмонларга бериладиган ошнинг хоми.
**қоп-** (Оммоғ., Кой·) турмоқ — қоп оннийнән.
**қор** I (Кой.) //чәш (Ктб.) хирмонда янчилган ғалланинг совуришга тайёрлаб қўйилган уюми, тўдаси.
**қор** II (Ктб., Шҳр., Сев., Хай.) пилла қуртининг ривожланишидаги давр, ёш — **кичик қор** дастлабки давр, **кәттә қор** сўнгги давр, (қ. қ. **қор бол-** (Ў-қ.) қобилият ҳосил қилмоқ, қодир бўлмоқ, одатланмоқ — йейвуссә әдәм қор боләйкән, кейън қанчә босәйәм йейвурәйкән).
**қорәм** (С-т.) тош уюми.
**қоруғ** (Чеч.) дарё бўйларидаги чимлик ер.
**қотанна-** (Ком., Чеч., Қом.) әй қотаннапты ой ўтов тикибди.
**қошхәнә** (Ктб., О-қ.) тўйга узоқдан келган меҳмонлар жойлашган уй-ҳовли.

## Л

**ләвлотте** (Ктб.) гўл, оғзидан гап келмайдиган.
**ләгән I** (Ншк.) 1. тос, тунука тоғора, (К-д,) 2. кир ювадиган тунука идиш, (Ктб.) 3. катта чуқур идиш, тунука хамир тоғора.
**ләгән II** (Оммоғ., Чир., Қам., Ўрта) наган (тўппонча маъносида).
**лағаръ** (Ншк.) //шәлә : ләққа (Ктб.) ярамас, эскириб ишдан чиққан (арава, машина кабилар ҳақида).
**ләйләк** ∽ ҳәйдә- (Ктб.) //мәчиткә ишлә- (Сев.) текинга ишламоқ; бекор, беҳуда кун ўтказмоқ; ҳақ тўламайдиган жойда хизмат қилмоқ — нимә : : пулиң бомәйкән, мәчиткә ишләпсәмме?
**ләйләгәйәғ** (Тол) ёввойи ўт (бирор жой синганда, бел оғриганда қайнатиб ичилган).
**ләйлъ//бәлкәш** (Хит.) //лә : лъ//бәркәш (Чеч.) //лә : ли (Оёқ., Чиял.) //бәркәш (Ншк., Ктб., Шҳр.) 1. патнис; лә : ли (Ком., К-ж.) 2. лаган, чини лә : ли чинни лаган, тәш лә : ли сопол лаган, лә : личә тарелка.
**ләллуғ** (Ктб.) бўш, лапашанг, оғзи очиқ — бир ләллуғ әкәси бәриде.
**ләңкә** (Қом., Сав.) кендирдан тўқилган матонинг бир тури (қалини).
**ләпәр** (Ў-қ.) 1. бош кийими (шапка), (Оммоғ.) 2. болалар ўйини.
**ләтвә** (Х.-Қ., Саят., Б-т., Мак., Чеч.) нәтвъ (Хит.) //литвә //ләтпә (Ком.) //литивә (Ш.-Б.) //ләтвъи (О-қ.) //ләтвун (Ў-қ.) //ләтвинне (Ктб., Шҳр., Хай., Кой., Сев,, Х-к.) бурунга тақиладиган сирға.
**ләчәк** (Б-т.) 1. умуман бошга ёпинадиган нарса; (Ў-қ.) 2. томоқ, қулоқ, пешона билан ўраб боғланадиган оқ дока, сурп (кампирларгина боғлаши мумкин).
**лә : чири** (Қом.) шўрва билан ейиш учун товатошда юпқа қилиб пиширилган нон.
**ләшәвә** (А-қ.) лапашанг, ландавур.
**лашак//ләшәк** (Мак., Ш.-Б., Ў-қ.) йиғиб-териб олингандан сўнг полиздаги қолган-қутганлар, ләшы//ләши богда узумнинг қолган-қутганлари.
**лъппәс** (С-т.) палос — $^{У}$ойъңңә сәләткән лъппәсәм берәймъ?
**липчик** (Мак.) //мәхшәл (Сев.) машъал, машъалча.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**лэйшэӊ** (В.-Ш., Ктб. Кой., Сан.) шоли экишга ерни тайёрлаш ишлари (ҳайдаш, текислаш, пол тортиш ва ҳ.).

**лачык** (Мнж.) //лэчуғ (Оммоғ.) чайла, капа (пастки қисмига ёки ярмига чиғ (чий) тутилади).

**лөлэтэкийэ** (Бат.) //лөлтэкийэ (Чиял) //лөлтэкйэ (К-д., Ком.) //лөлэ (Оммоғ., О-қ., Чеч., Ктб., Шҳр., Сев.) лўла болиш.

## М

**мэгэрэм** (Сав.) агар, мобода.

**мағлай** (Мнж.) //мағлэй//пешэнэ (Чеч., С-т.) //маӊлай (Жар.) //махлай //пешэнэ (Мак.)//пешэнэ//мэӊлэй (Ншк.) //пешэнэ (Ктб., Шҳр. Х-к.) манглай, пешона.

**мэйэк** (К-д.. Мак., Ш.-Б., Х.-Қ., Ў-қ., Ншк., Айр.) //майак (Сав., Ком.) //тухум (Ктб.,Шҳр., В.-Ш., Сев., С-о.) тухум.

**мэйэкъ** (В.-Ш.) //мэйэк (О-қ., Ктб., Шҳр.) //тэ$^{х}$ мэйэк (Уйш.) ёввойиламаслиги учун (бошқа жойда туғмасин деб) товуқнинг тагига қўйиладиган тухум ёки унинг суррогати (оқтош, пиёз ва ҳ.)

**мапрач** (Б-т., Ком.) //мэпрэч (Тол., Чеч.) //мэпрэмэч//нэпрэмэч (К-б.) //мэпрэш (Мнж.) кўрпа-ёстиқ солиб тугиб қўйиладиган шол (жундан тўқилган) бўғжома (сандиқ ўрнида ишлатилиб, устига ўрин йиғилади).

**мэ:лэт-** (Ктб.) бировни ёмонлаб ўзини маъқуллатмоқ — бэссэм бутун мэ:лэтив йэтиптилэ (кесатиқ).

**мэ::р//мэҳэр** (Ў-қ.) никоҳ тўйда қиз томондан қўйиладиган талаблар, шартлар.

**мэ:рэкэ//елэшъ//кэттэ той** (О-қ.) узоқдан келган, қўшхоналардаги меҳмонлар жўнатилгандан кейин маҳаллий аҳолига берилган зиёфат, тўй.

**мэҳэллък** (бар.) //вэхлик (Ктб., Шҳр.) барвақт.

**ма$^{х}$ рэ** (Пал.) //эвроған (Ктб.) палов тайёрлашда қозондаги масалliқнинг гурунчни солишга тайёрланган (гурунчни солишга қадар бўлган) ҳолати.

**мекэжин** (бар., С-т., Оммоғ.) //мэтхэ (Куч.) //мэтхэв (Баш.) //мекэ:жън (Тол.) ёввойи чўчқанинг модаси.

**ме:мэнэшъ** (О-қ.) қўшхонадаги меҳмонларга бериладиган эрталабки зиёфат, ош.

**мензэ-** (Жар.) ўхшатмоқ (кимгадир); эслатмоқ (кимнидир).

**меҳрэп** (С-т.) 1. умуман уйнинг тўри; 2. (//бэлғъндэр) тахмон.

**мъжҗэ//къпрък** (Чеч., Айр., Ў-қ.) //мижҗэ (О-қ., Ктб., Шҳр.) //мужҗэ (Хит.) //киприк (Мак., Мнж.) киприк.

**мъжгэн** (Баш.) томда тўсинларнинг девордан ортиб турган қисми (аксинча кэлбэм бўлади, қ. кэлбум).

**мыйдай** хэвэр (Жар.) кафтдек текис, тақир текислик.

**мъқрэз** (бар.) //дүкэрт (Мнж., Ком.) қайчи.

**мырғақ** (К-д.) тўда-тўда бўлиб учиб юрадиган қарабэвырдан кичикроқ чўл қуши.

**мырзақур** (Уйш.) тўйда ҳар хонадондан (оиладан) бир вакил (кексасини) чақириб берилган зиёфат.

**мърмъшэн** (С-т.) //мълмъшэн (Оммоғ.) юмронқозиқнинг оласи.

**мыча** (Уйш., Жар.) мирзақурда улашиладиган гўшт (гўшт, каллапоча, ўпка-жигар кабилардан тенг бўлинади, қ. мырзақур).

**майкэччэк** (Ком.) зиғир ёғ соладиган кичкина қовоқ идиш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**мэлла-** (Х.-Қ.) хирмондаги тайёр ғалланинг қанчалигини (неча қоп эканлигини) аниқламоқ (арх.).

**мэлпъч//мэлпъш** (О-қ.) миллий курашда ишлатиладиган йиқитиш усулларидан бири (белдан ё бўйиндан харпанжа солиб олиш).

**мэмә//кәттә мэмә** (Ншк.) //ма́ма (Чиял, Қом.) буви (қ. кәттә).

**мэмәчучу//мэмәчучъ** (О-қ.) //мэмэчүчүк (Ў-қ., Сев., Ктб.) //мэмэсэчи (Кой.) чучмўма.

**ма:мық** (К-д.) сигирни семиртирадиган пояси сутлик ўт — ма́мықтың сыты вола:ды.

**мэмэ** (Айр., Ктб.) //мэмэдәй (Оммоғ.) //киндик ма́ма (Қом.) момодоя (чақалоқни бешикка белаган кампир).

**мэндъ** (Ў-қ., В.-Ш.) //мэндә (Баш., Сев.) //мэндъ//тумэр (Ншк.) //мэнне (Ктб., Шхр.) ҳайдалмай қолиб кетган ер парчаси.

**ма́ңңы** (Мак.) //маңңы (Мнж) қўй ё эчкининг беш ёшдан ошгани.

**мэшкә** (Ншк.. О-қ.) мошнинг дони ажратиб олингандан кейин қолган похоли, чиқиндиси.

**муқалләс** (С-т.) чой ўрнида ҳам фойдаланиладиган тоғ ўти (буйракда тош бўлса, шуни ичишни айниқса даво деб биладилар).

**мулләторғай** (Чеч., Айр., Оммоғ.) //моллаторғай (К-д.) //пэтмэчъмчъғ (Ў-қ.) //пэтмәчүмчуғ (Ктб.) //муллэторғай//сопиторғай (Сев., С-о.) тўрғай.

**муры** (Чеч.) //моръм (В.-Ш.) //мо:рън (Оммоғ.) //морук (Кой.) //дудбурэ (Ктб., Сев.) мўри.

**мөкки** (Сав., Қом., Чеч.) //мөки (О-қ., Ктб., Сев.) //тәшта́ва́н (К-д.) соғи бир қаричдан баландроқ, учи қайрилган, пошнаси паст такаки этик.

**мөлә//сутмөлә** (Ў-қ., Чеч., Чир., Қам.) //сутмөлә (Айр., Мак.) саватнинг тагига сут қўйиш учун мослаштириб лой билан ишлаб чиқилган супача.

**мөлә** (Ком., Уйш., М-т.) чиғириқли қудуқнинг супаси.

## Н

**нағар** (Сав., Қом.) нам, зах — сувдың нағары ура:ды, нағарлатып суварды.

**нәймит** (Сав., Ншк.) //нэ:мут (Ктб.) ишига пишиқ, мўмин, фаросатли, мақташга сазовор (одам) — нәймит-тә өзи.

**насэвлан-** (Ком.) бетобланмоқ, касалланмоқ.

**нахуш** ∽ **көр** (Жар.) хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик — кәттәләр сени нахуш көрәйэнти, депти.

**нәхшәк** (Ктб., Хит., Баш.) дарахтларда уя қўядиган ёввойи мусича.

**нетмә** (Ншк., Ктб.) жуфт феълларнинг бўлишсизлик формасида иккинчи компоненти сифатида қўлланиб, маънони кучайтириш учун хизмат қилади — бэрмә-нетмә; коммәймушәм-нетмәймушәм.

**нишбел//бэғбел** (Сев., С-о.) боғда ишлатиладиган чўзиқ, қалин, учли белкурак.

**нэзвэй** (Мак.) райҳон.

**нэнсъндъръш//йолаққьзәтәр** (Тол)//нэнсъндърәр//эғьзбәйләннъ (В.-Ш.) //шәйтэнәрәләмә (Ктб., Шҳр.) қиз билан йигитни унаштириш маросими.

**нэхинә** (Ктб.) 1. отларда касаллик, 2. қассоблар тилида гўштнинг ёмони (жаргон).

**нэхэтәк** (В.-Ш., Мак.) тоғ ёнбағирларида ўсадиган ёввойи нўхат.

**нэхэскә** (Ктб.) кутилмаганда, тўсатдан — нэхэскә көзүм ойқьйә кетмәсә, ухләшим қьйин.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**нӧхтәбәв** (Ншк.) //нохтәвәғ (Ктб.) эшакни боғлайдиган (нўхтасидаги) арқон (қ. қ. бәшвәғ сигирни боғлайдиган арқон).
**нүчүк** (Ктб.) қандай бўлиб, қандайдир, кутилмаганда — нүчүк әкәләрини кәрәткәм болуптилә; ха, пичи отт[и]рин нүчү : болуп келипсис.
**ноғайы** ∽ кәвъш (Қ-б.) пошнаси баланд кавуш; ∽ етик (Сап.) пошнаси баланд этик.

# Э

**эбгәддән** (В.-Ш.. Ктб.) ошпазларнинг ёғ, сув солишда ишлатиладиган катта дастали тунука чўмичи.
**эвәк**//**овәк** (В.-Ш.) суюқ ошга аралаштириладиган қилиб суюлтирилган сузма (қатиқ).
**эвәк** (Сев., С-о., Х-к.) кишмишдан йирикроқ, лекин ундан кейинроқ пишадиган узум.
**авырайаҳлы**//**еққат** (К-д.) ҳомиладор.
**эвләлми** ∽ қьлив ур- (Ктб.) қаттиқ калтакламоқ, дўппосламоқ.
**эвә**//**әкә**//**әмәки** (Оммоғ.) //эвә (бар.) амаки.
**эврез** (Ш.-Б.) //тәшнәп (Баш., Хит., Ктб.) //тәшнәп (Мнж., О-қ., Чеч.) //тәшнәм (Ў-қ.) //эврьз//тәшнәп (Оммоғ.) обрез.
**эврүк** (Шҳн., Оммоғ.) тиниқ кўк гуллайдиган ёввойи тоғ ўти (офтоб урганда қайнатиб сувига чўмилтирилган).
**авузақы** (Сав., Қом.) //әхлығ (Бат., В.-Ш.) //әхлуғ (Қуч.) 1. сут берадиган мол (сигир, қўй, эчки); 2. умуман сут, қатиқ ва ҳ.
**авуртмақ** (Сав., Қом.) қ. гуда : ры.
**авхор** (Ком.) ахманадан тушадиган сувни моллар ичиши учун қилинган махсус нов (қ. ахмана).
**ағатала** (Ш.-Б.) //ширәтәлә (Оммоғ.) //сүллүгәтәлә (Ктб.) сутда тайёрланган атала.
**әғьзләт-** (Ншк.) эмдирмоқ (мас., янги туғилган бузоқни).
**әжүт** (Қуч.) барги чинорнинг баргидай тоғ бутаси (илдизини истеъмол қилиш, ейиш мумкин).
**айақ** (К-д.) қ. әйәғ.
**әқ** (Кой., Баш) //бәш (Оммоғ., Ктб.) лозимнинг бош қисми (бошқа матодан қилинади).
**әққу[в]рай** (Ншк.) кўпинча ғалланинг ичида ўсадиган ёввойи ўт.
**эле** (Баш.) олхўрининг бир тури (йирик-йирик бўлади, ундан кичикроғи гүддәле).
**әллән** (В.-Ш.) кучукнинг эркаги.
**әлтин** (Баш.) қ. увуз.
**андыз** (Мак.) //әндъз (Тол) баҳорда гуллайдиган ёввойи тоғ ўти (қ. кәвул).
**анна** (Мак., Х.-Қ., Бат.) сув ювиб кетган жой, кичик сой (қ. анна).
**анлы-** (Сав.) кузатмоқ, кўз-қулоқ бўлиб юрмоқ — арқасыдан анлып жүрәйкән.
**әпқәт** (бар.) //әпқәт (Оммоғ.) овқат.
**әсмәғ** (В.-Ш., Х.-Қ., Тат.) //әсмәқ (С-т., Саят) сут солинган идишни осиб қўядиган чамбарак.
**этлиқьп**[3] (Ктб.) отилиб, ирғиб — йәхшилигимни билмәсән, козгинә : нән этлиқьп чихсуң қьйәнләрим.

---

[3] Фақат равишдош формасида ишлатилади.

10—215



www.ziyouz.com kutubxonasi

**эттәш** (Х.-Қ.) //эддэш//эрдэш (Хит.) //эддэш (Ктб., Шҳр.) адаш.
**эттепти** (Ком.) барра, қўзичоқ.
**эттуйэғ** (Ш.-Б., Х.-Қ., Мак.) //эттуйэгъ (С-т.) //эттувэғ (бар.) хотин-қизларнинг пешанага тақадиган безаги.
**эхмэй** (С-т.) //эхйэғ (Ктб.) пахта ёғи.
**эхпэйә** (Айр.) ўриб олинган ғалланинг ўрни, ери (шудгорга қадар).
**эхтерәк-коҳтерәк** (Оммоғ.) болалар ўйини.
**эчэр** (Сев., С-о., Х-к.) узумнинг докадан ўтказилган шираси (чириган узум билан соғини аралаштириб, докага солиб осиб қўйилади, ундан оққан шира остига қўйилган идишга тушиб туради).
**эш** (О-қ.) паловдан бошқа овқатнинг ҳаммаси.
**эштәвэғ** (Оммоғ.) лаган.
**эчълъг//шъллък//ъңңъчкә бөрвәй//жъңъчкә борвәй** (С-т.) //шилиң (Баш.) //борбай//пәйчә (Чиял) //сыйрақ//бөрвәй (М.-т.) болдир.
**пәддәгър** (В.-Ш., С-т., Ктб.) боғ, ҳовли деворининг устидаги лой билан бостириб чиқилган хас, янтоқ ва ҳ.
**пәйгә** (Ком., М-т., Уйш.) қудуқдан сув тортиш учун қўшилган ишчи ҳайвоннинг бориб қайтадиган йўли.
**пәйрә: :**(В.-Ш., Ктб., Шҳр.) пиёда юрувчилар учун қилинган катта йўлнинг четидаги сўқмоқ, тротуар.
**пәйхън** (Ншк.) //пәйхун (Кой.) ишчи ҳайвон билан янчилган ғаллани бир марта совуриб сомони ажратилгандан кейин қайта янчиш.
**пәләк**[4] 1. қовун, тарвуз, бодринг кабиларнинг ўсимлиги; 2. К-м. қовун-тарвуз; қовун-тарвуз экилган ер, майдон — бәргә пәләг экилгән, пәләккә кочип чиққан.
**пәллә** (Баш., Қуч.) пишлоқ.
**пә:лә-** (Оммоғ., Ктб.) //пә:нә- (Ншк.) моғорламоқ, пўпанак босмоқ.
**пәнҗә** (Б-т.) //пэнчә (Ктб., Шҳр.) ёш қизлар мунчоқ аралаштириб бўйнига, қўлига тақадиган металл пир-пиракча.
**пәрмуч** (О-қ., Айр.) //тырыш (Ком.) //чәммур (Тат.) ажин, тириш.
**пәрқ-пәрэсэт** (Ктб.) фаросат, зийраклик.
**пәррәк** (Ктб.) юпқа, сийқа, нозик; пәррә:тәңңә сийқаланган танга; бу нэн мунчә пәррәк.
**пәрч//пәрчәбэш** (Ншк., Ктб.) қўшдаги ҳўкизни орқага қайтариб олиш ёки буриб олиш учун ишлатилган ундов сўз.
**пәтъ-бъйрэн** ∞ болуп (Оммоғ.) //пәтәки-пәйтәвә (Ктб., Шҳр.) ∞ болуп жон куйдириб, гирғиттон бўлиб.
**пәшмәк** (Саят) баҳори буғдой.
**пәшшә** (Шҳр., Мак.)[5] чивин (кечаси чақади).
**пешвән//пешвэнт** (О-қ., Айр.) //пэшвэн (Баш.) желакнинг бир тури (енги тикилмай орқада осилиб туради), қ. бэйжеләк.
**пъдънәбърәк** (Ў-қ.) //пудънә бәрәк (Ншк.) қ. буррәк.
**пийэзи** ∞ чепкән (Сав., Жар.) юқори сифатли жундан нафис тўқилган чакмон.
**пъләк** (Ншк.) омоч ўқининг омочнинг орқасидан чиқиб турган пона қоқиладиган қисми.
**пъллә** (Айр., О-қ., Ктб., Сев.) марра (болалар ўйинида).
**пъннък** (Ў-қ.) //поммүк (Ктб.) //поммәк//поммуғ (Кой.) гул ғунчаси; дарахтларда барг чиқариш олдидан ҳосил бўлган куртак; пъннъклә-//поммүклә- ғунча ҳосил қилмоқ, куртакламоқ.

---

[4] Айрим сўзлар бутун территорияга хос ва бир хил талаффузда бўлганлиги учун конкрет ўрни кўрсатилмади. [5] бу ерларда чиввин (Мак.) //чүвүн//чү: :н (Шҳр.) пашша.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**пъччә** (Ншк.. Ктб.) айёр, муғомбир.
**пъшәк** //пишәк мушук.
**пншкәк** (Чеч., К-д.. Ў-қ) кувдан ёғ ажратишда ишлатиладиган асбоб, махсус даста.
**пэдә** ∽ гош (Хай.) қорамолнинг гўшти — улә пэдә гош йэмәйкән, шунно: ме?
**пэйжәмә**//**лэзиме** (Ктб., Сев., Хай.) лозим, лозими.
**пэйпечәк** (В.-Ш.) бойчечак,
**пэпиш** (Б-т,, Ктб.) хом теридан кавушга ўхшатиб пошнасиз қилиб тикилган оёқ кийими.
**пүчәк** (В.-Ш.) //пүйъчәк (Оммоғ.) //қувуғ (Ш.-Б.) //қавухчә (Ктб.) молнинг қовуғи (анат.).
**поқаләмә**//**поқь жини әрәләш** (Ншк., Ктб.) тартибсизлик, пала-партишлик, аралаш-қуралаш бир ҳол — қарәсәм, ҳәммәйәх поқаләмә бол (ив) йэтъпто.
**попықуш** (К-д.) //сәссихпопишәк (Ктб., Шҳр., Қуч.) попишак.

## Р

**рәв** (Сав.) //рэв (К-б.) //зәвәррэв//йуғ (Ктб.) //шэпъл (Оммоғ., В.-Ш.) икки нишабли томнинг ўртасига қўйиладиган йўғон тўсин.
**рәвдэр** (Ктб.) феъл, авзо — рәвдэри бузўғ бугун.
**рәг** (Ктб.) қон томири — рәг урәйкәңки, сорәмәң.
**рәңот** (Мнж.) баҳорда қаттиқ ерларда майса бўлиб ўсадиган ўт — рәңоттың ҳэсылы қоңңурвэш дейилә: ди.
**рәпәкчә** (С-т.) тоғда зина-зина тошларнинг усти.
**рәт бер-** (Чир.) чап бермоқ, эпчил бурилиб қочмоқ — түлки йэман рәт берә: ди.
**рәшә** (Баш., Ктб.) илдиз — чинэдди рәшәси бу.
**рэйиш** бе(р)- //рәй қьл- (Ктб.) розилик бермоқ, кўнмоқ.
**рэслә-** (Хит.) ясамоқ — нэннъ рэсләйдъ, хәмъддъ қаръйдъ.
**рүвәй** (Хит.) //ровәрәй (Ктб.) борган сари, тобора — рүвәй телләб бэрэптъ.
**родә** (Кой., С-т., Оммоғ.) ичак — родәм эғзъмнәң кәйәннәк боллъ.
**рой** ∽ бэ: : р (Ктб.) баҳор фасли, баҳор ойлари, ройи ко$^{х}$ләм (Қуч.) кўклам пайти.
**рохәй**//**рохәк**//**куннә кәлит** (Оммоғ.) қулф ўрнида ишлатилган ёғочдан қилинган асбоб.
**рөпәк** (Ком., Ктб.) тегирмонда ун супуриш учун ишлатиладиган тери парчаси.

## С

**сәйисхэна** (Мнж., Ў-қ., Чеч., бар.) отхона (уч томони девор, бир томони очиқ бўлади).
**сәйқа** (Ктб.) сәвуғу-сайқа совуқ (маъно кучайтирилган).
**сәнлэх** (бар.) //сэйнах (Мак.) қ. дәйрәвэт
**сәннэғ**//**сәннъғ** (Оммоғ.) 4 — 5 қават қилиб эшилган ип.
**сәнэч** (Оммоғ.) //чәнәч (Мнж.) эчки терисидан қилинган чўпонлар халтаси.
**сәнчиғоти** (Қуч., С-т.) тоғда ўсадиган шивитга ўхшаш ўт (истеъмол қилинади), қ. шивит.
**сәрвән** (Сев.) //сәрвәнт (Оммоғ.) қулоқнинг боши.
**сәрғаллэғ** (Ў-қ. Айр.) //сарғалдақ (К-д.) катталиги чумчуқдай, сарғиш, сайроқи дашт қуши.
**сәргъләк** (Оммоғ., Саят, бар.) қ. бэйжеләк.
**сәрдава** (К-д., Қам.) устига уй (уйча) қурилган ҳовуз (бунда сувнинг, бир томондан, тоза сақланиши таъминланса, иккинчи томон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан, ҳовуз устидаги хона сут, қатиқ, гўшт кабиларни сақлаш учун ҳам хизмат қилади).
**сәръмсәғ** (Оммоғ.) юпқанинг бир тури (қуруқ юпқани пишириб, унга қатиқ ёки сариёғ қуйиб ейилади).
**сарымуз** (Ш-Б.) //муз (К-д.) //шөшә (Ктб.) сариқ сумалак (муз).
**сәръ мөччә**//қумусқа (Чеч.) майда қумурсқа, **чумәл** каттаси, **әт мөччә** ундан каттаси (қ. қымысқа, түйә қымысқа).
**сәръсув** (Чеч., Ш.-Б.) //са:рысу (Мак.) //зәддәп (Ктб., Шҳр.) қатиқнинг зардоби.
**сәркәллән** (С-т.. Оммоғ.) ∽ той//сәштойъ (О-қ., В.-Ш., Кой.) соч тўйи.
**сәркәч** (Ком.) бир ёшдан ошган ахта қилинган эчки.
**сәркәр** (Оммоғ.) //қош-қолән (Баш.) қўш ва унга тегишли асбоб-ускуна.
**сәрпәйчән**//**кәлъччән** (Ншк.) калишда, калиш билан, маҳсисиз (қ. қ. ъштәнчән иштонда, иштон билан, шимсиз).
**сәрхәм** ∽ бо(л)- (Хай., Ктб.) бош кўтариб юриб бўлмайдиган бўлмоқ, нима бўлса ҳам ичга ютмоқ, тил қисиқ бўлиб қолмоқ.
**сәссъғмәтәл** (С-т., Тат.) сәссъғмәтәр (Оммоғ.) ансур пиёз.
**сәтил** (Мак., Ў-қ., Қуч) //пәқьр (Ктб., Шҳр.) пақир.
**сәтрәшқун** (Оммоғ.) //чәчрәтқь (Ншк.) майда-майда кўк гуллайдиган ёввойи ўт.
**сә$^{х}$ләп** (Оммоғ.) майда пиёзга ўхшаган тоғ ўти (овқатга солиб истеъмол қиладилар).
**са:т (та)** (Жар.) ғирт, нуқул, фақат — са:т биздиң қышлахты адамлары отырыпты.
**секкәй-** (Жар.) //сисәнә қат- (Ком.) серраймоқ; донг қотиб қолмоқ.
**сыйрақ** (Бат.) молнинг тиззадан пастки қисми (болдири), қ. әчълъг.
**сеп** (О-қ.) қиз томондан куёвнинг қариндош-уруғлари олдига қўйиладиган тортиқ (белбоғ, дўппи, тўн, рўмол ва ҳ.).
**сепәч** (Оммоғ.) салланинг печи.
**сер** (бар.) //сир (Ктб., Шҳр.) //сәри (Мнж.) эски ўлчов бирлигини ифодаловчи сўз у одатда 2,5, 5, 10 рақамларига қўшилиб, тожикча ишлатилган ва ҳозирги ҳисобда 8 *кг* ни англатган — дурумсер//дурумсир//дүрүмсәри 20 *кг*., дә:сер//дә:сир//дә:-сәри 80 *кг*.
**се:ръ** (бар.) қ. мөлә (сутмөлә).
**съзләвуқ** (В-Ш., Ктб.) енгил ярача.
**сыйыр** (К-д.) //сийир (Чеч., О-қ., Ў-қ) //инәк (Ктб., Шҳр., Хай., Сев.) //сигир//инәк (Кой., Қуч.) сигир.
**сыйрықуйруғ** (Ш.-Б.) 1. кўриниши сигирнинг думидай узун бўлиб ўсадиган ёввойи чўл ўсимлиги, 2. қ. кескес.
**сийриқуйруғ** (Кой.) //думигәв (Қуч., С-т., Оммоғ.) қ. сыйрықуйруғ 1.
**сыйтара** (Чиял) хотинларнинг желагига тақиладиган безак (тангача, тангачага ўхшаш).
**сылла** ∽ сы қатты (Чиял) бақрайиб қараб қолди.
**сървънъч** (Ў-қ., Чеч.) //сървъръч (Айр.) //сырбырыч (Ш.-Б.) //ширбирич (Ктб., Шҳр.) ширгуруч.
**съръч** (Оммоғ.) //жъръш (В.-Ш.) //чъръч (Ў-қ.) //чирич (К-б.) //сүч (Кой.) кўпинча мозорларда, камсув жойларда ўсадиган ёввойи ўсимлик.
**ситмөлә** (Ком.) //сүтмөлә (Чеч.) //сокъчәк (Қар.) қ. мөлә//сутмөла.
**сабавсухма** (Ком.) савағич (чўп) нинг бир нечтаси ёрдамида тўқиладиган бир хил гилам.
**савара**//**сәвәрә** (К-д., Ншк.) ғалланинг комбайндан чиққан йирик-йирик сомони.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**савунчақ** (Сав.) //сэпэләк (Кой.) қ. қапқэғ II.
**сэ:дә** (Куч.) сада қайрағоч.
**сэлвар** (Ш.-Б.) жусса, гавда,
**сэлъм** (Сан.) қ. за:т.
**сэмъсә** (О-қ.) вараqи.
**сарысув** (А-қ.) қ. сәрисув.
**сэчәлә** (Ў-қ.) чочиқ (тўйда сочиладиган).
**сүвтешък** (Қ-б.) //сувтешик (Сав., Қом.) қ. әммур.
**сүзгич** (Ком.) //чөлпе (Ктб., Шҳр.) човли.
**судратма//мамашалпыллақ** (К-д.) //ғылвынды//судрәп тартар (Ком.) //ғылмынды (Ком.) //ғьлвъннъ (бар., Ў-қ., Ктб.) //учпишәр (Уйш., Чиял) сариёғда пиширилган юпқа чалпак ичига тайёр сутли атала солиб ёққа ташлаб олинган ёки устига ёғ суртилган таом.
**суққъ** (Тол) одобсиз, бефаросат, суқлик (одам).
**суққол** (Мак., Тол, Чеч., Ў-қ.) //мергәңқол (Куч.) //сыпқол (Ком.) кўрсаткич бармоқ.
**суллъғэш** (Айр) угра ёки оқшоқ солиб қилинган суюқ сутлик овқат.
**сүллүк** (Ўрта, Ктб.) сүллүги қуригән мадори қочган; ҳаракати йўқ (кесатиқ).
**сурпәқэхтъ** (бар.) баҳорда молни қишлоқдан тоққа ҳайдаган пайтлари барлослар ўртасида қўлланган одат.
**сурпәқэхте** (Ктб., Шҳр.) кенжа фарзанд.
**сүрдәк** (Тат.) оддий ўрдакдан кичикроқ ёввойи ўрдак.
**сурмә** (Ўрта) дарёдан балиқ тутишда ишлатиладиган усул (шох, ўтни боғлаб сув сурилади).
**сутқора** (Ш.-Б.) чайланинг ичида чиғ билан айлантириб қўйилган махсус сут қўйиладиган жой.
**сутлама//сытлама** (К-д.) ер бағирлаб ўсадиган сутлик ўт.
**сутумгошә** (Ктб., Шҳр.) қ. кәлът//гошә.
**сөгъштъръш** (Айр.) уриштириш — сөгъштъръш — элъштъръшкә йол қоймәйдъләр.
**соқар** ∽ **булут** (Б-т.) ёмғир ёғмай ўтиб кетадиган булут.
**соқъм** (О-қ.) никоҳ тўйда куёв томондан сўйилган мол (катта-кичик, боқилган-боқилмаган, семиз-ориқлигидан қатъий назар).
**соқум** (Ктб.) 1. сўйиш учун махсус қўлда боқилган мол, от; 2. қ. соқъм (умуман қорамол маъносида) — экки қой, бир соқум берипт[и]лә.
**сөри** (Мак.) ўтовда товоқ-қошиқ қўйиладиган жой.

## Т

**тәб бе(р)-** (Ктб.) баданига сал иссиқ ўтадиган (куйиб кетмайдиган) қилиб оловда қиздириш (масалан, нонни), енгил-елпигина қозонда пишириш (масалан, юпқани, пиёзни, ялпизни ва ҳ.) **тәп(т)** иссиқ — элэв йэхмәң, озини тәпти минәм пишәде.
**тә:вәт** (Ктб.) кўнгил, хоҳиш — эдәмни тә:вәти тэтмәйде; корушкә тә:вәтим йэғ.
**тагбэй** (Сав.) //тагвай (Ком.) омоч билан ер ҳайдаганда ҳўкизни буриб, қайтариб олишда ишлатилган — тагбэй қайт!, **тагвай қылыш** ҳўкизни буриб олиб, изига ҳайдаш.
**тәйпәң тәвэғ** (Оммоғ.) //тэйпэх тэвақ (Мак.) ялпоқ товоқ (лаган) — тәйпәң тәвэғ бэмъ?



www.ziyouz.com kutubxonasi

**тәйхәр//куррә** (Айр.) //тэйхәр (Кой., Баш.) //куррә (Ктб., Шҳр.) хўтик.
**тәкйә//лолавэш** (К-б.) //тәкъйә (Ў-қ.) //тәкйә//йәстъқ (Ншк.) //дастық (Қом., Ком.) //ләлә (Ктб., Шҳр.) лўла болиш.
**тәкйәмәт//тәкнәмәт** (Қом., бар.) гулли кигиз (қ. қ. кийиз оддий, гулсиз, сидирға кигиз).
**тақыйа** (Жар.) қ. кәләпъш (1).
**тә:ллъ** (Оммоғ.) бўхча.
**тамахлав** (Уйш.) //хапавант (Мак., Чеч.) //нэзгәрдэн//хәпәвән (О-қ.) //хапават (К-д.) //хәпәвән (Ктб., Шҳр.) бўйинга тақиладиган (боғланадиган) хотинлар безаги.
**тәниччә** (Ктб.) //тәнчә (Сев.) //тәнуччә (Қуч.) 1. сандалда чўғ турадиган чуқурча; 2. сандал.
**тәнсъч** (Айр.) //тә:сәръ (Саят) //тәншиш//тә:шиш (Ктб.) //тә:синч (С-т.) //тә:съч (В.-Ш.) //тә$^х$ сънч (Ш.-Б.) таксинч.
**тәр йе-** (Ктб.) изза емоқ, уялмоқ — б$^и$рәм тәр йәдим шәргә.
**тара-** (К-д., Сав.) қўчқор томонидан қўйни қочирмоқ — быр қочқар у он қөйди тара:ды, бә:ри қөйди менин қочқарым тарайды.
**тәрәди** (Ком., Уйш., К-д., Қам., Чир., Мак.) тараддуд, ташвиш.
**тәрәтәлә** (Хит., С-т.) //ҳәлвэйтәр (Ктб., Шҳр.) қуюқ, ширин атала.
**тәркәш** (К-д.) хом теридан қилинган чўпонлар идиши (унинг оғзи ёнидан бўлиб, ичига, одатда, чойнак, пиёла солиб қўйилган).
**тәрэн** (Оммоғ.) //тәрән (С-т.) илдизи кўнчиликда ишлатиладиган тоғ ўсимлиги — чукръ тәрэн, суғур тәрэн (оқ гуллайди), гэв тәрэн (қизил гуллайди).
**тәртәнәк//тэртәнәк** (Қуч.) //тэртәнәк (Оммоғ.) //тәртәнәк//тәттәнәк (О-қ., Чеч., Х.-Қ., Сев.) //тэттэнәк (Ктб., Шҳр.) ўргимчак (қ, қ. өргәмчи (Х.-Қ., О-қ.) //өргәмчүк (Қуч.) //ҳорғумчәк (Оммоғ.) ариқнинг лабларида уя қўядиган майда ўргимчак.
**тә:сәръ//эстәнә** (С-т.) //тә$^х$ сәръ (Ш.-Б.) синчли иморатларда эшикнинг остига қўйиладиган ёғоч.
**тә:тийэт қь (л)-** қайта-қайта уқтирмоқ, эслатмоқ.
**таштавақ** (Ком.) //таштавақ (Мак., Қом.) сопол товоқ (лаган).
**тъләв отъ** (В.-Ш.) //мурэт отъ (Оммоғ.) //эшъғот (Тол) нийәт отъ (Х.-Қ.) ёйилиб ўсадиган тоғ ўсимлиги (унинг тагида ёнғоқдай дўмбоғи бўлиб, юзаки илдиз отади, уйнинг деворига, шипига осиб қўйилса, бир неча ойлаб кўкариб туриши мумкин).
**тын** (Чиял) заранг ер.
**тънәвун** (Тат.) //тънэвун (Ўрта, Саят, Оммоғ.) //тунэвун (В.-Ш.) //тунавун (Ш.-Б.) //тунэвкун (Хит.) 1. кеча; тунэвун (Сев., Баш.) //тънәвун (Ншк.) 2. кечадан аввалги кун; тунэвун (О-қ., бар., Айр., Ктб.) 3. 2—3 ва бир неча кун илгари.
**тинмәсәк** (Ктб.) тинмагур — бу кимни бәләси тинмәсәк бәччәйкән тэзә.
**тир** (Сев., Ктб.) 1. тенг, баравар — әнә энн (и) муңнә тир болэткэн йэғэш тэпиң; тър (Ншк.) 2. яхлит текис қарта — шэлъкэрлъккә ългәръ тър қьлънәйдъ, у бъзълмәйдъ.
**тирәкәл//тирә-тирә** (Ком.) //тырайкал//тыра-тыра (К-д.) //търә-търә //коққарға (Чеч., Ў-қ.) кўкқарға.
**тихирлик//тихиллик** (Ктб.) кўролмаслик, инжиқлик; муғомбирлик.
**тэвэдэн** (Оммоғ.) тахтадан қилинган токча.
**тэғэнэхшәм** (Саят) 1. эрта кеча; 2. (В.-Ш.) индин кеча.
**там** (Ком., Уйш., Қам., Чир., М-т., Х.-Қ., Ш.-Б., Жар.) уй, хона.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**тэмчи** (Ктб., Шҳр.) чакка — тэмни йәхши шувэмэгэнэкэммизми, тэмчи тэмиб гәрәң қьлэпто.

**тартқычча**//**пәшәнәвәнт** (Мак.) //тэртқь//пешәнәвәт (Чеч.) //пәшнәвән// //пәшнәвәт (Ктб., Шҳр.) пешанага боғланадиган кичик рўмол (пешанабоғ).

**тэҳә** (Айр.) ошиқнинг бир томони — элчъ, тэҳә, чъккә, пуккә.

**тэ**$^{х}$ **эттэ**//**тэ**$^{э}$ **ттэ** (Ктб., Шҳр.) ҳаттоки.

**ташпатыр** (Мак.) оддий патир (қатпатыр, жәзпатыр фарқланади).

**туванна-** (Сав.) қўй, эчкининг ҳисобини олмоқ, санаб текширмоқ қөйди туваннайды.

**тувуғ**$^{х}$(Чеч., С-т.) //тувуқ (Ш.-Б., Мак.) //тупуғ//топуғ (Ктб., Шҳр.) I. қ. қапқэғ II.; 2. ўйиннинг номи.

**тувчә** (Ш.-Б., В.-Ш., Ком.) //ту:чә (Сав., Қом.) //тухчә (Оммоғ.) иккинчи ёшга ўтган урғочи эчки.

**туғмэй** (С-т.) эчкининг ичидан чиққан чарви ёғнинг эритилгани.

**түйәк** (Ком.) тортиб кетмаслиги учун айрим отларнинг каншарига ботиб турадиган қилиб нўхтага бириктилган тишли нарса (темир).

**түйә қумурсқа** (Мак., Ком.) //ат қумурсқа (К-д., Сав.) //эт мөччә (Ктб., Шҳр.) оёқлари узун-узун қизғиш катта чумоли.

**туйәсъңңър** (С-т.) қарғанәкка ўхшаш тиканли бута (чой ўрнида ҳам фойдаланилади).

**туйәчиши**//**чочәқай** (Сев., С-о,, Х-к.) //тур$^{х}$ мәнъ//туйәч$^{и}$ши (Чеч.) узумнинг бир тури (ҳусайнига ўхшаш, бели боғлиқ учи чўзиқ).

**түйрэвич** (Мак.) ниначининг каттаси.

**тул бевә** (Ў-қ., Ш--Б.) тул (илтифотсизлик маъносида).

